



«Буви ва набира»
Ўзбекистон халқ рассоми
Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ асари

Хурматли журналхонлар!

*2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”
журналларига обуна давом этмоқда.*

*Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи
ташкилотлар ёки тахририятимиз орқали обуна
бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831*

7 / 2023

SHARQ YULDUZI

- ✦ NASR
- ✦ NAZM
- ✦ DRAMATURGIYA
- ✦ MUMTOZ ADABIYOT
- ✦ YOSHLAR DAFTARI
- ✦ JAHON ADABIYOTI
- ✦ ESTETIKA
- ✦ SAN'AT FALSAFASI
- ✦ ADABIYOTSHUNOSLIK

Шарқ юлдузи



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

7 / 2023

Унутилмас лаҳзалар



**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими
Азим СУЮН
(1948-2020)**

Муқова-3



Азим СУЮН ҳаётидан лавҳалар

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар


Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАСР

Муҳаммад САЛОМ



ҲАР УСПОЗНИНИ ЎЗ ИБРИФИ БОР

Эртасига байрамлардагидай безатилган театр биноси ҳар ёқдан келган, кўзларида шодлик, нимагадир интилиш, шавқ балқиган йигит-кизлар билан гавжум бўлиб кетди. Уларга қараб, менинг ҳам руҳимда ажиб бир кўтарилиш кўзгалди. Маърузани ва сўзга чиққанлар фикрларини завқ билан тингладим. Баъзи гапларни ён дафтарчамга ёзиб қўйдим. Шу орада Боёвут туманидан келган ўқувчи қиз – Ҳалима Худойбердиева анжуман қатнашчиларига бағишлаб, таъсирли шеър ўқиди.

НАЗМ

Санобар МЕҲМОН



ИШҚ ДАШТИ

Ишқ нима деб мендан сўрама,
Набийларнинг хилвати ишқдир,
Валийларнинг суҳбати ишқдир,
Ёху деган каландарларнинг
Дил қонининг шарбати ишқдир.
Ишқ нима деб сўрама мендан,
Ҳофиз севган Мусалло ишқдир,
Бедил қилган тавалло ишқдир,
Гар Румийдир мубталойи ишқ,
Навоийдан муддао ишқдир.

ИЖОДИЙ ҚЕЊАШЛАРДА

Машхура ШЕРАЛИЕВА



*БУЙУННИ ШЕЪРИЯТНИНГ
ЛИРИК ҚАҲРАМОНИ КИМ?*

Кузатишларимиз асосида, ҳозирги ўзбек шеъриятида учта асосий оқим бор, деган хулосага келиш мумкин.

Биринчи тоифа шеъриятнинг лирик қаҳрамонини “ўз ичига чекинган, ўзини тафтиш қилаётган одам” деб таърифлаш мумкин. Бу шеъриятда турланишга мажбур қиладиган ижтимоий воқеликда парчаланиб кетаётган, ўзлигини шеър орқали бутунлаб олишга интилаётган лирик субъект бор. Шоир шахсияти турланмаяпти, парчаланиб кетяпти ва шоир шеърда ўзини яна бутунликка келтириб оляпти.

Носиржон ЖЎРАЕВ

НАЗМ

*ҚЎҚСИМ ИЧРА БИР
МЎХАББАТЛИ ХОПЛИРИ*

Ёмғир шитирласа – исмим лабингда,
Шамол шивирласа – эсдим лабингда,
Улкан соғинч бўлиб ўсдим лабингда,
Мен ҳамон ёдимга олмадим, кечир.

Умримиз куз деган бир эртакка жам,
Сендан бир ўй қолди ва юракка ғам,
Жуда зарур эдим келажакка ҳам,
Шунга ўтмишингда қолмадим, кечир.



Шарифжон АҲМАД

НАСР

САРСОН ИЗАРДИ ЎЗИНИ-ЎЗИ

Уни ўз бағрига олган бу шаҳар ўз ҳолича яшашда давом этар, мана шу давомийлик ичра ўзгаришларга дучор бўлаётгандай кўринса ҳам, бўруну тўфонлар етказган талафотларга ҳам қарамасдан, аслида кеча ва аввалги кунлар қандай бўлса, бу шаҳар барибир ўзгаришларсиз – ўз ҳолича қолаётган эди. Фақатгина кундалик ташвишлар етовида кезинаётган одамлару турли русумли автолар, йўл четида саф тортган дарахтларга дам-бадам гуррос кўнаётган қушлар галаси сароб каби хаёлий бу тирикликка ҳаракат ва фаолият бағишлаб тургандек эди, холос.




Менгнор ОЛЛОМУРОД

МАҚТИБЛАРДА БОРДЕК ҲАҚИҚАТ

НАР НАРГА ИНИЛАДИ

Шу йўсинда таклифим бор: Шукур Холмирзаев асарлари-ю китобларини кутубхоналар, газета-журналлардан ким излаб топиб, ўқиса ўқир... Лекин Шукур аканинг “Ёзувчи ким?” мақоласини ҳеч бўлмаса, урғу бериб айтгим келаяпти, ҳеч бўлмаса ҳар йил битта адабиёт газетаси ёки журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ми, “Китоб дунёси” ёки “Шарқ юлдузи” бериб бориши керак. Сиз бу мақолани бир ўқиб кўринг-да! Гофилликдан уйғотади. Виждонни жонлантиради. Қалам тутган одам бунда-а-ай ўйлаб қолади...





Азим СУЮН

Мен сени тоғларга олиб кетаман

Тутқун

Ғанимлар таҳқирлаб бешафқат,
Онангдан айрилдинг, дедилар.
Тутқуннинг кўзида, бетоқат,
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.
Кўзёшлар боиси – ғам, алам,
Ёрингдан айрилдинг, дедилар.
Кўзига боқдилар шод, хуррам,
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Мағрур қолди мағрур бош.
Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
Ватандан айрилдинг, дедилар.
Ва унинг кўзида сўнгги дард –
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар.
Қатра ёш...
Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!

Бир сир бор

Бир сир бор кўнглимда айтилмаган,
Бир анор... донаси ситилмаган,
Оқ қоғозга ҳатто битилмаган,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!

Азим СУЮН – (1948–2020). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Менинг осмоним”, “Зарб”, “Замин тақдири”, “Хаёлот”, “Зиё йўли”, “Жавзо”, “Олис тонглار”, “Куйганим – Суйганим”, “Қора кўзинг сенинг”, “Сарбадорлар”, “Сайланма”, “Ўзлик”, “Шарқ ҳикмати”, “Эй, дўст”, “Ватан фасллари”, “Муҳаббат ҳайратлари”, “Танланган асарлар” (7 жилдлик) номли китоблари чоп этилган.

Токқа айтсам уни тоғ ёрилар,
Гул излаган каби боларилар,
Ундан чиқиб келар гулпарилар,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!
Сунбуланинг суви гулобдир-ку,
Маст бўлурсан ичсанг шаробдир-ку,
Асли ҳаёт сири офтобдир-ку,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!
Йирткич йўлбарс унга эл бўлади,
Булбул куйлаб-куйлаб сел бўлади,
Ким ошнодир, чиндан йўл бўлади,
Бир сир бор, эй Чечак, эй Гул!
Бу кун, Азим, жабрин тортадурман,
Азоб дардин чекиб ётадурман,
Фақат ёлғиз сенга айтадурман,
Сир қолмас, эй Чечак, эй Гул!

Турунюрт

Менга айтинг, чегара нима?..
Мустабидлар топган ўйиндир.
Сузиб борар уфқда кема,
Бутундир Турунюрт, бутундир.
Ота мозий қаърига тортар,
Ким ўзбек, ким қозок, ё хундир.
Юрагимга бир тош зил ботар,
Бутундир Турунюрт, бутундир.
Ҳасратимнинг йўқ эрур чеки,
Турун эли битта будундир.
Қондошлар қон тўкишар, лекин
Бутундир Турунюрт, бутундир.
На-да Бишкек, на Бухоро у,
На Ҳирот, Марв на Истанбулдир.
Ёлғиз яра, ёлғиз даво у,
Бутундир Турунюрт, бутундир.
Тарвақайлаб ўсган шох-шабба,
Бир дарахтга айланган кундир –
Кўтаргум мен офтобранг бода,
Бутундир Турунюрт, бутундир.

Ҳайрат

Айланур ел, айланур ер, даври даври айланур,
Айланур кун, айланур тун, кун-тун инсон айланур.
Кўнгил кўзи бирла, оҳким, боқсам дунёга, ёрон,
Умрим йўлин паст-баланди мисли тўзон айланур.
Тоғу тошни қушдай севдим, кўрдим даралар аро,
Тўрт томонга ўзни ташлаб ваҳшат бўрон айланур.
Чарх иши боқий жафоми, дашту саҳрога тушсам,
Минг сайёднинг дастидан бир оҳу сарсон айланур!

Яхшилиқни пеша қилдим – отамдан мерос, ахир,
Ай, лекин теграмда доим нечун шайтон айланур.
Етар, қора булутлардан тип-тиник дурлар ёғар,
Бошинг узра ваҳм бирла гарчи ёмон айланур.
Азим Суюн, ёдда тутгил, ёлғиз Тангри – подшоҳинг
Ва Ойгулинг ёнингдадир, бахт шу – имкон айланур.

Билмай қолибман

Кимнидир йиғлатиб, кимни кулдириб,
Бойчечак чиқибди қирни тўлдириб,
Бир оқ атиргулга мени суйдириб,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.
Юлдузлар учибди, кўчибди ойлар,
Ўзанин ўзгартириб тошибди сойлар,
Қаёққа кетибди мен билган жойлар,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.
Насимлар эсибди ўйлар мисоли,
Бирдек ширин ҳаёт заҳари, боли,
Менга насиб этмиш ул гул висоли,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.
Йиллар оқар, оқар, огоҳ бўл, Азим,
Умр қаён қалқар, огоҳ бўл, Азим,
Ким у, эшик қоқар, огоҳ бўл, Азим,
Баҳор ўтганлигин билмай қолибман.

Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Туркум

Сени танидиму муҳаббат,
Танидим гулларнинг исмини.
Сени танидиму муҳаббат,
Яшашга тутиндим сиғиниб.

Сени танидиму муҳаббат,
Тушундим булбуллар навосин.
Сени танидиму муҳаббат,
Англадим кўзёшлар савдосин.

Сени танидиму муҳаббат,
Қарғадим ортдаги умримни.
Сени танидиму муҳаббат,
Қизиқ... яшамаган эдимми?

Сени танидиму муҳаббат,
Билдим: сув, ўт, тупроқ, ҳавоман.
Сени танидиму муҳаббат,
Севинчман, беморман, давоман.
Сени танидиму муҳаббат,

Катта-катта очдим кўзимни.
Сени танидиму муҳаббат,
Танидим, танидим ўзимни!

* * *

Шамоллар кўзгалди, турди довуллар,
Оламни қоп-қора булутлар босди.
Қоронғулик.
Шамоллар сурилди, тинди довуллар,
Кўк юзи оқариб, аста ёришди.
Оқлик, оқлик.

Оқ, оқпар кундузлар қоронғу бўлди,
Шамоллар хор-хасни отди юзларга.
Кўр бўлди кўзлар.
Қоронғулик.

Қоронғу кечалар қарайиб ўлди,
Ойдин ел таралди дала-тузларга.
Очилди кўзлар.
Оқлик, оқлик.

Ҳаётимга нурдек кирдинг, муҳаббат,
Йўл бошла, йўл бошла энди сен фақат!

* * *

Қайдан сени учратдим, оху,
Ҳаёт гўё абадулабад.
Зулумот йўқ, бор фақат ёғду,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оху,
Умр – ўлжа, бу дунё – сайёд,
Юрагингда жодугар уйку,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оху,
Ҳам шафиқсан, ҳамда бешафқат.
Яшамок – бол, яшамок – оғу,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

* * *

Жизғанақ саҳролар, даштларда қолдим,
Бир қултум сувга зор, ташналаб толдим.
Чанқоғим қондирди мисоли шарбат,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Қаҳратон шимолнинг аёзин тотдим,
Тўнган тарашадай ётдим, муз қотдим.
Ўлмадим – танимга берди ҳарорат –
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Етти ёт, бегона юртларда кездим,
Лекин ўз юртимда юргандай сездим.
Ортиқ, қолдирмади шафиқ, бешафқат –
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Юрагим – бевафо, бевафо – қадрим,
Муаллақ дунёда муаллақ қолдим.
Қаддимни тик тутди вафодор ҳаёт –
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

* * *

Қўқданми, ғайбдан садолар келур,
Олис диёрлардан нидолар келур,
Гоҳ қийқирик, гоҳи видолар келур,
Гоҳ саркаш, гоҳ сарин саболар келур,
Навоийдан ўтли наволар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Ҳайрона, вайрона тутурман қулоқ,
Нурга ошиқона шивирлар булоқ,
Даштларда ёнгудай куйлар зарғалдоқ,
Қарайман, кошимга саҳролар келур,
Саҳрои Кабирга дарёлар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Тоғни ёриб чиққан гиёҳни кўрдим,
Денгизни кўтарган қиёқни кўрдим,
Бир фидо дарахтнинг қошида турдим:
Дуторлар, танбурлар, сетолар келур,
Бахшилар, сўзонлар – дутолар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Воҳ, қандай дунё-ей... Узролар келур,
Спаретра, Лайли, Зухролар келур,
Даврондин юзлари “қаро”лар келур,
Фақат сен келмайсан?! Зеболар келур,
Озор ўлкасидан Севдо¹лар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Мажнунларга эл бўлибон куйлайман,
Оқинлардай сел бўлибон куйлайман,
Куз гулидай гул бўлибон куйлайман,

1 Севдо Рамиз қизи — Озарбайжон эстрада кўшиқчиси.

Суйиб елган ел бўлибон куйлайман,
Куйиб кулган кул бўлибон куйлайман;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

* * *

*Тоғлар – поклик юрти, болам,
кезармисан?..*

Халқ қўшиғидан

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Қадринг шунда билгай ғаламис шаҳар.
Зилол чашмаларга сени элтаман,
Сочларингни ювиб тарайсан сахар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.


Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Қувиб етолмагай иркит ғийбатлар.
Ҳилол какликларга сирдош этаман,
Қурурсан улар-ла гўзал суҳбатлар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Озор бермас унда қўнимсиз ошиқ.
Шаънингга бир тоза қўшиқ битаман,
Ҳеч бир сўзон такрор битолмас қўшиқ.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Сени “Йўқ...” деганлар доғда қолурлар.
Сендан кулганларга кулиб ўтаман,
Ортингдан бир куни фарёд солурлар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Сени тутиб қолар на зару ришва.
Қўлларинга сўлмас гуллар тутаман,
Сен борсан! Сен поксан! Сен бир фаришта!
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Мен сирман – асрагум, жоним, муҳаббат!
Ёдда тут, мен сенга бир сўз айтаман,
Сенга чин ошиқлар етурлар фақат!
Мен сени тоғларга олиб кетаман.



**Муҳаммад
САЛОМ**

Ҳар устознинг ўз йўриғи бор

Эсседан парча



Кўп йиллар аввал бир йиғилишда: “Устозингиз ким?” деб сўраб қолишди. Бу ҳақда илгари сира ўйлаб кўрмаган эканман, дафъатан жавоб тополмадим. Сал ўтгач: “Бирор ижодкорни устоз деб баҳридан тутмаганман”, дейишга оғиз жуфтладиму шу он фикримдан қайтдим. Бу гап олифталикдай, манманликдай туюлди. Яна ўйлаб, ўз ҳақиқатимни айтдим: “Устозларим – китоблар, ҳаётдан олган сабоқлар...”

Аслида ҳам шундайку-я, лекин ҳаётингиз йўлида борар ва излаган манзилингизда маёқ бўлиб ўзига чорлаган зотлар-чи, деган ўй ҳаёлимни чулғаб олди. Кейин шу хусусда фикрлашда давом этдим.

Болалигимда ҳудудимиз ва унинг атрофларидан етишиб чиққан, эл-юртда ном қозонган бирор киши ҳақида эшитиб қолсам, ишнию ўйинни, ўқишни ҳам йиғиштириб, ул зот ҳақидаги фикрларни тинглашга ошиқардим. Мени, айниқса, шоиру ёзувчилар, журналистлару олимлар ҳаёти кўпроқ қизиқтирарди. Улардан Садриддин Айний, Йўлдош Муқимов, Нурмуҳаммад Турмуҳаммедов (Нурбек), Асад Нуруллаев, мактабимизда биздан олдинроқ ўқиган Мурод Халил ва Айнийнинг жияни Юсуф Ақобировлар фаолияти ҳақида била олганларим мени порлаб турган ёғду каби ўзига чорларди. Чунки ўзим ҳам адабиётга, китобга қизиқиб қолган, мактаб деворий газетасидан бошланган “фаолиятим” олтинчи синфда ўқиб юрган чоғларимда туманнинг “Колхоз ҳақиқати” рўзномасига туташган эди. Ушбу газетада чиққан биринчи хабарим мени самоларда кездирган бўлса, ажаб эмас.

Кейинчалик туйғулар мавжланиб, ўнинчи синфга ўтганимда аниқ қарорга келдим – журналист бўлишга қарор қилдим. Аммо бу ниятни қандай амалга оширишни ҳали билмасдим. Йўл-йўриқ, маслаҳат керакка ўхшарди. Шунда жозибали асарлари мени маҳлиё этган Йўлдош Муқимовга хат ёздим. Жавоб келмагач, синфдошимдан манзилини сўраб олиб, унинг акаси, болалар шоири Нурбекка мактуб жўнатдим.

Муҳаммад САЛОМ – 1938 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Мени кечирсанг бас”, “Кечирим”, “Юракдаги излар”, “Тошлоқдаги хазина”, “Севги тори”, “Иқрор”, “Шифобахш кўллар”, “Довул” каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари нашр этилган. “Мувозанат”, “Нажот”, “Катта хонадон” номли романлари чоп этилган.

Кутилмаганда тез, самимий жавоб олдим. У зотнинг ёзма маслаҳати бўйича ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетнинг журналистика бўлимига ҳужжат топширдим. Бир ўринга салкам йигирма йигит-қиз имтиҳонга кирибмиз. У вақтларда олтита фандан имтиҳон олинарди. Баҳоларим салмоғи енгиллиги сабабли ўқишга қабул қилинмадим. Аммо Муқимовдай қаламкаш, Нурбекдай ижодкор бўлиш фикридан кўнгил узолмадим. Шу ҳаёлда бўлажак қаламкашлар сафида тўрт ойча эркин тингловчи сифатида дарсларда қатнашдим. Менга ўхшаганлар кўп эди. Шунини ўйлаб, бу тарзда мақсадга эришолмаслигимни тушуниб, кишлоққа қайтдим, ўз мактабимда ёшларга етакчилик қилиш билан бирга кўрганларимни ёзишга киришдим. Битикларим газеталарда чоп этилар, радио орқали эшиттирила бошланганди. Лекин ҳали ҳам Йўлдош Муқимов назарига тушмаган, у киши билан учрашиб, фикр эшитмаган эдим. Кўнгил шунини истарди...

ЙЎЛДОШ МУҚИМОВ СЕҲРИ

1958 йил куз ўрталарида пахта теримидан – ҳашардан икки кунга жавоб сўраб, кишлоққа келдим. “Бухоро ҳақиқати” газетасини варақладим. Ажиб ўзгаришлар: шаклан аввалгидан икки барабар катталашган, мазмунан бошқачадай. Ажабланиб, сўнгги саҳифага қарасам: бош муҳаррир – Йўлдош Муқимов! Ажабландим: севинишни ҳам, ачинишни ҳам билмадим. Ҳаёлим кўкида Йўлдош ака учун бу кичкина ишдай, у киши жуда ҳам кенг, республика миқёсидаги катта одамдай кезинар эди. Ва воҳамизнинг бу йирик газетасининг бир неча сонидан янги муҳаррирнинг бизнинг ҳаётимиз, Бухоро табиатини қанчалик меҳр билан, эркин таҳлил этгувчи, янгича руҳдаги бадиий мақоласини ўқигач бу фикрим янада мустаҳкамланди. Чунки илгари туману вилоят рўзномаларида бунақа, қўшиқдай оҳангдор, ёқимли бирор нима ўқиганимни эслаёлмасдим.

Ногоҳ муаллифни кўришга имкон туғилганидан суюниб, дарҳол Бухорога йўл олдим.

Таҳририятнинг колхоз бозори ёнида жойлашган, бир неча хонадан иборат, эскигина биносига киришим билан йўлақда, кутмагандим, таникли журналист ва шоир Мурод Ҳалилга дуч келиб, тагин ажабландим. У киши туманимиз рўзномасида масъул котиб бўлиб ишлар, иккаламиз ҳамкорликда бир неча мақолаю лавҳалар ёзган эдик. Мурод ака ёзганларимни матбуотдан кузатиб юрар экан, ўқишни битириб, газетага ишга ўтиши ҳамон мени суриштирган, учрашгач, хилма-хил мавзуларни ёритиш учун кишлоқларга жўнатарди. Баъзи, анча муҳим, мураккаброқ мавзуларни бирга қоралаганмиз. Қолаверса, ўзимизга яқин Самарқанддаги университетда ўқишимга ҳам шу инсоннинг ташвиқлари муҳим хизмат қилган. Ҳатто, кириш имтиҳонлари топшираётган пайтимизда таътилга чиқиб, қариндошининг ўғли Азимжон ва менинг ортимдан шаҳарга борган. Ўқишга қабул қилинган чоғимизда ғоятда қувонган.

Айни дамда... лабда сигарет, сочлар тўзгиганроқ, қўлида машинкадан чиққан бир неча саҳифали қоғоз... бошқа хона томон ўтиб борарди. Мурод ака мени кўриб, сигаретни ҳовли томон иткитдию иккала қўлини баланд кўтариб:

- О, азизим! – деганча бағрини очди. Қучоқлашиб кўришдик.
- Шу ёққа ишга ўтдингизми? – деб сўрадим у кишидан.
- Йўлдош ака қўймай олиб келдилар, газетани ҳамма ўқийдиган қилишимиз зарур, дедилар. Маданият бўлимини юкладилар.
- Зўр-ку! Табриклайман! – дедим, аммо ихтиёрсиз хомушландим.

– Йўлдош акадек кучли ижодкор учун... – дея каловландим.

Мурод ака нима демоқчи эканлигимни тушунди шекилли, дарҳол изоҳга ўтди:

– Вилоятнинг бош газетаси – жуда муҳим ўрин! Кўп режалар қилиняпти...

Қалами ўткир ёшларни ишга тортиш керак дейдилар. Тошпўлат Ҳамидни ҳам ўзларига ўринбосар қилиб олдилар.

– Ажойиб ишлар!

– Сиз ҳақингиздаям гапирганман.

Қизиксиниб, ютиндим...

– Айтганча, – Мурод ака бирдан жонланди. – Домламиниз, нафақадаги кекса педагог Зариф Шарипов ҳақидаги очеркингни тайёрлаб қўйдим. Яхши!

– Йўлдош ака ўқидиларми? – шошиб сўрадим.

– Йўқ, энди... Маъқул бўлишига ишонаман...

Шу чоғ сал наридаги хона эшиги очилиб, бошига сурмаранг шляпа кийган, кичикроқ жуссали, қорачадан келган, хушбичим киши чиқиб, биз томон йўналди.

– Ана, ўзлари... – деди Мурод Халил энтиккан каби, жонланиб.

Аввал анқайдим, сўнг хушёр тортиб, сал энқайганча салом бердим. Бош силкиб, алик олдилар. Ўйлашимча, у кишининг қиёфаси бошқачарок: бўйлари баландроқ, юзлари оқиш ва дўмбоқ, кўзлари сокин, укалари – биздан бир синф куйида ўқиган Комилжон каби кулиб тургувчи бўлиши лозим эди. Йўқ, кўзлари ўйчан кўринсада, вужуддан шиддат, ғайрат, кичик жуссадан салобат ёғиларди.

– Мен мажлисга, обкомга кетаяпман, – деди бош муҳаррир менга бир қараб олиб, ходимига юзланди. – Зарур бирор гап йўқми?

– Йў-ўқ... – Мурод Халил тараддудланди, сўнг мени кўрсатди: – Бу йигит – Муҳаммаджон Саломов. Фаолларимиздан, – деди кўтаринки овозда. – Самарқанд давлат университетида шу йил ўқишга кирди. Филологияда ўқияпти...

– Ҳм... Яхши... – Йўлдош ака қайта юзланиб, менга қўл чўзди. Қўлимдан тутиб турганча сўзида давом этди. – Кўп ўқинг, айниқса, буюкларни. Ёзишни сира қанда қилманг...

– Собиқ муаллими Зариф Шарипов ҳақида тузуқкина очерк ёзибди, – гап қўшди Мурод ака. – Тайёрлаб қўйдим.

– А? – Муқимов ишонқирамаган каби кўзларини катта очиб, менга қаради. – Ажойиб одам у киши. Мен директорлигимда мактабда бирга ишлаганмиз. Йўлим тушиб, ўн кунча аввал кўрувдим. Уйлари яқинидаги қабристонни ўт-ўланлардан тозалаб юрган эканлар. Мункайиб қолибдилар.

– Сигирлари, эчкилари бор... – дедим палағда овозда. – Уларни боқиш... Ширчайи яхши кўрадилар, қатик ичадилар...

– Оҳ, яхши кузатиш! – Йўлдош ака кулиб, кифтимга уриб қўйди. – Қари билганни пари билмас дейдилар. Хўп, яна гаплашамиз...

Аммо “яна” гаплашолмадик. Икки кунлик муддат тугаган, мен шошардим. Фақат баҳорги таътилга келганимда билдимки, Йўлдош ака жуда катта ишга кўтарилиб кетибди: “Правда” газетасининг Ўзбекистондаги махсус мухбири этиб тайинланибди!

– Ўҳ-ҳў, зўр-ку! – дедим ҳаяжонланиб. Назаримда, энди “гаплашиш” у ёқда турсин, сояларини ҳам кўриш мушкулдай туюлди. Жаҳоннинг энг кўп нусада чиқадиған, обрўси баланд нашрларидан бирининг ходими-я! Ҳазилакам гапми бу? Энди у киши билан тушингдагина кўришасан, деб ўйладим ўзимча.

Ҳар қалай, хаёлий туш кейинроқ рўёбга айланди...

Унгача мен ўқишни тугатиб, икки ярим йилча Мурод Халил (ўйласам, матбуот

соҳасидаги илк устозим) билан “Бухоро ҳақиқати”нинг маданият бўлимида фаолият олиб бордим. Қарийб бир йилча муддат ул зотнинг ижара уйида, бирор қийинчилик тортмай, бирга яшадим. Ишда ҳам, уйда ҳам Йўлдош Муқимовнинг ёзганларини биргаликда ўқир, таҳлил этардик.

* * *

“Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетасининг адабиёт бўлимида, катта адабий ходим бўлиб эндигина иш бошлаган пайтим. Нашрнинг навбатдаги сони чиқишига масъул – навбатчи эдим. Биз газета корректурасини ўқийдиган хонанинг юқорироқ каватида “Правда” рўзномасининг иккита хонаси бор эди. Бир бинода эдик. Йўлдош акани кўргим келиб, орадаги бўш вақтдан фойдаланиб, тепага кўтарилдим. Қандайдир фикр олишув ё мунозара бўлганми, бир неча киши хонадан чиқиб келар, Йўлдош ака уларни кузатар экан, менга кўзи тушиб:

– Э, келинг, келинг, Муҳаммаджон, – дея нимтабассум ила қўлимдан тутиб, ичкарига бошлади. Лол қолиб, вужудимни ҳаяжон қоплади: беш-олти йил аввал, лаҳзалик учрашув, қисқагина гап-сўзлар, менинг қиёфам, исмим... во ажабо, наҳотки танийди? Эслайди? У кишига ҳайратланиб боқдим. Сассиз саволларимга жавоб қилмай, Йўлдош ака ўзимдан сўради: – Қачон келдингиз? Бухоро, дўстлар омонми?

– Телефонда Мурод ака билан гаплашувдим, ҳаммалари соғ-омон, – дедим хотиржам оҳангда. – “Ёш ленинчи”га ишга таклиф этишувди, иккинчи январдан ишлаяпман, Йўлдош ака. Бугун навбатчийдим, сизни бир кўрай, деб...

– Ў-ҳў! Билмабман... – Йўлдош ака эндигина ўтирган курсидан қайта турди-да, қўлимни олиб, қаттиқ сикди: – Табриклайман! Яхши иш бўлибди!..

Сухбатимиз яна қисқа кечди: мен масъулиятли навбатчиликка шошардим, Йўлдош акани ҳар ердан келган шикоятчилар, мухбирлар кутарди.

– Уйга боринг, бафуржа гаплашайлик, – деди “Правда” мухбири ўрнимдан қўзғалганимда. – Богдан Хмелницкий кўчаси, қирқ А, узунчок уй. Чорраҳада.

– Ўша уйни биламан, Йўлдош ака, – дедим кувониб. – Руставели кўчасининг ўнг ёнида... Мақсим Каримовникида бир кеча тунагандим.

– Ҳа-ҳа, худди ўша уй! – деди жонланиб Йўлдош ака. – Бизники ўртароқда. Боришдан аввал қўнғироқ қилинг...

Кейинчалик у уйга кўп марталар бордим, уй соҳиби билан ака-укалардай иноқлашиб кетдик. Кенг, ёруғ, шинам хоналарга ҳавасланиб боққанман: “Менга ҳам шунақа уй насиб қилармикан?” Бирок, сўнграқ бу ҳавасдан қайтганман: шундай “ғаройиб” масканни ҳаёлимдаги улуғ одамга раво кўргим келмаган. Бир марта, мавриди келиб, кўнглимдан кечган ўйни у кишига очгандай бўлдим.

Гап шундаки, Йўлдош ака тез-тез шамоллаб турар, бод-артрит дардидан қийналар эди.

Бир гал:

– Уйингиз жуда ажойиб, Йўлдош ака, – дедим дангал. – Лекин унчалик ўрнига тушмаган.

– Ҳа-а, нимага? – уй эгаси менга таажжуб ила қаради. – Бу уй шаҳарнинг энг қулай ерида жойлашган, бугунги куннинг мухташам биноларидан бири.

– Тўғри. Лекин трамвай, троллейбус, автомашиналар шовқини бўйича ҳам олдинги ўринда турса керак. Улардан чиқадиган ҳидлар, тутунлар-чанглар...

– Во, топдингиз! – деб Йўлдош ака ўнг қўлини баланд кўтариб, туширди. – Ҳа, буни биламан. Уйқум кўп бузилишига шулар сабаб.

– Албатта-да, – тасдиқладим. – Ҳаловатсиз уйқудан ором олиб бўлмайди, соғлиққа зиён.

– Худди шундай. Шаҳар раҳбари Нишоновга ҳам бунӣ эслатувдим.

Орадан қанчадир вақт ўтди. Катта амалдорлар каби Йўлдош Муқимов ҳам ҳар жиҳатдан қулай, нисбатан осойишта, кўп хонали, муҳташам уйга кўчадиган бўлди.

Мулоқотларимиз у кишининг янги уйларида давом этди. Дам олиш кунларида баъзан сим қоқиб, ўзим борар, гоҳида ўзлари йўқлардилар.

Назаримда, Йўлдош Муқимовда бўш вақт деярли бўлмас, ҳамиша банддек кўринар, уйда ҳам тез-тез меҳмон кутилар эди. Аня янгамиз менда жуда камтар-камсуқум, суҳбату гурунгларга сира аралашмайдиган, эрига меҳрибон, лаззатли таомлар ила хушнуд этувчи пазанда аёл сифатида таассурот қолдирган. Сим қоққан дамларимда янгамиз овозимдан танибоқ, ҳол-аҳвол сўрашар, кейин дастакни хўжайинга узатар эди. Бир куни кимдир, чойхонадаги гурунгдами, ҳозир эсимда йўқ: “Муқимов қишлоқдан чиққан одам, ёзар даражада русчани чуқур билмайди, ёзганларини аввал хотини таҳриридан ўтказади, кейин Масковга жўнатади” деганида уни кескин рад этиб, бунга асос йўқлигини, ҳатто чўлда яшаб, ўзга тилларни она тилидай ўзлаштирган одамлар кўплигини дангал айтганман. Боз устига, Муқимовнинг танишларию дўстлари орасида русий забон кишилар кўпчиликини ташкил этар, меҳмонларнинг аксарияти масковлик қалам аҳллари бўларди. Яна... у кишининг Москвадаги Максим Горький номли олий адабиёт курсини ҳам тугатганини билардим. Шуларнинг ўзиёқ аканинг русчани чуқур билиши, бу тилнинг нозикроқ товланишларини кенгроқ англашини исботлай оларди.

Телефонлар дастидан мулоқотлар тез-тез бўлиниб турар, баъзан қайтадан бошланар эди. Бир дафъа эса... нафас олмай, қотиб қолдим: “Правда” муҳбири республика бош раҳбари Шароф Рашидов билан эркин, худди ёнма-ён ўтирган каби – гоҳ жиддий тортиб, гоҳо хаёл оғушида, сокин гаплашарди. Англашимча, ўшанда гап атрофидагиларни писанд қилмай қўйган, ҳаддидан ошиб кетган бир вилоятнинг бош раҳбари хусусида борарди. Ўша бошқон ҳақида ғалати миш-мишлар юришини мен ҳам эшитган эдим. Ҳар қалай, фикрлар бир ердан чиқди, шекилли, Йўлдош ака маъқуллаб, қўшимча маълумотлар ҳам билдирди. Мулоқот анча узоқ давом этгандай, назаримда мушоҳада тарзида ўтди. Ундан кейин мезбон билан гапимиз унча қовушмади. Уй соҳибӣ хаёл оғушидан чиқолмай қолди. Хайрлашувимиз ҳам хаёлчан кечгандай туюлди... Орадан бироз вақт ўтгач, “Правда” газетасида ўша раҳбар хусусида Йўлдош Муқимовнинг далилларга бой танқидий мақоласи чоп этилиб, анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди, мағрур раҳбар ўз вазифасидан озод қилинди.

Шу ўринда мушоҳада юритиб, ўзимча дейман: Йўлдош аканинг танқидий чиқишларга унчалик хуши йўқ эди. Тўғри, ёмон ҳолатлардан афсусланар, ҳатто ижирғанар, лекин оламга ёйишни, бировни бадномлик ботқоғига ботиришни, эҳтимолки, ўз юртини ёмонотлиқ қилишни истамасди. У кишида табиий ҳиссиёт, шоирона кайфият устувор кўринарди. Шу маънода мен Муқимовнинг муҳбир эмас, улкан ёзувчи бўлишини жуда хоҳлардим.

Фикримни очик айтган дамларим ҳам бўлган:

– Йўлдош ака, менинг назаримда, “Правда” сизнинг энг нозик, энг гўзал онларингизни, туйғуларингизни еб қўяпти, йўққа чиқаряпти...

Дангалроқ, қалтисроқ айтилган гапдан ғоят ҳайбатли одам ранжиши, мени жеркиб ташлаб, уй эшигини очганча, кўчани кўрсатиши мумкин эди. Шу ҳол

хаёлимга келдию эсанкираб, жимиб қолдим. Лекин у зот менга бир дам қараб турди-да, сўнг ўйчан бош силкиди ва:

– Рост айтасиз, – деди. – Буни ўзим ҳам сезаман.

Бу икром мени дадиллантирди, чоғи:

– Бу ҳам керакдир, – дедим “отилган ўқ”ни хаспўшлаб. – Лекин ўқувчилар сиз ёзган ҳикояларни, киссалару романларни кўпроқ ўқиса..

– Э, бу – менинг орзуим... – деди хўрсиниб Йўлдош ака.

– Унда... – мен дарҳол маслаҳат бергим келди: – Ўзимиздан бирор газета ё журнал раҳбарлигини олиб, бадий асарлар ёзиб юрсангиз, яхши эмасми?

Йўлдош ака кулди ва:

– Ихтиёр менда қолибдими, Муҳаммаджон? – деди. Кейин гапни бошқа томонга бурди: – Вақтингиз бўлса, Бухорога бирга сафар қилайлик.

Сергакландим: “Ўринсиз гап айтдим, чоғи...”

* * *

Эслашимча, 1971 йилнинг олтин куз кунлари эди, хонада бировнинг анча хом қўлёмаси устида бош қотириб ўтирардим. Ногоҳ директор йўқлаб қолди. Одатда, катта раҳбарнинг муҳаррирларга иши тушмас, бирор гапи бўлса, бўлим мудирини ё бош муҳаррир орқали билдириб қўярди. Бунинг устига мен нашриёт тавсияси билан яқиндагина Болгариянинг кўплаб шаҳарларида айланиб, дам олиб қайтгандим. У вақтларда чет давлатларда бўлганларнинг ҳар бир қадами кузатиб бориладди. Миямда сафар чоғида нахотки қалтисроқ қадам қўйганман, деган хавотир ғужғон ўйнайди. Аммо Абдулазал Ваҳобов (охиратлари обод бўлсин, адолатли раҳбар эди) мени кулимсираб, очиқ чехра билан қарши олди ва дабдурустан:

– Сизни Марказкомдан сўрашяпти, – деди. – Уларга мурожаат қилувдизми?

– Йў-ўқ... – дедим чўчинкираб. – Уларга ҳеч ишим тушмаган...

– Бўлим мудирини Тўраевнинг қабулхонасига боришингиз зарур экан. Мени номимдан айтинг, ҳайдовчи ЦКгача обориб қўяди. У ёқда сизни кутиб олишади.

– Нимага чақиришгани сизга маълумми, Абдулазал ака? – деб сўрадим юрак ютиб Ваҳобовдан.

– Йўқ, менга ҳеч нима дейишмади. Лекин, қўрқманг, яхши гап бўлса керак.

Дарҳақиқат, қабулхонада мендан бўлак яна бир неча танишу нотаниш – чақирилганларнинг чехраларини кўриб, сал ҳовурим босилди. Мени эса дарҳол ичкарига бошлашди. Бўлим мудирини юзини қалин соқол босган, барваста, малла одам билан тик турган ҳолда нималарнидир муҳокама қиларди. Саломимга иккаласи ҳам қўлимни олиб, ҳол сўрашди. Сўнг бўлим мудирини ҳамроҳини менга таништирди:

– Бу киши Москвадан келганлар, “Литературная газета”нинг бош редактор ўринбосари... – Тўраев кимнинг исм-шарифини айтгани ҳозир эсимда йўқ. – Сиз билан суҳбатлашмоқчи эканлар... – сўнг у меҳмонга мен ҳақимда маълумот берди.

Қўққисдан: “Ажабо... – деган ўй ўтди хаёлимдан. – Шундай улуғ бир газета раҳбарининг менда нима иши бор экан?..”

Ҳали ўзимни ўнглаб олмасимданоқ редактор ўринбосари менга устма-уст саволлар берди. Мен университетни тугатганим, иккита газетада ишлаганим ва нашриётдаги фаолиятим, учта китобим нашр этилгани хусусида гапирдим.

– Понятно, – деди ногоҳ меҳмон сўзимни тинглаб бўлгач. – Я приглашаю Вас на работу в нашем газете.

– Аҳ... – анкайиб қолдим. – К... как?

Улар бир-бирларига кулиб қарашди. Сўнг муҳаррир муовини тушунтирди:

– Как специальному корреспонденту “Литературной газеты” по Узбекской республике...

Шу он “Правда” ҳамда “Литературная газета”да махсус мухбир бўлган буюк Чингиз Айтматов ва ўзимизнинг Йўлдош Муқимовлар, Одил Ёкубов билан Иброҳим Раҳимлар кўз ўнгимда жонландию беихтиёр ҳаяжонланиб, бош чайқадим.

– Ну, что? Не хочется?

– А, я... русский язык плохо знаю, – дедим қизарганча. – Разговорную речь тоже...

– Да-а... – дедию ўринбосар ҳафсаласи пир бўлган каби ҳамроҳига ғалати қаради. Тўраев эса иккала қўлини икки ёнга ёйиб:

– Понятно, он отказывает, – деди. – Что делаем?

Шу билан масала ҳал бўлди, шекилли, бўлим мудири менга:

– Сиз бўшсиз, – деди паст овозда. – Ишингизга бораверишингиз мумкин.

Қабулхонага чиқсам, тиниб-тинчимас олим, таржимон, ёзувчи Маҳкам Маҳмудов эшик ёнида навбат кутарди.

Тўлқинланган ҳолда ишхонага қайтар эканман, воқеалар худди тушимда кечаётганга ўхшар, гоҳо “уйғониб”: “Мен кимману жаҳонга машҳур “Литературная газета” қайда?” деб ўзимга савол берардим. Елка қисардим. Тўғри, ҳикоялариму очерклар китобларим ва “Иқрор” деган қиссам ўша кезларда тилга тушган, учрашувларда қизгин баҳсларга сабаб бўлиб келарди. Бундан кўнглим кўтариларди. Аммо улуг жойга ишга қақирилишимни сира ақлимга сиғдиролмасдим. Кимдан чикдийкин бу фикр? Русча ёзиш... осон эканми? Баъзан нозик, ажиб фикрларни ўз тилингда ифодалаш ғоят қийинлашиб кетадию...

Ҳеч нима бўлмаган каби хонамда дардисар қўлёмани хаёлчан варақлар эканман, хонага директоримиз кириб келганини пайқамай қолибман. Бўшроқ вақтида гоҳо у киши хоналарга кириб турар, муҳаррирлар билан самимий чакчаклашар эди.

АБДУЛАЗАЛ ВАҲОБОВНИНГ ДАДИЛЛИГИ

– Ҳа, нима бўлди, Муҳаммаджон? – деб сўради Ваҳобов ёнимдаги курсига аста ўтирар экан. – Тинчликми?

– Тинчлик... – дедим хотиржам овозда ва рўпарамга кўз ташлаб қўйдим. У ёкдаги курсида муҳаррир Эркин Миробидов ўтирар, раҳбаримизнинг саволидан ажабсинган каби менга кўз тиккан эди.

– Бирор иш буюришдими? – яна сўради директор.

Энди бор гапни айтмай иложим қолмаган эди:

– Мени “Литературная газета”га, Ўзбекистон бўйича махсус мухбирликка сўрашди?

– А? Э, зўр-ку! Табриклайман!

Ҳиссиз кулимсирадим ва:

– Э, бўлмайди... – дедим. – Менга тўғри келмас экан...

– Нимаси тўғри келмас экан?

– Русчада ёзолмайман, – дедим.

– Рад этдингизми? – Эркин Миробидов ишонқирамай, шошиб сўради.

– Ҳа...

Ваҳобов ўйланиб қолди. Мени, чиндан ҳам у ишга лойиқ эмаслигимни ҳис этдим ёки мендай камсукум, аммо ўз ишига масъулиятли бир муҳаррирдан ажрагиси келмадими, дарров фикр билдирмади. Аслида ушбу жамоада мен ўзим ҳақимда ғалати таассурот қолдирганимни яхши тушунардим. Йиғилишларда бирикки русий забон кишини деб ҳамма рус тилида гапирарди. Мен эса гўё атайлаб она тилимда сўзлардим. Сезардим: бундан баъзилар кулар, баъзилар ошқора эмас, пинҳона, секин бош силкиб, маъқуллашарди. Директоримиз эса ҳеч қачон эътироз билдирмаган. Бу одамнинг иш услуби менга ёқарди. Сезишимча, унинг менга муносабати ҳам самимий эди. Аслида, пойтахтга ишга келишимда Ваҳобовнинг алоҳида ўрни бор. У вақтларда Абдулазал ака “Ёш ленинчи” газетасида бош муҳаррир, мен “Бухоро ҳақиқати”да адабий ходим эдим. Ёшлар матбуотида ҳам кўп йиллардан буён фаол қатнашардим...

1965 йилнинг охирилари эди. Бош муҳаррир Облокул Эгамов (жуда танти, мард, дилкаш одам эди) шошилиш тарзда мени чақиртириб қолди. Хонасига киришим билан қўлидаги телефон дастагини менга узатар экан:

– Сиз билан “Ёш ленинчи”нинг редактори Ваҳобов гаплашмоқчи, – деди. У одам билан ҳеч қачон мулоқотда бўлган эмасдим, лол қолганча гўшакка салом бердим. У киши алик олиб, майин овозда фикрини айтди:

– Янги йилдан газетамиз ҳафтасига беш мартадан чиқадиغان бўляпти. Шу муносабат билан сизни ишга таклиф этмоқчиман. Нима дейсиз?

Довдираб қолдим. Пойтахтда, адабий муҳит ичида бўлиш – орзуим эди.

– Бош раҳбарингиздан рухсат олдим... – деган овоз менга далда бўлгандай:

– Майли, – деб юбордим.

– Унда тез орада келиб кетсангиз, яхши бўларди.

– Хўп, – дедиму дастакни бошлиғимизга қайтардим.

– Сизни уларга бермасдим, – деди дастакни қўйгач, у киши менга қараб.

– Лекин ўзим ҳам янги йилдан юртимга, Андижонга ишга кетяпман.

– Э... – дедиму афсусланишними, табриклашними билолмай, бошқа бирор сўз айтолмадим.

– Тошкентга бориб келишингиз учун сизни икки кунлик командировкага юбораман, ортиқча харажат тортманг, укам! Оқ йўл сизга, ижодингиз гулласин!

Тошкентда иш тез битди. Суҳбатлардан сўнг аввалги ишхонамга сўров хати ёзилди. Аммо Ваҳобов шарт қўйди:

– Бир ҳафтадан кейин, иккинчи январда иш бошлайсиз. Етиб келасиз, а?

– Ҳа, – дедим ўйлаб ўтирмай.

Бироқ ишнинг биринчи кунийёқ масъул котиб ёнимга келиб:

– Бугун навбатчилик қилиб берасиз, – деди юмшоқ овозда.

“Дарров-а?” – деган ўй ўтди хаёлимдан. Ҳар қалай, вилоят рўзномасида ишлаб келган мен учун бу унча қийин иш эмас. Лекин ўта масъулиятли саналган навбатчиликни унча хуш кўрмайман: хатолар ўтказмасликка-ку ишончим комил; фақат тундаги ҳарфхўрлик, кейин уйқусизлик азоби... Бир ойда икки марта... Ҳар қалай, чидаса бўлади...

– Саҳифалар қаерда ўкиб, тузатилишини биласизми? – хаёлимни бўлди масъул котиб.

– “Правда Востока” кўчаси, газеталар корпусида. Биринчи қават-а?

– Топиб оламан.

– Йўқ, бугунча сизни обориб қўйишади.

Бироқ навбатчилик жуда оғир кечди. Аввал ҳаммаси кутганимдан ҳам анча силлиқ бораверди. Ҳа демай, соат кечки тўққизлардаёқ газета босилишига рухсат берувчи имзо кўяман, деб хурсанд ўтирибман. Ногоҳ ўта жиддий, расмий хабар келиб қолди: СССР Министрлар советининг раиси А. Коссигин раҳнамолигида Ҳиндистон бош вазири Ганди билан Покистон президенти Бхуттонинг Тошкент учрашуви муваффақиятли якунланган. Уруш ҳолатидаги иккала давлат ўртасида яраш ва дўстона муносабатлар битимига имзо чекилган. Нутқлар, келишувлар... Бу дунё аҳамиятига эга, ғоятда муҳим воқеа... Шубҳасиз, бунақа расмий хабарлар мен учун янгилик эмас: фиркавий газетада кўпларини ўқиб, бир неча бор тонглар оттирганман. Энди... ёшлар матбуотида ҳам давом этаркан-да...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, яна бир синовга дуч келдим.

Душанба куни эрталабки мажлис-летучкада раҳбар Абдулазал Ваҳобов ўз сўзида вилоятларда комсомол конференциялари – ҳисоботлар бошланаётгани, ўта масъулиятли бу ишни газетамизда чиройли ёритиш ҳақида гапириб, ўринбосари Рустам Шоғуломовга сўз берди.

Бош муҳаррир ўринбосари... Олифтанамо, озғин, тажангроқ кўринган бу одамни унча танимас, ёзган бирор нарсасини ўқиган эмасдим. У киши ходимларга масъулият ҳақида эслатиб, ким қайси вилоятга бориши хусусида ахборот берди ва энг аввал менинг исм-шарифимни тилга олди:

– Биринчи конференция индинга, Сирдарё вилоятида бошланади. Бу ишни ёритиш учун Муҳаммаджон Саломов эртага Янгиер шаҳрига жўнайди.

Юрагим дук-дук ура кетди: “Бўлим мудирлари, тажрибали қаламкашлар турганда дастлабки катта тадбирга мени танлашгани ажабми?”

Кечга яқин поездда вилоят марказига етиб бордим. Ҳар қалай, ёшлар марказини кийналмай топдим. Лекин бино арининг уясига чўп суқилган каби ғужғон. Суриштириб, биринчи котибга учрашдим.

Эртасига байрамлардагидай безатилган театр биноси ҳар ёқдан келган, кўзларида шодлик, нимагадир интилиш, шавқ балқиган йигит-қизлар билан гавжум бўлиб кетди. Уларга қараб, менинг ҳам руҳимда ажиб бир кўтарилиш кўзгалди. Маърузани ва сўзга чиққанлар фикрларини завқ билан тингладим. Баъзи гапларни ён дафтарчамга ёзиб қўйдим. Шу орада Боёвут туманидан келган ўқувчи киз – Ҳалима Худойбердиева анжуман қатнашчиларига бағишлаб, таъсирли шеър ўқиди. Бир кундан кейин билдимки, хомлигим панд берибди. Ўқувчи кизнинг бу шеъри мақолам руҳини кўтариб юбориши мумкин экан-а! Қизалоқ билан учрашмаганим учун ўзимни айбладим.

Ўша тунда поездда қайтаётиб, ғоят тантанали ўтган анжуман ишини қай тарзда ёритиш масаласи бутун хаёлимни чулғаган, бирор ечим устида тўхтолмас эдим. Эртаси куни ишга келиб, курсига энди ўтирган эдим ҳамки, масъул котиб Турғун Авазов рўпарамда тўхтаб.

– Қани мақола? – деб жиддий сўради.

– Қанақа мақола?

– И-е, Сирдарёга нимага бориб келдингиз?

– Ҳм... – дея индамай қолдим.

– Ҳозироқ ёзинг, номерга туширамиз. Индинги сонда чиқиши зарур. Бир саҳифа. Редактор топшириғи бу.

Мени хаяжон босди: “Бир саҳифа... Улгурармиканман? Эплотмасам-а?”

Шунда ногоҳ миямда: “Юракларин байроқ қилиб келганлар”, деган ном ярқ этиб, кўзимга кўринди ва ҳали узоқлашмаган масъул котибга:

– Хўп! – деб юбордим. Бунинг устига чап томон тўрдаги устол қаршисида ўтирғувчи соҳа бўлимининг мудири Мухтор Аҳмедов ёнимга келиб:

– Сиз ёзаверинг, мен устидан кўриб, машинкага тайёрлаб беравераман, – дея руҳимни кўтарди.

Дарров ишга киришиб, аввал ўйлаганим бош сарлавҳани йирик-йирик, жимжимали ҳарфлар ила ёздиму тагига тўлқинли чизиқ тортдим. Шунда ҳаёл яна ўргатди: “Энди кичик сарлавҳалар ила давом эттир.”

Иш шиддатли бўлашди. Биринчи қоғозни кўздан кечирган Мухтор ака:

– О-хо, зўр-ку: “Юракларин байроқ қилиб келганлар”, деди кулимсираб. – Бошланиши яхши. Ғайрат қилинг...

Бўлим мудири билан иккаламиз тушлик қилмадик. Мухтор ака менда яхши таассурот қолдирди. У ҳар бир сарлавҳача остидаги бўлимни назардан ўтказиб, машинкага тайёрларкан, мени рағбатлантириб турди. Соат тўртларга яқин иш якун топди. Масъул котиб эса матнни дарҳол босмаҳонага бўнатибди. Мен устидан кўришга улгурмадим. Бундан кўнглим хижил эди.

Эртаси куни ишга келганимда Турғун ака самимий сўрашганидан сўнг:

– Тузук дам олдингизми? – деб сўради. – Чарчоқ чиқдими?

– Ҳа, албатта, – дедим очик чеҳра билан.

– Унда... саҳифангиз чиқаяпти, навбатчилик қилиб берасиз.

– Хўп, – дедим ўйлаб ўтирмай.

Кечга яқин менинг саҳифам корректурасини ўқиб тугатган Ваҳобовнинг чеҳраси хиёл ёришиб:

– Дуруст! – деди мамнун оҳангда. – Бу ёғига шундан пасайманг.

– Ҳаракат қиламан, – дедиму шу он ўқувчи қизни эслаб: “Ўша шеър бўлганида саҳифа янада бошқачароқ бўлармиди...” деган ўй ҳаёлимдан кечди.

Орадан қанчадир вақт ўтиб, ёзганлари менга ёқадиган, анча тажрибали қаламқаш Ашурали Аҳмедов бир куни ўз-ўзидан ёрилиб қолди:

– Яшанг, укам, қотириб қўйдингиз! Ҳеч ким сиздай эшилиб ёзгани йўқ.

Мақтов менга ёққан, яна баъзилар ҳам мақолани табриклаган эсалар-да:

– Йўғ-э, унчалик эмас, – деб ўз “камчилигим”ни айтдим: – Пафосга кўпроқ берилганман. Шошилиб ёздим.

– Ёшлик шуни кўтаради, укам, – дея у елкамга уриб қўйди. – Синовдан яхши ўтдингиз. Асли сизни синаш учун у ёққа ёлғиз юборишган.

– Ҳа-а, – дедиму ўйга чўмдим. Аммо ҳаёт мени яна кўп синовлар гирдобига отишини ҳали билмас эдим. Ҳаётнинг ўзи, юриш-туриш, ютуғу машаққатлар устоз янглиғ йўл кўрсатишини анча кейин англадим. Бунга чидаган ютаркан, тоб беролмаган мағлубият аламини тортаркан. Оллоҳга шукрки, ўзим бирор “жанг”га кирмаганим боис мағлубиятдан омон қолдим. Рост, хатолар мени четламади. Ўша кезларда жуда улуг нашрлардан менга ишга таклифлари тушди. Айни катта раҳбарлар суҳбатидан ўтиш чоғида ўзимни ўнгладим: “Газетанг сени эъзозлаб, Бухородан олиб келсаю икки йилдан сал ўтиб, улардан юз ўгирасанми? Инсофинг борми?”

* * *

Ёшлар нашрида Абдулазал Ваҳобов билан ўн бир йилдан кўпроқ вақт бирга иш олиб бордим. Фаолиятимда кўтарилишлар, ижодимда бурилишлар юз берди, ҳаётим тажрибам тобора ортиб борди. Бунда... Ваҳобовнинг ўрни...

Бу одам хусусида: “Кўнглида кири йўқ, кек сақламайди, яхшилигини пеш қилмайди” дейиш камдай. Самимий, покиза одамлиги чеҳрасидан сезилади. Баъзи раҳбарлар ўзи каби, ўздан ўткир кишини хуш кўрмайди, ўрнини олиб қўйишдан чўчийди ва пайини қирқиш йўлини кидиради. Ваҳобов эса аксинча: қобилияти, келажаги сезилган ёшларни ҳимоя қилиб, асарларига эҳтиром ила қарар, чоп этишга уринар, ҳатто, баъзиларини иккиланмай ишга таклиф этар эди.

Шу ўринда буюк шоир Эркин Воҳидов хотирамда жонланади. “Ўзбегим” шеъри ва тенгсиз овоз соҳиби Шерали Жўраев ижросидаги қўшиғи халқ орасида кенг ёйилиб, давраларнинг асосий мавзусига айлангач, шоирнинг обрў-шухрати ғоят кўтарилиб кетди. Аммо шўровийлик ботқоғига ботган, миллий ўзликдан маҳрум арбоблар бунини ҳазм қилолмай, ижодкорга ҳисобсиз таъна-тошлар ёғдирдилар, шоирни мажбуран ишдан бўшашига эришдилар. Эркин ака анча вақт ишсизлик дардини бошдан кечирди. Шу аснода Абдулазал Ваҳобов иккиланиб ўтирмай, уни бош муҳаррир ўринбосари лавозимига таклиф этди. Кўп ўтмай, бош муҳаррирликка кўтариб, ғоят ибратли иш қилди. Ундан бироз аввал директоримиз таниқли ёзувчи, жасур фелъетончи Худойберди Тўхтабоевни ҳам бўлим мудирлигига қабул қилган, қисқа вақт ичида у кишини юқори бўғин раҳбарликкача етказган эди. Москвадан олий адабиёт курсини тугатиб қайтган, тенгсиз шоира Ҳалима Худойбердиева ҳам айнан ёшлар наشريётидаги қисқа фаолиятдан кейин янада юқори мартабаларга эришгани ҳаммага аён. Лекин уларнинг ҳеч бири ўзини ардоқлаган етакчининг лавозимига кўз тикмаган. Албатта, тантига тантилик ярашади-да...

Яна... Абдулазал Ваҳобовда ўзига хос мулоимлик билан бир қаторда кишига ҳеч бир озор етказмайдиган қаттиққўллигу талабчанлик ҳам баъзан юз кўрсатиб қолар эди: ютуққа эришган ходимни талтайтирмай, ортиқча мактамай, унинг қаршисида янги имкониятлар очилишига рағбат уйғотар, хато қилган кимсани эса ерга урмас, қаттиқ тергамас, аксинча, фикрлашга, ўзини оқлашга чорларди. Танқидни ҳам, мактовни ҳам ҳаддан ошириб юбориш жиддий зарар эканлигини ҳис этарди, чамамда.

Ушбу ёдномани ёзаётиб, тақдиримда муҳим бурилиш кутилган ўша кунни эслаб, яна Абдулазал Ваҳобов хаёлимдан ўтди: “Қандай самимий, покиза одам эди-я?..”

Ўшанда раҳбаримиз нималар ҳақида ўйлагани менга қоронғи. Ҳар қалай, сал ўтиб у:

– Яхши бир имкониятни бой берибсиз, – деди ўрнидан туриб кетар экан. – Русча ёзишни ўрганиб кетардингиз. Хафа бўлманг, ҳали ёшсиз...

ЯНА МУҚИМОВ ХАЁЛ ИЧРА КЕЗАДИ

“Правда” газетасининг Ўзбекистондаги бош муҳбири эндиликда “Марказ-2” деб аталувчи, узун, тўққиз қаватли иморатнинг иккинчи қаватида, олти хонали уйда яшаб, фаолият кўрсатарди. Ўз даврининг сара иншоотларидан саналган бу бинонинг биринчи қаватида “Болалар дунёси”, ҳамма турдаги моллар сотилувчи ҳар хил дўконлар жойлашган, хонадонларнинг эгалари ҳам юртда танилган бош муҳаррирлар, вазирлар, йирик олимлар, катта идораларнинг раҳбарлари эдилар. Ҳатто, Шароф Рашидовдай буюк раҳбарнинг укаси, Чингиз Айтматов асарлари таржимони, ғоят камсукум, камтарин олим Асил Рашидов ҳам уларга қўшни эди.

Муқимовнинг аввалги кенг-мўл, уч хонали уйлари ҳам яланг, палоссиз, тахта-полда шиппакда юриларди. Кейинроқ, улар бу “маҳобатли жой”дан тўрт хонали

бошқа уйга кўчганларида ҳам бирор бир ўзгариш сезмаганман. Лекин олти хонали уйдан нечук кетганлари сабабига қизикдим. “Қимматлик қилди, ҳар ойда палон сўм...” деганлари миямда муҳрланиб қолди. Ҳеч нима деёлмадим. Аммо ажиб ҳовлиларда башанг яшайдиган баъзи қаламкашлар ҳаёлимда жонланди. Улар тинимсиз ёзадилар, қалин-қалин китоблар чиқарадилар. Йўлдош ака эса... “Правда”да ишлаш осон эмасдир-да. Мана, буюк Чингиз Айтматов ҳам “Правда” муҳбири. Қандай зўр нарсаларни кўтариб чиқади. Ҳатто, ўзбекнинг дарди ҳам у улуг одам дилини ларзага солади. Биз у зотни ўз ёзувчимиз, деб санаймиз. Мен Муқимовнинг ҳам Айтматов каби жаҳоншумул асарлар ёзишини хоҳлардим. Жуда! Лекин... билмадим, бирор нима деёлмайман. Назаримда, киришса, ёзишга имкони бор, ҳаёлотининг қамрови кенг эди. Ҳар қалай, шундай, орзулаганимдай жасур ижодкор кейинчалик юртимизда ҳам бўй кўрсатди: буюк қалам соҳиби Одил Ёқубов қизил империянинг пойтахтида, Халқ депутатлари курултойининг нақ минбаридан туриб, жафокаш ўзбек халқининг аҳволи ҳақида бонг урди, бутун дунё аҳлини огоҳ этди. Ўшанда кўзларимдан пориллаб ёш оққан.

ТОШПҮЛАТ ҲАМИД

Бир гал (ўтган асрнинг 80-йилларида) эъзозли юртдошим мени ўзи билан бирга Бухоро сафарига таклиф этиб қолди. Таътилдамиди, бошқа режаларни кўзлаганмиди, буни билмас эдим. Ҳар қалай, бу таклифдан бошим кўкка етган...

Телефонда келишиб қўйилгандирки, Когонда, бош бекатда бизни шоир Тошпўлат Ҳамид ҳазил-хузулу қувноқ чехра ила кутиб олди. У вақтда Бухоронинг эрка шоири вилоят бош раҳбариятида мафкуравий-маърифий ишларни бошқарар эди. У кишини мен ҳам ҳурмат қилар, гоҳида телефонлашиб турардик. Норасмий кутиб олишдан англадимки, йўлбошчимиз ҳам у шоирга меҳр қўйган экан. Бунинг устига, Тошпўлат ака “Бухоро ҳақиқати”да Муқимовга ўринбосар, кейинчалик ушбу газетада бош муҳаррир бўлган. Иккала ижодкор деярли тенгдошдай, ҳатто, сирдошдай туюлар, шоиримиз ҳазилу интим латифаларни ҳам тортиниб ўтирмай, бемалол айтаверарди. Йўлдош ака эса кулимсираб, бош ирғаб маъқуллаб, гоҳо қисқа муносабат билдирарди.

Бизга ажратилган машинада мени олдинга, ҳайдовчи ёнига ўтказишган, улар орқада, ўзаро гурунглашиб боришарди. Баъзан Тошпўлат ака мендан ҳол сўрар, ижодий ишларимни суриштириб қўярди. Умуман, вилоят ижод аҳлининг раҳбари ҳам ҳисобланган бу одам анча ҳайбатли кўринса-да, ўзини катта олмас, мен билан ҳам ғоят самимий муносабатда бўларди. Боз устига, айни кунларда эса роман ёзиш ишқида ишдан бўшаб, одамларни, хилма-хил етакчиларни, қишлоқ ҳаётини синчиклаб кузатар эдим. Устоздек саналган бу иккала ижодкор, очик айтмасалар-да, менинг ҳаракатимга хайрихоҳдек кўринардилар. Балки шу учун ҳам Йўлдош ака мени ҳамроҳликка танлагандир? Сафимизга таниқли шоир ва мафкура етакчисининг ҳам қўшилиши нур устига аъло нур бўлиб, руҳимни кўтарган эди.

Бу одам ҳақида ўйлаб, ногоҳ у билан илк учрашган кунни эсладим кулгим қистади. Унда мен ўнинчи синфни тугатиб, ёзувчилик илинжида кичик жанрлар бўйича машқлар қилиб юрардим. Ҳозир мавзуси эсимда йўк, тигиз ёзилган етти ё саккиз саҳифали, сарлавҳа тагига очерк деб битилган нарсани “Бухоро ҳақиқати” рўзномасига олиб борганман. Ёш йигитчанинг адабий жанр даъвоси бироз ғалати туюлганми, кекса бўлим мудир қўлёзманинг у ер-бу ерига эриниб кўз ташлагач:

– Бу – очерк экан, – деган афтимга бир қараб олиб. – Аввал шоир Тошпўлат Ҳамидга ўқитинг. У одам маъқул кўрса, бизга тавсия этади.

– У кишини танимайман, – десам, бўлим мудири бино ортидаги эшик томон ишора қилган.

Аммо эшик кулф эди. Интиқиб, у ён-бу ён юринқираб, анча кутдим. Бир вақт қоп-қора жингалак сочли, олифта кийинган, ўттиз ёшлардаги, қорача киши кулфга калит солди. Мени ҳаяжон босди. У одам ичкарига кирганидан сўнггина, хавотиру ярим довдираганча юриб, узунчоқ хона остонасида тўхтаб, унга салом бердим. Бош силкиб, алик олгач:

– Келинг, хизмат? – деди гўё мен адашиб кирган каби, таажжуб ила.

– Очерк ёзувдим, газетдагилар сизга юборишди, – дедим тортиниброк.

– А, очерк? – шоир менга яна бир қараб олди-да, ажабсинган оҳангда: – Аввал у-бу нарсалар ёзганмисиз? – деб сўради.

– Мақола, лавҳаларим республика газетларида чиқиб туради...

– Ҳаа... Яхши... – ногоҳ у ҳовридан тушиб, рўпарасидаги курсини кўрсатди.

Ўтираётиб қўлёзмани унга узатдим.

Тиғиз, майда ҳарфларда ёзилган қўлёзмага кўз ташладию уни ўзимга қайтарди ва:

– Ўзингиз ўқиб берақолинг, – деди. – Мен эшитаман.

Бундан хурсанд бўлиб, дарҳол ўқишга тутиндим:

– “Қуёш ғарб томон оғди...”

– Тўхтанг, – деди шоир ногоҳ. Чўчиган каби таққа тўхтаб, унга кўз тикдим.

– Қуёш оғмайди, – деди у дангал, қатъий овозда. – Жойида туради. Ер унинг теварагида айланади.

Лол қотдим. Фикрни англаган эсам-да, қуёш оғиши ерга нисбатан кўчма маънода ишлатилганини айтиш эсимга келавермади. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Энди шахдим синган, ўқишдаги оҳанг ҳам бузилган эди. Кейин нималар бўлди, эслаёлмайман, ҳар қалай, қўлёзма ўқиш бир қоғозга бормай, ўрнимдан қўзғалдим.

– Кўпроқ ўқинг, машқ қилинг, – деган овоз ортимдан эшитилди. – Хусусан, Овечкинга ошно бўлинг.

Орқамга бир қараб олдим у ҳеч нимага тушунмай, елка қисганча йўлимда давом этдим. Ҳаёлимдан ҳадеб: “Бу Овечкин дегани ким бўлдийкин, қаерда ишларкин, уни қаердан топиш керак”, деган сўроқ ўтаверди. Ўша пайтгача рус тилида бирорта ҳам асар ўқимаган, русчани унча тушунмас ҳам эдим. Суриштириб, кейинроқ билсам, шоирлар бошлиғи Москвадаги олий адабиёт курсини битириб келган, кўп ўрис ижодкорлари билан таниш экан. Мен ажойиб очерклар муаллифи Валентин Овечкин ва бошқа буюқларнинг шу жанрдаги асарларини анча кейин ўқиб, сабоқ олган эсам-да, ўша пайтда ўз билганимдан қолмадим, Тошпўлат акага маслаҳатга ҳам бормай, очерк ёзишдан тўхтамадим. Улардан баъзилари, савиясидан қатъи назар, рўзнамаларда чоп этилди.

Дорилфунунни тугатиб, вилоят бош рўзномасига ишга келгач, Тошпўлат Ҳамид билан онда-сонда учрашиб, гаплашиб турадиган бўлдик. Бу вақтларда у киши педагогика институти адабиёт кафедрасини бошқариш билан бирга Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимига ҳам раҳбарлик қилар, обрўси баланд, ҳеч кимга сўзини бермас эди. Шеър ёки мақола олиб келса, бўлим мудири Мурод Халилга ташлаб кетар, мен машинкадан чиққан нусханигина мудирга тайёрлаб берардим. Гоҳида иккала тенгдош шоир бирор сўз ёхуд фикр устида баҳслашиб қолардилар. Баҳс бир неча кун давом этган вақтлар ҳам бўларди. Улардан бири ён бергачгина,

шеър газетада босиларди. Бунда кўпинча Тошпўлат Ҳамид ўз сўзини ўтказарди. Улар қаршисида мен кичкина одам эдим, албатта. Лекин сезардимки, шоир ва олим менга беписанд ва бепарво эмас, матбуотда кўринган бадиийнамо нарсаларимни айрича кузатиб борар, гоҳида илиқ сўзлар айтиб, кўлимни сиқиб қўярди. Ҳаттоки, 1964 йилнинг ёзида, Чимкентда, икки ойлик ҳарбий хизматда бўлган чоғимда ҳам, кутмагандим, икки марта марокли, юморга бой хат ёзиб, ҳол сўраган, кўнглимни кўтарган эди. Афсуски, ғоят қадрли ўша мактубларни ҳар ёққа кўчишлар чоғида йўқотиб қўйганман...

* * *

Бир вақт Тошпўлат Ҳамиднинг:

– Ана, Навойга ҳам келиб қолдик, – деган кўнғироқдай, тиниқ овози мени ҳушимга келтирди. Олду биқинга ялт қарадим. Тепамизда маҳобатли қувурлардан кўтарилиб, кимё комбинати сари йўналтирилган осма “йўл”! Нақ унинг тагидан ўтаяпмиз. Қувурлардан табиий газ ва обихаёт оқаяпти. Атрофда кўтарма кранлар, газ билан ишловчи йирик электростанция, заводлар, кўп қаватли баланд уйлар...

Сахро этагида, ғоят қисқа муддатда бунёд этилган ажиб шаҳар учаламиз учун ҳам ғоят қадрли. Хусусан, “Правда” муҳбири бу борада бизга етакчидир: илқ лойиҳадан тортиб, шаҳарнинг бугунги қиёфасига қадар чуқур билимга эга; қатор мақолаю очерклари дунё матбуотида чоп этилган. Юртга таниқли шоиримиз ҳам Масковдан, бошқа ўлкалару пойтахтимиздан ташриф буюрган кўп ижодкорларни томошага, китобхонлар билан учрашувларга бошлаб келган. Мулоқотлар ташкил қилган. Камина ҳам бу тупроққа ҳисобсиз излар босган: “Бухоро ҳақиқати” ва “Ёш ленинчи” (“Туркистон”) газеталарида ишлаган йилларимда бўлажак Навойи, Зарафшон шаҳарларига, Конимех ва Томди яйловларига сафарларга чиқиб, турли мавзуларда қалам юритганман. “Тошлоқдаги хазина” деган китобим ҳам айнан шу шаҳар қад ростлаши ҳақидаги “Сахро ва одамлар” очерким билан бошланади.

Эҳ-хэ, ундан кейин қандай ўзгаришлар рўй берибди...

Бирок мен ҳозир бу ўзгаришлар ҳақида эмас, ҳаётимда қандайдир маънода из қолдирган азизлар хусусида фикр юритмоқдаман. Энди улар билан сўзлашиш имкони йўқ, мангу уйқуда ётибдилар. У вақтларда гуркираган дамларимиз эди...

Марказга етганимизда шаҳар раҳбари, ўрта ёшлардаги, баланд бўйли рус кишиси, ўзининг қора сақичдай ялтироқ хизмат машинаси ёнида, виқор ила бизни кутиб олди. Бу мулозаматни ким ташкил этганини мен албатта билмас эдим. Ҳар қалай, “Правда” муҳбири вилоятнинг мафкура етакчисига ёқтирмагандай, ғалати қараб қўйди. Айтиш жоизки, гарчи, ўз юртимизда эсак-да, ушбу янги шаҳарда, Зарафшонда, Мурунговдаги тилла конларида, бошқа муҳим ўринларда лавозимли маҳаллий аҳоли вакиллари деярли учратиш маҳол эди. Улар асосан савдода, ошхона ишларида, қоровулликларда, маиший хизматда, кам маошли ўринларда фаолият кўрсатардилар. Бир сафарим чоғида Зарафшон фирқа раҳбаридан бунинг сабабини сўраганман. У кулимсираб: “Маҳаллийлар ялқоврок, раҳбарликка укуви йўқ, ошна-оғайнигарчиликка берилувчан,” деган уялмай-нетмай. Жаҳлим чиққан: “Шунча милён пахтани, тиллога тенг пиллани, тонна-тонна чорва маҳсулотларини ким етиштириб берапти?” деганимда, “Ҳазиллашдим, ўртоқ, – деган. – Бу ёққа бутун иттифокдан тажрибали, билимли кишилар юборилган. Ҳамма ишларни ўшалар – бизлар қилаяпмиз. Маҳаллийлар ҳам ўрганаёптилар...”

“Нимани?” – деб сўрабман беихтиёр. “Бошқаришни-да”, деганига индамай, чуқур хўрсиниб қўйганман.

“Ёлғон! – деганман ичимда. – Ҳаммасини ўзларинг учун қиялсизлар”. Ва шунда чиндан ҳам улар бизга мустамлака сифатида қарашларини ҳис этиб, ичдан ёнганман. Лекин буни ошкор айтиб бўлмас, “коммунизм душмани”га айланиш ҳеч гап эмас эди.

Аввал саҳро этагида бунёд этилган шаҳар бўйлаб айландик: янги мавзелар, қурилаётган бинолар, катта майдонни эгаллаган, ғоят ҳашаматли кимё комбинати, улкан магазинлар, емакхоналар, савол-жавоблар...

Икки қаватли, ноёб молларга бой, муҳташам бир магазинга кирганимизда лол қолдим. Шундай ажиб дўконни мен Москвада кўрган, анча-мунча нарсалар харид қилгандим. Энди, Навоийда... афсуски, ёнимда пулим оз: фақат отажонимга атаб биргина свитерни 38 сўмга сотиб олдим, холос. Бунақасини ҳатто пойтахт Тошкент дўконлари пештахталаридан ҳам топиб бўлмас эди. Бухоро вилоятига қарашли, асосан келгиндилар яшайдиган учала шаҳар – Навоий, Зарафшон ва Учкудуқ Москва таъминотида киритилган эди.

ТАНҚИДДАН КЕЧИШ – ТАРАҚҚИЁТГА КАФАН БИЧИШ ДЕГАНИ

Орадан анча вақтлар ўтди... Бу пайтда замон зайли ижодкорни боши берк кўчага киритиб қўйган, қатор ҳамкасблар қатори камина ҳам ўттиз йилча бирорта китоб чиқаролмаган эдим. Тўғри, босмага тушган, ҳатто босишга тайёр матнлар йўқотилмас, режадан тушмай, йилдан-йилга орқага сурилавлар, янгича усулдаги ҳомий кемасига умид қилинарди. Менда эса ҳомий топишга лаёқат йўғиди. Аммо адабий ҳаётим сира тўхтамаган, ўзига хос тарзда, сокин давом этарди. Шу тариқа, ўн тўрт йиллик уринишларим тўрт қисмли, йирик роман қўлёзмасини битириш билан якун топди. Унинг биринчи қисми “Шарқ юлдузи” жарнали “Нажот” номида ўқувчиларга тақдим этилди. Асар тўлалигича тайёр ҳолга келгач, Ёзувчилар уюшмасининг наср кенгашида муҳокамадан ўтиб, “Ўзбекистон” нашриётига чиқариш учун тавсия этилди. Тавсияю қўлёзма билан бош муҳаррир танишиб чиққач, дарҳол кейинги йил режасига киритди. Аммо раҳбариятдаги ўзгаришлар мени яна ҳомий излаш балосига йўлиқтирди...

Хуллас, “Тафаккур” нашриёти менга шафқат қилди: икки китобдан иборат “Катта хонадон. Изтироб ва севинчлар” номидаги янги ҳамда аввал абгор ҳолда чиққан “Мувозанат” (тўлдирилган “Амал ҳавоси”) романларимни арзон нархда чоп этиб, мени қувонтиришди. “Тафаккур”га ҳамиша таъзимдаман...

Китобларим нашрдан чиққан кунларнинг бирида ёзувчи, ҳамқишлоғим Нортўхта Қилич сим қоқиб:

– Йўлдош ака сизни сўраб, салом айтдилар, – деб қолди. Хижолат тортиб, бир дам сукутга ботгач, ногоҳ ўнгланиб:

– Э, раҳмат! – деб юбордим. – Ўзим билан ўзим овора бўлиб, анчадан бери боғланолмадим... Ҳай, ўзлари тузукмиканлар?

– Сал мазалари бўлмаган, энди тузуклар. Ҳол сўраб қўйсангиз, кўнгиллари кўтарилади.

– Албатта, албатта! Ҳозир кеч, эртага эрталабоқ телефон қиламан, – дедим. Сўнг ўйлаб, қўшиб қўйдим: – Йўқ, ўзим боришим шарт! Э, айтганча, ҳозирги уйларини топиш мен учун қийинов... Бир марта, кеч чоғи, бировнинг машинасида бирровга борувдим. Кўп иморатлар орасида...

– Унда эртага, ишдан кейин сизни ўзим олиб бораман, – деди дангалига у.

Хуллас, Нортўхта Қиличнинг уловида устознинг уйига қийналмай бордик. Юқорида англашилганидек, Йўлдош акамининг ҳамма уйларида кўп марталар бўлганман. Буниси... ўтган дафъа сезмабман, икки хонали уй улар учун менга ғоят тордай туюлди. Сабабини биламан: аввалги тўрт хонали, ҳашаматли уйнинг харажатлари кўп эди. Боз устига, эрка ўғил маишату ичкилик ишқибози. Яна... ногирон неvara бобою буви қарамоғида. Дори-дармон, ейиш-ичиш, бошқа ҳар хил харажатларга нафақа тоб берармиди? Тўғри, нафақага чиққач, кекса ижодкор дастлаб шиддатли фаолиятга ўтди: миллий театрда пьесаси саҳнага қўйилди; ҳужжатли фильми экранга чиқди; кўшиқлари ижро этилди, янги китоби дунё юзини кўрди. Асосий мухлис саналган ёшлар ҳозир деярли китоб ўқимайди. Бу фожиа қалам аҳлини ҳам боши берк кўчага киритиб қўйди. Кейин... қарилик чанг солди. Бу дардга даво йўқ экан... Эсимда, Йўлдош ака бир гал менга сим қоқиб, адабиёт жамғармасидан ёрдам кутаётганини айтган, амалиёти қачон бўлишини сиз билмайсизми, деб сўраган. “Шундай одам-а?” деган ўй хаёлимдан кечган...

Сал куттириб, эшик очилди. Қаршимда Йўлдош акани кўриб, кўнглим бузилди: “Қарилик ўз ишини қилиб қўйибди-я, аввалгидан ҳам кичрайибдилар, ҳаракатлар сусайибди... – кейин ўзимга тасалли бердим. – Барибир зўр – тўқсон уч ёш-а! Мен шу ёшга етолсам... етолармиканман? Бордию шу ҳол юз берса... мен устоздан бир мучалу бир йил кейин дунёга келганман, бунақа ёшда... қай аҳволда бўларман?” Тасаввуримга сиғдирилмадим у мезбон билан қучоқлашиб кўришдик.

Деворга тираброқ қўйилган устол атрофида ўтиргач, бармоқларни юзларга суриб, хонадон эгаларига бардамлик тиладик. Нариги хонадан Аня янга чиқиб, биз билан сўрашди. Кейин чой дамлаб келиб, чойнакни Нортўхтанинг ёнига қўйиб кетди. Янга ҳали анча тетик эса-да, биров паришонхотирдай кўринар эди...

У ёқ-бу ёқ, ҳар хил гаплардан сўнг:

– Қалай, ёзиб турибсизми? – деб сўради Йўлдош ака мендан.

– Куч етганча, – дедиму стол чеккасига қўйганим, газетага ўроғлиқ иккала китобни олиб, устозга узатдим. – Яқинда, хусусий нашриётда чиқди.

– О, зўр! – деди Муқимов китобларни нари-бери варақлар экан. Сўнг овоз чиқариб ўқиди: “КАТТА ХОНАДОН. Изтироблар ва севинчлар”. Тўрт қисмли роман. Ўх-хў, жуда катта иш қилибсиз-ку! Табриклайман!

– Раҳмат.

– Энди бунга ўқишга қанийди куч етса... – деди Йўлдош ака армонли оҳангда китобларни бир чеккага қўйгач. – Кўз хира, соғлиқ... – дедию давомини айтмади: – Майда ҳарфларда, ёшларбоп қилиб чиқаришибди-да.

– Китоб қимматлашмаслиги учун шундай қилувдик, аммо, барибир, бир жилдда бесўнақайлашиб кетди, кейин иккига бўлишни маъқул кўрдик.

– Ҳм... Энг муҳими, китоб чиққани катта иш бўлибди.

Мен йигирма йилча аввал ҳам шиддатини, салобатини бой бермай, фаол ҳаракатда бўлган Йўлдош Муқимовга жиддий разм солдим. Ҳа, анча ўзгаришлар бор: юришда довдираш сезилади; овоз хийла пасайган, фикрлаш эса, ажаб, ғоят тиник, ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган хотира ҳамон кучли... Шунга ўйлаб:

– Йўлдош ака, ёзишда давом этаяпсизми? – деб сўрадим.

– Э, қаёқда, – у киши қўл силтади. – Қувват йўқ, тез чарчайман.

– Сиз тарихни, халқ ҳаётини, оғзаки ижодини яхши биласиз.

– Қойил қоладиган даражада! – Нортўхта менинг фикримни тасдиқлади.

– Эсга тушганларини қоғозга тушириб қўйсангиз, яхши бўлармиди, – дея мен сўзимда давом этдим. – “Правда” орқали ғалати ҳолатларга, яхши-ёмон қўп воқеаларга ҳам гувоҳ бўлгансиз.

Йўлдош ака озиб, қоқчакаклашган иягини сийпалаб, бирдам ўйга толгач:

– Тўғри, сиз менга аввал ҳам эслатгансиз, – деди сокин оҳангда. – Хурсанд бўлганман, албатта. Лекин мен ёмонликлардан яхшилик қидириб яшашга доим интилдим, юрт шаънига доғ тушмасин, деб баъзи нарсаларни ёзишга тийилдим. Ҳаддидан ошиб, одамларни оёғининг учида кўрсатувчи бодиларни эса аямадим. Билмадим, тўғри қилдимми, айримлар ўйлагандай, кўнгил бўшлиғу журъатсизлик халал бердими, ўйлаб, ўйимга етолмайман.

– Сиз одамгарчилик, андиша йўлини тутгансиз! – деди Нортўхта устозни аяб. – Бу усул ўзини оклайди, тарбияга ҳам хизмат қилади.

– Ҳа, топдингиз.

– Андишанинг отини қўрқок дегувчилар ҳам бор-да, – дедим мен гўё улар фикрига зид бориб. – Ажаб дунё-да, баъзан ўшалар ҳақ бўлиб чиқади.

– Шундай ҳам бўлди, шекилли...

Шу топда мени яна бошқача ўйлар ўз гирдобига тортди:

– Танқиддан кечиш – тараққиётга кафан бичиш, дегани!

Иккала ҳамкасб менга ялт қарашди. Вазоҳатимдан хиёл кулимсирашди.

– Қўркманг, танқидга кафан бичилмайди, – деди Муқимов жиддий тортиб. – Вақт-бевақт шунга ўхшаш ҳоллар бўлиб туради. Кейин бир азамат отилиб чиқиб, вазиятни ўнглайди.

– Ўша азамат қачон келишини кутиб ўтираимиз, Йўлдош ака? – Нортўхта уй эгасига таънаомуз қаради. – Унгача бўларимиз бўлиб қолмайдими?

– Ҳамма гап шунда-да! – дедим мен уни маъқуллаб. – Ҳозирги ҳолат ҳамда келажакни кўз олдимга келтириб, мен сизлардан фикр сўрагим келди.

Йўлдош ака сўлиш олиб, чуқур хўрсинди, сўнг менга қараб:

– Бунақа гап-сўзлардан фойда йўқ, буни биз ҳал етолмаймиз, – деди насиҳат қилган каби. – Энг яхшиси, дардларингизни қоғозга тўкиб, сара асарлар ёзинглар.

– Раҳмат, сизни чарчатиб қўйдик, – дедим ва кетишга изн сўрадим.

– Хафа бўлманглар... – дея ҳорғин хайрлашди биз билан устоз-адиб.

* * *

Орадан икки-уч ҳафтамий, нечадир кун ўтиб, эрталаб уй ичида кезиниб юргандим, даҳлиздаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни қўтарсам, аввал калта йўтал, кейин хириллаганнамо, паст овоз эшитилди:

– Ўзингизми, Мухаммаджон?..

– Ҳа, ўзимман, ўзимман, Йўлдош ака, ассалому алайкум! Соғ-омонмисиз?

– Худога шукр, яхшиман, дуойингизни қилиб, китобингизни ўқиб ётибман.

– А?! Ўқияпсизми, а? Сизни қийнаб қўйибман-да, узр...

– Узр беҳуда. Ўқиёлмасам керак, деб ўйловдим. Йўқ, маза қилиб ўқияпман. Иккинчи китобниям тугатай деяпман. Тугатгач, телефон қилмоқчийдим, сабрим чидамади.

Менинг ҳам сабрим чидамай:

– Сизни қийнамаяптими? – деб сўрадим.

– Қийнаш? Э, йўқ, хузур қияпман.

– Наҳотки! – деб юбордим. Зеро, шунга ўхшаш самимий гапларни ҳар хил

касбу тоифадаги бошқа кишилардан ҳам эшитиб улгурган эдим. Аммо Йўлдош Муқимовдай ўзига хос ижодкорнинг дил сўзлари мен учун муҳимдай туюларди.

– Таниш манзаралар, сўзлар оҳангги, одамлар қиёфаси, шеваларимиз, эҳ-хэ, яна нималарни айтай... – сал сукут, мен жим. Аслида ёзувчига бундан ортиқ баҳо керак эмас. Яна қўнғил кўтариш эмасмикан, деган шубҳа хаёлдан ўтди. Тагин ўша овоз:

– Мен ўзбек адабиётида бундай кенг қўламли, чин миллий асарни яқин ўн, йигирма йиллар орасида ўқиганманми, йўқми, эслай олмайман...

Нима дейишни билмай:

– Раҳмат сизга, – дедим. – Иш қилиб, сизни чарчатиб қўймаган бўлсин.

– Чарчатиш?.. Йўқ, сезмадим. Аксинча. Яхши асарлар кайфиятни кўтариб, томирларда қон оқимини тезлаштиради, тикинларни ҳайдайди: фойдаси тегади.

Орадан уч кун ўтиб, Йўлдош ака яна сим қокди:

– Мени қувонтирдингиз: янгича, чинакам миллий роман-эпопея бўлибди. Оллоҳ сизга қувват берсин!

– Раҳмат, ака, мен сиздан яна-да юксак асарлар кутаман. Хотирангиз ҳайрон қоларли даражада зўр, тажрибаю билимингиз бизларда йўқ...

– Э... – дедию Муқимов дастакни қўйди.

“Қизиқ, – деб ўйладим. – Ранжитдимми? Ахир рост гапни айтдим-ку...”

Эртаси куни шу пайтда, балки эртарокдир, яна устознинг овози эшитилди:

– Сизларнинг қишлоқдан Ражаб бобо деган одам ўтган. Эшитганмисиз?

– Болалигимда у бовани кўп кўрганман, – тасдиқладим. – Бизнинг ҳовлидан уч-тўрт юз қадамча қуйида, Кўмиржон ариғи бўйидаги ҳовлида яшардилар, ёғ жувозлари борида. Мункайгангина, ювошгина чол ёдимда қолган...

– Во, худди шундай! Бизларга у киши қудайди. Болалигимда ўша жувозли ҳовлига бир марта боргандим...

– Э, ҳа-а... – ҳайратландим. – У вақтларда мен туғилмаган ё гўдақдирман-да.

– Балки... – деди Йўлдош ака ўйланқираб. – Ўша бобо саҳар чоғи тушимга кирибди. Қишлоқ болалари билан ўйнаб юрган эканман, бир вақт чориқ кийган Ражаб бобо қумли йўлда юриб, баланд овозда: “Эшитдиларингми, қишлоғимиздан бир ёзувчи чиқиб, одамларимизни ёзибди, бутун дунёга танилибди, – дер эмиш. – У – ҳамсоямиз Салом Келдининг боласи экан...”

Кулиб юбордим. Йўлдош ака жимиб қолди. Кулгим оғир ботдимикан, деб ўйлаб, гарчи, ёқимли гап эшитган эсам-да, изоҳ бергим келди:

– Мен ҳам болалик дамларимни тушларимда кўп кўраман. Ғалати, ғалати тушлар денг...

– Тушдан тушнинг фарқи бор, – деди устоз сўзимни бўлиб. – Ҳар қалай, бу туш бежиз эмас: асос бор. Асарингиз яхши таржимонга тушса, шундай бўлишиям мумкин-да! Оламга ёйилиши ҳеч гап эмас.

“Қанийди! – деган сўз орзиқиш ила қўнғлимдан ўтди. – Унақа таржимонни топиш бизга йўл бўлсин! Бундай ишда мен суянадиган на зўрим, на зарим бор...”

Аммо бу фикрни Йўлдош Муқимовга, ўзи ҳам ёрдамга муҳтож ҳолга тушган устозга айтиб, зорланишдан фойда йўқ. Муҳими – у зотнинг мени эътироф этиши! Аммо мактов менга оширилгандай туюлдию биров “паст”га тушишни, ҳовлиқишдан сақланишни истаб, мулоим, маъюсроқ оҳангда дедим:

– Менинг камтарона ишимни юқори баҳолаб, қўнғлимни кўтардингиз, ака.

– Тушларим мени деярли алдамаган, – деди энди ишонч билан у киши.

– Фаришталар омин десин! – деб юбордим беихтиёр. – Тушингиз китобадаги ҳолатлар таъсиридан ҳам бўлиши мумкин. Лекин асар сизга ёққанидан бошим

кўкка етди. Раҳмат! Сизни Худо ярлақасин, янги асарларга қувват берсин!

Ўша куни ҳаво ғоятда иссиқ, худди оловдан нафас олаётгандай бўлардик. Тоғ бағрида, дала-ҳовлида-ку шундай, шаҳарда қандай!

Кимдир сим қоқиб, Муқимовнинг вафоти ҳақида маълум қилдию дастакни қўйди. Инонгим келмай, ҳеч ким билан қайта боғланомай, шошганча шаҳарга йўл олдим. Уйда таҳорат олиб, марҳумнинг йўлагига етиб боргунча анча вақт йўқотдим. Шундай эса-да, соат ҳали ўн бирдан ўтмаган, жанозада иштирок этиш имконим борлигига ишончим комил эди. Аммо йўлакдаги курсиларда икки-уч кишидан бўлак ҳеч кимни кўрмай, ҳафсалам пир бўлди: “Етолмадимми, а? Наҳотки масжидга эртароқ олиб кетишган?..”

Курсилардан бирига ўтириб, қафтларимни юзимга юритгач, танишдай кўринган кишидан сўрадим:

– Эртароқ кўтаришдим, а?

– Юртларига олиб кетишди. Балки етиб боришгандир...

– Э... – дейишдан нари ўтолмадим. Кейин ўйлаб, тўғри қилишганига иқрор бўлдим. Мени тушунган каби у киши гўё изоҳ берди:

– “Ота-онамнинг, Карим акам билан Рўзи укамнинг ёнига қўйинглар”, деб васият қилган эканлар. Васиятни бажармаса бўлмайди.

– Ҳа-а... – дейишдан яна ўзга сўз тополмадим.

– Тўксон беш ёшга кирган эканлар. Улуғ ёш. Жуда беозоридилар, жойлари жаннатдан бўлсин!

– Айтганингиз келсин! – деган сўзлар беихтиёр лабларимдан учди.

Орадан уч кун ўтказиб, устознинг яқинлари – укаси Комилжон Муқимовга ва жияни, ёзувчи Маҳмуд Бўронга сим қоқиб, таъзия билдирдим. Улар маъракатдбирларни ўтказиб, яқиндагина қишлоқдан қайтишган экан.

– Кечирасиз, устоз, – деди Маҳмуджон хижолатангиз, – сизга эртароқ хабар қилолмадим. Яна... йўлга шошиб турувдик, биров орқали сизга билдирдим...

– Начора... ҳар кунги тиловатларда номаи аъмолларини фаришталар ўнг ёқларидан беришини, охиратлари обод бўлишини Оллоҳдан тилаб турибмиз... – дедим маънос овозда. Кейин, одатдагидай, Муқимовлар сулоласи, уларнинг юрт олдидаги хизматлари хусусида яна ўйга толдим: одамлар қалбида ўчмас излар қолдирган Карим Муқимов; табассуми эсдан чиқмас Рўзи Муқимов; халқ дарду аламларини гоҳо қоғозга тўккан, гоҳо, мажбуран ичига ютган Йўлдош Муқимов... акаларидан ортда қолмай, балки улардан ҳам ўзиб, фан оламида довруғ таратиб келаётган, саксон ёшдан ошганда ҳам тиниб-тинчимай заҳмат чекаётган, қўплаб шогирдларнинг устози, академик – кенжа ука Комил Муқимов... Буларнинг ҳар бири дostonларга, йирик асарларга мавзу...

Ўйлаб қарасам, шоир-ёзувчининг устози бошқа соҳа кишиларининг йўл кўрсатувчиларидан бирмунча фарқланар экан. Ҳар қайси устознинг ўз услуби, ўз йўриғи бўларкан. Буни мен дастлаб, шоир Тошпўлат Ҳамид, болалар шоири ва етук таржимон Нурбек (заҳматкаш бу ажиб инсон ҳақида мен ҳали етарлича фикр айтишга улгурган эмасман), ҳозиржавоб қалам соҳиби, ўзига хос шоир ва носир Мурод Халил (бу киши ҳақидаги хотираларим у зотнинг танланган асарларидан ўрин олган) ва ниҳоят Йўлдош Муқимовлар мисолида ажиб ҳолларни, ғоят ранг-барангликларни яққол ҳис этганман. Гарчи, улар деярли тенгдош, бир даврнинг одамлари эсалар-да, айнан ўхшаш жиҳатлари кўзга ташланмайди. Ҳар бири – бир олам. Мен ўзим сезган, сезмаган ҳолда уларга интилган, улар каби танилишни орзу қилган бўлсам, ажаб эмас.

Кейин яна ўйладим: “Хўш, унда бош устозинг ким?”

Ҳм-м... буни аниқ айтолмайман. Шунда бир шивир қулоғимга урилди: “У – ягона Оллоҳдир! У Зот истеъдодиям, касб-корниям, йўл кўрсатувчи – яхшидир, ёмондир, ҳар кимнинг аъмолига яраша устозиниям Ўзи беради. Оллоҳнинг Улуғ инъомини, эккан уруғини ундириш – кўкартириш, авж олдириш ёхуд йўқотишни ҳар каснинг ўзига қўяди. Агар ўша уруққа хамиртурушни Худо қўшмаган бўлса, ҳар қанча кучаниш ҳам олий мақсадга етказолмайди. Устозлар меҳнатида самара бермайди. Ҳаётимизда бунга мисоллар жуда кўп...”

Аслида, устознинг катта-кичиги, кимлиги-нималиги муҳим аҳамиятга эга эмас. “Қуръон”и шарифда келишича, инсониятнинг биринчи устози, Оллоҳдан кейин қарға бўлган экан. Одам ато ва момо Ҳаввонинг фарзандлари – Ҳобил ва Қобил қиз устида талашиб, ака ўз укасини ўлдириб қўяди. Бу – одамлар орасидаги дастлабки қон тўкиш, илк хунрезлик эди. Ака бу ишидан пушаймон бўлиб, нима қиларини билолмай, изтироб ила атрофга жавдираб қарайди. Шунда Худо куш орқали йўл кўрсатади: қарға ўлган боласини ер титкилаб, чуқур казиб, унга ўликни қўяди-да, устидан тупроқ тортади. Қотил ундан ўрناк олади...

Биз ҳам гоҳ дўстан, гоҳ рақибдан – тажриба орттирган кишилардан, айрим ҳолларда, табиатдан намуна оламиз. Ўзим ҳам шундай имконлар ичра лол қолган дамларим кўп бўлган. Қарийб мўйсафид ёшимда қалбимга из солган икки кичик ҳолни тез-тез эслайман. Биринчиси масжидда юз берган. Мустақилликнинг илк ойидаёқ намоз ўқишга тутингандим. Унда ҳали камчиликлардан холи эмасдим. Ишхонамиздан бир гуруҳимиз Бухорога, Баҳовуддин Нақшбандий зиёратига борадиган бўлдик. Пешин намози, мўлжалга қўра, Самарқанд яқинидаги имом ал Бухорий жоме масжидига тўғри келди. Қаъдага энди ўтирган эдик, бир пайт тиззаларим устидаги қўлларимни ёнимдаги болакай тепароққа тортиб қўйди. Унга кўз ташладиму чўғландим – хатомни ҳис этдим. Бармоқлар тиззанинг кўзидан пастга тушмаслиги, юқориюқда туриши лозим экан... Ўшандан буён ҳар сафар қаъдага ўтирганимда ўн уч ёшлардаги ўша йигитча кўз ўнгимдан ўтаверади. Ҳа-да, ўша ўсмир ҳам намозда менга устозлик қилгандай.

Иккинчиси, ўз касбимга доир. Ёзувчилар уюшмасида “Катта хонадон...” романим муҳокамаси қизгин давом этар, самимий фикрлар айтилаётган эди. Аммо асарни нурлантирувчи муҳим гап, назаримда, ҳали бекиниб тургандай туюларди. Ўйлаганим ҳол юз берди. Шарқшунос олим, бир неча тарихий кассалар муаллифи Ғулом Каримий: “Менимча, асар тайёр бўлибди, қайта ишлашга ҳожат йўқдир, – деди ишончли оҳангда. – Фақат баъзи ўринларда “Салдан кейинроқ” (айнан шундаймиди, шунга яқинроқмиди, эсимдан чиқибди) деган сўз ишлатилади. Бу икки сўзнинг охиридаги қўшимчани олиб ташласа, ортиқчаликлар камаяди...” Кўзим ярқочилди: “Э, шунга ақлим етмабди-да” деб ичдан ўзимни койидим ва сўз ишлатиш масъулиятини янада ошириш зарурлигини ҳис этдим. Ўшандан буён фаолияти авжи гуллаган пайтда умри тугаган Ғулом Каримий (охиратинг обод бўлсин, эй покиза инсон)ни ҳам устозлар сафида дуоларимга қўшиб айтаман.

Бу билан мен катта камчилигу хатоларим йўқ, дейишдан жуда йироқман. Наҳанг қусурлар ҳаммамизда тўлиб-тошиб ётгани каби менда ҳам, шак-шубҳасиз, бисёрдир. Аммо хатони эътироф этиб, тўғри йўлга тушишга нима етсин! Бунинг учун кўпайиб, иллатга айланувчан майда хатоларга ҳам беписанд қарамаслик лозим, деган ўйда юқорида икки кичик мисолни эсладим. Бундан ташқари, ижод кишиси ўз-ўзига ҳам устоздир. Бунга эса ҳар бир сўзга масъулият билан қараш, уни ўз ўрнида ишлатиш, тинимсиз изланишлар орқали эришилади, шу тариқа, ҳеч кимникига ўхшамаган ўз йўриғини, ўзига хос услубини кашф этади.



**Носиржон
ЖЎРАЕВ**

Кўксим ичра бир муҳаббат хотири

* * *

Сахро кенгайдими, тоғлар ўсдими,
Қудрат касб этдими дунё бу қадар,
Ҳаёт менга қарши тартиб туздими —
Нега руҳим бунча кичрайиб борар!

Кўксимда қоришди исён-нидо ҳам,
Томирларим аро ҳорғинлик кезди.
Ахир осмондан тош ёққанида ҳам
Чўкмаган елкамни майда ғам эзди.

Ёлғиз ўзинг қолдинг ахир ишонган,
Мени тик юришдан толдирма, Худо.
Қачондир фақат ўт чакнатиб ёнган
Кўзимга кўзёшлар тўлдирма, Худо!

Нега руҳим бунча кичрайиб борар!

* * *

Куз ўтди-ю, куздан бир ҳижрон ёрлиғи қолди,
Ҳар бир хазон барг учун виждон оғриғи қолди.

Боғлар тўла хўрсиник, кўзлар тўла қайғу-ғам,
Кўнгил тўла хотира — кимнинг тортиғи қолди.

***Носиржон ЖЎРАЕВ** — 1984 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Улғайиш кунлари”, “Муҳаббатдан сўнг”, “Энг қудратли кунлар”, “Шарҳ”, “Аксинча” китоблари нашр этилган.*

Совуган қаҳва янглиғ кўксимга чўкди ҳасрат,
Ишқ кетди-ю юракда ишқнинг қолдиғи қолди.

Эй такаббур жаноблар, эй бепарво хонимлар,
Менга сиз билган дарддан анча ортиғи қолди.

Хуллас, куз ўтди, аммо бир буюк йиғи қолди.

* * *

Бу боғлар хазон сари
Борганми ҳеч илгари,
Нега умримнинг бари
Куз ва эски хотирлар
Тараф кетаётирлар!

Бу сувлар ҳеч шарқираб
(Худди килич ярқираб!)
Оққанмикан ҳайқириб?
Жим-жим ўтаётирлар
Ва, ҳайф кетаётирлар.

Бу баҳорлар аввал ҳам
Элга бўлганми малҳам.
Тумандек вазнсиз ғам –
Кўксимдаги ботирлар,
Саф-саф кетаётирлар.

Ё Ҳақ, дейман, уйғот бир,
Наҳот, манглайда хат бир,
Зарур пайтда, ҳайҳот, бир
Ҳақ сўз учун қодирлар,
Бенаф кетаётирлар.

* * *

Биз-ку кетармиз ҳам, юрагингизда
Бизга илҳақ қолган ҳисни нетарсиз?
Бир-бир хазон босиб юрганингизда
Ёдимга ғарқ қолган кузни нетарсиз?!

Пинҳон тутиб дарднинг ишорасини,
Тоблайсизми қалбнинг иродасини,

Соғинчми, ишқнингми ифодасини –
Энди бефарқ қолган сўзни нетарсиз?!

Муҳаббат – бераҳм, бу бошдан ўтган,
Сизга муҳтожлик ҳам эҳтиёждан ўтган.
Бизнинг даъвоимиз Ҳаллождан ўтган,
Ҳамиша ҳақ қолган бизни нетарсиз?!

* * *

Жимжит кўчаларимдан шовқинсиз ўтар баҳор,
Боғлар сассиз гуллайди,
Шарпасиз кезар шамол.
Томирдаги қонимдек овоз чиқармай оқар,
Сувлар –
Сенинг юзингга сизган кўзёшлар мисол.

Мен эса, бу осуда ҳаётга аччиқ қилиб,
Исён қилмоқ истадим –
Бесадо синавердим,
Ҳар тунда ҳижронингни кўксимга санчиқ қилиб,
Индамай севавердим,
Индамай севавердим.

* * *

Хазон ва ёмғир. Қаҳва.
Қонимга ғам тарқайди.
Ҳар япроқ, ҳар дарахт
Ва
Ҳар умидим сарғайди.

Хазон ва ёмғир. Қаҳва.
Ишқ ҳақида эски дард.
Гарчанд тақдир ноҳақ
Ва
Ўтмиш олису гарчанд.

Хазон ва ёмғир. Қаҳва.
Жим ўксиган қиз каби
Ҳасрат, қайғу-дард, оҳ
Ва
Хўрсиниқлар куздаги.

Хазон ва ёмғир. Қаҳва.
Бу манзара – бахт эмас.
Буларга шартмас шарҳ
Ва
Булар муҳаббат эмас...

* * *

Кузнинг алангасида куйиб кетган дафтардек
Номлар хаёлдан бир-бир ўчганини кўрдингми?
Ўтганларнинг ҳақкига дуо қилган кафтлардек
Хазонлар титраб-титраб учганини кўрдингми?
Яна нима кутгандинг –
Ишқми, вафоми, бахтми?!

Шаҳарларга қамалиб қолган шамолдир руҳим,
Бу руҳ билан на ҳажр, на висолни ҳис қилдим.
О, менинг ўзим билан тенг улғайган андуҳим,
Қўлимдан келгани шу: ҳаётигнни куз қилдим!
Яна нима кутгандинг –
Ғамми, аламми, дардми?!

Бугун сочларим узра кумуш сувлар югурган,
Юзларимга улуғлик берди сенинг хижронинг.
Азалдан сенга ғафлат, менга ҳасрат буюрган,
Худо хайрингни берсин, аябман виждонинг!
Яна нима кутгандинг –
Хайр демоғим шартми?!

* * *

Ҳаёт – сипо, дунё – пўрим. Ва, шундоқ
Мен руҳимдан кечиб яшай бошладим.
Бунча маҳзун термуласиз, Бобуршоҳ,
Сиз нимадан безовтасиз, Машрабим?!

Мени ожиз қилган ишқми? Ва, шундоқ,
Кўнглим оғриғи деб кўзим ёшладим.
Нега бунча жим турибсиз, Бобуршоҳ,
Сиз не учун хўрсинасиз, Машрабим?!

Ўйланаман, нима топдим? Ва шундоқ
Аллоҳ тўлган қалбни қайга ташладим?!
Сиз қай сори кетардингиз, Бобуршоҳ,
Қайси дорга юрардингиз, Машрабим?!

* * *

Мен кетган диллар фаромуш қолсами,
У диллар мен учун ҳам туш қолсами.
Кўксим ичра бир муҳаббат хотири,
Кўксим узра аламли мушт қолсами.

Хазон каби битта-битта жон берди
Туйғуларим ва тақдирга ён берди.
Менга на ишқ, на комил имон берди,
Кўнглим аро йўлда хомуш қолсами.

Басма-басга югурдим шамол билан,
Исёнларим шеър бўлди шу ҳол билан,
Лек қўрқаман – катта эҳтимол билан
Тавба дафтарларим бўм-бўш қолсами...

* * *

Хазон бўлганим рост, хас бўлганим рост,
Ўзимни хорликка солмадим, кечир.
Устимдан Худога қилдинг эътироз,
Негадир ишқингда ўлмадим, кечир.

Ёмғир шитирласа – исмим лабингда,
Шамол шивирласа – эдим лабингда,
Улкан соғинч бўлиб ўсдим лабингда,
Мен ҳамон ёдимга олмадим, кечир.

Умримиз куз деган бир эртакка жам,
Сендан бир ўй қолди ва юракка ғам,
Жуда зарур эдим келажакка ҳам,
Шунга ўтмишингда қолмадим, кечир.

Сўнгги ўқ

Ҳикоя



**Содиқжон
ИНОЯТОВ**

Кузак бошларида Саъдулла кўрбоши йигирматача аскари билан Юмуртовнинг кун ботиш тарафидаги дарага ўхшаб кетадиган ерга кўш ташлади. Йигитлар чарчашганига қарамай беш жойга чодир тиклашди, Етакчига алоҳида, овулга олиб борадиган йўл кўриниб турадиган жойга. Балодан ҳазар деб, тошлардан тўсиқ ҳам қилишди. Неча кунлар давом этган уйқусизлик сўзини айтди, ишни тамомлашгач ҳамма таппа ташлаб ухлаб қолди. Жангу жадалларни кўравериш кўзи пишиб кетган Саъдулла ҳам бу сафар хушёрликни унутди. Тошдай қотиб, тиникиб ухлади. Хайриятки бахтига Матмурод понсод бор экан, алланарсанинг тақиллашидан кўзини очганида ўзидан сал нарида милтиққа суяниб хорғин ўтирган навқарини кўрди. Кўзлари қизариб кетган эди унинг.

– Ухламадингми? – Саъдулла ўзининг аҳволдан хижолат чекиб сўради.

– Ҳамма чарчаган, ҳеч бўлмаса ўзим сергак турай дедим. Тўқайда қизиллар изғиб юрган бўлиши мумкин.

– Сен ҳам бироз мизғи, – деди кўрбоши миннатдор оҳангда. – Сўнг қиладиган ишларни маслаҳатлашиб олармиз...

Матмурод уйкуга кетгач, чеккароққа чиқиб ўтирди. Бу орада бошқалар ҳам уйғониб, гангур-гунгур овозлар эшитила бошлади. Кўрбошининг кўнгли алағда бўлди. Понсодга маслаҳатлашиб оламиз деди-ю, аслида кенгашадиган ишнинг ўзи йўқ, ҳисоб. Қирк нафар йигитидан бор йўғи шуларгина қолди. Ўриснинг қўли баланд келаверди, барибир. Моноқ қишлоғи ёнидаги жангда йигитларининг ўн нафари нобуд бўлди. Яхшиям ўшанда вазиятни тўғри баҳолаб, шошилишч Гурланга чекинди. Сўнг дарё ёқалаб Юмуртов тарафга юрди. Ҳар қалай кўздан панароқ жой. Аммо бу ерда ҳам ниҳоят бир ой, борингки икки ой жон сақлар. Хўш кейин-чи? Барибир қизиллар ис олишади. Ҳамма жойда уларнинг одамлари. Бир тўпор аскар билан келса... Ўқ-дорила ҳам тугай деб қолди. Тўданинг оби овқати-ю, отларнинг хашагини топмоқ ҳам мушкуллашяпти. Ўзингдан устун душман билан кўр-кўрона урушавериш ақлдан эмас. Йигитларнинг увологи қолади. Уларнинг орасида ҳали уйланмаганлари бор. Шуларнинг умрига зомин бўладими? Шу хаёллар мана неча ойдирки миясини пармалайди. Ичидан ўртанади. “Бу йўлга нотўғри кирдимми ё?” деган ўй келади баъзан кўнглига. Ахир янги

Содиқжон ИНОЯТОВ – 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Омон бўлса дўстларим”, “Ёруғ кунлар”, “Онамни соғиниб”, “Акамнинг китоби” каби шеъррий китоблари чоп этилган.

тузумнинг қудратли эканини, одамларнинг аксарияти иложсизликдан бўлса-да уни маъқуллаётганини ичидан ҳис этиб турибди-ку. Хўш, бу ёғи қандай бўлади? Кимдан ёрдам кутамиз? Икки ойча олдин Жунаидхоннинг олдига мадад истаб борганини эслади. Мақсади озгина яроғ сўрамоқчи эди. Ўйлаганидан тескари ўлароқ хон уни анчагина нохуш қаршилади. Номигагина сўрашди. Алланечук ҳорғин ва безовта эди у. Бу ҳолдан Саъдулланинг руҳи тушиб кетди. “Ноқулайроқ пайтда келибман чоғи”, деган истиҳолага ҳам борди. Муддаосини айтмоқчи бўлиб оғиз очгани заҳоти хон сўзини бўлди:

– Дардингни билиб турибман, – сал ғазабнок сўзлади у, – келганлар мендан ё қурул, ё пул сўрашади. Ҳозиргача ҳеч ким ёрдам берай деб келган эмас. Шугина одаминг билан болшавойларга қарши нима қила оласан? Бирлашсак кучимиз ошмасмиди? – шундай деб суҳбатдошига кўзларини ўкдай тикди, синовчан қаради. Ниҳоятда вазоҳатли одам экан у. – Мен-ку не замонлардан бери юртни кофирларга бермайман, деб қон кечиб юрибман. Бошқаларни билмадим, бирови бойлик илинжида, яна бирови шахсий адовати юзасидан қўлига қурул олган кўринади. Хўш, сенинг урушдан мақсадинг не? Юртни сақламоқми, зеру забар тўпламоқми ё ном чиқариб бошқаларни кўрқитиб қўйишми? Биламан, мени талончи деб ҳам атайдилар. Тўғри, босқин этган, одамларни талаган вақтларим ҳам бўлди, қўлим тоза эмас, тонмайман. Буларни ўзим эмас, аскаримни тўқ тутмоқ учун қилдим. Бошқа иложим ҳам йўқ менинг.

Рости Саъдулла танг ҳолда қолди шунда. Не десин энди? Бу тағдор саволларга дадил жавоб бера олмаслигидан ўртаниб кетди. Келганига афсус чекди.

– Биламан, қўшилмайсан, – хоннинг овозида ғазаб оҳанги кучайгандай сезилди. – Сенинг ўша ўн беш-йигирма йигитинг билан менинг ҳам ярам битмайди. Бизда ҳамма шундай. Кўрбошиман, деганларнинг нечтасининг кўнглига қўл солиб кўрдим. Ҳаммаси ўзича хон, ўзича бек, ўзича султон. Ҳаммаси ўзим бўлсам, дейди. Биров бировга буйсунмоқчи эмас. Бу ҳолимизни ўрис ҳам яхши билиб олган. Шунинг учун ҳам барчамизни бир чеккадан қираяпти. Ҳар ҳолда душманимнинг душманисан, йўлимиз бир. Сени ноумид қайтармайман. Боравер, бу ёғига не бўлса Худодан...

Хон юз эллик дона патрон билан ўнта граната берди. Шунисига ҳам шукр. Аммо ўша куни кўрбоши ўзининг аҳволи танг эканини жуда теран ҳис этди. Эҳ-ҳе, шунча йил от суриб, қилич сермаб ўрисга қирғин қилган Жунаидхоннинг ҳам минг бир муаммоси бор экан...

Шундан бу ёғига Саъдулланинг ҳамма нарсадан кўнгли совуб кетгандай бўлди. Аслида бу йўлга кирганида ўзининг мақсадини унчалик англаб етмагани чин эмасми, ахир? Талотўпу ур-сурларнинг ичига кирганидан сўнг бу ҳақда ўйлаб кўрмоққа фурсати ҳам бўлмади, ростки. Яна бунинг устига ёшликнинг тийиқсиз қизиққонлиги ҳам бўлди. Жунаидхон айнан кўнглидаги гапни айтмадими, ахир? Лаънати милиса бошлиғи билан илк марта тўқнашган кунини кўз олдига келтирди...

* * *

Ўша куни Амударё яқинидаги Алибува деган жойда бир соатча отишма бўлди. Милтиқларнинг варанглаган овози сўнгги вақтларда не ҳодисалар содир бўлаётганини идрок эта олмаётган қишлоқ одамларига аниқ равшан эшитилиб турарди. Сўнг бир тўпор отлиқлар “ҳайё-ҳуйт”лашганча ўтиб кетишди. Отларнинг дупур-дупури тинар-тинмас бошига шапка кийиб, елкаларига милтиқ осган милисалар пайдо бўлишди. Оқсоқол – ранги қув ўчиб кетган Жуманазар божмон шошилинич ҳаммани тўплади. У элбирларининг не гап ўзи, деган саволларига жавоб бермас, мўлтираган кўзларини милисалар бошлиғи – юзлари кип-қизил Бекчуриндан узоқ қолган эди. Ғазабдан бўғриқиб кетган бошлиқ оғзидан тупук сочиб қўл

остидагиларни ўрисча-ю ўзбекча аралаш сўкар, шунинг орасида оқсоқолга ғазабнок қараб кўярди.

– Ҳаммашу ердами? – деди у қўлидаги қамчи билан этигига чарс-чурс уриб. – Бўлмасам эшитинглар. Бугун бу ерга хон Жунаиднинг одамлари келишди. Билишимизча ўн-ўн икки нафар отликлар. Орангизда кимдир улар билан алоқада бўлса, буни ҳам тез орада аниқлаймиз, – деди бошлиқ тўпланганларнинг юзларига тикилиб-тикилиб қараркан. Сўнг истехзоли кулди. – Мен ҳам мусулмонман. Бировга беҳуда озор бергим келмайди. Ўша алоқада бўлиб турган одам ўзи келиб айтса, унга енгиллик бор, гапим-гап! Аммо бўйнига олмаса – ўзига қийин бўлади. Сен оқсоқол, одамларингга яхшилаб тушунтир, совет ҳокимияти билан ҳеч ким ўйнашмасин, бизда душманга ён босганларни аяб ўтириш йўк...

Сал аввалроқ овулда “Алибувага хон Жунаиднинг йигитлари келиб-кетиб юрганмиш, улар ҳар бир элатнинг бо-ю бадавлатларидан кўмак тариқасида ўзларига солиқ ундириб кетар экан. Чамаси Низомиддин эшоннинг аввалдан хон билан ошнолиги борга ўхшайди”, деган миш-мишлар оралаган, бу гаплардан Саъдулла ҳам хабар топиб, хайрон бўлиб юрган эди. Ёмони Гурландан келган ҳарбий кийимдагилар бир неча бор яланг ярим тунда отасини қишлоқ шўросига чакиртириб сўроқ этишгани бўлди. Чамаси манави одам ана шунга ишора қиляпти, шекилли...

Бекчурин узоқ жим турди. Оёқларини кериб, чап қўлидаги қамчи билан этигига урганча одамларнинг юзларига бақрайиб нописанд қаради. Кескир нигоҳлари Саъдуллага келганида анча ушланиб қолди. Ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан ён томонига осиглиқ маузернинг ёғоч кобурасига тик-тик урди. Ундан ҳамон кўзини узмай, гуноҳкордай мунғайиб турган халққа яна ҳам дадилроқ деди:

– Бизда душманга ён босганларни аяб ўтириш йўк, шундайми Саъдулла эшон? Буни яхши тушунсанг керак, ахир сен илмли одамсан-ку, шундай эмасми?..

Отасининг қийналганлари сабаб юрагида туғилган нафрат шу тобда ўзини ошкор этди.

– Менинг илмли эканимнинг бу ишга не алоқаси бор? – табиатан тик сўзли Саъдулла кутилмаганда савол берди. – Бу гапдан шундоқ ҳам чўчиб турган оломон бир қалқиб тушди: “Эҳ, чатоқ қилди-ёв, шу элбир. Ёмон бўлади бу ёғи энди...” – Сиз айтинг-чи, душман киму, душманга ён босган ким ўзи?

– Душман – босмачилар, – унинг бу дадиллигидан Бекчурин баттар жаҳл отига минди, – улар совет тузумининг душманлари, яъни халққа қарши одамлар. Уларнинг муддаоси яна бойларнинг тузумини тиклаш, камбағалларни эзиш, тушундингми? Билиб қўй, Жунаид шу кунга довр Гурланга босқин қилмаган. Унинг йигитлари нега бу ерда пайдо бўлганини, мақсадлари не эканини ва ниҳоят, – шу ерга етганда милиса бошлиғи атайлаб тўхтади, маънодор томоқ қирди. – Ва ниҳоят улар бу ерга кимни орқа қилиб келганлигини аниқлаймиз. Сен эса ҳали бу югурик тилинг учун минг пушаймон еб жавоб берасан. Халойиқ тарқал...

Ҳар ким ўз йўлига қараб юра бошлаган маҳал кимдир Саъдулланинг қўлидан тутди. Қараса қўшниси Ҳайитбой қўшчи.

– Жим турсанг бўлмайдами иним? – койинди у. – Ёш бошинг билан буларга тенг кела олармидинг? Кўраяпсан-ку, замон қалқиб турибди, бундай кезде ҳар ким ўзини ўйлайди. Биров бировга қайғурмайди. Ишқилиб ўзингга душман орттирмасанг бўлди...

* * *

Чамаси Саъдулла душман орттириб бўлган эди. Тўрт кун ўтиб Бекчурин бошлиқ отлик милиса гуруҳи ҳовлисини таппа босди. Бу ҳолдан хонадон соҳиби ҳайратланмади. Қачонлардир шундай бўлар деб ўйлаган эди у.

– Ҳой эшоннинг ўғли, – нописанд тўнғиллади Бекчурин иккита аскари билан ҳовлини бир қур айланиб ҳаммаёқни текшириб чиқишгач, – эшитдим, отангни қайсидир жойга қочириб юборибсан?

– Ўйланиб гапиринг, отам қочгани йўқ, қариндошларимизникига элтиб қўйдим, холос.

– Сабаб?

– Сабаби сизларнинг ярим тундаги ўринли-ўринсиз тергашларингиз, кекса одамни калтаклаганларингиз...

– Шундай де... Бўлмаса бу ёғига ўзинг жавоб берасан. Хўш, бойликларингни қайга яширинг?

– Яширгудай бойлигимиз қолгани йўқ, борини олдингизлар.

– Ўйин қилма, бу ҳали ҳаммаси эмас. Сенинг олтинларинг, пулларинг бор. Халқни итдай ишлатиб бойиганингни биласанми? Энди давринг ўтди.

– Даврим ўтдими, ўтмадими билмадиму, менинг яширган бойликларим йўқ, – ғазабини минг азобда ичига ютиб жавоб берди Саъдулла. – Аммо кимни ишлатган бўлсак манглайидан тери совимай ҳақини берганмиз. Қўлимизда ишлаганларнинг бари биздан рози. Бировнинг олдида тили қисик жойимиз йўқ.

– Мана энди бўлади, тили қисик жойинг, янги ҳукумат сендай ҳаромхўрларни эркалитиб қўймайди. Ўша куни тилинг бир қарич эди, энди кўраман биздан кўркмаслигингни. Менинг отам умр бўйи батрак бўлиб сендай бойларнинг эшигида ишлади. Лекин бир нони иккита бўлмади.

– Бу Аллоҳнинг иродаси, тақдир насибаси шудир-да.

– Ўчир, билимдонлик қилма! Мана энди менинг замоним келди, янги ҳукумат бир қўлимга хужжат, бир қўлимга қурол тутқазди. Сенга ўхшаганларнинг додини берсин деб. Ҳе энангни...

Қизиққон эмасми, шу жойга келганида Саъдулланинг сабр косаси тўлди. Ғазабдан қалтираб, шахд билан Бекчуринга отилди. Аммо у маузердан осмонга ўқ узди.

– Яқинлашсанг – манглайингдан отаман, – Бекчуриннинг семиз юзи қизариб, тўппончани йигитнинг кўксига қаратди. Хайриятки, ўқ овозини эшитиб қўшниси Матназар охун югуриб келди ва Саъдуллани маҳкам қучоқлаб олди.

– Жон болам, эсингни йиғ, сен буларга қарши борма, – ота йиғламсираб ялинди. – Жоним болам ўзингни зое этма.

Сўнг Бекчуринга ёлворди:

– Сен ҳам мусулмонсан, иним, шу йигитнинг гуноҳидан ўт...

Нафратдан ўт бўлиб ёнган Саъдулла ўшанда Бекчуриннинг одамлари билан қандай чиқиб кетганини эслолмайди. Ғазаби босилиб эсини йиғиб олганида охуннинг ёлворгани ёдида.

– Саъдуллажон, – деган эди қария. – Булар билан ўйнашма, сени тинч қўйишмайди энди. Ноҳақ бўлишса-да шуларнинг замони ҳозир. Бирор жойга бошингни олиб кет, болам. Сўраб келсалар биз сени кўрмадик дермиз. Ўзингни азобга қўйма...

* * *

“Бирор жойга бошингни олиб кет”. Бу гапни кўп мушоҳада қилди Саъдулла. Чиндан ҳам шундай қилиши лозим кўринади.

Сўнгги пайтлар Матмурод эшонни қишлоқ шўросига тез-тез қақира бошладилар. Яланг ярим тунда. Яхшигина ҳол-аҳвол сўрашишу, тилёғмалик билан бошланадиган суҳбатларнинг охири аксар асабни эговлаб, юракка нақ санчилгудай оҳангларга ўзгара бошларди.

“Эшон бобо, сизнинг Жунаидхон билан нечук алоқангиз бор?”

“Мен ундай одамни танимайман”.

“Танийсиз, эшон бува, дим яхши танийсиз. Ўзингизни гўлликка солманг”.

“Худо шоҳид, танайман болам, лекин шундай одам бор деб эшитганман. Танисам танийман дейман-да”.

“Эшонлигингиз ҳурмати яхши сўйлаб турибмиз, бўйнингизга олаверинг, сиз унга ёрдам ҳам бергансиз. Ахир сизнинг пулингиз кўп-ку...”

“Худога шукр, пулим бор, йўқ, демайман. Аммо мен элимдаги ғариб- ғураболарга, етим-есирларга ёрдам берганман. Ишонмасангиз ана одамлардан сўранг”.

“Турланга ҳеч боскин этмаган Жунаиднинг йигитларининг бу ерга келгани кўп ғалати эмасми, эшон бобо? Сиз не деб ўйлайсиз?”

“Билмадим болам, билмадим. Менинг ҳарбу зарб ишларидан хабарим йўқ”.

“Оппоқ соқолингиз билан ёлғон сўйламакка уялмайсизми, эшон бобо? Ё янги ҳукуматни тан олмайсизми?”

“Янги ҳукуматингиз ўзининг йўлига. Ёшим саксондан ошганида ёлғон сўйлаб охиратимни куйдирганимдан менга не наф?”

“Эшон, ҳаддингдан ошма, сийлаганни бил. Биз ҳукумат одамларимиз. Куч-қудрат биз тарафда!”

“Ҳукумат одами бўлсангиз, куч-қудрат сиз тарафда бўлса, бу ҳам Аллоҳнинг иродаси. Билганингизни қилинглар. Ёшини яшаб, ошини ошаган одамман. Пешонага ёзилганини кўрарман бу ёғига, менга кўп озор берманг...”

Йўқ, озорлар бетиним давом этаверди. Хонадон аҳлини зир титратиб, уйини тингув этганларида ҳам, молларини ҳайдаб кетишганда ҳам эшон норизо бўлмади. Худога солдим, деди.

Аммо... Сўнгги бор чақирганларида (аттанг, ўша куни Саъдулла уйида эмасди) Бекчурин қариянинг юзи аралаш бўйнига қамчи тортиб юборди. Ўх-хў, ўшанда элнинг иззату ҳурматида юриб умрида хорлик кўрмаган эшон зор йиғлади, ўксиниб йиғлади. Шунда ҳам мўминлигига борди, ғазаб отига минган ўғлининг йўлини тўсди.

– Зулм жазосиз қолмайди, болам, – деди. – Аллоҳ барини кўриб турибди. Қиёматда жазосини ўзи беради. Ҳозир бир иш этсанг эртага улар сенга тиш қайрайдилар. Бас, сабрли бўл.

Аммо тирик жон эмасми, кексайган чоғида ёмонларнинг кўлида ортиқча қийналишни истамади.

– Энди бу ерлардан кетмасак бўлмайди, пичоқ бориб суякка етди, – деди ахийри. – Кеча Тўрткўлдан, амакингдан хат олдим. “Бўлиб турган воқеалардан хабарим бор. Бу нотинч замонда ёнимизга келинглар, ҳар қалай бизда бир қадар осойиш. Эртаиндин не бўлиши ёлғиз Худога аён”, дебди. Тадоригингни кўр. Ўғлим...

Тадорик кўпга чўзилмади. Уч кундан сўнг Саъдулла отаси, аёли ҳам икки фарзандини аравада Тўрткўлга элтиб қўйди. Ҳовлини ишончли бир кишига топшириш, қолган майда-чуйда ишларни саранжомлаш учун келганида Бекчуринга дуч бўлди...

* * *

Милисалар ҳовлидан чиқиб кетгач айвондаги ёғоч катга беҳол чўзилди. Бўлиб ўтган ишларни теран ақл билан мушоҳада этмакка уринди. Отасининг гапи ҳақ. Қизиллар улар қабилаарга дўст бўлмайди. Бу энди аён. Тавба, кўзи очиқ одамлар кўп нарсани аввалдан билар экан-да. Беихтиёр икки йил олдин кўклам кунларида Бухородан меҳмон бўлиб келган отасининг қадрдони Ёқубхўжанинг суҳбатини эслади.

– Талотўплар авжига чиқиб кимнинг ким эканини ҳам билиб бўлмай қолди, – деган эди у надомат билан. – Ҳар ким ўзини раҳбар санайди, мен ҳукуматман, дейди. Бугун қизиллар, эртасига яна бошқа байроқ кўтарганлар...Ишқилиб охирини

берсин-да, Худойим. Аммо бир нарса равшан, биродарим: илмсизлар илмли одамни кадрламайди, буни кўнглим сезиб турибди. Уларга кўпроқ айтганига юрадиган, фикрламайдиган одамлар керак. Бу ёғига Худо пошшо, хушёрроқ бўлаверайлик...

Аммо ниҳоятда зийрак одам экан у, мана айтганлари ҳамманинг кўзи олдида тасдиғини топаяпти. Кетар чоғи отасига ҳеч қутилмаган нарсани совға қилди. Қутига ўхшаган бир анжомни очиб, ялтиллаб турган наганни чиқарди.

– Совуқ матоҳни ҳада этаётганимга ҳайрон бўлманг, – деди хижолат аралаш. – Курол дегани аслида хосиятсиз, ўзим ҳам хушламайман. Аммо бу нотинч замонда шу нарсанинг қўлингизда бўлгани дурустга ўхшаяпти, гарчанд феъли атворингизга монанд бўлмаса ҳам.

Сўнг кулимсираб кўшиб қўйди:

– Аммо ўриснинг тўппончаси яхши экан.

Ёш йигит-да, ҳадыга Саъдулла кўпроқ суюнди. Эртаси тун ярмида тўқайга бориб отиб кўрди, чиндан курол ажойиб эди. Аммо қизиқиш юзасидан кўп ўқларни сарфлаб қўйганига бугун тўппончани яшириб қўйган жойидан олаётиб афсус чекди. Майли, ҳалиям ўн тўртта патрон қолган экан. Куролни қайта-қайта артиб, қўйнига солиб қўйди. Негадир ўзини бежавотирроқ, дадилроқ сезди. Ёқубхўжа отанинг сўзлари ёдига тушди: “Курол юракни бақувват қилади, унча-мунчадан тап тортмайсан”. Қани эди шу дамда ялоқхўр Бекчурин рўбарў келса-ю, қарсиллатиб пешонасидан отса...

* * *

Аммо ғаним сира рўбарў келмади. Шовоту Гурлан атрофларида ҳаракат қилган Бекберган мерганнинг тўдасига қўшилиб, ота-оту, чопа- чоплар билан бир неча йил ўтиб кетганини сезмай ҳам қолди. Юрган йўлида душманини излайверди. Қизил шапка кийган ҳар бирини ғанимим деб билди. Бошида тўданинг ёвга қақшатқич зарбалар бериб ҳолини танг қилган кезлар кўп бўлди. Отлар, яроғ-аслаҳаларни ўлжа олишганларида, қизилларнинг жон талвасасида тирақайлаб қочганларини кўрганларида йигитларнинг дилида ғалабага, душманни маҳв этишларига ишонч бор эди. Аммо янги ҳукумат айёр экан. Баъзан ошкора, баъзан яширин янги-янги кучларни ташлайверди. Кези келганида авом халққа бугдой, жўхори, баъзида эса этик тарқатиб, бир қисмини ўзлари тарафга оғдириб ҳам олди. Манфаатнинг ҳамма нарсадан устунлиги билинди шунда. Одамларнинг тилида. “Ана, ким яхши, қорнимизни тўйгазган болшавойлар яхши”, деган ибора пайдо бўлди. Найман кўлнинг яқинидаги жангда пулемёт ўқи Бекберганнинг кўксини илма-тешик этиб ташлагандан сўнг тўдани бошқариш унинг чекига тушди. Аммо урушга кирсанг ўлимни кўравериб ёшликнинг қизикқонлиги-ю, ғайрату жўшқинлиги ҳам сўниб қолар экан. Кимга жон ширин эмас, ахир. Қунлар ўтгани сайин атрофида кечаётган воқеаларни мушоҳада қилиб Саъдулланинг руҳиятида ўзгаришлар пайдо бўлаверди. Энди тунлари уйкуси қочиб ўйланадиган, бу ишларим тўғрими ё нотўғри, деб ўзига ўзи савол берадиган бўла борди. Нечукким, шўроларнинг тобора қўли баланд кела бошлади. Гоҳ у, гоҳ бу ерда босқин қилиб, амаллаб жон саклаб юраверганларидан наф кам кўрина бошлади. “Фалон жойда фалончининг йигитлари жанг қилаётган эмиш”, деб эшитадилару, аммо кўриш, учрашиш йўқ. Сўнгги ярим йилда тўданинг иши қизиллардан қочишу чекинишдан, бирор хавфсиз, кўздан пана жойни излашдан иборат бўлиб қолди, холос. Орқангда тоғдай суянчиғинг бўлмагандан сўнг эртанги кунинг қоронғи кўринар экан. Жунаидхоннинг сўзлари нафсиламбирини айтганда кўп нарсани ойдинлаштириб қўйди. “Мен юртни кофирга бермайман, деб неча йиллардан бери от суриб, қилич сермаб юрибман”, деган эди. Учи? Ростини айтганда Саъдуллани бу йўлга бошлаган сабаб мархума онасини ҳақорат этиб падарини калтаклаган, молини талон қилган душманидан қасдини олиш эди-ку,

ахир. Яна ҳам чинига кўчганда бу якка ўзининг дарди. Фурсатинг етиб Аллоҳнинг даргоҳига борганинга қони тўкилган ҳар бир аскаринг учун ҳам сўроққа тутилсанг не деб жавоб берасан? Юрагига чирмовикдай чирмашиб гижимлаётган бу каби ўю хаёллардан жисми жони чарчаб кетди рости. Сўнгги кунларда йигитларининг кўзларида ҳам ҳадикми, хавотирга ўхшаган алланелар очиқ намоён бўла бошлади. Аввалги жаҳду-жадаллари йўқдай, етим болага ўхшаб мунғайиб қолишгандай. Чунки душманнинг шахди баланд. Тўдада қолиш эса тирик юрасан, дегани эмас. Кимнинг қаерда, қачон ўлишининг ҳам маълуми йўқ. Ёмони аслида шу. Бунинг устига иш орқага кетгани сайин чўрткесар кўрбошининг гап-сўзлари йигитларга ҳам малол кела бошлади. Буни Саъдулла кўпдан сезиб юрибди. Йигитлари аросатда. Бундан ҳам баттари овулу қишлоқлардан ўтганларида одамлар “Молю жонимизни талаб кетишмасмикинлар”, деган кўркув билан қаршилайдиган бўлдилар. Бою бадавлатлари эса мендан бирор нарса сўраб қўймасин, дегандай ўзларини четга олишади.

Анчадан бери ейиш-ичишлари-ю, уйқуларининг ҳам тайини бўлмайд қолди. Навкарларнинг афтода кийимлари, сўлгин юзларига қараса кўнгли эзилади. Ўзини айбдордай ҳис қилади. Эртанги кунга ишонч йўқ. Хуллас фақат юрагингни эзиб, қайғуга ботирадиган мушкулотлар. Бас, энди ҳаммасига якун ясайдиган вақт етиб келган кўринади...

Узоқдан понсод кўринганида ана шундай маҳзун хаёллар оғушида эзилиб ўтирган эди. Понсод кўрбошининг руҳиятидаги ўзгаришни сезди чоғи, гапини айтолмай, сал фурсат туриб қолди.

– Бек, қишлоққа бу ерларни биладиган икки йигитни жўнатган эдим. Ёмон хабар топиб қайтишди.

Аввалари бундай гапни эшитса ўлжасини кўзлаётган бургутдай сергак тортарди дарров. Бу гал эса анча жим қолди, бу қадар совуққонлигига ўзи ҳам хайрон бўлди. Тавба, ненинг аломати бу?

– Айтавер.

– Милиса бошлиғи икки кундан бери тўртта одами билан шу қишлоқда экан. Чап юзида чандиғи бор киши эмиш. Бугун иккитасини аллақасқадир жўнатиб учови қолишибди. Ҳозир Маткаримбойнинг ҳовлисида зиёфат қилишаётган экан. Йигитларнинг танишлари айтишларича улар аллақасердан аскарларнинг келишини кутишаётган эмиш. Назаримда бизни сезиб қолишган кўринади. Нима қиламиз?

“Бу ўша!” Саъдулланинг бирданига шуури тиниқлашгандай бўлди. Демак, ёрдам чақиришган. Қўшимча куч тезда етиб келади. Ҳозир боссак қолганларини тинчитишимиз мумкин. Айни кулай пайти, лекин яна бегуноҳ бир иккита одамнинг қони тўкилади. Йўқ, бу ўйлагани маъқул эмас. Шунда неча кунлардан бери кўнглида пишитиб юрган қарорини амалга оширадиган фурсатнинг айни вақти эканини бирдан ҳис этди. Энди бу ишни кечиктирмаслик керак. “Бўлди, бу ёғига Худо – Раззоқ...”

– Йигитларни чакир!

Навкарлар тўпланганида понсод Саъдуллани кўриб хайрон бўлди. Юз-кўзида бояги ўксиклик йўқолган, бардам, тетик тутар эди ўзини. Қўл остидагиларга ўйчан тикилиб анча туриб қолди. Чамаси хаёлларини жамлади.

– Мен узоқ ўйланиб бир қарорга келдим, биродарлар, – деди овозига атайлаб куч бериб. – Биз урушиб бўлганга ўхшаймиз. Жанг қила-қила шу ерда тўхтадик. Мени кўрқоқ деб ўйламанг. Фаҳмимча энди бундан бу ёғига ҳамма ҳаракатларимиз самарасиз. Бизни қўллайдиган ҳам колмади ҳисоб. Ўзингдан кучли душман билан кўр-кўрона олишавериш гумроҳлик, тўғридан-тўғри ҳалокатга қараб юришдай гап. Шундай... Бугун шом тушгач ҳаммангиз қайтиб кетасизлар. Хоҳлаганлар бирор ишончли тўдага бориб қўшилсин, истамаганлар уйига қайтиб тирикчиликнинг

йўлини қилаверсин. Аммо қаерда бўлсангизлар ҳам ҳушёр юришга мажбурсизлар, чунки ҳукуматга қарши бош кўтарганлар, деган отимиз бор. Қуrollларингизни ўзларингиз билан олиб кетасизлар. Матмурод, менинг чодиримдаги хуржунда анча-мунча пул бор, ҳаммаларига тенг бўлиб бер. Энди йигитларга сен бош бўласан. Дарё бўйлаб тунда юринглар. Мен сизлардан розиман. Орада яхши ёмон гаплар ўтган бўлса, бошқа кўришмасак сизлар ҳам рози бўлинглар. Манглайимизга не ёзилган бўлса Худодан...

Юракни эзувчи, оғир сукунат чўкди ўртага. Кутилмаган қарор бўлди бу. Навкарлар суюнишни ҳам, қайғуришни ҳам билмай лолу танг қолишди. Кимдир оғир ҳўрсинди. Кўрбошининг мижжаларига нам қалқиб, овози бўғилди.

– Ўзим шу ерда қоламан, – саволга ўрин бўлмаслиги учун сўзида давом этди у. – Қиладиган озгина ишим бор. Энди йўлнинг тадоригини кўринглар!

Саъдулланинг мақсадини англаган пансоднинг ранги ўчиб кетди. Йигитлар тарқалишгач ёнига келди.

– Бек, ахир ёлғиз ўзингиз...

– Бу иш фақат менинг ишим! Шахсий ишим учун яна бировнинг қони тўкилишини истамайман. Шундоқ ҳам кўп қон тўқдим, гуноҳим оз эмас. Аммо барибир Худонинг хоҳлагани бўлади.

– Ёлғиз ҳеч иш қилолмайсиз, улар кўпчилик бўлиб келишади...

Саъдулла биродарига маъюс кулимсираб тикилди. Понсод унинг жилмайиши ортидаги ададсиз журъатни кўриб, фикридан қайтара олмаслигини сизди. Юраги ачишди.

– Тўғри, балки ҳеч иш қилолмасман. Лекин ҳеч бўлмаса унинг кўксига қараб бир ўқ узсам хотиржам бўламан.

– Кейин-чи?

– Омон қолсам сал нарида ўзим кўзлаб қўйган киши билмас яширинадиган жой бор. Шу ерда бир-икки кун жон сақлаб, Тўртқўлга ўтиб кетаман. У ерга буларнинг қўли етмайди...

* * *

Тонг оқармай уйғонди. Осуда кунлардагидай роҳатланиб дам олганига ҳайрон бўлди. Шошилмай таҳорат қилди. Бомдод намозини ҳам оҳиста, берилиб ўқиди. Узундан-узоқ дуо қилгач, тасбеҳ ўтириб, яна анча фурсат ўтирди. Тавба, шунда кўнгли алланечук хотиржам тортиб, ўзига ишончи ортганини сизди. Кўпдан бери дили бундай осойиш топмаган эди. Ҳаммасини яхшиликка йўйди. Эҳтиёт юзасидан бешотарини, наганини қайта-қайта текшириб кўрди. Понсод бериб кетган гранатани гупписининг ўнг чўнтагига солиб қўйди. “Худо хоҳласа, ишимни битираману, шитоб отга минаман”.

Даранинг ўртароғидаги тор йўлакка ўхшаб кетадиган жойдаги улкан харсангнинг орқасига жойлашиб олди. Душман фақат шу ердан келиши мумкин. Бошқа ҳамма тараф баланд тепалару, яланг тош, отлар бундай жойда юролмайди. Йўлга тикилиб ўтириб қуёш терак бўйича кўтарилганида ички бир туйғу сергак торттирди. “Ҳушёр туришим керак, ҳозир келиб қолишади”. Отларнинг кишнагани эшитилди. Милисалар юз эллик қадамча нарида, баланд ўсган тўранғуллар орасидан кўринди. Вужуди қизиб, пешонасига тер кўпчиди. Юраги дукиллаб қалтироқ қўллари билан милтиққа узанди. Сафнинг чап тарафидаги иккинчи отлиқни таниди. “Худойим, ўзинг мадад бер!” Нафасини ичига ютиб узоқ мўлжалга олди. Тепкини босди. Бекчуриннинг гавдаси қалқиб кетиб отдан оғаётган палла иккинчи ўқни узди. “Бўлди!” Сақраб ўрнидан турганида чап кўкси жигиллаб ачишиб, кўзи тиниб кетгани, оғзига иссиқ ва қуйиқ суюқлик тўлаётганини сизди. Ўқ овозини эшитмади.

Сарсон изларди ўзини-ўзи¹

Ҳикоя



Шарифжон
АҲМАД

Олим Отахон хотирасига

Саратоннинг қоқ ўртаси бўлишига қарамай, уззукун тиним билмай ёккан дўл-ёмғирлару дов-дарахтларнинг шохларини синдириб, бир зумда ҳаммаёқни кунпаякун қилиб юборган тентак шамоллар бугун негадир дафъатан тиниб қолган, худди оташкесимдан сўнг замбарак садоларию милтиқлар олатасири ҳам тўхтагач, энди ҳар икки рақиб томон жанг майдонидан ўликларини йиғиштириб олишга фурсат топганидек, шаҳар маъмурлари ҳам тозалаш ишларини бошлаб юборишганди. Жароҳат олган аскарлар каби юзтубан қулаган пажмурда дарахтларнинг аввал майиб шохлари, сўнг эса танаси ҳам кесилиб, шу ернинг ўзида саранжомланаётган, бир маромда ҳаракатланаётган фаррош машиналар эса кўчаларни ялаб-юлқаб, тозалаш билан овора эди. Ҳарбий лазарет фаолияти айна авжида, деб ўйлади у, остона ҳатлаб ташқарига чиқар экан.

Аслида ҳам ёзнинг қоқ ўртасида ҳавои жаҳоннинг кутилмаганда бундай айниб бериши одамларни шошириб қўйган, аввал тиниқ осмоннинг ҳув олис бурчида кўринган бир тутам булут тобора ёйилганча, соат ўтмай, бутун уфқни эгаллаб олгани ҳам ташвиш уйғотмаганди. Одамларни доғда қолдириб, энди шаҳарнинг қоқ устида тўпланиб олган тим қора булутлар оралаб кескир яшин тиглари ерга

¹ * *Il cherche lui-même, il épuise en lui tous les poisons, pour n'en garder que les quintessences. ...Car il arrive à l'inconnu! Puisqu'il a cultivé son âme, déjà riche, plus qu'aucun! Qu'il crève dans son bondissement par les choses inouïes et innombrables: viendront d'autres horribles travailleurs; ils commenceront par les horizons où l'autre s'est affaissé!*", **Arthur Rimbaud, Lettre du Voyant, à Paul Demeny, 15 mai 1871.**

“Моҳиятларни англаш ишқида неки заққум бор – барини татиб кўрарак, у ҳамон ўзини излаёттир. Ва замон келарки, тилсимлари бисёр синоатларни ҳам англаб етажакдир, илло, аслида ҳам кўркем қалбини муттасил парваришлаш унинг чекига тушимиш эди. Юксакларга парвоз қилар экан, бемисл синоатлар завқидан, майли, завол топсин, аммо изидан келаётган ўзга ворислар у ялов тиккан ўша уфқлардан фитрат сафарларига бардам отланажаклар...” **Артур Рембо, “Баширатгўй битиклари”, Поль Денемизга, 1871 йил, 15 май.**

Шарифжон АҲМАД – 1969 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Бир тушининг эврилишлари” номли китоби, Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Андрей Платонов, Жуброн Халил Жуброн ижодидан таржималари чоп этилган.

санчила бошлаганда эса кеч бўлганди. Юракларга ибтидоий гулу солиб чақинлар ортидан янграган қалдиروقлар кўча ва хиёбонларда кезаётган одамларни бир зумда тиркиратиб юборди. Бўлиқ кўсини самовий шамшир тиглари пароканда қилаётган булутлардан дўлу ёмғирлар шиддат билан шаҳар устига ёпирилар, жунбушга келган бу телба қудрат неки бўлса, барини уриб-синдириб, яксону пайхон этишга астойдил бел боғлагандек эди. Ҳеч қутилмаганда бошланган тўфон бир неча кун ўтиб, худди шундай – дафъатан тинчигунига қадар одамлар ушбу тенгсиз важоҳатни уйларига қамалиб олганча, пусиб кузатишга маҳкум эдилар.

Мана энди, неча кунлик талотўплар ортда қолиб, бошқа бандалар қатори кўчага отланар экан, шу дамда қаёққа йўл солишини, ўзини нима билан андармон қилишини билмас, наинки булар, балки ўзининг ҳеч бир иштирокисиз, ихтиёридан ташқари бир одми одат тарзида нафас олаётганидан, атрофда ҳукм сураётган мана бу ташқи олам изнисиз унинг (ташқи бу оламнинг) ҳар бир манзарасини истаса-истамаса кузатишга маҳкум эканидан сиқилар, устига-устак, хаёлида ғужғон ўйнаётган, аммо ҳали тайинли бир фикр шаклини ололмаётган пароканда бу ўйлардан мақсаду мурод не эканлигини ҳеч англамас, аслида эса мана шу англамаслигини тушунишга ҳам қурби етмас эди.

Уни ўз бағрига олган бу шаҳар ўз ҳолича яшашда давом этар, мана шу давомийлик ичра ўзгаришларга дучор бўлаётгандай кўринса ҳам, бўрону тўфонлар етказган талафотларга ҳам қарамасдан, аслида кеча ва аввалги кунлар қандай бўлса, бу шаҳар барибир ўзгаришларсиз – ўз ҳолича қолаётган эди. Фақатгина кундалик ташвишлар етовида кезинаётган одамлару турли русумли автолар, йўл четида саф тортган дарахтларга дам-бадам гуррос қўнаётган қушлар галаси сароб каби хаёлий бу тирикликка ҳаракат ва фаолият бағишлаб тургандек эди, холос.

Шаҳарни довул асоратларидан тозалаш билан ҳамон машғул хизматчиларни кузатиб, буталари баравж ўсган аллақандай боққа келиб қолганини сезмади. Унгача ҳам неча замонлар бадалида юрилавериб, ўт-ўланлари босилавериб, сўқмоққа айланган ораликдан юриб, бир ялангликка чиқди. Ялангликда эса хориган йўловчилар йўлини пойлаганча ёлғиз курси бағрини очиб турарди. Курсига чўқди. Вақт чошгоҳга яқинлашган, қоқ тиккага келган куёш тафти дарахтлардан ҳоли бу ялангликни забтига олганди. Довулли кунлар бўйи кулбасида қамалиб ётаверганидан зах босган танасига энди бу иссиқлик хуш ёқа бошлади. (Бу жойнинг яна бир афзаллиги одамлар нигоҳидан панада эканида эди, илло ўнгу сўлга муттасил автолар ўтиб турган йўлдан баландроқда жойлашган ва қалин буталар билан ихоталанган бу ялангликдан ўзинг атрофни бемалол ва беҳавотир кузатишинг мумкин, айни пайтда йўл ёқасида кезинаётган одамлар эса сени илғай олишмасди.)

Тирикликка умид билан умидсизгина ва базўр бош кўтариб, (аммо барибир муқим фикр шаклини ололмасдан) шу оннинг ўзидаёқ тафаккурининг овлоқ туйнукларида чўкиб ўлаётган ожиз учкунларнинг қайта безовта қилишини истамаганидан, буталар оша назар ташлаб, ҳув анави чорраҳага бемақсад ва бемаъно тикилиб қолди. Аммо бу ерда нима қилиб ўтирибди? Автойўлга бақамти йўлақдан шошилмай бораётган анави одамлар нимани истайди? Бир-бирининг пинжига суқилган аёл билан эркак. Эркакка кулгу ҳадя этаётган бу аёлнинг табассуми қанчалар самимий аслида? Агар чин табассум бўлса, нега унда сохта қилиб кўрсатмоқчи бўляпти? Ё бу ноз-карашмаю ишвалар бир вақтнинг ўзида бирваракайига ишга солинаётганидан шунақа сохта туюладими? Улар нималар

ҳақида сўзлашаётган бўлса? Умуман, нималарнидир сўзлаш, ҳаёлда кечаётган нарсаларни сўзлар шаклига солиб, ҳаволарни беҳуда тўлқинлантириш шунчалар муҳимми? Сўзланаётган сўзлардан аслида маъно борми ва сўзларни сўзлаш бу сўзларнинг асил маъноларига беомон путур етказмасми? Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, агар тафаккур заррабиниди синчиклаб кўрилса, сўзлаётганимиз шу қадар беҳисоб сўзларнинг бирортасида гўёки улар ташиётган маънолардан бирор нишона борми аслида? Сўзларни тафаккур этиш учун сарф этилаётган барча ушбу чиранишларни исроф этиш ўрнига, одамларнинг барча истак ва эҳтирослари, зарурат ва мақсадларини биратўла ва тўла-тўқис ифода эта олажак биргина сўзнинг ўзи кифоя эмасми, масалан, биргина “уй” ва ё “кулба”? “Уй” ва ё “кулба” дейилиши ҳамон оилаю бола-бақра, ота-онангу элжуртинг, бу эл-юрт одамларининг барча истак-интилишлари, азоб ва уқубатлари, кулфат ва ғамларидан бино этилган тариху келажаги, юксалиш ва инкироз манзаралари, инсоний фожиалару бир-бирининг пинжиги суқилган кўйи ўз муҳаббат гўшалари томон бораётган худди анави жуфтлик каби барча инсонларнинг майл ва эҳтирослари яхлит тизим бўлиб бирлашмасми? Нега кеча ва ундан аввалги кунлари ёмғиру довул ҳеч тинмади, бугун эса – сукунат?

Моҳиятларини унинг ўзи ҳам англамаётган бу саволлардан боши ғовлаб кетди. Оёғи остига тикилди, офтоб тафтини соғинган ҳашаротлар ғимирлаган кўйи бир нималар билан машғул. Бута шохига қанотчалари куёш нурларида товланаётган ниначи келиб қўнди. Икки кўзи қабарик гуманоидларникига ўхшаш бошини ўнгу сўлга дам-бадам буриб, охири хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, қанотларини бўш қўйганича, тек қотиб қолди. Ниначини тутиб, яқиндан томоша қилгиси келди. Пусиб, аста бутага яқинлашди, ниначи хатарни илғаб, учиб кетди. Ортидан кузатиб турди, ниначи тепада чивинларнинг ғужғон булутига ўзини урди, чапдаст экан – оғзида ўлжа билан энди нариги бута шохига келиб қўнди. Тамадди қилишини бериқроқдан кузатиб турди. Сўнг яна эҳтиёт бўлиб яқинлашди, ниначи овқат билан андармон бўлгани учун бу сафар уни осонгина тутиб олди. Саросимада қолган ниначи оғзидаги чивин қолдиқларини тушириб юборди. Қанотларини қўйиб юбормасдан, диққат билан кузатди – болалигида қишлоққа тутатиб кетган пахта даласи устидан пастлаб учганча сассиқ дори сепадиган “кукурузник” самолётнинг худди ўзгинаси – майда томирлар билан қопланган икки жуфт шаффоф қанотча, думи томон ингичкалашиб борган фюзеляж танасию ўлжасини тутишга мослашган тукли оёқлари. Энг муҳими, ҳаракатчан бошида қабариб кўринаётган кўзлар. Бир сўз билан, ўлжа овлашга мукамал ихтисослашган митти йиртқич. Бошқа болалар билан бирга ниначилар устида ўтказган тажрибалари эсига тушди. Тўрттала қанотини бир хил калталиқда чилпиб қирқди-да, энди учиб кўрчи, дегандек осмонга улоқтирди. Бандилиқдан бўшалган бўлса ҳам, ниначи учиги уриниб ҳам кўрмади, сал нарироққа бориб кулади. Қилган ишидан ўзи уялиб кетди, бориб ниначини қўлига олди ва бутанинг баландроқ шохига ушлатиб қўйди. Балки бошқа шериклари кўриб қолса, ярадор биродарига ўзлари билганча ёрдам кўрсатишар? Ниначига қилган зулмидан пушаймон бўлгани аниқ эди, шу сабаб бу ерда бошқа ўтиролмади. Ўрнидан туриб, ялангликни, ундан кейин бу боғни ҳам тарк этди.

Ҳаёлу фикрлари пароканда ҳолатида эндиам қай томонга боришини билолмай каловланиб турди, сўнг йўлнинг нариги муъолишида кўринган трамвай бекатига қараб юрди. Қай томонга эканининг асло фарқи йўқ, фақат қаергадир кетса ва қачондир ўша қаергадир етиб борса, яна ҳам тўғрироғи эса – ҳеч қачон ҳеч ерга

етиб бормаса бўлгани эди! Қулоғига кўпдан таниш қўнғироқларини жаранглатиб, бекатга трамвай келиб тўхтади. Нечанчи рақамли эканини ўйлаб ўтирмасдан, супадан кўтарилиб, энг сўнгги бекатга чипта олди. Нафсиламбри, негалигини аниқ айтолмайди, балки автобуслардаги одатдаги тирбандликдан кўра бу ерда ўриндиқлар кўпинча бемалол бўлгани учунми ва ё аллақандай руҳий сокинлик бағишлаши туфайлими, у ҳамиша трамвайларда юришни маъқул кўрарди. Метрода юришдан эса Худо асрасин, то манзилга етиб олгунча қўнглингни ноқулай бир ғашлик тинч қўймайди. Метрода ҳамма асабийлашади, аммо ҳар ким бу ҳолатини бошқаларга сездирмасликка интилади ва интилгани сайин ички зўриқиш ҳам ошиб боради, кўзлар тасодифан вагон ойнаси аксида бошқа кўзлар билан тўқнашгач эса бу зўриқиш қанчалар нохуш экани шундоқ билиниб қолади. Шу нохушликка дучор бўлмаслик учун, бошқа бировнинг кўзларига кўзлари тушмаслиги учун йўловчилар ўзларини нималар биландир банд қилиб кўрсатишади, ана, бири газета ўқиш билан машғул, бошқа биров эса кўзларини чирт юмганча ўзини ухлайётганга солади, агар диққат билан қаралса, юмук қабоқлари ичидаги кўзлари дам-бадам ўйноқлашидан аслида уйғоқ экани ва бекатини ўтказиб юбормаслик илинжида қулоқлари ҳам сергак эканини билиб олиш қийин эмас. Шундоқ ҳам ёлғиз одамларнинг ер остида яна бўрттирилган ёлғизлиги. Манзилга етиб, еростидан ниҳоят шаҳарнинг кучоқ очган бағрига чиққач, назарида, ҳар бир одам ўзини бениҳоя бахтиёр ҳис этишига ҳеч шубҳа қилмасди.

Аксига олиб, трамвай одатдагидан кўра бугун тирбанд, ҳамма ўриндиқлар боқишлари сипою сурбет чехралар билан банд эди. Бир аёлнинг кўлидаги чақалок тинмай биғиллар, оёқлар остидаги темир ғилдирақларнинг рельс бўйлаб ҳаракатидан пайдо бўлаётган муттасил “тарақа-туруқ”и ичкарини ўз забтига олганди. Туткичларга осилган озгину хўппа семиз гавдалар трамвай ҳаракатига монанд бир маромда чайқалиб борарди. Ажабо, бу ерда ҳам ўзини ноқулай сеза бошлади. Ҳолироқ жой топиш учун вагон охири томон узр сўраганча сурилиб бораркан, бу ердагилар фақат айнан уларга тегишли хос ёлғизликларини безовта қилаётгандек унга хўмрайиб назар ташлашар, норози оҳангда бир нималар деб пўнғиллаганча юзларини намоёйишкорона терс ўгириб олишарди. Ёнидан ўтаётганида биттаси ҳатто, киши билмас қилиб, тирсаги билан биқинига чунонам ниқтадики, нафас олиши қийинлашиб, юзлари бўғриқиб кетди. Ҳамдардлик излаб, атрофга олазарак бўлиб қаради, гўрдами, ҳамма ўзини гўлликка солиб олган, ушбу бедодликка аниқ гувоҳ бўлган анави семиз жувон эса, ўриндиққа ёйилиб олганича, бундан мамнунлигини ҳатто яширишни ҳам истамасди. Хўрлиги келиб, ниҳоят вагон охирига етиб борди. Қулоқлари остида темир ғилдирақлар шовқини, чақалокнинг биғиллаши ҳамон тинай демасди.

Ҳозиргина трамвайнинг, наздида, бутун вагондагиларга калака бўлганидан ўзини қаттиқ хўрланган ҳис қилар, қўнглидаги бу ўнғайсизликни аритиш учун трамвай ойнасидан муттасил ўтиб бораётган шаҳар манзараларига тикилишдан бошқа арзирли машғулот топа олмасди – ишқилиб, масхараомуз нигоҳларга дуч келмаса бўлгани эди. Ташқарида эса одамлар неча кунлик ёғингарчиликдан сўнг, ниҳоят, ўз ҳукмига кирган қуёш тафтида кезинишар, табиат хуружининг йўл четларида қолган сўнгги нишонлари ҳам бартараф этилаётган эди. Трамвай ойнасидан ташқарига қараб боришнинг метродан афзаллиги ҳам шунда эди аслида – токи ташқарида ҳали кундуз ҳукмрон экан, ойна тубларида бошқалар нигоҳи билан тўқнаш келмайсан.

Ташқари куёш нурларидан бениҳоя чароғон эди, ёруғликка узок вақт тикилаверганидан кўзлари толиқди. Бу орада эса атрофида нотаниш бошқа чехралар пайдо бўлганига эътибор қилди, афтидан, ўзи билан овора бўлиб, бир неча бекат ортда қолгани ва унинг бояги ҳолатига гувоҳ бўлганларнинг кўплари ана шу бекатларда тушиб кетганини сезмай қолганди. Бундан бениҳоя мамнун бўлди, ўзини қарийб бахтиёр сеза бошлади. Дадиллашиб, атрофдаги янги қиёфаларга разм солди. Ана, шопмўйловли бобой, хойнаҳой бозорга йўл олган чиқар. Унинг ёнида шаҳарлик пўримларга хос бўлмаган соддагина йигит ва қизалоқ, аҳён-аҳёнда бир-бирларига ўғринча қараб қўйишади, нигоҳлари учрашганда эса иккисининг ҳам ёноқлари дув қизариб кетгандек бўлади; афтидан қишлоқдан келган биринчи курс талабалари, ҳатто бир гуруҳда ўқишса ҳам керак, ҳечқиси йўқ, ҳозирча шунақа уялинқираб турганларинг ҳам дуруст, бир-икки йил ўтсин, қарабсанки, пихини ёриб, сурбетлашган шаҳарлик олифталарга айланасан-қоласанлар. Вагон ичидагиларни қизиқсиниб кузатишда давом этаркан, бирдан бошқалар назаридан йироқда, энг сўнгги ўриндиқда ўтирган қизга кўзи тушди.

Кўзи тушдию, юраги ҳаприқиб ура бошлади, илло соҳибжамол бу қизга сокин юрак билан боқиш асло мумкин эмасди. Оёқларидан мадор кетиб, кўз олди қоронғилашаётганини сизди, у қизга яхшироқ разм солиш, ўртадаги масофани лоақал бирмунча бўлсин аритиш, унинг бутун нафис қиёфасидан таралаётган сезилмас тўлкинларни ҳис этиб ва ниҳоят унинг меҳварида айланмоқ учун ўша томон юрди. Қизнинг гўзаллигига тоқат қилиб бўлмас эди. Қаршисида мангу аримас, ақл бовар қилмас бошқа оламлардан ташриф буюрган хилқат тургандек бутун вужуди кўзга айланди. Шу бутунга қадар, шу тобга қадар нени билган, нени англаган бўлса бари – барча масрур қувончлари, жамики қайғули андуҳлари – барчаси бир тугун бўлиб бирлашди-ю, вужудини зир титратиб, портлаб кетгандек бўлди. Назарида, бу оламда неки бор бўлса, уларнинг бари шу қизда мужассам, бу оламдаги барча манзиллар биргина унда сўнгги истак бўлиб бирлашаётган эди. Ана, тушларида неча бор кўрган синоатли ёбон ва таваллуд юртига қайта элтажак кеманинг парку елканлари сокин елларда ҳилпираб, бу ёбонда лангар ташлаши ёхуд узок айрилиқдан сўнг ниҳоят етиб боргани кадрдон қишлоқда эса волидаю-падари, бобо ва момолари кўзларида ёш билан қучоқ очиб қарши олишлари ва яна кўплаб шу каби ўтмиш тасвирларининг адоқ билмас шажаралари. Қизга суқланиб тикиларкан, атрофдагилар нигоҳи унинг маъбудий тимсолини булғашини истамай, ҳатто юзларини сийпалаётган куёш нурларидан ҳам қизғана бошлаганди. Унинг бемисл малоҳати вужуду шуурининг то сўнгги зарраларига қадар ишғол этиб, бутун борлиғида чидамсиз оғриқ уйғотганди. Тенгсиз гўзаллик нашьасидан пайдо қийноқлар азоби.

Бутун иродасини йиғиб, ниҳоят қизга бир нима дегиси келди.

– Салом, яхшимисиз...

Қиз назокат ила бошини кўтариб, салом соҳибига қаради: тубсиз тубларидан ажиб нурлар таратаётган тим қора кўзлар гавҳари!

– Салом.

– Китоб ўқияпсизми?

– Ҳа.

– Яхши китоб. “Тўртинчи қаватдаги...”

– Кўзларингиз ўткир экан, – билинар-билинемас табассум.

– Кўзларимдан ҳозирча нолимайман, – қиздан навбатдаги табассум ҳадяси. –

Аслида бу китобни шу кунларда ўзим ҳам хатм қилиб туширдим, шунга...

Қиз жилмайибгина:

– Табъи назмингиз нозик кўринади, мавлонога ёққандир, ахир?

– Эпиграфида Рембодан шундоқ олиб ёзиб қўйилганидек, ўзини сарсону саргардон излаётган бир шизофреник дарвеш ҳақида.

– Жа унчаликмас-ов, – эътироз билдирди қиз ўпқаланиб, – менимча, неча замонлардан бери ҳаётига ҳеч бир янгилик йўламаётган ва шу сабаб ҳам тушқунлик, умидсизлик ботқоғига ботиб бораётган кимсанинг ўзи учун ўзи умидворлик яратишга интилишлари, десак сал тўғрироқ бўлар...

– “Ҳаётда ҳеч нарса ўздан ўзи содир бўлмайди: беамр тикан қирмайди, деганлари бежиз эмас – рўй берган ҳар қандай ҳодисанинг сабаби мавжуд – бироқ кеч кузнинг замҳарир кунларидан бирида тасодифан учраб, ҳаёлингни алғов-далғов қилиб юборган нарсанинг сабабини сен ҳеч қачон топа олмайсан: қолаверса, бунга ҳатто қизиқиб ҳам кўрмайсан...”

– Эҳ-ҳе, ҳали ҳикояни ёддан биламан денг, вожаба!

– “Нима қилиш керак? – дея ўз-ўзингдан норози бўлардинг ва секин-аста аллақандай умидсизлик юрагингга чўкиб бораётганини сезардинг. – Худди ҳаётимда бир нима юз берадигандек доим ниманидир кутиб юраман... Нима қилиш керак?”

– Ана бўлмаса!

– “Сен кўримсизгина бино томон юриб ва худди шундай кўримсиз йўлақдан ўтиб, чапга буриласан. Йўл ўртасида калта-култа шохларини узатишга чоғланган қўйи қотиб қолган дарахт ёнидан ўтаётиб хўрсинасан. Дунёда ҳосиятсиз нарсалар кўп: ҳосиятсиз кунлар, ҳосиятсиз тушлар, ҳатто ҳосиятсиз тасодифлар... Сен ирим-сиримларга ишонмаганинг учун бу ҳосиятсиздек дарахтга бошқа кўз билан қарардинг”.

– Салгина сабр қилинг, – деди қиз, – менга ҳам навбат беринг ахир! – шундай дея қиз ҳам, қўлидаги китобни ёпиб, ҳикоянинг давомини ёдаки айта бошлади:

– “Шамол энди рўпарадан эсарди, сен чиқишдан кўра тушиш ноқулай бўлган зина тарафга юрасан. Зина тепасига етганда теварак-атрофни алланечук шовур-шувур тутиб бораётгандай туюлади; сен пастга туша бошлайсан – қуйроқ тушганинг сари шовқин кучайиб боради. Сўнгги поғонага оёқ қўйганингда дастлаб бошинг узра денгиз тўлқинлари гувиллагандек бўлади, илкис бош кўтариб, учиб бораётган қушлар галасига кўзинг тушганда эса ҳазин садолар янграб кетади”.

Буни ҳеч қутмагани, ўзининг назмий таровати билан, синоатли туйғуларининг эҳтиросли изҳорлари билан ҳаёлини ўғрилаган бу ҳикояни ўздан бошқа яна кимдир шу қадар ҳис эта олишини, ҳис этибгина қолмасдан, ҳикоянинг яширин оҳанглари ҳам баралла намоён эта олишини асло қутмаган эди. Қиз эса сокин ва ширали талаффузда давом этарди:

– “Худди мана шу қушлар жуда кўп нарсалар ҳақида сени огоҳ қилиши мумкиндек ва ҳаётинг қўнғироқчаларини чалиб юборишга қодирдек уларга дафъатан талпинасан. Бироқ, қарасанг қушлар йўқ, улар узокда қора доғлардек қип-қизил шафакқа сингиб боради. Сен мунғайиб улар ортидан термиласан, назарингга яна бошқа қушлар тўдаси учиб ўтаётгандек, ҳеч қаерга жилмай, кўзинг толгунча қараб тураверасан. Бехосдан бир нарсага кўзинг тушади-ю, юрагинг ҳаприқиб ҳаммасига тушунасан”.

Тилсимлари бисёр синоатга бехос дуч келган каби унинг ҳам юраги ҳаприқа бошлади. Қизгинанинг лабларидан учаётган ҳазин каломлар ҳеч бир қаршиликсиз

тўғридан-тўғри юрагидан жой олаётган, барчасини очик-ойдин изҳор этишни ўзига эп кўрмаган ёзувчи сокин бу сатрлар аро яширмиш ғаройиб эҳтиросларнинг ноаён тимсоллари баайни қизнинг талаффузида асл моҳиятларини кўрсатиб, ечилиб бормокда эди.

Ўзининг масрур кайфиятини бошқалар билан баҳам кўриш истагида атрофидагиларга бокди. Трамвай вағони ичидагилар бу икков ўртасида кечаётган айтишувга ҳайрат ичида шохид бўлишлари керак эди, назарида. Аммо не ажабки, ҳеч ким уларга қайрилиб ҳам қараб қўймас, ҳамма ўз машғулоти билан андармон, кимдир газета ўқиган, яна биров эса трамвайга монанд чайқалиб, пинакка кетганди. Бошқалар учун уларнинг иккиси ҳам мавжуд эмасдек эди гўё.

Қизнинг эса бошқалар билан иши йўқ, гўёки ўйинни бошлаб берган бу йигитни ўзининг қуроли билан батамом яксон этишга қасд қилган каби ёдаки мутолаада давом этарди:

– “Бу ҳозиргина тепасидан сайёҳ қушлар учиб ўтган иморатнинг тўртинчи қаватидаги дераза эди, ундан аста-секин қуюқлашётган қоронғилик қўйнига ипакдек майин шуъла тараларди. Бамисли нотинч денгизда адашиб – улоқиб юрган ва кунлардан бир кун нур сочаётган маёқни кўрган денгизчилар илкис қувончдан ўзларини йўқотиб қўймай, дастлаб жилвагар маёқнинг нажотбахш рафторига мафтун бўлгандек сен ҳам бир неча сония тўртинчи қаватдаги сарғиш деразага ҳайрат билан тикилиб қоласан. Дераза чиндан ҳам маёққа ўхшарди: у имлар ёхуд чорлар ва бу дераза шаклидаги ёруғлик манбаи оҳанрабодек домига тортарди. Сен беихтиёр “Қушлардан хотира бу” дея ҳаёл қиласан: дарвоқе, деразадан ёғилаётган қизғиш шуъла билан қушлар овозида муайян умумийлик бор эди – икковининг замирида ҳам унсиз фарёд кучли, иккови ҳам деярли бир хил таъсир этарди”.

– Ҳа, худди шундай, – деди йигит, – тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза рутубатли бу ҳаётдан сўнгги умидларини ҳам узиб, умидсизлик ботқоғига ботиб бораётган телбасифат ҳикоя қаҳрамони учун дафъатан юзага қалқиб чиққан бир маёқ каби эди. Маёқки, унинг замирида қаҳрамоннинг ўзигагина мансуб барча эҳтирос ва майллар, қалбининг энг тубларига бошқалар кўзидан нари тутиш илинжида ўзи қачонлардир улоқтирган, энди шу тобда унинг ўзи ҳам ҳайбатига ортиқ дош бера олмас ўзининг зимистон ўйлари яширин эди.

– Бечора қаҳрамонни намуноча ҳақорат қилмасангиз, ҳали шизофреникдан олиб, ҳали телбага соляпсиз-а! – деди қиз норозиланиб. – Агар билсангиз, ҳикоя сиз айтаётган талқинлардан мутлақо йироқ. Бу ҳикоя савқи табиий билан бир нафаснинг ўзида ёзилган ўта ноёб асарлардан бири. Ҳа, қоғозга тушириш учун сарфланган вақтни истисно қилсак, ҳикоя чиндан ҳам бир нафаснинг ўзида битилган. Ундаги ҳар бир сўз ва ҳолатлар тасвири шу қадар ўз ўрнига муҳрланганки, сўзларнинг бирортасини ўзгартириш мутлақо ақлга сиғмайди. Нафис туйғуларни шунақа сеҳрли шаклларга жойлаб тараннум этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Ҳа, бу тимсолий ҳикоя, ҳа, унда эҳтиросу йўқотишлар ғуссалари ҳам бор. Етарлича зукко ўқувчи гап нима ҳақида эканини тахминан сезиб, англаб ҳам туради. Лекин, энг муҳими, бу ҳикояни ҳеч ким токи сўнгига қадар тўла тушунтириб бера олмайди. Керак бўлса, ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам бунга ожиз.

“Сен йўлканинг адоғига боргач, яна бош кўтариб қарайсан. Энди деразани бафуржа томоша қилса бўлади, чунки сен унинг нақ рўпарасидасан. Назарингда дераза ҳамон кимнидир чақирар, кимнидир ўзидан огоҳ қиларди: нимадандир умидворга ўхшарди. Сен дафъатан мана шу илтижони пайқаб қолганинг учун

зум ўтмай у илтижонинг қизғиш бармоқлари вужудингга ёпишиб, юрагингни пайпаслаётганини сезиб сесканиб кетасан. Ҳа, у юрагингни изламоқда эди! Беихтиёр энтикасан”.

Қиз ҳикоя ҳақида сўзлар экан, унинг ҳазин, шу билан бирга эътирозларга ўрин қолдирмас оҳанглари уни тамом ўзига мафтун этган, у сўзлаётган фикрларга заррача бўлсин эътироз билдиришни истамасди.

“...Бора-бора бу сарғиш дераза фикру хаёлингни ўғирлаб қўйди. Сен ҳатто баъзи кунлари тезроқ қоронғи тушсаю тезроқ ўша дераза олдига борсам, дея кутадиган бўлдинг. Гоҳо ишхонангда деразадан серкатнов кўчага қараб ўтирган пайтларда бирдан кўз олдингга сарғиш дераза келар, юрагинг орзиқиб кетарди. Сарғиш дераза бамисоли маҳбубанг эди, маҳбуба бўлганда ҳам юлдуздек чараклаган, зориққан кўзларида, ҳорғин ва ўйчан қарашлари, зариф табассумида интизорлик, илтижо ва алоҳида меҳр жилваланган маҳбуба!”

Алмисоқдан қолган трамвай вағони адоғида тасодифан учрашиб қолган бу икковлон ўртасида, бошқа йўловчиларнинг зиғирча қизиқишию аралашувисиз адабий муҳораба давом этаркан, йигит айнан шу ҳикояга дохил кўпдан бери ўйлаб юрган фикрини ўртага ташлади:

– Биласизми, – деди у қизга қараб, – мулоҳазаларингизга менда зиғирча ҳам эътироз йўқ. Умидсизлик ичра бир умид ваъдаси билан якун топган ушбу ҳикоянинг мутлақо бошқа шаклини, эҳтимолки, муаллифнинг ўзи бунга тиш-тирноғи билан қаршилиқ билдириш эҳтимоли тайин бўлган бошқа шаклини ёзишни таклиф этган бўлардим. Навбатдаги бу ҳикоя сиз билан биз кўнгил қўйган ушбусининг мантикий давоми бўлиши ҳам, айти пайтда эса ўз ҳаёти билан яшаб, ўз сюжет чизикларида мустақил давом этажак алоҳида ҳикоя бўлиши ҳам мумкин. Ҳикоя ичра ҳикоя эмас, балки ҳикоядан таваллуд топган мувозий ҳикоя.

– Сизни шунчаки бир китобхон мухлис десам, қаламкашликдан тузуккина хабарингиз борга ўхшайсиз-ку. Унда, агар сир бўлмаса, ўша сиз айтаётган ҳикоя қандай бўларкин?

– Бу шундай ҳикоя бўладики, аслият қаҳрамонининг оромини бузиб, унинг бутун хаёлини ўғирлаган тўртинчи қаватдаги ўша сарғиш дераза ичкарасига қадам қўямиз ва ана ўша ичкарида йиллар давомида қамалиб олганча энди ташқарини кузатамиз. Аслият қаҳрамони наздидаги бу гўша синоатларини қадам-бақадам еча борарканмиз, тўрт девор ичида яшашга маҳкум этилган бандининг руҳий фожиаларига, унинг истак ва майлларига шерик бўламиз.

– Топилмангиз чакки эмас, аммо бунинг хотимаси қандай бўлади? Ишқилиб қаҳрамонларни ўлдириб юбормассиз?

– Ҳикоясини бошлар экан, аслият муаллифи ҳам бу асарига пировардида қай тусдаги хотималар раво кўрилишини аввалдан билмагани каби, мен ҳам олдиндан бир нарса деёлмайман. Аммо билганим шуки, бу ҳикоя инсоннинг руҳий оламидаги эврилишларни тадқиқ этиш, ибтидодан бошланган жумбоқли саволларга (майли, самарасиз бўлсин) жавоб излашга доир навбатдаги уриниш бўлади. Унинг муҳитларида мана бу рутубатли ва дилгир оламнинг бефайз манзаралари эмас, билъакс, новоқеъ воқеликнинг, бошқа бир оламнинг ҳали кўплар билмаган, кўникилмаган манзаралари эҳтирос ва муҳаббат билан муқаррар этилажак. Унда адабий ақидаларнинг зўраки ва муттасил тақрорларига батамом барҳам берилиб, бўлак манзилгоҳларга элтувчи янги сўқмоқлар изланади. Энг муҳими эса бу янглиғ асар мутолааси адоқсиз ҳузур инъом этиши назарда тутилажакдир.

– Бу ҳикояни мен ҳам ҳузурланиб ўқишни жудаям истардим...

Қиз йигитнинг бутун хаёлларини ўғирлаб, у учун, фақат унинг учун битмоқчи бўлгани ўша асар завқини ҳам пароканда этиб, кейинги бекатда тушиб қолди. Изидан қараб қоларкан, қиз ортига қайрилмади ва... қўл ҳам силтамади. Улар қайтиб кўришмади.

Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза эса бу гал бутун жозибасини намоиш этиб ёп-ёруғ, кундуздан-да ёруғ порларди. “Назарингда у ҳорғин эмас, сокин эди. Сен энсиз йўлканнинг адоғига бориб, қўл силкийсан ва бир изтироб вужудингни секин қамраб ола бошлайдию, унсиз, елкаларинг силкиниб-силкиниб, худди узок айрилиқдан сўнг фарзандини кўрган она кўйига тушасан...”

* * *

Аммо яна бир таассуф шунда эдики, саратоннинг қоқ ўртасида беҳосдан қутурган довулли кунлардан сўнг энди тин олиб, ўзига кела бошлаган шаҳарда, эски трамвай вағони адоғида иккимиз ўртамизда кечган ушбу суҳбат чинми эди ва ё рўё, малоҳатингдан кўз олдим қоронғилашиб, ҳар иккимиз суйган ҳикоядан иккимиз-да басма-бас сатрлар ўқирканмиз, сокин табассум ҳадя этишларинг чинми эди ва ё хаста тафаккурим фаразларими – буларни энди билолмасман. Ҳар не бўлганда ҳам, ўшанда шопмўйлов бобойнинг овозидан ўзимга келдим:

– Ҳов йигитча, тушадиларми, ё..?

– Ҳа, амаки, тушаман, – трамвайда дарбадар кезишга бошқа ҳожат қолмаганди.

Аллақайси бекатда тушиб қолдим, шу ернинг ўзида ўриндикқа ўтириб, папирос тутатдим. Бўлиб ўтган ва ё бўлмаган, чинакам ва ё хаёлий суҳбатни қайта хаёлдан ўтказдим. Алланималарни ўйлаб, бир нарсаларни тафаккур қилдим. Ибтидодан интиҳога томон ва ёки билъакс – келмишдан кечмишга томон сизиб ўтаётган бу мангулик аро сарсон бизларни, бизларнинг барча майл ва истакларимизни омонлиқда сақлаб бўларми... Хаёлимдан эса яна ғаройиб мана бу сатрлар кечарди:

/ Ҳар кечнинг кечари кундир, / Ҳар куннинг кечари кеч. / Ҳар кечнинг келмиши кундир, / Ҳар куннинг кечмиши кеч... /

1992 йил

* * *

2017 йилга тааллуқли постскриптум:

Бир замонлар қоғозга туширилиб, ижарама-ижара юришлардан иборат кейинги маиший талотўплар оқибатида бадар кетган ушбу ҳикоя мана энди, орадан чорак аср ўтиб, қайта қўлга киритилар экан, ташқи олам билан ичкисининг ўртасида мурса излаш машаққатларидан сўзланган саҳифаларга андак пардоз бериш билангина чекландик. Шунингдек, Тошшаҳар бағрини тилиб, аллақай томон йўналган эски трамвагон ичида “кечган” хаёлий суҳбат асносида билдирилган, бир ҳикоядан бошқа муқобил асар яратиш ғояси ўша мунозарадан кўп ўтмай амалга оширилгани ва “Тим қора шаҳар ривоятлари” номли туркумимизга киритилганини ҳам маълум қиламан.



Гўзал БЕГИМ

Денгиз музейи бор ичимда

* * *

Юрагинггача
жуда узоқ йўл босиб келдим
пастлаб учган учоқ қаноти
орзуларга тегиб ўтгани каби
мен эса тегмай ўтиб кетдим
чап қобирғанг остидаги асотирларга.

Ўтмишига қараб мушт ўқталган аёлдай
қўл кўтараман
силаб кўраман
муштимнинг қаварган нуқталарини
ичимда
жуда ҳам чуқурда
олтин қазийётган кончиларга қараб
жилмаяман
тунда ойга қараб жилмайдим.

Чўнтагимда
энг сархил ҳисларни олиб юраман
бармоқларимни теккизиб кўраман
олиб қочаман улардан
клавиатура устида
рақс тушган бармоқларим-ла
кипригим ва атиргул масофасида
назокат шаҳрини барпо этаман

Гўзал БЕГИМ – 1974 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини, Москвада М.Горький номидаги Адабиёт институти қошидаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. Унинг “Суқунат жаранги”, “Учаётган япроқ сояси”, “Мажнунсоат”, “Ёки” китоблари нашр этилган.

гул элтаман куёшга
ёниб кетишимни билсам ҳам гарчи.

Узоқ
жуда узоқ йўл босиб келдим
кўзларинггача
бир жомадон қайғусин йўқотган
йўловчи монанд
баҳорга чиптасиз кирган ошиқман
ва қуйиб кетган жавзони
юрагида асраб ўтмоққа
энг оғир сўзнинг
юлдузлар билан қавилган сўзни
ёйиб қўймоқ учун бўм-бўш шаҳарга
жуда узоқ
йўл босдим
узоооооқ.

* * *

Мен депрессиядаги одамман
сени эмас, депрессияни севаман кўпроқ
тушиб чиққан ҳар бир чоҳимни
чоҳ оғзидаги гулни
санчилгувчи тиканларни ва
кўзимдан таралаётган қоронғиликни
севаман.

Шамол депрессияга тушса қандай эсади
ёки
руҳий ўпқондаги қушлар
сайрар, сайрар ичимда тинмай
ичимда
жуда ҳам чуқурликда
чўк тушади шуъла зулмат рангида
тушқун шамол эса
эсади
эсади
тўхтаб турмайди

Денгиз музейи бор менинг ичимда
жимир-жимир мавжлар сакрайди
экспонат тўлқинлар
чиғаноқ юраклар
шиғирлайди қулоқларимда
арғимчокдай солланар денгиз

юрак айлангунча учаман кейин
ва
ғарқ бўламан мовий музейга.

Чакалакзордан ўтаётган ифордай
қолиб кетдим тиканлар орасида
юрагингни қора билиб
хаёлингга осилиб
чикқим келар руҳий жарликдан
чиғириклар эса сочим турмаклайди
силкинган
силкинган
оғриган сочимни
турмаклайди руҳий қудуклар.

* * *

"Жоним" деган сўзни
айтмай қўйиш мумкин узоқ вақт
унутиш мумкиндир бутун умрга
энди айтсам агар
жони оғриётган одамнинг
ихрашига ўхшаб чиқади бу сўз –
“жони-и-и-им”.

Ойнага қараб
машқ қиламан
унутиб қўйилган бу сўзни
бўғзимга қийшиқ тақаман
барибир
бу сўзни айтаркан
лаблар ёниб кетмайди энди.

Туйғулар тарихини таҳрир қиламан
қадимий тасмага
эркалаш оҳангида
ёзаман
ўчираман
ва яна ёзаман
ихраш услубига эврилади у
энди “жоним” сўзи менга бегона
фақат
жоним оғрияпти
“жо-о-н-и-и-м...”

* * *

Беш дақиқа
ёки атиги беш лаҳза
менинг ҳаётимни яшаб бероласанми?
қарғалар чўқиган
кузғунлар талаган
ҳисларини сичқон кемирган шу ҳаётни.

Умидининг у чети билан бу четига
мўрт оғоч кўприк қилиб қурилган
илон пўстини шарфдай ўраган
сочларининг орасида
чумолилар қишга озик ғамлаган
орзулари моматалоқ бўлиб кетган
қиз ҳаётини яшай оласанми?

Йўл четида такси тўхтатган монанд
мен ҳар куни
изтиробни тўхтатсам
ўтирсам унинг уловига
манзилимга етсам фақат у билан
уйимнинг ҳар устунида
чўкка тушган каби турса соялар
ҳаётимда бир боргина мусиқа кўйсаму
йиғи кўшиғини тингласам.

Юрагинг илма-тешик бўлиб кетса
шиппақдай судрасанг ёлғизликни
қабристон энг гўзал шаҳарга айланса
уйингда сени ҳеч ким кутмаса
сочинг эсаверса бошқа дунёга қараб
кесиб ташланган сочингни силаётган қўл
фотога дўнса
гумбурлаб қуласа
хўрсиниқларинг.

Юрагингга тирмашиб чиқсанг ҳар кун
ва думалаб кетсанг
тирмашиб чиқаверсанг қайта
ойнага тирмашган томчи мисоли
юрагингни артсанг “ух-ух”лаб
ишқаб, ярқиратсанг
кўзингнинг энг орқа деворларини.

Ҳисларингни ташлаб юборсанг
қирқ тўққизинчи қаватдан
ҳеч кимнинг кўзига ёш келмаса
бевақт қурбон бўлган ҳисларга қараб
юрагинг ҳаддан ортиқ кўпроқ уриб юборса
тарозига сиғмаса кўзёшларинг
ва жимгина
бошингнинг эгилган алфозида
ўйма гуллар яасанг ҳовурдан

беш дақиқа
атиғи беш лаҳза
менинг мана шу ҳаётимга кириб
яшаб бер...

* * *

Ўзингни шундай тут
музлаткичдаги гулни қўй қайноқ юрагимга
ва бегонага айлан
чопқиллаб ўтиб кет юрагим ёнидан
кул
ха-хо-ла
туйғуларнинг йиртиқ жойларига қараб
ҳеч қачон мени кўрмагандек тут ўзингни
ичингдаги дарёга йиқил
оқиб кет кейин
ва қайтиб оқиб келма кетган жойингга
мен фожиа билан рақс тушавераман
чарчасам ҳам барибир менга
тушуняпсанми
чўпдан қурилган уйга айланаман кейин
бир чўпи қийшайса
қулаб кетади бу иморат
ўзингни шундай тут
ортингга қарама
юрakни мушак деб қараб
учиб ўт унинг устидан
ёнидан
ортидан.

Руҳим бир ёввойи оҳанг истайди



Жалолиддин
САЙИД

КУЗ

Куз – ялонғоч. Ёзнинг чўғида,
Эриб битган узун кўйлаги.
Тутолмайди ўзни йиғидан,
Ололмайди ўпкасин босиб.

Қизаради уятдан юзи,
Тикиларкан беор нигоҳлар.
Ялонғочлик бу – ҳирсининг кўзи,
Шундан келар барча гуноҳлар.

Қайга қочсин, қайга бекинсин,
Қабул этар ким ҳам шу ҳолда?
Кўнгли туяр нафратнинг исин,
Элга ошкор бўлган аёлдай.

Токай беайб ўтар жазони?
Токай раҳмин еган қолар оч?
...Куз кияди барги хазонни,
Дарахтларни қўйиб ялонғоч.

* * *

Дейсан: "Ўсмоқ мудом тепага бўлган..."
Бурнингни кўтарсанг тегар юлдузга.

Жалолиддин САЙИД – 1990 йилда туғилган. Майманоқ касб-ҳунар коллежини тугаллаган. Ижод намуналари республика матбуотида чоп этилган.

Баланд дарахтларни алқайсан дилдан,
Мен эса...
хавасим келар илдизга.
Бировга кулишдан йирокман, лекин
Ҳар ким ўз йўлида собит қарордир.
Бунда ҳар одамнинг ўз баландлиги,
Ва ўзи интилган осмони бордир.

ЭРТАК

*...Эртак айтсанг болангга,
Ухлатмаслик учун айт.
Аъзам ЎКТАМ*

Нега бизга ҳеч ким эртак айтмаган?
Она, бу саволга ким берар жавоб?
Дадам рўзғор деган, ишдан ортмаган,
Момом ўтиб кетган, бобом-чи бетоб.

Ўзимиз ўқирдик қайдандир топиб,
Асли шу сабабдан, қўрқаётганим.
Сиз учун ҳеч қизиқ бўлмаган менинг,
Қандайин эртаклар ўқиётганим.

Ҳолбуки, жавобгар эдингиз бунга,
Оппоқ қоғоз монанд онг-у юрагим.
Билмайсиз ёзилиб қолганин унда,
Қай мақсад эртагин, қай бир бўлаги.

Вақт-ку ўтмай қолмас,
тагин елмоқда,
Фақат ваҳм босар кўнглимни, ҳайҳот.
Дунёнинг бошига чиқиб келмоқда,
Эртак эшитмасдан улғайган авлод.

Суянчиқ

Қайдаки тоғ кўрмай пурвиқор, азим,
Мудом қабатинда уч-тўрт тепалик.
Суяшиб турганга ўхшайди баъзан,
Шамолда, бўронда билмайин ҳадик.

Бобом олтмиш бешни қоралаб ўтди,
Момом сабил қолди, бесўз, жонсарақ.
Ўйлайман, одам ҳам тоғлардек худди,
Кимгадир суяниб яшаркан, демак.

Дунё-ку синоат, эмас янгилик,
Ё Раббим, феълимдек қизғанчиқ қилиб,
Кимдир яратдингми мен суянгулик,
Кимга яратгандинг суянчиқ қилиб?

Ҳуққабоз

Томоша қўямиз, сиз билан дўстим,
Одамларни чорланг, тўпланг майдонга.
Бир оғиз "томоша" десангиз басдур,
Бу сўз болдек ёқар зоти инсонга.

Каттароқ шляпа олинг атайин,
Ўйлаб қўйдим анча янгиларини.
Мен томоша қўйиб турган маҳалим,
Сиз йиғиб чиқасиз тангаларини.

Тўғри, бироз кўзни бойлаймиз, нима?
Хоҳ афсун десинлар, хоҳи мўъжиза.
Уларга керакмас ҳақиқат, ростлик,
Ростини айтсангиз қилишар изза.

Қулоғимдан қоғоз чиқарсамми, а?
Ё қўлим кесайми, ё ханжар ютай?
Улар алданишни шундай истарки,
Ўзлари қўймаса, мен шўрлик нетай?

Ҳаммани алдайман,
ҳаммани,
тамом,
Олқиш ёғдиришар, қий-чув солишар.
Ҳа, мен ёлғончиман...
лек улар мenden,
Ёлғонни ақчага сотиб олишар.

Менга нима дейсиз?
Бундай қараманг,
Ўйинчи бўлмаса куйим чалмасдим.
Кўриб турибсиз-ку,
ростини айтиб,
Бу қадар шоҳона яшай олмасдим.

Боринг, бораверинг, хижолат чекманг,
Бу майдон ёлғонни соғинар, суяр.
Сиз-у биз бўлмасак, барибир, эрта
Бошқаси бошқа бир томоша қўяр.
Сўзланг.

Ишонтиринг.
Ва сиз доим ҳақ,
Хоҳ жимит бўлсангиз, хоҳи эр келбат.
Қайдаки қўпайса томошабин халқ,
Томоша қўйгучи топилар албат.

* * *

Ярим кеча. Касалхона.
Тўртта бемор. Бир ташхис.
Кўздан уйқу қочди яна,
Босиб келар ғалат ҳис.

Қизик ҳолат кечар зимдан,
Ҳайрат ошар, тингларкан:
Дарди битта бўлган билан,
Ҳамма ҳар хил инграркан.

Мувозанат

Эй дўст, бизнинг қадамлар оғир,
Оёғимиз оғирдир чунки.
Ажратолмай ернинг бағридан,
Гоҳ танимиз кетади мункиб.

Шукр деймиз аммо шунга ҳам,
Тик боқамиз қўрқмай қуёшга.
Не қилардик, меҳрибон Эгам,
Берганида бу юкни бошга?

Истак

Рухим бир ёввойи оҳанг истайди,
Бу банди кўнгилнинг майли – ечилмоқ.
Шу қадар тўйдириб юборди, рости,
Хонаки мушукдек умр кечирмоқ.

Ў, азиз чўққилар, орзу чўққилар.
Не этиб тарқатай тумандай ғашни?
Қўрсатсам, ҳар онда минг ўй чўқилар,
Юракка, сиз каби баланд яшашни.

Тўфонлар гурласа, тўлқинлар урса,
Қирғоқлар чекинса ҳаддидан қайтиб.
Бу муштоқ кўзларим денгизни кўрса,
Денгиздай кетолса тўрт томон дайдиб.

Бетизгин оҳангнинг шиддатин ичиб,
Ҳис этсам булутлар нафасларини.
Синдириб чиқолса(м), – тош каби учиб –
Кўксимнинг ялтироқ қафасларини...

Руҳим бир ёввойи оҳанг истайди,
Токай сокингина кулмоқ, инграмоқ.
Ҳей осмон, ичимда бўрон музлайди...
Тингламоқ истайман, сени тингламоқ.

* * *

Нимадир эзади руҳимни тагин,
Нимадир ёприлиб келар кўзимга.
Беҳузур кезаман,
айни шом чоғи,
Бу йўллар...
Кимларни солар эсимга?

Нима у?
Билмасман, кўнгил талаби.
Нима у?
Қарайман, тўрт ёним рўё.
...Бобомнинг хууув эски сурати каби,
Сарғайииниб ўтирар қаршимда Дунё!

Ғалати исён

Икки оёқ, бу яхши,
Бир-бирини тортади.
Икки қўл ҳам қарашиб,
Юкни енгил ортади.

Икки қулоқ дегани –
Огоҳликка даъватдир.
Иккита кўз экани –
Икки дунё ҳайратдир.

Иккита лаб, о бунинг,
Ҳикмати кўп, иши кўп.
Икки жағдир лек унинг,
Баҳамжиҳат тиши кўп...

Бари дуруст, Художон,
Бари учун шукрим бор.
Фақат сўрсанг битта жон,
Ҳамда битта фикрим бор:

Сен-ку сахийсан, бу чин,
Ким у, қарамлик қилар?
Икки қарич тил учун
Битта бош камлик қилар...

Кичкина

Биз кичкина одаммиз,
сўзимиз кичкинадир.
Кичик тишга лойиқ ризқ-
рўзимиз кичкинадир.

Сиздай буюк одамни
сиғдиролмай ўзига,
Кўрмай қолса айб этманг,
кўзимиз кичкинадир.

Сиз – чопоғон, баҳс этмоқ
чумчуқнинг ҳалокати,
Оёғимиз калтаки,
изимиз кичкинадир.

Ҳисоб бергай беаёв
хато қилса, қизариб,
Муштимиз катта бизнинг,
юзимиз кичкинадир.

Неки бўлса биз айбдор
шўрликларнинг ҳоли шу,
Шеър аталмиш бул ўғил-
кизимиз кичкинадир.

Ташвиш қилманг сиз баланд,
бу майдонда биз киммиз?
Соямиз катта холос,
ўзимиз кичкинадир.

Можористоннинг буюк бойлиги

Эссе



Рустам МУСУРМОН

Можористон (Вегрия)да Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан туркий тилли давлатлар шоирларининг халқаро шеърий таржима танлови бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуманни ташкил этишида давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хусусан, Султон Раев, Шандор Лежак, Янош Ховари ва бошқа кўплаб маданият ва адабиёт намояндалари муносиб ҳисса қўшдилар. Можор халқининг миллий озодлик байрами доирасида 11–19 март кунлари Венгриянинг Шандор Петёфининг табаррук излари қолган шаҳар ва қишлоқларда бўлиб ўтган адабий-маърифий тадбирларда қатнашганимиз бизнинг ҳаётимизда улкан воқеа бўлди.

Халқаро Туркий маданият ташкилоти Можористон ҳукумати билан ҳамкорликда Шандор Петёфининг “Муҳаббат ва озодлик” номли шеърини туркий тилларга таржимаси бўйича халқаро танлов эълон қилганида ушбу катта адабий воқеадан ниҳоятда қувондим. Кўнглимда танловда қатнашиш нияти туғилди. Танлов шартига кўра, шоир шеърларини можор, инглиз, рус тилларидан таржима қилиш мумкин экан. Белгиланган вақт 2022 йил 10 декабргача “Муҳаббат ва озодлик” номли ва бошқа бир неча шеърни таржима қилиб, танловга топширдим. 2023 йил 20 январда Халқаро Туркий маданият ташкилотидан хабар келди, шеърий таржималарим танловда ғолиб бўлибди. Мукофот 15 март куни Можористонда топширилар экан. Будапештга Шандор Петёфининг ўзбек тилига таржима қилинган янги китоби нашрини совға қилиб олиб боришни ният қилдим. 1952 – 1953 йилларда Шандор Петёфининг Москвада нашр этилган тўрт жилдик асарларини кутубхоналардан излаб топдим. Шоир жуда қисқа умр кўрган, бироқ ниҳоятда сермахсул ижод қилган экан. Иложи борица кўпроқ шеърни таржима қилишга интилиб, ҳар куни ишладим.

Рустам МУСУРМОН – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалтоғистон халқ шоири. 1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Руҳимнинг товуши”, “Ҳиргойи”, “Бозбарак”, “Бир жуфт сўз” шеърий тўпламлари, “Руҳ насибаси” достони, “Муқанна” қиссаси нашр этилган.

Ниҳоят, танлов ғолиблари Будупештга буюк можор шоири Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллиги ҳамда Венгриянинг миллий озодлик байрамга таклиф этилди.

Халқаро Туркий маданият ташкилоти бош котиби Султон Раев ва Мажористон Парламенти спикери ўринбосари Шандор Лажак жаноблари номидан 11 – 19 март кунлари Мажористонда бўлишимиз ҳақида таклифнома келди.

Шандор Петёфининг уч юзга яқин саҳифадан иборат шеърлар тўпламини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қўллаб-қувватлаши шарофати билан нашр этишга улгурдик. Китобни “Озодлик” деб номладик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид ва Халқаро Туркий маданият ташкилоти бош котиби Султон Раев китобга сўзбоши ёзишди.

“Ёшлигидан катта истеъдод эгаси бўлган Шандор Петёфи ўз замонасидаёқ ниҳоятда тез шуҳрат қозонган, – дейди “Петраркага қариндош Петёфи” номли мақоласида Сирожиiddин Саййид. – У 1843 йили 20 ёшида ёзган "Орзу" сарлавҳали шеърида ижодда Франческо Петрарка шуҳратига ҳавас қилиб, илҳом париси тилидан шундай сатрларни битади:

*Шуҳрат истайсанми? Қўшигинг учун
Бир ўрмон дафнани этарман ҳиммат.
Бироқ Петрарканинг машҳур гултожи
Жингалак сочингдан эмасдир қиммат.*

*Петрарка Петёфи билан қариндош,
Петрарка иним дер, Петёфи оғам –
Ўзлари келишиб олар, икковлон
Дафна гултожини кўришар баҳам.*

Дафна гултожи қадим даврда шон-шуҳрат ва ғалаба тимсоли саналган. Европа Уйғониш замонининг буюк намоёндаси Петрарка ўз даврида бетимсол сонетлари учун дафна гултожи билан тақдирланган.

Петёфининг юрагидаги жўшқин орзулар изҳори бежиз эмас эди. Ёшлик завқисурари ила шеърий илҳомга тўла навқирон шоир истеъдодини Европа адабиётининг улуғ алломалари Хайнрих Хайне, Ян Неруда билан бирга Осиё адабиётининг йирик намоёндаси Лу Син каби адиблар бекорга юксак эътироф этмаган”.

Шоир 1823 йилнинг 1 январида Мажористонда туғилади. Ўн тўққиз-йигирма ёшларида илк шеърларини ёзади. Болалигидан тақдир тақозосига кўра, бир жойда кўним билмай, Мажористоннинг деярли барча шахру қишлоқларида кезади. Ҳаёт унга можор халқ турмуши, яшаш тарзининг бошқаларга кўринмайдиган энг қоронғи, энг бахтсиз ва энг жароҳатли жойларини кўрсатади. Камбағалликни ҳам, бойликни ҳам, азоб-укубатни ҳам кўради. Шу боис у можор юрагини теран ҳис этади. Шандор Петёфи ҳаётини ўз халқининг озодлиги учун курашга бахшида этади. Бор-йўғи йигирма олти йил яшайди. Шу умрдан беш-олти йилидагина шеър ёзади, аммо жуда кўп ва ҳўб шеър ёзади. Мажористоннинг жаҳонга машҳур шоирига айланади. Шеърятни нозик таҳлил этадиган шоирлар ижтимоий ҳаётни тасвирлашда Шандор Петёфи Ҳайнедан ҳам, Байрондан ҳам ўзиб кетган, дейишади. Мен Шандор Петёфи шеърларини таржима қилаётганимда табиат манзаралари, инсон руҳиятини ифодалашдаги бетактор бадий маҳоратига қойил қолдим. Айниқса, озодлик мавзуси, жанг тасвири унинг лирикасида ниҳоятда ёрқин ва ҳаётий.

Шоир шеърларини таржима қилиб, чех адабиётига олиб кирган Ян Неруда шундай ёзади: “Петёфи венгер адабиётини жаҳон адабиёти билан бириктирган олтин кўприқдир. Гўзал ва ўтюррак можор миллатининг ундан ҳам кўра буюкроқ ўғлони йўқ. Петёфи туғилган кун бу миллатнинг энг бахтли айёмидир... Агарда бу миллат ҳақида ҳеч нима билмай туриб, фақатгина Петёфининг шеърларини ўқисак, бас, ана шунда можор халқи қалбининг энг нозик торларини чертган, ҳис этган бўламиз. Петёфининг шеърларини сизга қандай тақдим этсам экан?.. Ҳозирча фақат бир гапни айтишим мумкин: агар дилбар романсларни истасангиз – Петёфини ўқинг; агар Ватан ҳақидаги таъсирчан мадҳиялардан завқланмоқчи бўлсангиз – Петёфини ўқинг; агарда кўнглингиз шўх қўшиқлар, ишқий шеърларни тусаса – яна Петёфини ўқинг”.

Ўзбек шоирлари ҳам Шандор Петёфининг фусункор шеърлятига шайдо бўлган. 1973 йилда Шандор Петёфи таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан Тошкентда “Танланган шеърлар” номли китоби нашр этилган. Устоз шоирлар Шукрулло, Зоҳиджон Обидов, Ойдин Ҳожиева, Маъруф Жалил Шандор Петёфининг шеърларини, Омон Матжон “Тентак Ишток” номли достонини ўзбек тилига бадий маҳорат билан таржима қилган.

10–11 март

Тошкенти вақти билан соат тунги 03:35 да Истамбул шаҳрига учдик. Истамбул аэропорти ниҳоятда катта. Эҳ-ҳей, бутун дунёнинг йўловчилари шу аэропортга қўниб учар экан. А, В, С, D, E, F деб номланган йўллар яна ўнлаб-йигирмалаб йўналишларга бўлинган ўргимчак тўридай кўп тармоқли йўлақлардан самолётларга чиқилар экан. Сиз чипта олган рейсдаги самолёт қайси йўлакка қўйилиши ниҳоятда катта аэропорт биноси марказидаги улкан экранда ёзилар экан. Истамбул вақти билан эрталаб соат олтидан ўттиз дақиқа ўтганда самолётдан тушдик. У ерда вақт Тошкентдан икки соат кейин юради. Беш соат осмонда парвоз қилдик. Яна олти соатдан кейин, ТК 1033 рейс билан соат ўн иккидан ўттиз дақиқа ўтганда Будапештга учиб керак. Самолёт чиптаси қўлимда. Дастлаб, қаерга боришни билмай гангил қолдим, сўнгра аэропортни айланиб, йўловчиларнинг самолётга чиқиш йўлақларини ўргандим. Белгиланган вақтда F-9 йўлагидан самолётга чиқиш учун йўловчиларни рўйхатга олиш бошланди.

Туркчада “қопи”, яъни самолётга чиқиш эшиги ёнидаги кутиш залида ёнимга бир ёш йигит келди. “Сиз Шандор Петёфи танловига бораёпсизми?” деди озар лаҳжасида. Ҳа, дедим. Ўзини Рамил Аҳмед деб таништирди. Кўп ўтмай узун бўйли, елкасига тушган сочлари оқарган киши суҳбатимизга қўшилди. У Туркиядан келаётган танлов ғолиби Дурсун Аян экан. Орадан кўп ўтмай паст бўйли, миқти гавдали, қисқ қўзли қирғиз йигити Тўлиқ Бек Байзоқ ва туркменистонлик Ақмурат Ражабов билан ҳам топишиб олдик. Яна бир ҳамроҳимиз – инглиз тилини яхши биладиган қозоғистонлик шоир Даврон Бириккаж ули билан эса Будапешт аэропортига тушганимизда учрашдик. Ақмурат Шухрат Ризаев, Баҳодир Карим, Рисолат Ҳайдарова билан Туркменистонда тушган суратни кўрсатди. Шоирлар бир гала қушлардай чаҳ-чаҳлашиб қолдик.

Истамбул осмонидан Будапешт сари парвоз қилдик. Будапешт вақти Истамбулдан икки соат, Тошкентдан тўрт соат кейин юрар экан. Вақтдан орқага учаяпман деб тасаввур қилдим ўзимни... Будапештда соат ўн икки ярим бўлганда Тошкент вақти ўн олтидан ўттиз дақиқа ўтган эди... Соатимдаги Тошкент вақтини ўзгартирмадим... Ватанимда бу вақтда оилам, яқинларим нима қилишаётганини

тасаввур қилиб юрдим. Айтайлик, Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Фозил Жабборовга Будапешт вақти билан соат бешда уйғониб телеграм орқали хабар ёзардим, бу вақтда Тошкентда соат тўққиз бўлиб, иш бошланар эди...

Можористонлик буюк бастакор Ференц Лист номидаги Будапешт аэропортида Бенс Палкович исмли йигитча бизни кутиб олди. Бизни, яъни туркий тилли давлатлардан келган меҳмонларни видеокамерага тушираётган йигит Андраш Белич эканини фаҳмладим. Чунки, тадбир дастури бизга телеграм орқали аввалдан юборилган эди. Кўчага чиқдик. Офтоб чарақлар, лекин ҳаво салқин, ҳуриллаб муздек шамол эсмоқда эди. Бўйлари баланд можор йигит – микроавтобус ҳайдовчиси жомадонларимизни юкхонага жойлади, машина текис йўлдан тез елиб кетди. Ойнадан теваракни кузатдим. Кўнглимда ғаройиб ҳислар жўш урди. Шандор Петёфи шеърларида тасвирлагандек теп-текис кенгликларда шамол чанг-тўзон кўтаради. Далада гўё тўда-тўда отликлар кўринмасдан чопаетгандак, бу шамол чавондозлари кўтарган чанг... Йўл-йўлакай қалин дарахтзор ўрмонлар учрайди. Бир текис, қатор-қатор экилган дарахтлар... Баъзи жойларда бакувват қарағайлар, баъзи жойларда янги экилган навнихоллардан иборат дарахтзорнинг тартибли сафи. Демак, чанг, кум кўтарилмасин деб, экинзорлар атрофида ўрмонлар парвариш қилинар экан.

Ўйлайман, Шандор Петёфи севиб куйлаган юрт далалари кўз ўнгимда ястаниб ётибди. Хаёлимдан шоирнинг сеҳрли сатрлари ўтади:

*Чексиз чўл! Тўсиқсиз, бир қораси йўқ,
Теп-текис кенгликлар очикдир фақат.
Юракнинг ҳам чеки-чегараси йўқ,
Қаёққа қарама, фақат муҳаббат.*

Шу дамда ўз шоирини севиб ардоқлаган юртга нисбатан менинг юрагимда ҳам муҳаббат жўшмоқда эди.

Деразадан боқаман, кесилиб саржинланган ғўлалар, шудгорланган ерлар, ям-яшил гиламдек кўқарган ғаллазорлар ва қатор-қатор тортилган симларга ингичка, ғадир-будур қўллари билан тирмашган тоқлар, ҳали барглари кўқармаган узумзорлар...

– Бизда чилги, сурхо, кишмиш, ҳусайни, султони, тоифи, мускат, қора жанжал, Ризамат ота каби узум навлари бор. Бу тоқларда қандай узумлар пишади? – деб сўрайман Бенсдан Давроннинг тилмочлигида.

У узум навларини унча билмаслигини айтади. Бу узумлардан шароб тайёрланади, дейди.

Йўллар унчалик кенг эмас, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Ҳар жой-ҳар жойда дуч келган уйлар, кичик-кичик қишлоқлар йўловчилар кўзидан пана қилиш учун йўл гирдида пайраҳалар, ҳодалардан кўтарилган четандеворлар билан тўсилган. Шанба кунни бўлгани учунми, далаларда одамлар учрамайди.

Ҳали кун ботмаётган эди, лекин куёш тобора кечки уфққа ёнбошлаб бораётир. Шандор Петёфининг “Қишлоқда” сарлавҳали шеъри ёдимга тушади.

*Мана энди мени ҳар кун кўкжияк
Хон қилиб кўтарар қорайганда қош.
Ботаётган пайти қирмиз матодан
Зардўзи тўн ёпар эгнимга қуёш.*

Гўзал ва мафтункор ўлкада ўзини хон каби тасаввур қилиш, бу диёрнинг хони, хокони, эгаси менман, дейиш нақадар сурурли. Халқининг озодлиги, Ватанининг мустақиллигини қуйлаб ўтган шоирнинг бундай шеърлари ҳар қандай одам юрагида Ватанга, эл-юртга муҳаббат руҳини уйғотади. Шеър тимсолларининг нозик ва латофатли эканини айтмайсизми, туйғунинг тиниқлиги тасаввурни кенгайтириб, руҳни юксакларга кўтариб юборади.

*Даштда сайр этаман, пода қайтади,
Булутларга етар кўтарилган чанг.
Сигирлар бўйнида мис қўнғироқлар
Созланмаган чолғу каби чалар занг.*

Айни дамда Шандор Петёфи тасвирлаган юртни, далалар, қишлоқларни ўз кўзим билан кўриб, унинг сатрларини ҳаёлимда такрорлар эканман машина деразасидан боқиб, Лакителекда кечки пайт подадан сигирларнинг қайтаётганини кўргандек бўламан. Ўзимнинг болалигим, туғилган қишлоғим, поданинг чанг-тўзон кўтариб, сигирларнинг уйга қайтаётгани эсимга тушади: “Пода келар бош-бош, Оёғида тилла тош. Тилла тошни олайлик, Сандиқчага солайлик...”

Шеърият нақадар сеҳрли куч, нақадар афсунгар қудрат. Шандор Петёфининг ҳароратли сатрлари юракка чўғ солади, ҳис-ҳаяжонни ял-ял ёндиради:

*Кенгликка боқаман дилда ҳаяжон,
Қўнғироқлар куйин тинглайман ҳайрон.
Қаёққа қарама фақат чексиз чўл,
Фақат чўл, фақат чўл ва мовий осмон.*

Чамаси юз километрлар масофани босиб ўтиб, Лакителек деган шаҳарчага етиб келдик. Атрофи кўрғон қилиб ўралган чиройли ҳудудга, шаҳар ичра шаҳарчага кирдик.

Лакителек Можористоннинг Тисакечке тумани Баш-Кечкун уездидаги кўрғон бўлиб, кенг хиёбон, бир неча бинолар ва хизмат кўрсатиш шахобчалари мажмуасидан ташкил топган ушбу сўлим маскан мамлакатда ва хорижда машҳур экан.

Лакителек ҳудудидаги “Hungarikum Liget” меҳмонхонасига жойлашдик, жаноб Шандор Лежак ўз ходимлари билан кутиб олди. Тилини тушунмасак-да жилмайиб боккан нигоҳлари, ҳаракатларидан самимият балқиб турган Жудит исмли қиз – Шандор Лежакнинг ёрдамчиси ўзимизнинг синглизмдай айланиб, ўргилиб атрофимизда парвона бўлар эди. Барваста, тик қоматли, кўзойнак таққан кўзлари тажрибали, синовчан, қадамлари виқорли, нозик табиатли, донишманд ва кайвони инсон Шандор Лежак жаноблари меҳмонхона йўлагида Лакителек жуғрофиясининг микро нухаси ўрнатилган айлана стол атрофида туриб, бизга ушбу масканны таништирди. Стол чеккасидаги электр тугмачаларни босганда, харитада митти нухада қурилган бино ёки экинзор майдонида чироқчалар ёнади, Шандор Лежак ҳар бир гўшани бизга батафсил таърифлайди, можористонлик Аҳмед исмли турк йигит унинг сўзларини турк тилига таржима қилиб беради. Сўнгра биз меҳмонхона чордоғидаги мўъжаз мажлислар залига кўтарилдик. Шандор Лежак бир пиёла чой, қаҳва ва Лакителакнинг олма, олхўри, узумлари қўйилган дастурхон устида ҳар биримиз билан яқиндан танишди, қисқача таржимаи ҳолимизни суратимиз билан қоғозга чиқариб олган экан. Сухбат жараёнида Можористоннинг энг сўлим

манзилгоҳларидан бири бўлган Лакителек халқ мактаби деб номланган сайёҳлик маскани ҳақида батафсил маълумот берди, давра суҳбати ўтказди. Туркиялик кардошимиз Дурсун Аян Эдит Таснади билан ҳаммуаллифликда можор тилидан туркчага ўгирилган “Шандор Петёфи” номли китобни Шандор Лежак жанобларига ҳадя этди. Унда шоир ўз замондошлари Аран Янош ва генерал Бем билан ёзишмалари, Шандор Петёфининг шеърларининг туркчага қачондан таржима қилингани хронологик жадвали, шунингдек янги таржима қилинган шеърлар таҳлили, изоҳи ва матни берилган.

Туркиялик Дурсун (Ўзимизнинг тилда Турсун) оға, озарбайжонлик укамиз Рамил, қозоғистонлик Давронбой, қирғизистонлик Тўлиқ Бек, туркменистонлик Ақмурат билан тезда тил топишиб, апоқ-чапоқ бўлиб қолдик. Ҳаммамиз ўз юртимиздан келтирган совғалар билан мезбонларни сийладик. Мен беш-олтита Қўқон дўппи ва кизлар учун ипак каштали ироқи дўппи ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси совғаларини олган эдим. Шандор Петёфининг ўзбек тилида чиққан “Озодлик” номли китобини ва совғаларни тарқатдим. Можор йигитларига Қўқон дўппи, Жудитга ироқи дўппи жуда ярашди.

12 март

Лаkitелек ва унинг атрофидаги жойлар, Тисса дарёси соҳилларидаги қадимий қишлоқлар, тарихий манзилгоҳлар ва ўрмонлар билан танишдик. Маҳаллий ҳокимиятнинг Олажос Иштван (Olajos Ishtvan) номли тарихни яхши билувчи бир вакили йўлбошловчилик қилди. Унинг сўзларини Бенс Давронга можор тилидан инглиз тилига ўгиради, Даврон эса бизга айтиб беради. Лакателек аввал қумлоқ чўл бўлган, сўнгра одамлар бу ерга кўчиб келишиб, қум кўчмаслиги учун кўчатлар ўтқазишиб, ўрмонлар барпо этган экан. Аҳоли деҳқончилик ва чорва билан шуғулланишган. Худуд дарё артофида бўлгани учун, албатта балиқ тутилган ва ов қилинган. Ўрдак-ғозлар, кийиклар кўп бўлар экан. Шу сабабли, бизга Ҳунгарикум меҳмонхонаси ресторанида парранда, кийик, қўй, мол гўшти, балиқ тортилди. Дастурхонга қўйилган пишган эт мазали. Бундан ташқари хамир, гуруч, картошкадан тайёрланган таомлар, турли қайлалар, асал, қаймоқ, пишлок, қатик ва бошқа ноз-неъматлар муҳайё этилди. Можористоннинг мевалари, узуми ҳам ширин экан. Худди бизнинг Ризамат ота навли узумимизга ўхшаб кетадиган катта-катта донали пушти ва яшил тусли узумларини маза қилиб едик.

Тисса дарёси соҳилидаги қадимий можор қишлоғининг марказидаги тепаликда миллий саркарда Арпад хайкали қад ростлаган. Арпад 845 – 907 йилларда можорларнинг йўлбошчиси бўлган. Можор адиби Арон Тамашининг “Хабарчи Арпад” (“Вестник Арпад”) номли ҳикоясини ўқиган эдим. Арпаднинг хайкалини кўриб, ўша ҳикоя ёдимга тушди. Арпад исмли ўн уч ёшли болакайнинг элдошларига етказган илк хушхабари ҳақида ёзилган миттигина ҳикоя. Катталарнинг дунё воқеалари ҳақидаги мажлисига қатнашган Арпад: “Аҳвол чаток, урушда битта можор аскарига душманнинг бешта аскарлари рўпара келаётган эмиш... Кимда-ким қишлоқ аҳли интизор кутаётган хабарни биринчи бўлиб етказса, суюнчисига иккита тўриқ тойчоқ берилади. Хабарчи янгиликни ҳаммага билдириш учун қишлоқ чеккасидаги “Қора дарахт”ни ёки зарур!” деган гапни эшитиб қолади. Тагига қанча одамларнинг қони тўкилган иснод устунини аҳоли “Қора дарахт” деб атади. Қишлоқ аҳолиси можор йигитлари урушда енгилиб, юртга шарманда бўлмасин, энди ҳеч ким сазойи қилиниб, қон тўкилмасин, деган ният билан ғалаба хабари шарафига “Қора дарахт”ни ёки юборишни мақсад қилишади... Болакай хушхабар

келтириб, иккита гижинглаган тўриқ тойчоққа эга бўлишни истади. Қишлоқдан саккиз километр масофада дарё бўйидаги шаҳарда яшаётган, янгиликлардан ҳамиша хабардор бўладиган кекса ўқитувчининг уйига ҳар куни яёв қатнайди. Эзгу хабарни биринчи бўлиб қишлоққа етказишни ният қилган фариштадек бола кунлардан бир куни кекса ўқитувчининг йиғлаётганини кўради.

- Югур, Арпад! – дейди чол.
- Қаёққа югурай?
- Тез бориб, “Қора дарахт”ни ёк!
- Бобо, омонлик келдими?!
- Ҳа.
- Уруш тугадими?
- Тугади.

Арпад тонг отганда юлдуз шуъаласи йилт этиб йўқолганидек тезда кекса муаллимнинг уйидан қорасини ўчирди, оёғи ерга тегмай, қишлоққа қараб қанот қокди.

Кўп ўтмай одамлар қишлоқ чеккасидаги “Қора дарахт”нинг ловуллаб ёнаётганини кўришди. Бутун қишлоқ аҳли худди қамоқхона эшиклари очилиб, озод бўлган маҳбуслардек ёнаётган дарахтга қараб жони борица югурар эди...

Лакителекнинг чекка овулида илк бор Арпадининг ҳайкалини кўрганимда ҳаёлимдан ўша ҳикояда тасвирланган таъсирчан воқеалар ўтди. Ҳайкал пойида йўлбошловчимиз олис тарих воқеалари ҳақида сўзлади. Биргаликда суратга тушдик, зиёратга келган можор чол-кампирилар билан сўзлашдик. Улар бизнинг туркий тилларда гапираётганимизни ҳайратланиб тинглашар, балки уларнинг туркий қавмларга туташган томирларида оқаётган қон ёнгинасида бизнинг қонимизни ҳис этиб, Тисса дарёсининг тўлқинларидек жўшгандир шу маҳал.

Можорлар ўз ўғлонларига ботир аждодларининг отини кўяр экан.

Тепаликда 1755 йилда қурилган куббали черковни, қадимий кўрғон харобалари, у ерда топилган эски сопол идишлар, меҳнат қуроллари суратни томоша қилиб, Иштван жўрамиз ҳамроҳлигида Тисса дарёси соҳилига тушдик. Соҳил бўйида ғиштдан ёнма-ён қилиб қурилган уйлар, атрофи симтўр, ёғоч панжаралар билан ўралган, молхонаю товукхоналари кўриниб турган можор ҳовлилари ёнидан ўтдик. Дарё қирғоғида дарахтлар, қалин қамишлар ўсган, белигача лойга ботган тўқайлик кўз ўнгимизда намоён бўлди. Демак, дарё тошганида сув дарахтларнинг белигача чиқар экан. Қамишларнинг нигоҳларимизга кадрдон бўлиб қолган пўпак жиғалари шамолда тебранади. Тиссанинг тиниқ сувига бокдик, суратга тушдик, кимдир юз-қўлларини ювди.

Беихтиёр Шандор Петёфининг “Тисса” дарёсига бағишлаб ёзган шеърини эсладим.

*Оқшом, тун пардаси қоплар атрофни,
Тисса¹ товланади ялтир ва юлтур.
Онасига чопган бола сингари
Чулдираб Тиссага югуради Тур².*

*Қирғоқнинг сув ювган этагин ўпиб,
Шаффоф дарё оқар гувлаб, бетоқат.*

¹ Тисса – Можористондаги дарё.

² Тур – Тисса дарёсининг ирмоғи.

*Қуёш нурларини товлар тўлқинлар,
Инак кўпикларнинг каштаси қат-қат.*

Шу пайт дарёда ёввойи қушларнинг париллаб учгани кўринди. “Ғо-Ғо”, “ғийқ-ғийқ” деган жарангдор ва буғуқ товушлар эшитилди. Иштван менга “Ғо-Ғо” –Liba (либо), “ғийқ-ғийқ” – kacsа (кача) деди. Мен унинг: “Бу қушлар – ғоз билан ўрдак” деганини англаб, жилмайдим. Демак, можор тилида ғоз “либо”, ўрдак “кача” дейилар экан. Дафтарчамга ёзиб қўйдим. Дарё бўйидан сўқмоқ бўйлаб, қишлоқ томонга қайтаётганимизда рўпарамиздаги уйдан сигир етаклаган можор эр-хотин чикди. Ёнида қизалоғи ҳам бор. Эр сигирнинг бошвоғидан тортар, хотини билан қизалоғи унинг орқасидан эргашарди. Ям-яшил ўтлоққа қозик қоқаётиб, улар бизга дўстона жилмайиб боқди, мен қўлларимни силкиб, салом бердим. Нақадар файзли ва бахтиёр оила. Тисса бўйидаги қишлоқ уларнинг азиз ватани. Уларни кўриб, ўзимнинг ҳамқишлоқларим эсимга тушди. Одамлар ҳамма жойда бир хил яшайди, уй қуради, ўтлоқда мол боқади, сигир соғади, хотини ва қизалоғи билан табиат қўйнида сайр этади. Тинчлик деган бебаҳо бойлик шундай бўлади. Инсониятнинг бахти, саодати шунда.

Иштван бизни черков орқасидаги йўлдан сойга олиб тушди. Кириш йўли ходалар билан тўсилган қўрғончага бошлади. У ерда балиқчи можорларнинг қадимий қароргоҳи акс этган очик осмон остидаги кичик музей билан таништирди. Томи сомонсувоқ капалар, ертўлалар, бизнинг ўтовимиздек айлана қора уйлар, хиндуларнинг вигвамидек тепаси ўткир бурчакли чий чайлалар, тандир-ўчоқ, молхона, балиқ тутадиган тўрларни томоша қилдик. Кўҳна қишлоқнинг, ибтидоий одамлар ҳаётининг суратлари илинган тахталар, улардаги ёзувларни кўриб, ўзимизни улар орасига тушиб қолгандек ҳис этдик. Бир нарсани илғадим, улар худди бизнинг ота-боболаримиздек яшаган экан. Товуқ боқадиган катаклари, оғили алоҳида. Ҳатто тандир-ўчоқлари, ошхоналари ҳам қишлоғимиздагиларнинг рўзғорига ўхшайди.

Шандор Петёфи Тисса дарёси тимсолида можор халқини тасвирлайди. Тисса шубҳасиз катта дарё, у тинч оқади.

*“Қани, дўстлар, айтинг, тортинмай зинҳор,
Тисса ҳеч кишига берганми озор?
Ахир, айби нима? Бўлмаса бебош,
Бундай дарё борми дунёда ювош?”*

Лекин у итоаткор эмас. Дарё тинч оқади, лекин сел бўлиб тошганида унинг ғазабига ҳеч нарса дош бера олмайди. Можор халқи ҳам зулм ва истибдодга итоат қилиб, тинч ва хотиржам яшай олмайди. Миллат шоирининг ҳар бир сатрида озодлик учун курашга даъват, ватанпарварлик ва жасорат руҳи уфуриб туради.

*Уч-тўрт кун ўтмасдан, оқармасдан тонг
Уйқудан уйғотди ҳайқирӣқ ва бонг:
Дарё босиб келди, қурди тўполон,
Уйимиздан кўриниб турарди уммон.*

*Гўё занжирини узиб, ҳайқирӣб,
Тисса оқар эди ғазабга тўлиб.*

*Тўғонлар оқарди пайраҳасимон,
Дарё босмоқчидек дунёни шу он.*

Шоир табиатнинг гўзал ва мафтункор тасвиридан маҳорат билан теран маъноли ижтимоий гоёни ифодлашга ўтади. Болалигида уйдан олисда ўқишда юрганида анча-мунча мол-мулкка эга бўлган отасининг қўғони, чорваси, бор-будини сел оқизиб кетиб, уйсиз қолганлари... барча-барчаси Шандор Петёфининг хотирасига муҳрлангани мана шундай бетакрор шеърлар ёзишда омил бўлган.

13 март

Будапешт шаҳрида Можористон Парламенти биносида давра суҳбати ва бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Туркий тилли давлатлар шоирлари, Шандор Петёфининг ўз она тилимизга таржима қилган “Муҳаббат ва озодлик” шеърини ўқидик, Можористон телевидениесига интервью бердик.

Дунай дарёсини Можористоннинг белига ўралган олтин камар десак, Будапешт шаҳри ўша камарнинг гавҳар тошли тўқаси экан. Парламент биноси эса Будапешт шаҳрига олтин узукка қўйилган олмос кўздек жило бериб турибди.

Бу тарихий бинони олисдан кўриб оқ хаяжонландик. Нақадар гўзал, мафтункор ва улуғвор. Бир дунё хаяжон билан парламент биноси ичига кирдик. Шандор Лежак жаноблари ўзининг иш кабинетида бизни кутаётган экан. Қабулхонада Жудит синглизми учратдик, у биров жиддий кўринди (ахир, парламент биносидамиз). Қиз кўрсаткич бармоғини лабига босиб, биров кутиб туришимизни имо-ишора қилди. Бироқ тўрдаги ҳашаматли, қўштабақа эшик қия очилиб, раҳбар бизни ичкарига таклиф қилди. Жудит бизга чой ва қаҳва келтирди. Парламентнинг хорижий давлатлар билан алоқалар қўмитаси вакили, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Можористон Ёзувчилар уюшмаси, Халқаро туркий маданият ташкилотининг Будапештдаги қароргоҳи раҳбарлари ва бошқа давлат ва жамоат арбоблари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатдан сўнг Можористон парламенти спикери ўринбосари Шандор Лежак рус тилини биладиган бир хоним ҳамроҳлигида ушбу тарихий обидани тушлик маҳалига қадар айланиб чиқишга таклиф қилди.

Дунё меъморчилик санъатининг дурдоналаридан бири саналган ушбу сарой қурилиши ҳақидаги қарор 1873 йилда қабул қилинган экан. Бино қурилиши бўйича танловда неоготика услубига ишқивоз бўлган Имре Штейндль номли меъмор ғолиб бўлган. Ушбу муҳташам сарой 1885 – 1904 йиллар давомида қурилган. Режа бўйича можор қабилаларининг юртга келиб ўрнашганининг минг йиллиги байрамига қадар бино қуриб битказилиши керак эди, аммо белгиланган вақт улкан иш учун етмайди. 1902 йилда бинонинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган, ушбу муҳим санага беш ҳафта қолганда, бош меъмор вафот этади. Унинг шогирдлари 1904 йилгача ички безак бериш ишларини давом эттиради. Парламент биносида олти юз тўқсон бир хона, қаватлар ўртасида йигирма тўққиз зинапоё ва ўнта кичик ҳовлича бор экан. Муҳташам сарой узунлиги 268 метр, эни 123 метр, кубба учигача бўлган баландлиги 96 метр. Бинода гир айланасига 88 устун (калонна) мавжуд. Имре Штейндль қайси томондан қаралса ҳам бинонинг энг муҳим қирралари, гумбазу куббалари бир хил шаклда кўринадиган қилиб барпо этган. Қурилишда неоготик услуби билан биргаликда Шарқ меъморчилик анъаналаридан ҳам фойдаланилган. Эртақлардагидек гўзал обида ичини сайр этишда бизга йўлбошчилик қилган хонимнинг айтишича, улкан гумбаз юксалган бош залга кираверишдаги зиналарнинг сони 96 та. Бу рақам тимсолида можорларнинг ватанга

келиб ўрнашуви санаси назарда тутилган: 896 сонидан саккиз олиб қўйилиб, 96 қолдирилган. Демак, Подшоҳ тожи жойлашган залгача босиб ўтилган 96 та зинапоя можорлар учун кутлуғ ва муқаддас бўлган айёмга тўғридан тўғри ишора қилиб туради. Тепага кўтарилаётган киши ўз-ўзидан Ватан тарихи воқеаларини хаёлидан кечиради. Сарой ичини безашда 40 килограм олтин, 500 мингтага яқин қимматбаҳо тошлар ишлатилган. Куббали деразаларга қўйилган рангли шишадан ясалган, турфа хил фусункор нақшлардан иборат жуда кўп ойналар Иккинчи жаҳон уруши йилларида синмаслиги учун миллат бойлигини асровчи фидойи кишилар томонидан ертўлага яшириб қўйилган экан. Уларни томоша қилиб, шундай гўзал санъатдан завқланасиз.

Можор давлатчилиги асосчиси ҳазрат Иштваннинг тожи парламент биносининг қоқ марказида можор халқининг миллий бойлиги сифатида сайёҳлар ва томошабинлар учун кўргазмага қўйилган. Тождаги қимматбаҳо тошлар нурга таъсирчан бўлгани учун бу залда суратга тушиш ман этилган. Тож ёнида ҳукмдорлик ва давлат тимсоли бўлган ярим газлик асо ва қилич ҳам қўйилган. Тожга икки килограм олтин ва ноёб жавоҳирлар ишлатилган, дейишади. У 1000–1001 йилда ҳазрат Иштван I бошига кийгизилган. Шундан буён бу тож Мажористоннинг 55 нафар подшоси бошига кийгизилган. Тож охириги марта ўз нуфузига кўра 1916 йилда Австрия императори Карл I га кийгизилади. Иккинчи жаҳон уруши вақтида тож АҚШга олиб кетилади. Венгрия ҳукуматининг АҚШ билан олиб борган музокаралари натижасида тож 1978 йилда, яъни 33 йилдан сўнг ўз ватанига қайтади. 2000 йилда парламент биносига келтириб қўйилган. Токи салтанат тожи бор экан, Мажористон гуллаб-яшнаб яшайверади, дейди ғурур билан можор халқи.

“Гобелен зали” деб аталган катта хонада Шандор Лежак жаноблари биз учун ҳашаматли тушлик зиёфатини ташкил этди. Узун ва кенг столнинг тўр томонида биз – туркий давлатлар шоирлари, рўпара тарафимизда мезбонлар – давлат ва жамоат арбоблари ўтирди. Залда можор мусаввирларининг тарихий мавзудаги рангтасвир асарлари диққатимизни тортди.

Ҳар биримизнинг исм-шарифимиз кичкина қоғозда ёзилиб, қайси стулда ўтиришимиз белгиланган. Лаганлар, ликоплар, турли хил қадахлар, пичоқ, қошиқ, санчқилар қўйилган. Ўрнимизга жойлашганимиздан сўнг қора костюм-шим, оппоқ кўйлак, оппоқ қўлқоп кийган йигирмага яқин йигитлар икки қатор бўлиб кириб келди. Орқамизда тик турган бу йигитлар ҳар биримизга алоҳида хизмат кўрсатди. Бир пайтнинг ўзида қадахга сув қуюди, бир пайтда таом тартади ва бир пайтда саф тортиб хонадан чиқиб кетишади. Ўзимизни худди подшолар ўтирган дастурхонда сийланаётгандек ҳис этдик. Ҳар биримизнинг олдимизга муқовасига Арпад ва унинг лашкарбошилари, қўшинлари тасвири туширилган таомнома қўйилган. Столга нималар тортилиши можор ва инглиз тилларида битилган. Дастурхонда митти кулчалар, кесилган нон ва сариеғ турибди. Можорлар тушликда ҳам кулчага сариеғ суриб ейишни хуш кўришар экан. Белгиланган вақтда сабзавотли салат ўрнида “Duck liver with blueberry jelly and fresh salads” деган таом келтирилди, у ўрдак жигари ҳамда қайла, кўкатлардан иборат. Биринчи таомга кичкина косада ўзимизнинг аталадек куюк, кўк рангли шўрва тортилди. Таомномада “Green pea veloute goat cheese crumbs” деб ёзилган. Кўк нўхатдан пиширилган, мазаси ўзига хос. Сўнгга лаганда икки бўлак текис кесилган пишган гўшт олиб келишди, бунинг номи таомномада шундай ёзилган: “Veal tenderloin with potato cake,grilled baby vegetables and broun sause”. Охирида ширинлик беришди – “Cottage cheese dumplings with sweet crums and vanilla sour cream mousse”. Олдимиздаги қадахларга

маъданли сув, вақти-вақти билан уч хил – “Gold Generoza 2021 Paulus winery”, “Egri Bikaver 2018 Toth Ferenc winery” ва “Tokaji 6 puttonyos Aszu 2017 Grof Degenfeld winery” деб номланган ноёб шароблар қуйилди. Биринчиси оқ (таъми шампан виносига ўхшаган), иккинчиси қизил, нордон таъмли, учинчиси сарғиш ва ширин шароб экан. Кейинчалик билишимизча, ўша “Тўқай” деб номланган учинчи шароб Можористоннинг энг зўр ва машҳур шароби бўлиб, унинг тайёрланиш жараёни анча мураккаб ва унда узум шираси сақланар, юракка қувват берувчи шифобахш хислати бор экан.

Зиёфат якунида аччиқ кофе тортилди. Бундай шоҳона зиёфат, ўзбекча айтганда, кўрсатилган ҳурмат-иззат кўнглимизни кўтарди. Ҳақиқатан ҳам, биз ўтирган столда Можористоннинг ҳукмдорлари, халқ йўлбошчилари ва ноиблар ўтириб, дастурхон устида ширин таомлар ва шаробларни еб-ичиб, муҳим давлат масалаларини муҳокама қилишган. Хорижий мамлакатлар элчилари билан музокаралар олиб боришган.

Биз эса можористонлик арбоблар ва ижодкорлар билан туркий тилли давлатлар адабий алоқаларини янада ривожлантириш мавзусида суҳбатлашдик. Гап орасида мен Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда нашр этилган 100 жилдик “Туркий адабиёт дурдоналари” бадиий асарлар мажмуаси, унинг юзинчи жилди можор адабиётига бағишланганини айтиб ўтдим.

Тушликдан сўнг Шандор Лежак жанобларининг парламент биносидаги кабинетига ўтдик. У ерда бизни Можористон оммавий ахборот воситалари ходимлари, газета-журналлар мухбирлари, теле ва радиожурналистлар кутиб туришар эди. Тўрдаги стулларда алифбе тартибида бир қатор ўтирдик: Рамил Аҳмед (Азарбайжан, бу давлат номини можорлар “О” билан эмас, “А” билан ёзишади), Даврон Бириккаж ули (Қозоғистон, можорлар “қ”ни “к” дейишади), Тўлиқбек Байзоқ (Қирғизистон), Дурсун Аян (Туркия), Ақмурат Ражабов (Туркменистон) ва мен Ўзбекистон шоири. Олдимиздаги хонтахтамонанд паст столга Шандор Петёфининг ўзбек, қирғиз, турк ва қозоқ тилларида нашр этилган китоблари кўргазмага қўйилган. Дастлаб Шандор Лежак барчамизни бирма-бир таништирди, ҳар биримизнинг юртимиз ҳақида қисқача маълумот берди. Ушбу анжуманнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида гапирди. Сўнгра ҳар биримиз Шандор Петёфининг “Муҳаббат ва озодлик” номли шеърини ўз она тилимизда ўқидик. Телевидениега бир-икки дақиқали интервью бердик.

Халқаро танлов шартига кўра талаб этилган ушбу шеърни рус тилидан – Л. Мартынов таржимасидан ўгирдим, бироқ ҳамкасбим Николай Ильиндан унинг можор тилида қандай жаранглашини, инглиз тилига қандай таржима қилинганини топиб, тушунтириб беришини илтимос қилдим. Топганларимизни биргаликда ўқиб, солиштирдик. “Мен учун бу дунёда икки нарсა зарур, бу муҳаббат билан озодликдир. Муҳаббат учун жонимни беришга тайёрман, лекин озодлик учун жонимни ҳам, муҳаббатимни ҳам бераман”, деган фикрни уқдик. Мен шу фикрни ўзбекча қилиб қоғозга туширдим.

Венгрия Парламенти биносида шеърни ўзбекчасини айтдим.

*Бу озодлик, бу муҳаббат, –
Энг улуг, энг азиз неъмат.*

*Муҳаббатим, севгим учун
Иккиланмай бераман жон.*

*Озодлигим, эрким учун
Муҳаббатим қилғум қурбон!*

“Муҳаббат ва озодлик” номли шеърини ўқигандан сўнг шоир бошқача, ўйноқи оҳангларда ҳам шеърлар ёзганини, улар ўзбек тилида қандай жаранглашини айтиб, “Бешинчи август” номли шеърининг оҳангини келтириб ўқидим:

*Ажаб бўлди, ажаб бўлди!
Узук тақдим, узук тақдим,
Севар ёрим, дудогинга
Бодом чақдим, бодом чақдим...*

Шандор Петёфи шеърларида таърифланган туйғу, ҳис-ҳаяжон ва сезгилар бизнинг ҳам юрагимизда ҳамоҳанг жўш урагагини таъкидлаб, сўзимни тўрт қатор шеърим билан якунладим:

*Йўловчи сув излаб булоқни топар,
Зулматда нур излаб чироқни топар.
Камондан чиққан ўқ топар нишонни,
Юракдан чиққан сўз юракни топар.*

Сўзимни рус тилига таржима қилдим, бир можор йигит уни ўз она тилига ўгириб айтиб турди, шеъримнинг маъносини айтганимда эса, у таржима қилолмай қолди. Лекин барибир, анжуман иштирокчилари ва матбуот ходимлари нима деганимни ҳис этиб тушунди. Сабаби, эртаси куни Мажористон телевидениеси орқали берилган махсус кўрсатув айнан мен ўқиган соф ўзбекча шеърлар билан бошланди, телебошловчи эса орқа фонда уларни можор тилида шарҳлаб берди, учрашув жараёни атрофлича намоёиш этилди. Эфирда Шандор Лежак ва туркиялик Дурсун Аяннинг сўзини беришди. Демак, Шандор Петёфи ва ўзимнинг шеъримни ўқиганим оҳанги Мажористон ОАВ ходимларига ёқибди.

Ўша куни кечга яқин Шандор Петёфи номидаги Адабиёт музейини зиёрат қилдик. Будапешт, Каройи кўчаси 16-уй. Икки қаватли бино дарвозасидан шоир ҳайкали ўрнатилган ҳовлига, ундан узун бино ичига кирдик. Музей директори доктор Тёрёк Петра хоним бизга музей залларини кўрсатди. Биринчи қаватда Шандор Петёфининг “Миллий кўшиқ” номли инқилобий шеъри кўп нусхада босилган ва варақа қилиб тарқатилган нашриёт дастгоҳини кўрганимизда беихтиёр Мажористондаги 1848 йилнинг 15 март воқеаларини эсладик. Ана шу инқилобий ҳаракатнинг йўлбошчиларидан бири шоир Шандор Петёфи бўлади... 1848 йил 13 мартда Пешт шаҳрида буюк шоирнинг “Миллий кўшиқ” шеъри яратилган ҳамда можор халқини миллий озодлик учун курашга даъват этган эди. Қарангки, орадан 175 йил ўтгандан сўнг айнан 13 март санасида биз туркий тилли шоирлар Шандор Петёфи босган изларни босиб, у ёзган шеърларни ўз тилимизга таржима қилиб ўқиб юрибмиз.

*Кўзгал, можор! Ватан интизор!
Ҳақ йўл танла, сенда қудрат бор!
Ёки қул бўларсан умрбод,
Ё оламда яшайсан озод.*

*Онт ичамиз, Хунэрлар –
Бир тану бир жон,
Қул бўлмаймиз асло
Ҳеч замон, ҳеч он!*

Ўз жонини Ватан озодлиги йўлида қурбон қилишга тайёр можор ўғлонларининг жасорати асло унутилмайди. Бу шеър минглаб можорларнинг юрагида озодлик учун кураш бонги бўлиб янгради. Чинакам миллий қўшиққа айланди. Можор ёшлари бу қўшиқни бугун ҳам фахру ифтихор билан қуйлайди.

*Ўлсак, бўлар гўримиз қўрғон,
Ёд этар ёш авлодлар ҳар он.
Шавкатимиз эсланар сўзсиз,
Элда мангу номимиз азиз.
Онт ичамиз, Хунэрлар –
Бир тану бир жон,
Қул бўлмаймиз асло
Ҳеч замон, ҳеч он!*

Ҳар биримизга ўша босма дастгоҳда чоп этилган “Миллий қўшиқ”нинг қўлёзма нусхасини ҳадя этишди. Чиройли дастхатдан шоирнинг даъваткор овози эшитилгандек юракларимиз тўлқинланади. Суратлар, китоблар нусхалари, буюмлар, XIX аср ҳаёти кўз ўнгимизда гавдаланади. Бир тахтада Шандор Петёфи қайси шеърини Можористоннинг қайси ҳудудида ёзгани ҳақида маълумот ва Можористон шахру қишлоқларининг харитаси илиб қўйилган. Замонавий техник воситалар ёрдамида экранда ғала-ғовур қилиб шаҳар кўчаларига чиққан XIX аср хонимлари ва жаноблари намоён бўлади, қўлингиз билан экранни силасангиз, улар ҳаркатга келиб юради, сўзлайди...

Деворларда шоир шеърларида тасвирланган манзаралар акс этган рангтасвир асарлар. Дарахт соясида қишлоқ қизига ишқ изҳори билан хушомад қилаётган йигитчанинг кўзлари ҳаяжондан порлайди, қизнинг юзлари эса чўғдек ял-ял ёнади. Ҳис-туйғулар, нигоҳлар, ҳаёт гашти рангтасвирда жонланади. Якоб Марастонининг “Туш” (можорча “Az álom”) ва бошқа асарлари нақадар мафтункор. Мусаввир яратган тимсол – туш кўраётган қиз кўп маънони англатади: 1) туш кўраётган қиз; 2) бу қизнинг ўзи туш; 3) у гўзал қиз эмас, у тушдаги гўзал ҳаёт; 4) бахт-саодатни фақат тушингда кўрасан; 5) бу муҳаббат, бу озодлик... Марастони бу асарни 1840 йилда яратган. Шандор Петёфи ҳам “Туш” номли шеърини ўша йиллари ёзган.

*Тушларимда йўқ гам-ташвишим,
Тушларимда фусункор олам.
Уйғондим, йўқолди тушим,
Нега мени уйғотдинг, санам.
Тушларимга кирди саодат,
Ундай бахтни кўрмаган ҳаёт.
Буздинг шириин тушимни, ҳайҳот,
Энди ўзинг гуноҳкор танҳо.
Оҳ, Худойим, тушда ҳам, наҳот,
Мен бахтимдан бўлсам мосуво?!*

Бир-бирига ҳамоҳанг икки дурдона асар ҳаёт ва инсон гўзаллигини, орзу-хаёлларнинг бепоёнлигини тараннум этади.

Даниел Леверти Пал исмли йигит Шандор Петёфининг туркий тилларга таржима бўлган китоблари ва газеталарни тўплаб, музей фондини бойитиш ҳақида гапирди. Биз ўз юртимизда чоп этилган мижоз адабиёти намуналарини Будапештдаги адабиёт музейига почта орқали юбориб туришга ваъда бердик.

Ўша кунини Шандор Петёфи ўз ҳамфикр дўстлари билан доимий равишда учрашиб, адабий суҳбатлар қурган, шеърлар ўқиган “Пилвакс” кафесини кўришга улгурмадик. Лекин саёҳат давомида Пешт ва Буда шаҳарларидаги кафе ва ресторонларга кирдик. Мижористон руҳини ҳис этдик.

14 март

Эрта тонгдан мижорларнинг байрамона кайфияти бизга ҳам кўтаринки рух бағишлади. Венгрия Республикасининг тепаси қизил, ўртаси оқ, пасти яшил рангли – тенг ўлчамли уч йўллик бичимдаги байроғининг рамзи – мўъжаз тасмаларни костюм ёқасига қададик. Шандор Петёфи мижор байроғи ҳақида бадий юксак шеърлар ёзган. “Ташлаб кетилган байроқ”, “Байроқ”, “Муҳаббат байроғи” шулар жумласидан. Уларда озодлик учун кураш мавзуси тараннум этилади.

*Нега кашта тўқиб, улайсан қуроқ?
Солаверма ямоқ устига ямоқ!
Чеварсан, муқаддас юмуш бор бироқ!
Хотин, тезроқ байроқ тик, байроқ!*

*Муҳаббат билан тик орзунгни туйиб,
Ғалаба ўпсин бу байроқни суйиб,
Яшайлик озодлик бахтидан туйиб,
Хотин, тезроқ байроқ тик, байроқ!*

Лакителектдан Яссентласло қўрғонига йўл олдик. Микроавтобусимиз бир ёни ўрмон, бир ёни чўл кенгликлар ичра елади. Мижор қишлоқларидан ўтаимиз. Тадбир бўладиган манзилга яқинлашганимизни олдимизда отларда уч қатор бўлиб, байроқ, қилич ва милтиқ кўтариб бораётган, Шандор Петёфи даври либосларини кийиб олган қария ва ёш йигит-қизларни қўрганимизда сездик. Миллий байрам ва Шандор Петёфи ҳайкалининг очилиш маросимида катта ёшли эркек-аёллар, мактаб ўқувчилари, боғча болалари йиғилган. Ватан курашчилари тимсолидаги отлиқлар майдоннинг бир чеккасидан мардона жой олди. Венгрия Республикаси мадҳияси янгради. Тадбир аввалида Шандор Лежак сўзлади. Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган назм ва наво дастури йиғилганларга завқ бағишлади. Сахнага ўн икки-ўн уч ёшли болалар, қизлар саф-саф бўлиб чиқиб, Шандор Петёфи шеърларини ўқишди. Бир болага навбат келганида у ҳаяжонланиб, шеърни ёдидан чиқариб қўйди шекилли, бироз жим турди-да йиғлаб юборди, навбатдаги бола шеърни давом этди. Йиғлаб юборган бола қўнғида Ватанга муҳаббат туйғуси, орият қучли эканини ҳис этдик. У Шандор Петёфи шеърларини яхши билишига шубҳа йўқ.

Ибодатхона қўнғироғи занг чалди. Шоир ҳайкали очилди. Гулчамбарлар қўйилди. Анжуман аҳлининг боши узра байроқлар хилпиради. Яссентласло ҳокими ва аҳоли бизни хушвақт бўлиб кузатиб қолди.

Тушдан сўнг Лакителек шахрида можор халқининг миллий озодлик байрамига бағишланган тадбирда қатнашдик. Ҳарбий офицер либосидаги кўмондон аскар кийимидаги ёш қизлар ва болалар билан ногора ва горн садолари остида Шандор Петёфи ҳайкали қошига келиб, фахрий қоровулликда туришди.

Тантанали тадбирни бизни Тисса дарёси бўйидаги тарихий қадамжони сайр эттирган Олажос Иштванбошқарди. Аввал шаҳар мэри ва Шандор Лежак жаноблари барча йиғилганларни миллий байрам билан муборакбод этди. Турксой бош котиби Султон Раев сўзга чиқди. Болалар ижросида сахна кўриниши, рақс ва кўшиқлар намойиш этилди. Таржимон-шоирлар Шандор Петёфи шеърларини ўз она тилида ўқиди. Шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Қуёш порлаб, баҳор ҳавоси бирла кўнгилларни Шандор Петёфининг шеърларидай ёритиб ва иситиб турар эди.

15 март

Туни билан ёмғир ёғди. Эрталаб Можористоннинг тарихий Кишкунфелдхеза шахрига йўл олдик. Ўн тўққизинчи асрда Фельдхеза деб аталган ушбу шаҳар деҳқонлар шахридир. Бу ернинг аҳолиси ўз келиб чиқиши, наслу насаби билан мардсиниб юришади. Улар ўзларини оддийгина можор эмас, балки асл можор – куман – кипчоқларнинг авлоди деб билишади. Улар хунлар, яса қабиласи билан чатишган кичик хунлардир. Ота-боболари асрлар давомида бепоён кенгликларда от суриб, шамолдек эркин ва озод кезган, улар гўё от эгари устида туғилгандек болагиданок уста чавондоз бўлган. Фельдхезада ўзларини Атилла урпоғимиз деб билган можорлар яшайди. Шандор Петёфи ана шундай эл орасида камол топган. “Айнан мана шу ерда Петровичларнинг тўнғич боласи атак-чечак қилиб қадам босган, шу ерда тили чиққан... Боланинг шахс бўлиб шаклланишида асосий омил – киндик қони тўкилган тупроқда эмас, ҳатто қонда ҳам эмас, асосий омил руҳдир. Унинг руҳи Фельдхезада туғилди, айнан можор бўлиб туғилди”, деб ёзади Шандор Петёфининг болагиги ҳақида Дьюла Ийеш.

Биз ана шу шаҳарга бордик.

“1828 йилда у Фельдхезада кофе ичади. Кўпгина нарсалар таржимаи ҳол учун иккинчи ё учунчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Лекин кофе ҳақидаги хотира эса, асло унутилмасдир. Орлаи бобонинг ҳикоя қилишича, Мария Хруз ўғлининг ўзгача одатидан шикоят қилиб, болам кофени шакар қўшмасдан аччиқ ҳолда ичади, ўғлимнинг ҳаёти ҳам у ичган кофедек жуда аччиқ бўлмаса эди, деб кўрқаман, деган”³.

Афсуски, Шандор Петёфининг пешонасига ҳақиқатан ҳам, ўта аччиқ қисмат ёзилганлигини ҳаёт кўрсатган...

Лотинча U шаклидаги бинолардан иборат модерн услубидаги меъморий мажмуа “Ратуша” диққатимизни жалб этди. Ушбу гўзал ва улуғвор обида 1909–1911 йилларда қурилган экан. Меъморий ёдгорлик минорасининг баландлиги 47 метрдан иборат. Том, пештоқлар, куббаларга рангли кошнлар ва нақшлар билан чиройли жило берилган.

Кишкунфелдхеза шахрининг маъмурий биноси ҳудудидаги Ференц Мор номидаги Маданият марказида Можористоннинг миллий озодлик куни байрами ҳамда буюк можор шоири Шандор Петёфининг “Муҳаббат ва озодлик” шеъри таржимаси бўйича эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кишкунфелдхеза шахри мэри Йозеф Чаньи, Венгрия Парламенти спикери ўринбосари Шандор Лежак, ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев ғолибларга мукофотларни топширди.

³ Дьюла Ийеш, “Шандор Петёфи” китоби, 21-бет.

Тадбирда ушбу халқаро танловни ташкил этишда ҳамкорлик қилган Мажористон Бош вазири девонхонаси, Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, ТУРКСОЙ ташкилоти, Кишкунфелдхаза шаҳри ҳокимлиги, Мажористон Ёзувчилар уюшмаси, Мажористон санъат академияси, Миллий маданият институти, Петёфи номидаги адабиёт музейи ва Лев Толстой номидаги жамият вакиллари иштирок эди.

“Ратуша” деб аталувчи меъморий обиданинг ёнгинасида буюк шоир Шандор Петёфининг жанговар сиймоси – қўлда қилич билан гавдалантирилган ҳайкали қад ростлаган. Тадбир якунида шоир ҳайкалига гуллар қўйилди. Қизиги шундаки, “Ратуша” биносининг меъмори ҳам Имре Штейндль экан.

Мажористон жанубидаги чексиз кенгликларда жойлашган Бугач қишлоғидаги мўъжаз ресторанда тадбир ташкилотчиси Шандор Лежак ва шаҳар мэри туркий тилли давлатлардан келган меҳмонлар ва элчиларга байрам дастурхонини ёзишди.

Бугач ҳудудида Кишкунсаг Миллий хиёбони жойлашган экан. Турк-ўғиз уруғларининг “Дада Қўрқут” китобида “Бугач” номли атама бор, ушбу ном Мажористоннинг Бугач қишлоғи билан ўзаро алоқадор, дейишди. Тошкентга қайтганимда “Дада Қўрқут китоби”ни адабиётшунос олим Жаббор Эшонқул таржимасида ўқидим:

“Комхон ўғли хон Бойинтур йилда бир бор тўй бериб, отдан айғир, туядан буғро, қўйдан қўчқор сўйдирди. Бир ерга оқ ўтов, бир ерга қизил ўтов, бир ерга қора ўтов тиктирди. Кимнинг ўғил-қизи бўлмаса, қора ўтовга киргизинг, тагига қора кигиз тўшанг, олдиға қора қўй сонидан қўйинг, еса есин, емаса кетсин. Ўғли борни оқ ўтовға, қизи борни қизил ўтовға ўтқизинг... деди.

Дирсахон деган бекнинг ўғил-қизи йўқ эди... Бойинтирхоннинг йигитлари уни қора ўтовға киргиздилар, тагига қора кигиз тўшадилар, дастурхонға қора қўйнинг этидан қўйдилар... Дирсахон бундай менсимасдан қилинган муомаланинг сабабини сўради. Хизматкорлар, Бойинтурхон ўғил-қизи бўлмагани Тангри таоло хуш кўрмайди, биз ҳам хуш кўрмаймиз деб буюрди, дедилар.

...Дирсахон ўрнидан қалқиб туриб, хафа бўлиб уйига кетди. Хотинига бориб ғазаб қилди. Хотини шундай деди: дарҳол ўрнингдан тургил, отдан айғир, туядан буғро, қўйдан қўчқор сўйдиргил, ич ўғиз, таш ўғиз бекларини чакириб эҳсон қил, оч кўрсанг, тўйдир, яланғоч кўрсанг, кийинтир, қарздорларни қарзидан қутултир, гўшти тепадай уй, қимизни кўлдай оқиз, катта тўй қил, тилак тила, кўпнинг дуоси билан бизга бир паҳлавон ўғил берар, деди.

Дирсахон хотини айтганини адо қилди... Тангри таоло унга фарзанд берди, хотини ҳомиладор бўлди, вақти келиб, ўғил туғди. От оёғи, бахши чечанлиги билан донг қозонади. Ўғлон кун сайин эмас, соат сайин ўсди. Ўғлон беш ёшга кирди. Ўғлоннинг отаси Бойинтурхоннинг ўрдасига кўчиб ўтди.

Бойинтурнинг бир буқаси ва яна нортуюси бор эди. У буқа тошни сузса, ун каби майдалаб ташлар эди. Хон ёзда бир марта, кузда бир марта буқа билан туяни уриштирарди... Ёз келиб, буқани саройдан чиқардилар. Уч киши ўнг томондан, уч киши чап томондан буқани темир занжирга солиб келардилар. Келиб майдон ўртасига қўйиб юборишди. Дирсахоннинг ўғли яна уч ўғлон билан майдонда ошиқ ўйнашарди. Буқани қўйиб юборганлар ўғлонларга қочинлар, дейишди. Уч ўғлон қочишди. Дирсахоннинг ўғли қочмади, майдоннинг ўртасида қараб тураверди. Буқа ўғлоннинг устига бостириб келди. Ўғлонни ҳалок қилиши тайин эди. Ўғлон қўлини мушт қилиб, буқанинг пешонасига урди. Буқа ортига тисарилиб кетди. Буқа яна қайта ўғлонга ташланди. Ўғлон яна буқанинг манглайига қаттиқ солди. Ўғлон муштини буқанинг манглайига тираб, уни майдон ташқарисига суриб

чиқарди. Бука билан ўғлон жангги қизигандан-қизиди. Буқанинг икки бурнидан кўпик келди. На ўғлон енгди, на бука енгди. Ўғлон фикр қилиб айтди: бир томга тиргак бўлиш учун таёқ тирарлар, мен бунга тиргак бўлиб, нега турибман, деди. Ўғлон буқанинг пешонасидан муштини олиб, ўзи четга чиқди. Бука оёқда туrolмай, гурсиллаб ерга йиқилди. Ўғлон пичоғини кўлига олиб, буқанинг бошини кесди...

Чақирдилар, Дада Қўркут келар бўлди. Ўғлонни отасининг олдига олиб борди...

Бойинтурхоннинг катта майдонида бу ўғлон жанг қилибди, бир буқани ўлдирибди сенинг ўғлинг. Оти Бўғочхон бўлсин. Отини мен бердим, умрини Аллох берсин, деди. Дирсахон ўғлига беклик берди, тахт берди..."⁴

Бугач овулида ана шу Бўғочхондан тўраган ўғизлар яшайди, деган фикрда жон бор.

Хун-турк халқлари қабилаларининг қадимий анъаналарини сақлаш бўйича ҳар икки йилда бўлиб ўтадиган Буюк курултойи Бугач кенгликларида ўтказилади.

Ўн саккизинчи асрда малика Мария Териза кумларнинг шамолда тўзғиб учишига барҳам бериш учун ўрмон барпо этишни йўлга қўйган. Бугун кум уюмлари атрофини ўрмонлар ўраб олган. Бу ердаги Миллий хиёбон катталиги бўйича Можористонда иккинчи ўринда турар экан. Биринчи ўринга Хортобад Миллий хиёбони муносиб, деб эшитдик.

Хортобод номини эшитганимизда Шандор Петёфининг “Хортобад майхонаси бекачи” номли шеърини эсладик.

*Хортобадлик гўзал майхоначи қиз,
Бир шиша май келтир, менга қадаҳ суз!
Дебрециндан Хортобадга юрдим мўл,
Дерецендан Хортобадга азоб йўл...*

*Мовий кўзли бекач, сен гулдек хушбўй,
Кўнгилни шод айла, дилга малҳам қўй...
Уйим олис, сени ташлаб кетолмайман,
Тонг отгунча йўл юрсам ҳам, етолмайман.*

Ўша куни куннинг иккинчи ярмида Морицгат қўрғонида Шандор Петёфининг ҳайкали очилиш маросими бўлиб ўтди. Об-ҳаво ёмғирли бўлгани учун тантанали тадбир ёпиқ бинода бўлди, сўнг ям-яшил кўкламзор майдонда шоир ҳайкали очилди. Гулдасталар қўйилди. Меҳмондўст можор халқи меҳмонларга миллий ширинликлар, совғалар улашди.

16 март

Кечкемет шахрига йўл олдик. Нойман Янос номидаги университет билан танишдик. Замонавий услубда қурилган ўқув биноси аудиторияларига кирдик. Улкан тухум шаклида қурилган, темир арқонларда ҳавода муаллақ осилиб турган компьютерлашган хонани кўриб ҳайратландик. Ичига кириб, унда жойлашган ғаройиб техник воситаларни томоша қилдик.

“Биржа тухуми” деб аталадиган ушбу ғаройиб қурилма икки қаватдан иборат. Юқори қаватда 24 талабага мўлжалланган ўқув хонаси фонд бозорида савдони таҳлил қилишга қодир технология билан жиҳозланган. Фонд бозори молия

⁴ “Дада Қўркут китоби”, “Колор пак” нашриёти, 2022 йил, 14–15 бетлар.

бозорининг кимматли қоғозлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг олди-сотдиси билан шуғулланувчи соҳасидир. Деворда айланасига қурилган мониторларда ҳар хил рақамлар айланади. Пастки қаватда ҳам ўқув хонаси бор. Ушбу меъморий мўъжиза нафақат мазкур ўқув даргоҳи билан танишиш учун келган талабалар, профессор-ўқитувчилар, хорижлик меҳмонлар, балки саноатнинг ҳам эътиборини тортган. “Биржа тухуми”нинг фасад қопламаси 2020 йил май ойида ўтказилган инновацион лойиҳалар бўйича энг яхши мукофотга сазовор бўлган.

– Бу тухум – ақлли тухум, – деб ҳазиллашди Шандор Лежак.

Биз унинг фикрига қўшилдик.

Ажабо, фан ва техниканинг синоатини қаранг.

Профессор ўқитувчилар бизга Янос Нойман ҳақида чоп этилган янги китобни совға қилишди.

Нойман университетидан олган бой таассуротлар ҳақида йўл-йўлакай суҳбатлашиб, Кишкёрёш шаҳарчасига Шандор Петёфи туғилган, унинг ота-онаси яшаган уйни зиёрат қилиш учун йўл олдик.

Томининг қалинлиги ярим метрча, бир текисда қават-қават терилган камишлар билан ёпилган уч хонали уйни тахминан 1780 йилларда қурилган дейишади. Кираверишдан чап томонда шоир туғилган хона ёғоч каравот, стол-стул, сандиқ билан жиҳозланган. Ўртада эски идиш-товоқлар қўйилган ошхона, овқат пишириладиган печ-ўчоқ, томга очилган мўри. Ўнг томонда эски китоблар жойлашган кутубхона, жавонлар, Шандор Петёфи оиласи, ота-онаси тасвирланган суратлар. Ўн саккизинчи аср бошида бу шаҳарга кўчиб келган словак аҳли яшаган қишлоқ маданий анъаналари, маиший ҳаёти ўша қадимги замонда қандай бўлса, шундайлигича сақланган. Жиҳозлар, кийим-кечаклар, қўлғезмалару китобларни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Қишлоқ черкови қўнғироғининг занг чалган садоси янгради. Бизга тилмочлик қилиб юрган Бланка исмли можор қиздан: “Қўнғироқ нима учун чалинапти?” деб сўрадим. “Ибодат қилиш вақти бўлди, деб огоҳлантириш учун қўнғироқлар чалинади”, деди Бланка. “Бизнинг масжидларда азон айтилади”, дедим.

“Шаҳарлар ва қишлоқларда қўнғироқлар 1823 йил кириб келганидан хабар бериб,бонг урарди.

Алфёльд кенгликларидаги Кишкёрёш деган кичкинагина қишлоқнинг барча уйлари билан бир хилда қурилган деҳқонча қулбалардан бирида ногаҳон аянчли фарёд эшитилди: кичик жуссали, қора сочли аёлни тўлғоқ тутмоқда – у туғаётган эди...

Ўғил туғилади. У тарих кутган ва танлаган инсон эди!” Мана шу уйда бўлажак буюк шоирнинг туғилишини можор адиби Дюла Ийеш “Шандор Петёфи” номли китобида шундай тасвирлайди.

Уйнинг ёнидаги “Ёдгорликлар хиёбони” деб аталувчи боғ ҳам музей мажмуасига кирар экан. Унда Шандор Петёфи шеърларини ўз она тилларига таржима қилган турли халқлар шоирларининг ҳайкаллари қад ростлаган. Улар орасида рус шоири ва таржимони Леонид Мартыновнинг ҳам ҳайкали бор. Шоир ва таржимон Л. Мартынов “Венгрия Халқ Республикасига хизматлари учун” олтин ордени (1949), “Венгрия Халқ Республикаси Меҳнат” кумуш (1964) ва олтин (1970) орденлари билан мукофотланган.

Ёзувчиларнинг 1958 йил 31 октябрда Борис Пастернакнинг “Доктор Живаго” романи чоп этилиши муносабати билан бўлиб ўтган умуммосква йиғилишида Леонид Мартыновнинг сўзлаган нутқини адабий жамоатчилик эсдан чиқаролмас экан:

“Ёрқин келажакка интилаётган одамлар “Доктор Живаго” романи муаллифини қўллаб-қувватламайди. Агар чет элларнинг машхур оммавий ахборот воситаларининг шов-шуви Парстернакнинг бошини айлантираётган бўлса, бу шовқин инсониятнинг кўпчилик қисмини алдай олмайди... Шундай экан, майлига Пастернак даврнинг ҳовлиқмалари билан бирга қолаверсин, илғор инсоният эса ҳамиша биз билан бирга бўлган, бундан кейин ҳам бирга бўлади”.

Айнан ана йиғилиш баёнига кўра, С. С. Смирнов бошчилигидаги ёзувчилар ҳукуматга Борис Пастернакни совет гражданлигидан ўчириш талаби билан мурожаат қилишган экан...

Шандор Петёфи шеърларини она тилимизга таржима қилаётганимда Леонид Мартыновнинг ҳам Борис Пастернакнинг ҳам рус тилига қилган таржималаридан кўп фойдаландим. Борис Пастернак ўгирган шеърлар олтин сўзлардек ярқираб туради.

Бу дунёда айтган сўз ҳам, ёзган сўз ҳам ҳеч қачон йўқолмас экан.

Мана, бир гуруҳ осийлик ва европалик шоирлар сўзга эътиқодимиз туфайли бир вақтлар Шандор Петёфи гоҳо яёв, гоҳо отда юрган йўлларда юрибмиз.

Йўл бўйида дарвозасига от тишларини кўрсатиб кишнаётгани сурати илинган мўъжаз емакхонада тушлик қилганимиздан сўнг Можористоннинг энг диққатга сазовор бўлган зиёратгоҳларидан бири Опушташер Миллий ёдгорлик хиёбонига йўл олдик. Можорлар Алфельд – Буюк текислик деб аташадиган воҳа жанубида жойлашган зиёратгоҳ томон микроавтобусимиз елади. Бу жойларни Шандор Петёфи ўз шеърларида беармон мадҳ этган. “Алфельд”, “Алфельдга саёҳат” шеърларидаги манзаралар ёдимизга тушади.

Машинадан тушганимизданоқ кенг далада ўтлаб юрган отларга кўзимиз тушди. Отлар. Қадим замонлардан буён одамларга йўлдош бўлиб келаётган отлар. Улар минг йиллар илгари кўчманчи халқлар қўшинларининг тезкор жанговар қаноти бўлган. Шандор Петёфи отларни севган халқини шеърларида ардоқлайди.

*Мен чўлда тугилдим, яшайман чўлда,
Тор уйда қамалиб, қандай ётарман?!
Қўтон бор, қоп-қора тулпор отим бор,
Ахир, мен чўлдаги йилқибоқарман.*

*Эгарсиз минарман асов айғирни,
Эпчил чавондозман, отга ёқарман.
Суймайман айилни, эгар-жабдуқни,
Ахир, мен чўлдаги йилқибоқарман.*

Оқ, тўриқ, буйрул отларга маҳлиё бўлиб дарвоза томон юрдик. Можор миллий тарихига бағишланган хиёбон дарвозасида бизни узун бўйли, қизил соч-соқолли, оқ-сарикдан келган Золтан исмли можор йигит кутиб олди. У рус тилини яхши билар экан. Ўзимизнинг “Султон” деган отни можорчада “Золтан” дейишаркан.

“Ватанни эгаллаш” деб номланган панорамани томоша қилиш учун айланасига қурилган зиналардан улкан минорага кўтарилдик. Можор мусаввири Арпад Фести номидаги ушбу панорама баландлиги ўн беш метр, узунлиги 120 метр, диаметри 38 метр экан. 1896 йил можор давлати барпо бўлганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб Арпад Фести (1856–1914) Ласло Медянский ва Енё Барчай билан ҳамкорликда “Можорларнинг келиши” номли икки мингта персонаж

акс этирилган, майдони 1800 кв. метрдан иборат айлана маҳобатли рангтасвир манзарасини яратади.

У илк бор Будапештда очилганида томошабинларни чуқур ҳаяжонга солади. Иккинчи жаҳон урушида ушбу ниҳоятда улкан монументаль санъат асари шикастланади. Опушташерда поляк мусаввирлари томонидан таъмирланади ва можорлар давлати барпо бўлганининг 1100 йиллиги муносабати билан қайта очилади.

Минора тепасига чиққанимизда чироқлар ёнди, бирданига чор-атрофимизни қоплаб олган жанг манзарасидан ҳайратга тушдик. Шарқий Карпат этакларидаги водийга сон-саноксиз можор кўшинлари юриш қилиб келмоқда. Жангда можорларнинг қўли баланд келиб, ғалаба қозонган. Марказдаги тепалик устида оқ отлиқ Арпад сиймоси йирик планда тасвирланган. Унинг атрофида можорларнинг олти қабиласи бошлиқлари. Буюк саркарда Арпад салтанатининг ялови баланд кўтарилган. Худди ўзимизни бундан бир минг бир юз, бир минг икки юз йиллар аввал юз берган воқеалар ичига тушиб қолгандек ҳис этдик. Жанг сурони, оҳ-воҳлар, кучли наъралар, отларнинг кишнаганлари эшитилади. Шундоққина оёғимиз остида чуқур жарлик, кулбалар, химоя қўрғонларининг ёнган ғўлалари, жангда қурбон бўлган одамларнинг ярим-яланғоч жасаdlари хор бўлиб сочилиб ётибди. Сон-саноксиз отларнинг туёқлари тупроқда чуқур из қолдирган йўлдан тўртта-тўртта ҳўкизлар тортиб келаётган араваларда йўлбошчи саркарданинг аҳли аёли – маликалар ва аслзода қизлар бутун ҳусни латофати билан намоён бўлган. Бир ёнда мажусийларнинг вайрон этилган қурбонлик қилиш учун мўлжалланган минораси, можор навкарлари аллақачон минора қўриқчиларининг жонини олган. Сал нарироқда забт этилган химоя қўрғони ичидан жангчилар чиройли аёллар ва қизларни асрга олиб, елкасида кўтариб олиб кетмоқда. Олисда кўринган тоғ этагида сон-саноксиз сурувлари, пода-пода молларини ҳайдаб келаётган можор чўпонлари... Ўнг томонда тепаликда қўлларини осмонга кўтарган шаман ғалаба шарафига танрига шукрона айтиб илтижо қилмоқда. Қурбонликка оқ от келтирилган. Шаман ёнида ёқилган гулхан атрофида сулув қизлар раксга тушиб, оловга илоҳий гиёҳларни ташламоқда. Бу манзараларни айланиб юриб томоша қилар эканмиз, бетимсол санъат ва жонли манзара таъсиридан қаттиқ ҳаяжонга тушдик.

Панорамадан чиқиб, хиёбон бўйлаб, ғалаба арки, можор ҳукмдорлари ҳайкалларини томоша қилиб, бу юртда Ватан тарихига нақадар катта эътибор берилиб, улуғ ва шавкатли аждодларнинг авлодлар томонидан ниҳоятда ардоқланишига тан бердик.

Лакителекка қайтганимиздан сўнг шу ҳудудда жойлашган, Можористоннинг ноёб шароблари кўргазмасига таклиф этишди. Ям-яшил гольф майдони ястаниб ётган тепалик тагидаги салқин бинога кирдик. Махсус тоқчаларга шароб солинган шишалар тартиб билан териb қўйилган. Ўртада айлана хона, хона тевалагидан ичкарига кетган йўлақлар шароблар сақланадиган махсус жойларга элтади. Тўрдаги столда сув, оғзи тор, ичи кенг қадахлар, шароб, ликопчада газак учун майиз, ёнғок, пишлок. Бир шаробни татиb кўргач, қадахни сувда чайиб, бошқа шаробдан қуйишади. Хуллас, тўрт-беш хил шаробдан татиb кўрдик.

– Шароб тайёрлаш алоҳида санъат, – деди бизга шароб тайёрлаш ва сақлаш ишқивози бўлган можор йигит. – Ёнг қадимги одатлардан бири – қадах тўқиштириш. Қадимда қадахларни бир-бирига қаттиқ тўқиштиришганда уларнинг ичидаги шароб чайқалиб, бир қадахдан бошқа қадахга ўтган. Бу мезбоннинг меҳмонга қарата,

мен сизга заҳарланган шароб қуйганим йўқ, мана қадаҳимдаги шароб чайқалиб, сеникига ўтди, сенинг шаробинг ҳам менинг қадаҳимга тушди, уни бирга баҳам кўрамиз, деган ишорани англатган. Бугунги кунда тилак тилаб қадаҳ уриштиради, лекин шароб чайқалиб бир қадаҳдан бошқа қадаҳга ўтмайди...

Можористоннинг шароблари дунёга машҳур. Шандор Петёфи шаробни яхши кўрган ва шаробга бағишлаб кўп шеърлар ёзган. Бу шеърларда ҳам ўз халқининг дарду армонларини тўкиб солган.

*То бор экан қадаҳда шароб,
Юракни ҳам эзмас юк бўлиб.
То бор экан қадаҳда шароб,
Тақдир, сени енггаман қулиб.*

Шоир шеърларида оғир турмушни тасвирлайди, бироқ бу ҳолатдан чиқиш кетишни, ҳеч қачон мағлуб бўлмасликни, доимо енгиллигини, ғалаба қозонишни истайди, бу истакни халқнинг руҳига сингдиради. Таъсирчан шеърят уйғотган озод рух озодлик учун курашга ундайди.

16 март

Эрта тонгдан Будапешт шаҳрини томоша қилишга отландик. Саёҳатни “Қаҳрамонлар майдони” деб аталган ҳайкаллар мажмуасидан бошладик. Айша исмли Венгрияда яшайдиган қозоқ опа бизга таржимонлик ва йўлбошловчилик қилди.

Ўртадаги узунлиги 36 метрлик мармар устун (калонна) тепасида ер шари, ер шарининг устида архангел Гавриил ҳайкали ўнг қўлида тож, чап қўлида хоч тутган. Унинг елкасидан улкан қанотлар ўсиб чиққан. Ёдгорлик шохсупасида айланасига отлиқ ҳайкаллар қўйилган. Марказда можорлар давлатчилиги асосчиси Арпад, унинг ўнг ёнида можор қабилалари бошлиқлари Элед, Хўба, Тош, чап ёнида Қонд, Онт ва Техетем қурол-яроғлари, дубулғаю совутлари билан жанговар қиёфада тасвирланган. Ушбу ҳайкаллар мажмуасининг ўнг ва чап томонида можор салтанатининг ҳукмдорлари ва улуғ арбобларининг ҳайкаллари қўйилган (кўндалангига узунлиги 84 метрли) устунли айвонлар салобати томошабинни ўзига ром этади. Улкан устунлар мармардан, ҳайкаллар бронзадан ишланган.

Ҳайкалтарошлик ва меъморчилик санъатининг ушбу мухташам мажмуаси меъмор Альберт Шикеданц ва ҳайкалтарош Дьёрд Зала томонидан 42 йил давомида яратилган. “Қаҳрамонлар майдони” можор давлатчилигининг минг йиллиги муносабати билан очилган. Бир-бирига мос ва уйғун иккита калонналар айвони тепасига Меҳнат ва Ободлик, Уруш ва Тинчлик, Донишмандлик ва Шон-шухрат тимсолидаги ҳайкалтарошлик асарлари гултождек қилиб ўрнатилган.

Айша опанинг изидан майдоннинг орқасидаги қўл томон юрдик. Кўприк устидан ўтиб, Қишлоқ хўжалиги тарихи музейи биносини кўрдик. Бозорга ҳам бордик. Пулларимизни саррофдан можор форентига алмаштирдик. Айланиб, у-бу нарса харид қилдик. “Бозор” можор тилида “вазар” дейилар экан. Дунай дарёсининг икки соҳилини туташтирган яшил кўприк устида дарё тўлқинлари ва кемаларни томоша қилдик. Қозоқ шоири Даврон Дунай мавжларига боқиб, ўз тилида бу дарёга бағишланган шеърни берилиб ўқиди.

О, Петёфи,
ярадор ўғли можорнинг,
осмон ўпиб ётган сулув диёрнинг.
Мен Эртишнинг соҳилига интилдим,
Сен Дунайга термилгандай термилдим.

О, Петёфи,
Кушдан туққан ҳумойим,
Дунай ёкка ботди бориб қулай кун.
Мен Эртишнинг соҳилида сарғайдим,
Сен Дунайга мунғайгандай мунғайдим...

Қадах тўла жимирлаган шаробдай
Нега Дунай ўқсиб чиқди тун бўйи?..

Дунай дарёсининг бериги соҳилида Пешт, нарёғида Буда шахри жойлашган.

Можорчасига “utca” деб ёзиладиган, “ўча” деб талаффуз қилинадиган шундоққина Дунай соҳилидаги кўчада жойлашган балиқчилар ошхонасида тушлик қилдик. Қизик, можорча “ўча” дегани ўзбекча “кўча” деганимизга ўхшар экан. Ичи дарё манзарасида безатилган, деворларию шифтларига қамишу кўғалар расми чизилган, қармоқ, тўр илинган, қайикда ўтириб балиқ овлаётган балиқчининг “моделли” тепадан пастга қаратиб шифтга маҳкамлаб қўйилган мўъжазгина ошхона. Биринчи таомга балиқ шўрва, бошқа шериклар ўрдак шўрва, иккинчисига товук тўшидан қовурдоқ буюрдик. Шўрва жуда мазали пиширилибди. Таомномада “палинка” деб ёзилган ичимликдан татиб кўрдик, жуда ўткир экан. Арон Тамашининг “Илдиз ва ёввойи гул” номли қиссасини таржима қилганимда соҳибжамол қиз Тези Тима исмли бобосига янги йилнинг совуқ, қорли ва ўрмонда бўрилар изғиб юрган кўрқинчли оқшомида “Палинка қуйиб берайми, бобожон?” деб сўрайди. Мен шу жойини “Шароб қуйиб берайми, бобожон?” деб таржима қилгандим. Кейинги нашрда “палинка” сўзини ўзгартирмайман, унга “узум, олча, нок, олма, қулупнай, ер тут, қорағат (смородина)дан тайёрланадиган ўткир ичимлик деб изоҳ бераман. Мана, ниҳоят Будапештда палинкани ҳам татиб кўрдим...

Дунаининг нариги соҳилидаги тепалик устида сербарг пальма новдасини икки қўли билан боши узра баланд кўтарган аёл сиймоси – озодлик ҳайкали узоқ-узоқлардан кўриниб турарди. Тушдан сўнг ўша тепаликдаги тарихий обидаларни бориб кўрадиган бўлдик. Буда кўрғони деб аталадиган қадимий меъморий обида жуда баланд тепаликка жойлашган қалъа деворлари, кўпгина тарихий бинолардан иборат меъморий мажмуа – катта қалъа-шаҳар экан. Подшо саройи, ибодатхона ва бошқа иморатлар, ҳайкалларни ҳайрат билан томоша қилдик. Бу юрт бошига тушган урушлар, жанглар, вайронагарчиликлар оқибатида кўрғон кўп марта талофат кўрган, таланган, тўплардан ўққа тutilган. Бунёдкор можор халқи яна уни тиклаган. Ҳозирда биз томоша қилган кўринишда ҳам у бетакрор меъморий санъат намунаси эканини намоён қилиб турибди. Подшо саройи биноси, Матъяш черкови, Иштван I ҳайкали ва бошқа меъморий обидалар ўз улуғворлиги билан ажралиб турибди. Сайёҳлар гавжум, санъат ва меъморчилик мухлисларининг кети узилмайди. Бир-неча соат яёв юрдик, лекин қалъанинг ҳамма томонини томоша қилишга вақт етмади. Дарё соҳилида қад ростлаган нақадар узун ва баланд шаҳар. Қалъа зинапояларидан пастга тушиб, йўл четидаги ўриндиқларда ўтириб нафас

ростладик. Бизни кечқурун туркий тилли ижодкорларнинг Можористондаги ажойиб дўсти ва ҳамкори Янош Ховари жаноблари кутаётган эди.

Туркий давлатлар ташкилотининг Будапештдаги қароргоҳида можор халқ озодлиги куйчиси Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган анжуманга йиғилдик.

Европа табиатида кечки пайт ҳаво бироз совуқ бўлгани учун қурткамни эгнимга ташлаб бораётган эдим, қароргоҳ дарвозасидан киришим билан: “Ассалому алайкум, Рустам ака!” деган соф ўзбекча сўзни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Ёнимга келган ўзбек йигити билан кўришдим. У барча тадбирларни интернетдан кўриб кўзатиб бораётган экан. Янош Ховари идорасида Ўзбекистондан вакил бўлиб ишларкан. Ўзини Валижон Ҳошимов деб таништирган дипломат йигит Пскентда туғилиб ўсган экан. Валижон ичкарига таклиф қилди.

Янош Ховари дарёдек жўшқин одам экан. Хонага кириб келиши билан унинг самимиятидан даврага нур ёғилди. Ҳамма билан ниҳоятда хурсанд бўлиб кўришди. Тадбир бошланишига бироз эрта бўлгани учун бизни бинонинг ертўласига бошлади. Пишиқ ғиштдан қурилган, деворлари қалин салқин ва озода хоналарда Можористоннинг асл шароблари сақланар экан. Бир чеккадаги столда ўзаро гурунглашиб ўтирдик.

Шоирлар, элчилар, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари суҳбатлашдик, фикр алмашдик, мушоира қилдик.

Тадбирни Туркий тилли давлатлар ташкилотининг Венгриядаги қароргоҳи раҳбари Янош Ховари бошқарди. Кириш сўзида Шандор Петёфи асарлари таржимаси бўйича ташкил этилган Халқаро танловнинг қон-қардош халқлар адабий, маданий алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакат Бош Вазирининг туркий тилли давлатлар адибларининг ўзаро ижодий ҳамкорлигини ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр экани ҳақидаги фикрини анжуман аҳлига етказди.

Венгрия Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Кинга Эрёш ҳамда туркшунос олимлар, таржимонлар сўзга чиқиб, халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир доирасида "Можор масаллари" китобининг турк тилидаги нашри тақдими ҳам бўлиб ўтди. Китобни варақлаб ўқидик, “масал” дегани эрта экан. Демак, бу китобнинг ўзбекча номи “Можор эртаклари”.

Биз шоирлар навбатма-навбат минбарга чиқиб, Шандор Петёфининг “Муҳаббат ва озодлик” номли шеърини ўз таржимамизда ўқидик. Мен йиғилганлардан Шандор Петёфининг ушбу шеърдан бошқа яна битта шеърини ўқишга рухсат сўрадим. Буюк шоирнинг ватанида “Жанговар кўшиқ” деб аталган шеърнинг ўзбекча жарангни можор халқига етказгим келди.

*Увиллар карнай,
Гувиллар довул!
Олга бос, аскар!
Олга, ясовул!
Ур-ҳооо, можор!
Ур-ҳооо!*

*Улиб учар ўқ,
Ярқирар қилич,*

*Ботир бўл, аскар,
Ёв қонини ич!
Ур-ҳооо, можор!
Ур-ҳооо!..*

*...Ким қолар омон?
Жанг борар ёмон!
Бироқ ўлмайди
Ватан онажон!
Ур-ҳооо, можор!
Ур-ҳооо!
Ур-ҳооо, навкар,
Ур-ҳооо!*

Шеър тугаши билан Янош Ҳовари ёнимга келиб кучоқлаб олди. Шеър оҳангида: “Ур-ҳооо, ўзбек! Ур-ҳооо!” деб ўз миннатдорлигини изҳор этди.

Тўғриси, рус тилида “вперёд” деб берилган сўзни оддийгина “олға” деб таржима қилгим келмаганди. Амир Темур навкарларининг жанговар наърасини ифодалашни истагандим. Бу сўзнинг руҳи хорижликлар ва қардошларга ҳам кучли таъсир қилди. Тадбирнинг тантанали қисми тугагандан сўнг можор радиосининг муҳбири ёнимга келиб, “Жанговар кўшиқ” шеърини радио учун қайта ўқиб беришимни сўради.

Оқшом файзли ўтди. Янош Ҳовари дастурхон ёзиб, бизни меҳмон қилди.

Зиёфат тугагач машинада Будапештдан Лакителекка қайтдик. Бизга ҳамроҳлик қилиб юрган Жудит хоним хайрлашаётганда йиғлаб юборди. Бу меҳрибон аёлнингиссиқ туйғуларидан қаттиқ таъсирландик.

Будапешт – Лакителек йўналишида олис йўлда тун қоронғисида борарканмиз, Шандор Петёфи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўйлар ҳаёлимни чулғади.

Шандор Петёфи шеъриятига можор халқининг миллий озодлик руҳи сингиб кетган, у халқ юрагига айланган. Юрагида озодлик руҳи туғён урган халқ курашларда доимо ғолиб бўлади. Шандор Петёфи қисқа, лекин чакмоқдай ёнган ҳаёти билан Ватанининг осмонини ёритди, душманларини кўрқувга солди. У кўлида қилич билан эмас, қалам билан жанг майдонида озодлик учун курашди.

*Жуда кўп шеърим бор, яна ёзаман,
Ўша энг яхши шеър бўлади ибрат –
Она халқим учун Вена шаҳрида
Ўч олган шеър менга келтирар шухрат.*

Унинг шеърларида тасвирланган Ватан ва озодлик тимсоллари миллионлаб можорларнинг қалбини тўлқинлантирди, у миллатнинг сеvimли шоирига айланди, Ватан озодлиги курашининг шерюрак сардори бўлди. Унинг наъралари юракларни арслон наърасидек ларзага солди. “Ташлаб кетилган байроқ” шеърида жанг майдонидаги кўрқоқликдан нафратланади. Ташлаб кетилганда байроқ эмас, ўша байроқ ортида турган халқ таҳқирланади, хўрланади, дейди шоир. Бутун халқ ишониб, тикилиб турган байроқни ҳеч қачон ташлаб қочмаслик керак, деган фикрни олға суради шоир. Ахир, бу байроқнинг қанотига Худо сўзи ёзилган! Демак, Озодлик туйғуси илоҳийдир, бу сўз Худо томонидан байроққа ёзилади, уни ташлаб кетиш, оёқ ости қилиш энг оғир гуноҳдан ҳам оғирроқдир. Фақат кушларгина совуқ тушганда нобуд бўлмаслиги учун иссиқ юртларга учиб кетади. Лекин инсончи... У ўз юртини ташлаб бошқа юртга кўчиб кетса, ўз Ватанидан айрилади ва

хор бўлади. Майли, кўрқоқлар қушлардек ўз ҳаловатини ўйлаб, иссиқ юртларга қочиб кетсин, аммо юксак мақсадларни кўзлаб, миллат келажагига ишониб яшаётган марду майдонлар бургут кабидир. Бургутлар юксак чўққиларда яшайди, баланд осмонларни забт этади, улар Ватанига содиқ посбондир, дейди шоир тимсоллар тилида сўзлаб. Халқнинг дилидаги бундай сўзлар албатта минг-минглаб ватанпарварлар қалбида озодлик учун курашда душмандан асло чекинмаслик, ботирлик, жасорат каби руҳий қудратни яратар эди.

*Бу байроқда қандай сир,
Қандай кучли қудрат бор!
Байроққа қанча ботир
Жонини қилди нисор.*

*Азиз байроқ турган жой
Худонинг меҳробидир –
Жон фидо қилганларнинг
Муқаддас туробидир⁵.*

*Майли, кўрқоқ сотқинлар
Ташлаб кетсин меҳробни.
Бироқ жоним чиққунча
Қўриқлайман туробни.*

Жаҳонга донги кетган адиб Дюла Ийеш Шандор Петёфи ҳаётининг сўнгги дамлари ҳақидашундай ҳикоя қилади:

Жанг аввалида Петёфи Фейерэдьхаза қишлоғининг Шенгешварга яқин бурчагида йўл бўйида турарди. У ёндирилган қишлоқда қандайдир бир чала ёнган гўла устида ўтирганча ён дафтарига нималарнидир ёзди. Анча вақт ариқ устидаги кўприк панжарасига билаклари билан суяниб турди. Сўнгга тўпчилар томон юрди, ерга тушган тўп ўқи ҳавога совурган тўзон ичида қолди. Кўзларига кирган чангни енги билан узоқ артди. Душмат наъра тортиб уч тарафдан ёприлган пайтда қишлоқнинг четан деворлари ёнида чуқур ўйга толиб қолди. Шундоққина яқиндаги тиббий қароргоҳда ҳарбий шифокор ярадорларнинг жароҳатини боғлар эди. Шифокор даҳшатга тушганча, аҳвол ёмон дегандай, жон-жаҳди билан ҳимояланаётган венгер гусарлар тарафга имо қилди. Шоир “Ҳечқиси йўқ!” деди. Шифокор чап тарафга ишора қилди. Чап қанотда эса можор аскарлари бутун жанг майдони бўйлаб қочар эди. “Биз қамалга тушдик!” деган кўрқинчли хайқириқлар эшитиларди. Шоир чап томонга бокди. Бутун штаб, ҳатто бетимсол ботир, кичик жуссали қари генерал Бемнинг ўзи ҳам қочар эди. Жонни омон сақлашнинг биргина йўли тепалик ортидаги ўрмонга етиб бориб беркиниш эди. Ким отлиқ бўлса, ўрмонгача етиб бориши мумкин, ким пиёда бўлса, омон қолиши амримаҳол. Озодлик жангчиларини бостириш учун Россиядан ёлланган казаклар қўшини яшин тезлигида қишлоқни ўраб олди. Ваҳшиёна қотиллик бошланди. Душман ҳеч кимни асир олмади, қўлга тушганни аямай қатл қилаверди.

Тепаликдан кузатиб турган шифокор шоирдан нигоҳларини узмай, имкон борича хавфсиз жойга беркинишидан умид қилиб, узоқ пойлади. Петёфи йўл бўйлаб бошланг югурар, тугмалари ечилган сюртугининг этаклари шамолда қанотдек икки ёнга очилиб ҳилпирарди. Уни сўнгги бор кўрган шифокор бир пасда шоирни нигоҳлари доирасидан йўқотиб қўйди, тўполонда қаёққа кетганини кўрмай қолди.

⁵ Туроб – тупроқ, муқаддас тупроқ, мазор, азиз-авлиёлар макбараси.

Отлиқлар шоирга етиб олди, у орқасидан келган отлиқларга ўгирилиб, ёв билан юзма-юз бўлди. Тиғ шоирнинг кўксига рўпарадан санчилди.

Тоғ қишлоғи Фейерэдьхазадаги булоқ бўйида аллаким ҳалок бўлган. Бироқ шоирнинг жасади топилмаган... Булоқ бўйида найза билан тилка-пора қилинган, юзи таниб бўлмас даражада жароҳатланган қўзғолончини топишган. Талончи-босқинчилар унинг кийимларини ечиб олишган, жасад фақат қора шимда қолган. Унинг ёнида қонга бўялган ҳужжатлар сочилиб ётарди, ўликларни талаган ҳарбийлар қимматбаҳо нарса бўлмагани учун уларни ташлаб юборган. Ўша қўзғолончининг шахсини таърифлашганига қараганда, уни Шандор Петёфи деб тахмин қилиш мумкин эди. Балки ўша жасад шоирники эмасдир, балки у ярадор бўлган ва узоқ вақт майдонда ётгандир. Душман қўшинларига эртаси куни майдонда қолган жасадларни ўлганми, ўлмаганими, биронта ҳам инқилобчи тирик қолмаслиги учун ҳаммасини қайтадан қиличдан ўтказиш бўйича буйруқ берилган. Бир минг ўттиз нафар ҳалок бўлганлар билан бирга ҳали тирик ярадорлар ҳам катта хандаққа кўмиб юборилган. Шоир тирик эди, дейишади. У чоҳ ичидан: “Кўмманглар, мен тирикман!” деб инграган. Чоҳ тепасидан эса: “Ўлиб кет!” деган овоз эшитилади, тупроқ ташланади, шоир мурдалар билан бирга тириклай кўмилади...

Кейинчалик кадамма-қадам қидирилади, афсуски, Шандор Петёфининг жасади ҳеч қаердан топилмайди. Шоирнинг ўзи шеърларида башорат қилгандай Ватан тупроғига сингиб кетади.

Бу машъум кун 1849 йил 31 июль эди. Шоир йигирма олти ёшда эди. Ёш, навқирон умр Ватан озодлиги учун курашда жувонмарг бўлди. Шоир жанговар кўшигида айтганидек, беомон жангда қанчадан-қанча жонлар қурбон бўлади, бироқ Ватан ҳеч қачон ўлмайди. Қаҳрамон ўғлонларнинг ҳаёти ва жасорати Ватаннинг умрбоқийлигини таъминлайди. Шандор Петёфи эса асрлар давомида ўз Ватани шуҳратига шуҳрат қўшаверади. У ўз жасорати тимсолида Ватани ва халқининг орини сақлаб қолган.

17 март

Нонуштадан сўнг Hungaricum Liget меҳмонхонасининг чордоғидаги мажлислар ўтказиладиган кичик хонасида Шандор Лежак жаноблари биз билан суҳбатлашди. Эртасига эрта тонгдан Будапештдаги аэропортга чиқиб кетамиз. Ҳаммамизга бир хил эсдалик совғалари, китобчалар, газета-журналлар ва келганимиздан бўён ўтказган тадбирларимиз хабар ва суратлари чоп этилган матбуот ва электрон нашрларининг қоғозга босилган нусхалар ҳадя этди. Можористонда ўтказилган тадбирларда иштирок этганимиздан мамнун экани, бундай адабий алоқалар яна давом этиши ҳақида гапириб, биз билан хайрлашди.

Учрашувдан сўнг Будапешт шаҳрига саёҳатга отландик. Салкам икки соатли йўлда кимдир ўз-ўзича ҳаёл суради, кимдир ойнадан дала манзараларини томоша қилади. Даврон эса одатдагидек машинага чиқди дегунча ёнида ўтирган Тўлуқбекка қозоқчалаб тинимсиз гапиради. Машинадан ҳам кўра сўзлари тез юраётган самимий ва чечан йигитнинг суҳбатини тинглаб, завқланаман.

Тахминан соат ўн бирлардан ўтиб шаҳарга етиб бордик. Дўконларни айландик. Тўрт-беш қаватли эски бинолар қурилган тор кўча бўйидаги бир кичик ошхонада тушлик қилдик. Кеча бизникўз ёш билан кузатиб қолган Жудит икки-уч яшар ўғли ва бир яшар қизчаси билан ошхонага кириб келди. Биз билан суҳбатлашиб ўтирди, айрилиқ жафосини енгиллатиш учун, дегандай бир шиша можор шароби билан сийлади. Шу етти-саккиз кун ичида биз бир-биримиз билан худди туғишгандек қадрдон бўлиб қолган эдик. Машинага чиқаётганимизда Жудит ҳар биримиз билан

ўз синглимиздек кучоклашиб хайрлашди. Даврон сумкасидан шокалат олиб, Жудит ва унинг жажжи болаларига улашди. Машина жилди, Жудит қўлларини силкиганча хайрлашиб қолди.

Авлиё Стефан базиликаси деб аталувчи католик ибодатхонаси – мухташам меъморий обидани бориб кўрдик. Уzunлиги 87, 4 метр, кенлиги 55 метр, баландлиги 96 метрлик неоренессанс услубида қурилган меъморий обиданинг салобатидан киши хайратга тушади. Бино олд томонидан қаралганда, икки ёнида бир хил баланликдаги минора ва ўртада диаметри 22 метрлик улкан гумбаз. Гумбаз ибодатхона тоқи, миноралар эса қўнғироқхона вазифасини ўтайди. Ўнг томондаги минора тепасига 96 килограммлик қўнғироқ ўрнатилган. Можористондаги энг катта ибодатхона ва энг катта қўнғироқ мана шу базиликада экан. Собор қурилиши 1851 йилда меъмор Йозеф Хильд лойиҳаси бўйича бошланган бўлиб, у 54 йил давомида қурилган. 1868 йилда қурилиш деярли якунланган, аммо қутилмаганда бинонинг гумбази кулаб тушади. Миклош Ибль деган меъмор ўзининг янги лойиҳаси бўйича гумбаз қурилишини давом эттиради. Меъморий обидага ички безаклар бериш ва сайқаллаш иши эса, Йозеф Каузер чекига тушади.

Будапешт шаҳрини томоша қилар эканман хаёлимдан, шунча улуг ва мухташам меъморий обидалар ва ҳайкалларни қурган Можористон ниҳоятда бой мамлакат, можор халқи эса, истеъдодли ва бунёдкор халқ экан, деган фикр ўтди.

Машҳур адиб Дюла Йиешнинг китобини варақлаб, ўша буюк қурилишлар даври ҳақидаги шундай маълумотларни ўқидим: “Венгрия 1802 йилда 125 000, 1825 йилда 170 000, 1844 йилда эса 261 000 центнер жун экспорт қилади. 1840 йилда мамлакат 2 327 469 центнер ғалла; беш йилдан сўнг 1845 йилда икки баробар кўп 4 497 557 центнер ғалла етиштиради”⁶.

Бу мамлакат ҳақиқатан ҳам бой бўлган. У ҳозир ҳам бой!

Нафақат иқтисодиёт, меъморчилик, ҳақалтарошлик, тасвирий санъат ва мусиқа бўйича бой, балки бадиий адабиёт бўйича ҳам буюк обидаларни, буюк шоирларни яратган халқдир бу халқ.

20 март

Тошкентга қайтганимдан сўнг сана қўйиб, кечинмаларим ва фикрларимни кундалик дафтаримга кунма-кун ёзиб бормасам ҳам, Венгрия Республикасида кечган кунларим таассуротлари, Шандор Петёфи шеъриятидан олган ҳаяжонларим ҳар куни, ҳар лаҳза юрагимни тўлқинлаштиришда давом этмоқда ва давом этаверади.

2023 йил 10 март – 31 май

Тошкент – Будапешт – Лакителек – Тошкент

P. S

31 май

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан Шандор Петёфининг “Озодлик” шеърлар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Адабиёт ва бадиий таржимани чуқур ўрганаётган талабалар даврасида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Венгрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дюла Ковач, Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар

⁶ Дюла Йиеш “Шандор Петёфи”, Москва, изд., “Художественная литература” 1972, 143-бет.

билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Қурбонов, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов, таниқли шоирлар Салим Ашур, Қўчқор Норқобил, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов сўзга чиқиб, ўзбек – венгер адабий алоқалари ҳамда Шандор Петёфи ижодидан ўзбек тилига ўгирилган янги шеърларнинг бадиий-ижтимоий аҳамияти ҳақида гапирди.

Венгрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Дюла Ковач сўзини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз:

“Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги байрам қувончини биргаликда баҳам кўрмоқдамиз.

Биз ҳозирги замонда ўзбек – можор халқларининг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган китоблар тақдимотида иштирок этиш бахтига муяссар бўлмоқдамиз. Бу таржима китоби нафақат сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, балки маданият ва бадиий адабиёт соҳасида ҳам бугунги ҳамда келажақдаги манфаатларимиз умумий эканини исботлаб турибди.

Шандор Петёфи, можор тили қондасига кўра Петёфи Шандор – дунёдаги энг машҳур ва энг кўп таржима қилинадиган можор шоиридир. Унинг асарлари энг кўп хорижий тилларга таржима бўлган. Халқимиз суйган шоир бор-йўғи йигирма олти йил умр кўрган, бироқ у яратган адабиёт дурдоналари ҳали ҳаётлигидаёқ чет тилларга таржима бўлган. Бугун Шандор Петёфи адабий меросининг катта қисмини дунёнинг элликдан ортиқ тилларида мутолаа қилишмоқда.

Рустам Мусурмон янги таржима қилган эллик тўққизта шеър шарофати билан Шандор Петёфининг шуҳрати ўзбек ўқувчилари орасида янада ошганидан ниҳоятда хурсандман. Шу йилнинг март ойида жаноб Рустам Мусурмон Шандор Петёфи таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро адабий танловда иштирок этди. Бадиий таржима борасидаги маҳорати эъзига Венгрияда бўлиб ўтган беллашув ғолиби бўлди ва бу уни Шандор Петёфи шеърларни ўзбек тилига янада кўпроқ таржима қилишга руҳлантирди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу китоб маданий-дипломатик алоқаларнинг ноёб ва сермахсул самараси саналади!

Ушбу нашрнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бу китобга Шандор Петёфи таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан 1973 йилда таниқли ўзбек шоирлари томонидан амалга оширилган ўттиз бешта шеър таржималари ҳам киритилган. Эндиликда Шандор Петёфининг бетакрор ижодидан юзга яқин асарларни ўзбек тилида ўқиш имконияти яратилди.

Петёфининг илк ўзбек таржимони Исҳоқ Иброҳим номини эсламасдан ўзимнинг ҳаяжонли фикрларимни яқунлай олмайман. У 1960 йилдаёқ шоирнинг бир неча шеърларини бевосита можор тилидан ҳозирги замон ўзбек тилига таржима қилган.

Исҳоқ Иброҳимдан бошлаб Рустам Мусурмонгача бўлган адабий алоқаларни бирлаштирган маданий кўприкнинг фаолияти шу билан тўхтаб қолмайди деб ўйлайман.

Жаноб Рустам Мусурмонга мустаҳкам соғлик, бадиий таржима ва шеърят соҳасидаги келгуси ижодий ишларида куч-ғайрат тилайман.

Ушбу китоб тақдимотида иштирок этаётган талаба-ёшларга яқинда Тошкентда иш бошлайдиган можор тилини ўқитиш курсида таълим олиб, можор тилини чуқур ўрганишда ҳамда ўзларининг буюк аجدодлари ишларини давом эттиришда омад ёр бўлишини тилайман. Чунки, венгер адабиёти ўзбек халқи учун жуда кўп хазиналарни сақламоқда”.

Ўзбек – венгер адабий алоқалари давом этади.

Қўҳак — кўҳликкина дарём

Новелла-эссе



Дилором
АБДУРАҲМОН қизи

Мен сувпарастман

Тун...

Ассалому алайкум, сирли сувим, зилол сувим, мен келдим. Қара, қоқ тун маҳали бўлишига қарамай, сенга ваъда қилганимдек имкон топиб, ёнингга яна қайтиб келдим. Бунчалар оҳанрабо бўлмасанг, эс-хушим оғар даражада интикиб, сени соғинаман. Қайда бўлмай, худди шу бугунгидай кундузи ё кечасими, йил фаслининг ҳам фарқи йўқ, иссиқми, совуқми, ёмғир шаррос қуйиб, чақмоқ чақиб ётган кезларда ҳам бирор тиниқ ҳовуз ё зилол сувли қайнарбулоқми ёки тўлқинида қамишлар титраниб тургувчи катта-кичик ариқларнинг бўйига, сенинг ёнингга шошиламан. Сув ёқасида жойлашиб олиб, бағрингда ажаб маво ичра вобатса чайқалаётган минг бир оламнинг жилвасини тамоша қиламан, сирли оҳанглари тинглаб, ҳамнафас бўлишни хуш кўраман. Ҳар қандай нопок ғуборларни “Етти тўлғаниб, етти қадамда поклайди”ган табаррук хилқат, мўъжаз бағринга бир шўнғиб, руху вужудимда ин курган ғариб чанқокни босишни истайман. Бу ҳолатнинг қанчалар ҳузурбахшлигини эса фақат сену менга ўхшаш сувпарастларгина англайди, холос...

Кўм-кўк майсаларга бурканиб, ариқ лаблари билан лиммо-лим оқаётган зилол сувим, бугун сенинг бўйинга Замира опа билан бирга келдим. Баҳонада ўзимиз билан олиб келган дастурхонларни чайиб олган бўлдик. Сен уларнинг уйлариинг орқа томонида, унчалик узоқ бўлмаган кенгликка туташувчи тутзор яқинида, катта-кичик кўк теракларни оралаб бирам чиройли оқардинги... Бу ажиб манзара ичра солланиб, сокин оқаётганингга ҳавас билан тикилар эканман, бағринга шўнғиб кетгим келди. Аммо ҳу узоқда тутзор оралаб ишлаётган уч-тўрт кишини кўриб ўзимни аранг тийдим.

Қара, узун бўйли, ой юзли, қаро кўзли, “сулувлар сулуви” – Замира опамнинг аҳён-аҳёнда менга бир киё боқиб, чиройли табассум қилаётгани, нозик, узун билақларини сувга сола-сола, сочиқларни чайётганини кўраяпсанми? Икки ўрим қалин сочини елкасидан сирғалиб кўксига тушиб ҳалал бермаслиги учун чаққонлик билан бошига тож каби айлантириб қўйганини сен ҳам бир томоша қил! Кел энди, мен ҳам бир чаққонлик билан унга қарашиб юборай. Аммо, сен икки ҳушим, қулай

Дилором АБДУРАҲМОН қизи – 1963 йилда туғилган. Тошкент Политехника институтини (ҳозирги ТДТУ) тамомлаган. “Кўнғил шафақлари”, “Таҳайюл тонги”, “Ишқ ёмғири” каби шеърӣй тўпламлари, “Настарин бутаси”, “Юлдузлар шивирӣ”, “Беором қуйлар” номли таржима китоблари нашр этилган.

фурсат бўлса-ю ўзимни бағринга отиб, мириқиб чўмилиб чиқишни ўйлаётганимни, бундай қилишга анави тутзорда ишлаётган кишилардан ҳаё қилаётганимни билиб турибсан. Лекин, бир ажойиб фикрни кўнглимга туғиб қўйдим: ҳеч ким ҳалал бермайдиган тун маҳали ёнингга, сирлар тўла ошёнингга қайтиб келишга Замира опамни бир амаллаб кўндираман. Сен эса мени албатта кут...

Ҳовлидаги сўри устида Замира опанинг онаси, укаси биргаликда кечки овқатни тановул қилдик. Менинг кўнглимга эса сенинг бўйингга қайтиб бориш иштиёқи сира ором бермади. Хуллас, уйкуга ётишдан аввал Замира опани амаллаб кўндирдим. Аммо у бу таклифимни эшитган заҳоти бироз ҳадиксираб, кўзларимга тикилиб қолганида, унга ҳам худди бизнинг уйимиздаги катталар каби, “Кечаси сув бўйига бориб бўлмайди”, деб уқтиришганини англадим. Аммо у раъйимни қайтара олмади, “меҳмон”, дея кўнглимга қаради. Чунки ўша сирли қамишзор орасидаги ҳовузда айланиб оқаётган сувларингни яна бир бор кўришни жудаям хоҳлаётган эдим. Оқшом чоғи сирли сезгирликнинг сокин эпкини Замира опанинг вужудида азал қонуни ила уйғоқ сувли мувозанатга тегиб кетди, шекилли, хуллас, унинг ҳолати бир тўлқинланиб, рози бўлди.

Опа кечки овқатдан сўнг дастурхон йиғиштирилгач, апил-тапил идиш-товоқларни жойлаб, онасининг кўзини “шамғалат” қилиб, қўлига бир челақни олди-ю, мени имлаб, “Қани, кетдик”, дея, ишора қилди. У ошхона томонга ўтиб, уйнинг орқасига чиқадиган кичик дарча орқали сен томонга йўл бошлади.

Ажаб тунги сокинлик бағрига чўмган сўлим қишлоқ осмонини нимхуш нурафшон айлаб ой ҳам бизга эргашди. Оёғимиз остида эзилган майсаларнинг хушбўйи, яқин-узоқда қурбақаларнинг қуриллаётгани, аллақердадир хўрознинг бемаҳал қичқиргани ҳам бирам ёқимли.

Лабида қамишлар шитирлаб тебраниб турган хушманзара зилол сувли аригим, тун қўйнида янада ўзгача сирли жозоба кашф этибсан. Айниқса, сутдек ёруғ оқшом қўйнида айлана ҳовуз каби кенгайган жойинг ою юлдузларнинг акси тушиб турган, осмонга қараб очилган мўъжаз экранга ўхшайди. Сув бўйини ёқалаб ўсиб ётган катта-кичик толларнинг аҳволи эътиборимни тортади, уларнинг шохлари кимираб этмай, бир мўъжиза юз беришини кутиб тургандек, қотиб қолганди гўё. Атроф бирам сокин, сувинг эса бирам тиниқ, дилтортар юзинг узра жимираётган сон-саноқсиз юлдузларнинг акси худди сув тагида беҳисоб парпираб ёниб турган шамларга ўхшаб кетарди. Мен ўзимни тийиб туrolмадим, беихтиёр бу сархуш эртақ бағрига ўзимни ташлаб, шўнғиб кетдим. Муздеккина зилол сувинг бағрида ёниб турган сирли шамларни пирпиратиб суза кетдим, бор вужудим, руҳим яйради. Ўзимни сувдамас, балки сув тагида тескари қўйилган ҳовуз токида, фазо қўйнида сузаётгандек, йўқ-йўқ, балки учаётгандек ҳис этардим.

Эй, менинг ишқ каби қадим, соғинч каби кўҳна сирли Зарафшоним! Бугун менинг борлиғимни сеҳрлаб, ўз бағрига чорлаган ушбу мўъжаз ариқ ҳам аслида сенинг бир ирмоғинг эди...

Ёдингдами, сен пойида айланиб оқиб ўтадиган мана шу Чўпонота тепалигининг олдида илк марта раҳматли каттаонам билан бирга келгандик. Самарқанд шаҳрига кираверишда савлат тўкиб, кўкрагини кериб турган мана шу баланд, кенг тоғ ҳам сенинг руҳингнинг бир бўлаги бўлса ажабмас... Қара, у қанчалар ҳайбатли ва улуғвор. Ўшанда каттаонам сенга ўзгача бир эҳтиром билан салом берди ва кафтига сув олиб юзини чайиб, менга ҳам шундай қилишимни буюрдилар. Мен бўлса меҳрибонимнинг бу хатти-ҳаракатларига завқ билан ажабланиб, қулиб сўрадим:

– Нега ҳар гал сувнинг бўйига келсангиз салом берасиз, нима у сизнинг саломингизни тушунадими?

– Ҳа, эрка қизим, албатта, у ҳатто яқинида турган инсоннинг кўнглидан кечаётганини ҳам сезади, тушунади. Шунинг учун сувнинг олдида туриб, ёмон

нарсаларни сўзлаш, ёмон хаёл қилиш ножоиз. Чунки сувнинг акс таъсири бор.

– Акс таъсир? Буни қандай тушунса бўлади?

– Масалан, сувни ичишдан олдин яхши ният қилиб ичсанг, танингга шифо, руҳингга қувват бахш этади. Аксинча, ҳақорат, уруш, жанжал бўлган жойда сақланган сувни қабул қилиш руҳиятни бузади. Сувнинг хосияти кенг. Бежиз инсонлар тушларини сувга айтиб, дуо қилиб, омонлик тиламайдилар...

Зарафшоним, зар афшоним, зар сочувчи олтин дарём! Сенинг бўйингга каттаонам билан қайта-қайта бирга келар эдик, дам олиб, ажиб суҳбатлар қулардик, бу менга жудаям ёқарди. Донишмандим ҳайратимни ошириб, бири-биридан ажойиб қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб берарди. Айниқса, шу жойда ўтган бир авлиё ҳақида айтганлари сира ёдимдан чиқмайди. Қайда-ки, сув бўйига борарканман, ўша авлиёни ёд оламан. Назаримда ҳозир ҳам у тирик, сув бўйида кезиб юрганга ўхшайди. Ул табаррук зот қадимда Чўпонота этагида яшаб ўтган экан. Эрта тонгдан Зарафшон бўйига келиб, кафтини сувга тўлдириб дуо қиларкан, хосиятлари нафасини сувга пуфлаб, дарёга оқизаркан. Бундан бохабар бўлган одамлар ҳайрон қолиб, унинг атрофига йиғиладиган бўлишибди ва ихлос билан лаблари пичирлаб айтаётган дуоларни эшитишга ҳаракат қилишибди. У кафтидаги сувга қараб, “Эй, аввали ва охири номаълум, сирлари ёлғиз ўзигагина аён бўлган азим дарёнинг қатраси. Бизнинг тупроғимиздан файзу баракангни дариғ тутма, инсонларга шифо-ю, қувват бўлиб, чорва, боғу роғларимизни, экинларимизни яшнат, барокатини ошир”, дея, суфлаб, дарёга тўкар экан. Аллоҳнинг инояти, ул каби зоти барокатларнинг дуоси туфайли Самарқанд замини ҳеч қачон қурғоқчилик, сув танқислигини билмас, боғлари гуллаб-яшнаб доимо серҳосил бўлар экан. Бу дарёлардан сув ичган инсонлар соғлом, бақувват, руҳлари тетик бўлиб, улар ичидан кўплаб мард, олиму фузалолар етишиб чиқар экан. Ул кишининг сувга меҳри бўлакligидан қулбасининг олдида ҳам бир шифобахш қайнарбулоқ пайдо бўлган экан.

Сен мени ғайриоддий асираликдан озод айладинг...

Ёдингдами, ўша сентябрь, ўнинчи синфга ўтган пайтимиз? Янги ўқув йили бошланиши билан пахта йиғим-терими авж палласига чиқиб, ҳар доимгидек катта синф ўқувчилари учун дарслар тўхтатилиб, мактабимиз ёпилганди. Мен оилада тўнгич фарзандман, мендан кейин уч нафар ўғил бола укаларим бўлганлиги учунми, эркатой қиз эдим. Уйимиздагилар мени авайлашар, айниқса пахта йиғим-теримига юборгилари келмас, “қелишиб” уйда олиб қолишарди. Бу йил эса, синфдошларимиз билан жудаям бирга пахтага боргим келди, каттаонамга ёлбордим, биргалашиб, ота-онамни ҳам амаллаб кўндирдик. Ва ниҳоят мен эркага руҳсат тегди. Бизнинг мактаб ўқувчиларини Жомбой туманидаги пахта экилган майдони катта, аҳолиси кам бўлган ҳудудларнинг бирига “ёрдам”га олиб кетишди. Мактабимиздан борган юздан зиёд ўқувчиларнинг барчаси бир жойда, йўлнинг бўйидаги каттагина бир мактабда жойлашдик. Синфимизда қизлар кўпроқ эди.

Биз ўқувчи “ёрдамчи”лар тонг палласи эрта азондан уйғониб, апил-тапил нонушта қилгач, пахта даласига йўл олардик. Куни бўйи белгиланган нормани бажаришга астойдил ҳаракат қилиб пахта терардик. Кечгача бошимизни кўтармай меҳнат қилардик, бўлмаса белгиланган миқдордаги пахтани териб улгуролмасдик. Тушлик ҳам ўша жойда, пахта майдонининг қулай бир жойида бўларди. Даладан ётоғимизга етиб келганимизча кун қорайиб қолар, ҳолдан тойган ўсмир “ёрдамчи”лар бирин-кетин мактаб олдидаги қран сувига ювинишиб, кечки овқатни амаллаб тановул қилгач, қотиб ухлаб қолишарди.

Биз етти дугона эса ўша жойга бориб жойлашган кунимизок, мактаб ҳовлисида ташқаридаги йўлнинг нариги томонида мўъжазгина эски бир боғни топиб олдик. Не ажабки, боғнинг бошланишида суви тип-тиниқ каттагина ариқни, зилол

сувим, сени учратиб қувониб кетдим. Ўша боққа сенинг устингдаги икки киши сиғадиган кўприк орқали ўтиларди. Қизларнинг барчаси боққа кириб олма, ўрик каби мевали дарахтларни оралаб кетишди. Мен эса қўлбола кўприкка тегай-тегай деб, тўлиб оқаётган зилол сувларингни томоша қилиб, кўприкнинг устида туриб қолдим. Сен эса жимирлаб, сенга қўшилиб оқмоққа шайланган, аммо илдилари билан сув тубига мақкам боғланган сувўтларини тўлкинларинг билан силаб, тараб сокин чайқалиб бирам чиройли оқар эдинг. Ўша, бағрингда титранаётган яшил, жигарранг узун пояли сувўтларини, ариқ лабидаги сарик гуллар, оч нопармон тусли майин ялпиз гуллари, қамишлар ва бошқа ўт-ўланларга учиб қўнаётган нозик ойна қанот ниначиларни томоша қилганим сайин қалбим яйради. Уларнинг қанотлари шу қадар нафис, шу қадар чиройли эди. Икки томонингда ўсиб ётган сўлим теракларнинг барглари ёқимли шитирларди. Қайсидир дарахт шохига қўнган кушларнинг сайроқи овози, аҳён-аҳёнда яқин орада чириллаган чигирткаларнинг товуши ёқимли эди. Айни шом оғаётган ғира-ширликда ўзгача сирли жозиба кашф этган бу гўзал манзара ҳаёлимни буткул ўғирлади.

Орадан қанчадир вақт ўтиб, қизларга қарасам, Дилбар билан дўмбоққина Холида шохлари кенг ёйилган бир қари ўрик дарахтининг тагида жойлашиб олиб, тўкилиб қоқ бўлаёзган зардолиларни йиғиб, тош билан уриб данагини чақиб мағзини еишаётган эди. Қайбир қизлар дўлана теришар, бошига ўраб олган оқ дурра рўмолининг остидан жингала сочлари пешанасига тошиб чиққан меҳрибоним, жонкуяр дугонам Дилфузам эса мени қолдириб узоққа кетолмай, сал нарида кузатиб, кутиб турарди. Дугонам бу жойда ҳам бир ажойиб ариқни, яъни сени учратиб қолганимдан хурсанд эди.

Дугоналар ҳар куни пахта теримидан қайтгач, сув бўйига келиб, ариқда ювинишни одат қилдик. Мен ҳар гал кеч бўлганига қарамай кўприкнинг устидан муздек тиниқ сув бағрига ўзимни ташлаб мириқиб сузиб, чўмилиб чиқаман. Дилфуза дугонам сочиғим ва ҳалатимни қўлида тутиб, токи мен сувдан чиққунимча кўз узмай қараб турарди. Бошқа қизларнинг чўмилишимга ҳаваси келса-да, бирортаси сувга тушмади. Қайдам, балки мени қўрқмасин, бари-бир ўз билганидан қолмайди, дея билганларини ҳам айтишмагандир. Уларнинг кўнглидан ўтаётган ҳадик, хавотирларни биламан. Шом палласи оқар сувнинг ёнига бориш, сувга тушиш мумкин эмаслиги ҳақида мен ҳам эшитганман, аммо нима қилай сувни яхши кўрсам...

Совуқ тушиб қолган кунларнинг бири, осмон алланечук ҳорғин, тез қорайди. Етти дугона одатимиз бўйича пахта теримидан қайтгач сенинг бўйингга ювинишга келдик. Дилфуза дугонам сувга тушмай қўя қол, деган маънода кўз қараш қилди. Мен эса сираям бундай қилолмасдим. Кўприкнинг устида маънодор кўзқарашларимиз тўқнашди ва дугонамнинг ҳардамхаёл боқиб турган нигоҳларига жавобан бир жилмайдим-да, сочиғимни қўлига тутдим, эғнимдаги мойчечак гулли кўк ҳалатимни ҳам олиб қолди. Мен эса кўприк устидан сенинг бағрингга шўнғиб кетдим. Аммо, сувга тушдим у қалбимни хавотир чулғаб олди, бағринг ҳар кунгидан совуқ, қоронғи эди. Шу пайт кутилмаганда сув тагида алланимадир қалқиб ёнимга сузиб келди ва муздек кучли магнит каби ўнг томонимдан бўйим баробар танамга ёпишиб олиб мени ўзи билан бирга тортиб сузиб кетди. Унинг балиқнинг тангача пўсти каби ғалати ёпишқоқ танасидан ҳарчанд ажралиб қочишга уринсам-да уддасидан чиқолмадим. У танаси анча йўғон, бўйи ҳам мендан узун на балиқ, на илонга ўхшаш кучли бир махлуқ эди. Назаримда унинг бошида тожи ҳам бордек эди гўё. “Наҳот бу сув париси бўлса?!” деган қўрқинчли хаёл чулғаб олди бутун борлиғимни. Шунда бир зумда: “...сув парилари чақирибди, сув парилари олиб кетибди. Ўлиги фалон жойдан топилибди...” дея эшитганларим ҳаёлимдан ўтди. “Ё, Оллоҳ! Наҳот, мен ҳам энди ўшалар каби йўқолиб қолсам, қанчадир вақт ўтиб,

менинг ҳам ўлигимни сувнинг аллақайси жойидандир топишса-я!” деб ўйладим. Кўз ўнгимда беихтиёр мушфик каттаонам, онаизорим, отажонимнинг сурати намоён бўлди, уларга раҳмим келганидан бор вужудим билан зорлана кетдим:

– Ё, меҳрибон Оллоҳ, Ўзинг мени қутқар! Шу алпозда ўлиб кетмайин. Яқинларим ўлигимни қидириб зор қақшаб қолишмасин! Каттаонажоним, онам, отам бундай фожиани кўтара олишмайди. Каттаонам ҳам ўлиб қолади, ахир! Отам, онам қай аҳволга тушаркин, сўнг қаддини қандай кўтариб юраркин? Гуноҳларимизни ўзинг кечир! Мени қутқар, илтимос!..

Тождорнинг мени қўйиб юборишига ишонмасам-да, фалокатдан кутилиш умидида зорланиб, ёлборардим... Шунда, кутилмаганда мўъжиза юз берди. Мени олиб кетаётган “сувпариси” танамдан секин ажралиб, нари кетди. Мен эса жон ҳолатда ўзимни ариқнинг четига урдим. Сув бўйидаги тераклардан бирининг оёқларидан опичлаб, сенинг муздек бағрингдан ташқарига чикдим. Кўзларимни аранг очганча, атрофга қараб дирдираб чуқур-чуқур нафас олдим. Қош қорайган, атроф ваҳимали эди. Анча узокқа “сузиб” кетган эканман. Совуққотганимдан, балки кўркқанимдан аъзойи баданим титрар, жағим қалтираганидан тишларим тикирлайди. Кўприкка қараб жон ҳолатда юра бошладим. Унда хавотирдан кўзларини катта-катта очганча Дилфуза менга қараб қотиб турарди. У аҳволимни кўриб, яқинлашганим заҳоти катта қалин сочиғим билан устимдан ўраб, мени маҳкам кучоқлаб олди. Аввалгидан ҳам кучлироқ титрай бошладим. У мени янада қаттиқроқ кучоқлаганча анча пайт қўйиб юбормади, лом-мим демади. Орадан бир қанча вақт ўтиб кўлидаги ҳалатимни тутиб кийдирди, ўзининг эғнидаги сариқ жемперини ечиб, елкамга ёпиб қўйди. Дугонам сувда узок қолиб кетганимдан хавотирланиб кўрқиб қолган эди. Негадир у мендан ҳеч нарса сўрамади, мен ҳам унга ҳеч нарса айтмадим. Чунки, ғайриоддий воқеаларни ҳеч кимга айтмаслик кераклигини билардим...

Тўғриси, жудаям кўркқан эканман, бўлиб ўтган воқеа бирдам хаёлимдан кетмади. Бувижоним, ота-онамнинг изтироби мен учун ўлимимдан ҳам кучли эканлигини англаб етдим. Фожиадан омон қолганим учун шукроналар келтирдим. Уйқуга кетиш олдидан ёмон бослиқдим. Кўзим илиниб улгурмасидан ўша тождор “илонбалик” пайдо бўлар, на шамол, на теракларнинг шувуллаши, на илоннинг вишиллашига ўхшамас бир ғалати овозда шувуллаб, кўрпам устимда тўлғаниб сузар эди. Мен эса на ҳушим, на тушим орасида терга ботиб оёқ-қўлимни кимирлатолмай, нафасим ичимга тушиб ҳаво етмай уйғонаман. Ёд олган дуоларимни ич-ичимдан қайтариб, гоҳо ўзимга ўзим дам ҳам солган бўлдим. То тонгга қадар ухлолмадим. Сахарда бироз кўзим илинибди. Бир-бирини уйғотаётган қизларнинг овозидан уйғониб кетдим. Аммо ўрнимдан турай десам, жойимдан кўзғалолмадим. Чунки танамни, аниқроғи белдан пастки қисмимни сезмаётгандим. Оёқларим кимирламас, худди қаттиқ увишган каби буткул қотиб қолганди. Кўркқанимдан кўзларимдан ёш оқа бошлади. Қўлларимга тиралиб, бошимни кўтариб, танамни судраб, амаллаб жойимга ўтириб олдим. Наҳотки, наҳотки энди оёқларим ишламай, юролмай қолсам? Эй Худойим, бундай фожиадан ўзинг асра!..

Ўша куни эрталабки нонуштадан кейин ўқувчилар пахта даласига чиқиб кетишди. Менга нонуштамни жойимга олиб келиб беришди. Томоғимдан ҳеч нарса ўтмади. Шундан сўнг, ўқитувчилар доктор билан алланималарнидир гаплашишиб, мени ўша жойдаги бир машинага ўтқизиб, синф раҳбаримиз кузатувида уйимизга олиб келишди. Мен “пахта”дан шу алпозда уйга қайтиб келдим. Уйимиздагилар аҳволимдан бохабар бўлгач, саросимага тушиб қолишди. Улар аввал докторларга олиб боришди, кейин бир домлага ўқитишди. Орадан уч, тўрт кун ўтгач, ўрнимдан туриб, суяниб юра бошладим, аммо тиззам жудаям ёмон оғриётганди. Ўзим эса ҳар чоғ Оллоҳга ёлбориб, шифо ниятида яширинча қўлимга бир пиёла сув олиб, бувижоним ўргатган дуоларни ўқиб, илоҳим тузалиб кетай, деб дам солиб ичар

эдим. Бу менинг ҳаммадан яширган сирли ибодатим бўлди. Аммо, бўлган воқеа ҳақида токи яқин кунгача ҳеч кимга айтмадим. Ўша пайтда мабодо бу сир ҳақида кимгадир оғиз очсам тузалмай қоламан, деб қўрқдим. Шундай қилиб, орадан қирк кунларча вақт ўтиб, секин-аста соғайиб кетдим.

Эй, менинг сирли кўхна Зарафшоним! Аввалига ўзига буткул мафтун айлаб, тушларимда, хушларимда дилгир, гоҳо дилхун айлаб, жодулаган жодули зебо, жодугар Зарафшоним! Мени авраб, ипсиз боғлаб, ақлимни олиб, минг куйга солиб, жодули дунёсига олиб кетиб қолмоқчи бўлган тождорим – Зарафшоним. Шавқат ила фазлини дариг тутмаган, илтижоларимни рад этмай, тилимни тушунган, тилшуносим – Зарафшоним. Айрилиқдан оиламиз бошига тушиши мумкин бўлган фожиадан қутқариб қолган халаскорим, дилимни тушунгучи – дилшуносим Зарафшоним! Ўша мўъжаз, боғ йўлига ўтгучи кўприги бор, атрофида қатор теракларнинг барглари шитирлаб, шивирлаб тургучи тилсимли ариқ ҳам аслида сенинг бир ирмоғинг эди! Сенинг ҳақиқатда сирли бир хилқат, одамни тушунгучи тилсим эканингга яна бир бор амин бўлдим. Мен сени яхши кўраман, тилсимларингни севаман, ғайриоддий бозорингнинг, озорингнинг шайдосиман...

Эй, сув! Юлдузларни қаёққа олиб кетаяпсан?..

Мактабни битирадиган йилимиз синфдошларимизнинг бир-бирига эътибори, қадри ортиб борди. Ўзаро муносабатларда ҳам ўзгача меҳру оқибат сезилиб турарди. Синф раҳбаримиз биология фани ўқитувчиси Файзулла Омонович ўрта ёшдан ошиб, сочларига оқ оралаб қолган узун бўйли, бағри кенг, хушфеъл ажойиб инсон эди. У киши билан маслаҳатлашиб, битирув кечамиздан сўнг тонгни туманимизнинг Самарқанд шаҳрига кираверишида жойлашган Чўпонота тепалигида кутиб олишга келишдик. Ҳамманинг қалбида ҳаяжон. Ўша кундан бошлаб қайси мавзуда сўз очилмасин охири албатта Чўпонота тепалиги ҳақидаги суҳбатларга уланиб кетар эди. Бу келишув менга ҳам жуда ёқди. Чунки тепалик этагида сеvimли, саркаш, дилкаш Зарафшоним оқиб ўтарди. Шаҳарга борар йўлимиз ҳам айнан шу дарёнинг устидан ўтади. У жойга жуда кўп маротаба борганман. Оиламизда ажойиб анъана бор: ҳар замон отам бизни укамлар, бувим, гоҳ онам билан бирга машинасига солиб, Самарқанд шаҳридаги музейлар, зиёратгоҳ, истироҳат боғларига тез-тез саёҳатга олиб борардилар. Шундай саёҳатларимиз такрор ва такрор айнан ўша жойга, Чўпонота тепалиги ва Зарафшоннинг атрофида бўлган.

...Сутдек ёруғ оқшом қўйнида синф раҳбаримиз Файзулла Омонович бошчилигида ўттиз бир нафар йигит-қизлар тизилишиб Чўпонота томон йўлга тушдик. Бир соатга яқин пиёда йўл босиб, Қўҳак¹ тоғига етиб келдик. Қиялаган тик йўлак орқали, баланд тепаликнинг ўша, биз келишган жойига чиқиб олдик. Тонг отишига ҳали икки соатча вақт бор. Синфдошларнинг бир нечта суҳбатдошлар халқасида суҳбат авжига чиққан, менинг эса икки кўзим, икки ҳушим, суюклигим зебо Зарафшоним, кўхликинам, Қўҳақгинам, сенда бўлди.

Биз яқин сирдош дугоналар – Дилфуза, Саодат уччаламиз, бошқалардан сал четроққа, тепаликнинг этагида ялтираб, зар сочиб оқаётган дарё сувлари кўзга яққол ташланиб турадиган бир жойга ўтиб жойлашдик. Димоғимга оёғимиз остида эзилган майсаларнинг хушбўйлари, кўйлагимиз этаги тегиб, бўй таратган гиёҳларнинг ёқимли бўйи келиб урила бошлади. Ҳис-ҳаяжонимизни кўзгаб, сеҳрли тун бағрида тутиб турган сирлардан бизнинг кўнглимизга ҳадялар улаша бошлади. Осмон тўла юлдузлар. Назаримда улар бугун осмон саҳнидан анча пастроққа, ерга яқин тушиб порламоқда эди. Тепамизда биз билан бирга кезинган дилбар ой эса юлдузлар ичра ўзининг танҳолигини кўз-кўз қилмоқ ниятида ўзгача ёғдуланиб, ажиб бир алпозда бошимиз узра туриб қолди. Унга тикилган кўзимизни қамаштириб, юзидаги доғни яширмоқчи бўлаётгандек эди гўё.

¹ Чўпон ота тоғининг олдинги номи.

Эй, юзлари зебо, сирли дилбар Ой! Муқаддас китобда сенинг ердан юз ўгириб турганинг ҳақида ўқиганман. Шу тобда юзингдаги, эгнингдаги, кўксингдаги доғингни ҳам, руҳингда сирли доғлар, суратларга бурканиб ажаб сайқалган кўҳна боғни ҳам қанчалар яхши кўришимни билишингни жудаям истадим. Буни сенга қай тилда, қай дилда изҳор этсам, қай усулда етказсам бўлар экан? Яхшиси, сенга атаб кўшиқлар тўқиб айтиб юраман, зора бир куни сенга бориб етса. Аммо бу оқшом сени нега бунчалар яхши кўришимни сезиб қолдим – сенда дарёлар руҳининг бир бўлаги яшайди. Сен тилсимлар узра тўлишган чоғда улар ҳам ғаройиб сир ичра тўлғанади. Худди менинг кўнглимга ғулғула солганинг каби, гоҳ сокин, гоҳ дўлу чақинлар ичра сувларнинг ҳам бағрига ғулғула булутларининг ёмғирини ёғдирасан. Бу аслида қандайин ҳол, не аҳвол ўзи?! Балким, қадим ишқ ғавғосининг бир жилвагар ишорасими ё?

*Зарафшоним,
зар афшоним,
нурли нурафшоним менинг!*

*Тун қўйнида бунча зебо,
бу қадар хушрўйлик кашф этибсан,
бир лаҳза на кўнглимни, кўзларимни ололмам сендан.*

*Зарафшоним,
зар дарём, дурафшоним менинг!
Сен ой сирида, ой нурида товланаётган кумушга ўхшайсан.*

*Сархуш дарём, сирафшоним менинг,
ё, ишқ саҳросида адашган,
тўлғона-тўлғона,
йўл топиб бораётган сархуш телба ошиққа ўхшайсан.*

*Зарафшоним,
Зарнишоним менинг,
заррин бағрин нишона айлаб,
ҳар ёна,
гирёна урён ураётган
далли дарвешга ўхшайсан.*

*Жилдирашинг,
сасинг сирли,
ишқ кўзгусида жилоланган
аксинг сирли.*

*Ғаройибсан,
сирсан, сирли мубораксан!
Бебаҳосан,
ишқсан, муҳаббатсан, саодатсан.*

*Табарруксан,
муқаддассан,
армонсан, согинчсан, садоқатсан.*

Ўкинчсан,

*армонсан, илинжсан,
Кўҳна пир дам урган кўҳна дуосан.
Қалқонсан,
дармонсан,
иймонсан,
кўҳнасан, қадимсан, то қиёмат борсан.*

*Тиниқ афсонавий сатҳинг юзига
осмон безаклари,
юлдузлар чамани,
сирлар гулзори ўз аксини солибди.*

*Аксинг чаманида
минг нағма, минг усул билан
жилвагар хиром айлаб,
зебо рақсин солибди.*

*Сув юзига,
осмон тоқи солланиб,
ҳайрона баҳс солибди.*

*Қадим ишқ мутриби созини қўлга олиб,
дод ила фарёд ила
оҳангу сас солибди.*

*Эй, кўҳна азим Зарафшоним!
Бунчалар буюк ғавғони олиб,
қаён кетаётисан?!
Бу буюк ғавғони
қўксингда
қандай тутаётисан?..*

Кўҳак тепалиги пойида мавжланиб оқаётган дарё сувидан кўзларимни ололмайман. Ажабо, гўё оҳиста жимирлаб оқаётган сув юзига осмон тоқининг сирли акси, жилоси хўп ажаб тўкилмиш. Майда-майда тебранаётган тўлқинлар худди тизилишиб кетаётган олтин қайиқчаларга ўхшайди. Ялтироқ тилла қайиқчаларнинг ҳар бири устига биттадан юлдузни олиб сузиб кетаётгандек.

Эй, сув! Юлдузларни қаёққа олиб кетаяпсан?!

Дунёвий ўлчовлар – шунчаки рамз, шунчаки ишора...

...Атрофимда ҳеч ким йўқ. Воҳ, ажаб! Улар қани, қайга ғойиб бўлишди?!.

– Саода-а-а-а-т, Дилба-а-а-а-р, Дилфуза-а-а-а!..

– ...

Юрагим беихтиёр дукуллаб ура бошлади. Яна нимадир юз бераётганга ўхшайди. Наҳотки бу жойда бир ўзим қолиб кетган бўлсам?!

– Йўқ, инсон ҳеч қачон бир ўзи, якка қолиб кетмайди. Унинг вужудидаги тупроқ, олов, ҳаво, сув доимо у билан бирга бўлади.

– Сен кимсан?

– Мен сувман.

– Қанақа сувсан?

– Худайбия қудугида тугаб қолган, бас, Пайгамбар соллаллоху алайҳи васаллам қудукнинг четига келиб ўтириб олиб сув сўраганида яна қайта пайдо бўлиб, қудук тўлиб, серобу мўл-кўл бўлган ўша сувман!

– Мунча киззиқ, тўхтама, қани сўзлайвер-чи! Балким мен Зарафшонманам, дерсан?

– Ҳа, шундай! Сенинг қалбингдаги сирлар суратига ошинолик, гоҳида менинг ҳам завқимни келтириб юборади. Бу гал сен билан шунчаки бир сўзлашгим келди. Одамлар ўзи шундай, ҳар нарсага ном қўйишни яхши кўради, аслида номим сув, бошқа ҳеч нарса эмас. Дунёдаги атамалар, ўлчовларнинг бари шунчаки рамз ёки ишорадан бўлак нарса эмас. Мен ҳам одамлар атагани каби қадимда, “Дайтия”, яъни “Эзгу сув” деб аталганман, бу ном Авесто дея улар атаган ёдгорликларда ёзиб қолдирилган. Худди шундай Юнонлар ҳукмронлиги даврида “Дайтия” сўзи юнончага ўгирилиб, Политимет, яъни, “Кўп эзгу сув” деб аталдим. Орада мени Суғд, Жирт, Жон, Сомжан каби номлар билан ҳам атадилар. Форс тилидаги манбаларда Руди Мосаф, Руди Шарғ деб ёзиб қолдирганлар. Арабча манбаларда эса Ҳарамком, яъни “Муқаддас дарё”, дея қайд этдилар. “Бобурнома”да номим Оби Кўҳак деб битилган, кейинроқ Кўҳак дарёси деб аталдим. Бу номларнинг барчасини одамзод ўйлаб топди. Инсон зотининг яна бир ғалати одати бор – азал ўлчови устида қурилган бу ҳаётни ўз ўлчамларга сиғдиришни истайди. Худди шундай, менинг номим ҳам уларнинг ўлчамига асосан, қарийиб уч юз йилки Зарафшондир.

– Зарафшоним, азим дарём, бу дилгир, дилрабо сирли суҳбатинг учун рози бўл. Азим Самарқанднинг мўътабар, азиз тупроғида, кўҳна Кўҳак тоғи – Чўпонота этагидан оқиб ўтишинг, болалигим, ўсмирлигим ва умримнинг ҳар даврида кунларимни, қалбимни, тақдиримни безаб, кўксимни ғурурга тўлдириб турганлигинг учун шукронамнинг адоғи йўқ! Сени яхши кўраман! Билмам, негадир Кўҳак номи билан боғлиқ тарих онгу шууримда бир ажиб соғинч руҳини кўзгайверади, ҳар нафасда сайқалланиб, солланиб, оҳанрабодай ўзига тортаверади.

– Ўх-хў-ў-ў, у даврлар хўп даврлар эди. Аллоҳ назари тушган Амир Темур давлати иқтисодиётида деҳқончилик асосий ўринда турарди. Шу сабаб мамлакатда суғориш ишларига алоҳида аҳамият қаратилган. XIV аср охири, XV аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-кичик дарё ва сойлардан йирик суғориш тармоқлари барпо этилди. Сувдан фойдаланиш ишларини ривожлантириш мақсадида сув омборлари ва ҳовузлар қурилди. Суви танқис айрим вилоят ва воҳалар ҳудудларида махсус сув иншоотлари бунёд этилди. Бутун мамлакатда сувни ифлос қилмасдан тоза сақлаш одати муқаддас қонун эди. Махсус сув иншоотлари ичида сув йиғиш ва сақлаш учун қазилган, ичимлик суви сақланадиган сунъий сув ҳавзаси – ҳовузлар ажралиб турарди. Соҳибкирон томонидан бунёд этилган кўркем боғларнинг ҳар бирида табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бир нечта ҳовузлар қурилган. Улар масжидлар ёнида, шаҳар майдонлари, боғлар, чорбоғлар, сарой ҳовлисида, балки бозорларда ҳам қурилган эди. Атрофи тош билан қоплаб, дарахтлар экиб мустаҳкамланган бундай ҳовузлар одамнинг баҳру дилини очар эди. Шу сабабдан, Самарқанд “Дунёнинг жаннати” деган унвонга сазовор бўлган эди.

– Самарқанд теваарагида барпо қилинган ўн иккита ажиб чорбоғ ҳақида ўқиганман. Айниқса, шаҳарнинг шарқ томонидаги “Боғи Дилкушо”нинг ўртасидан ўтган кенг хиёбон тасвири, унда барпо қилинган уч қаватли кўшк ёки сарой атрофига экилган чинор ва тут дарахтлари тасаввуримда солланиб туради. Бутун дунёга овозаси ёйилган, неча асрлар қаъридан то ҳануз ҳаёлингни ўғирлаб, ҳайратингни оширгувчи ўшал боғлар, Зарафшоним, кўҳликкина кўҳна дарём, Кўҳак дарём, асосан сенинг сувларинг орқали оби ҳаётга қонганлигини эсласам, қалбим, руҳим ғурур тожини кияди, қалбим саройида байраму шодиёна авжланади. Мен сени шундай фахр, шундай ғурур, шундай шодиёна-ю, шукроналар билан севаман!

– Ҳа, сен ўқиганларинг, ҳаёлларингни кўшиб сўзлаяпсан, мен эса кўрган-кечирганларим ва қувватимга тўкилган инсонларнинг дил сўзлари, орзу армонлари, сирлари ва ҳаттоки тушларининг баёни, таъбири ва ниҳоят омонат васиятлар қувватида роз айлаб, баён қиляпман. У кўркам боғларнинг ҳар бирида ҳажми турлича бўлган тўртбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклида ҳовузлар бўларди. “Боғи Давлатобод”да тўртта ҳовуз бор эди. У ҳовузларнинг катталиги мусулмончилик қоидаларига биноан эни ҳам, бўйи ҳам камида қирқ газ қилиб қурилган эди, акс ҳолда ундаги сув ҳаром деб ҳисобланар, ўша ҳовузларнинг ҳам суви менинг бағримдан олинадди. Сувларим сунъий ирмоқларда бетакрор сўлим боғлардан оқиб ўтган канал ва ариқларда етиб бориб, боғу роғлар, гулзорларни айланиб оқар эди. Сунъий равишда бунёд этилган кўркам шаршараларда мавж урарди. Ҳовузлар, ҳавзалар сувга тўла боғлар бағри салқин ва хуштабиат эди. “Боғи Нав”нинг фавворалари жуда чиройли эди. “Боғи Дилкушо”даги юқорига отилиб турган фавворалар ҳовузида қирмизи олмалар қалқиб турарди. Фаввораларга сувлар махсус мосламалардан келиб, ҳовузларга тушиб ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиқарди. Ҳовузларнинг атрофи турфа рангдаги мрамор тошлар, ранг-баранг гуллар тасвири билан безатилган, ҳовузларга қуйилувчи ариқчаларнинг қирғоқлари ҳам мрамор тошлар билан қопланганди. Бундан ташқари, Оқсаройдаги том тепасига қурилган ҳовуз ўша даврнинг ўзига хос мўъжизаларидан бири бўлиб, ҳовузга сопол қувурлардан оқиб келган сувдан шаршара ҳосил бўлиб пастга тушар эди. Бу ҳар бир кўрган инсоннинг ҳаёлини шоширадиган бир гўзал манзара эди.

– Қандай ажойиб-а! Сенинг сўзларинг оҳангида дилтортар эртақмонанд тасвирлар кўз ўнгимдан бир-бир ўтиб, ҳаёлан ўша боғлар ичра кезиндим, фавворалар арофида сайр қилдим. Гулзорлардада таннозланиб, сайр қилиб юрган товусларни эркалаб суйдим, камалак нақшли нафис патларини силаб кўрдим. Фавворалар остидаги ҳовузлар юзида қалқиб турган ўшал сирли қирмизи олмаларни кўлимга олиб, хушбўйидан баҳраманд бўлдим. Ҳар бир боғ соҳибаси бўлган гўзал маликалар, сарвқомат хур қизлар қуршовида бетакрор ажиб гулзорларни оралаб сирли базмлар сайли ичра бирам дилрабо кезиндим, дилим яйради. Вой, ана у сирли булоқнинг зилол сувида юзини чайётган Бибихонимми?..

Елкамни кимдир оҳиста тутди, сесканиб кетдим, ҳаёлий ҳайрат олаmidан аранг хушимни йиғиб олдим. Ҳаёл денгизига буткул фарқ бўлиб кетган эканман. Қаршимда, ўзингга кел, деган каби дугонам Саодат менга боқиб жилмайиб турарди. Биз Кўҳак тоғининг тепасида, пастда эса қўҳлиқкина Кўҳак дарёи жилваланиб, жилваланиб турибди. Самарқанд осмони узра бирам зебо, бирам файзли тонг отмоқда. Тепамиздаги ой ҳам, юлдузлар чаманзори ҳам чекиниб, осмон тоқига сингий бошлабди. Юлдузларга термиламан, улар ортида Улуғбекнинг, Амир Темурнинг, Бибихонимнинг, Каттаонамнинг, Самарқанднинг нигоҳлари боқиб тургандек...

Эй, бугунги окшомимда ҳамроҳ бўлган бир-биридан сирли нигоҳлар, яна қайта учрашгунча хайр, омон бўлинглар!..

– Эй кўҳна Кўҳак – зарнишоним, Зарафшоним. Юлдузларни олиб қайга кетаяпсан?

– Бибихонимнинг боғларига.

– Мени алдама, қайда экан у боғлар?

– Боғ барпо қилган инсонлар токи у боғлар бор экан, улар ҳам тирик. Замин устида бир дарахт униб чиқса, замин остида унинг илдизига туташ етти хосиятли дарахт кўкаради. Боғ яратган, боғларни авайлаган инсонларни уларнинг руҳи қўллабди. Мабодо, боғнинг замин устидаги қисми қуриса-да, замин остида уларнинг илдизидан пайдо бўлгучи боғлар то қиёмат яшайди.

Мен юлдузларни Амир Темур барпо қилган маликалар боғларига, Бибихоним боғларининг зиёратига олиб кетаяпман.

Ишқ дашти

Достон



Санобар МЕҲМОН

Ҳамиша мени бир савол ўйлантиради. Хўш, биз ўзи киммиз? Қаердан келганмиз? Нима учун келганмиз? Қаерга кетамиз? Шунда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичиндадир” асарларидаги бир иқтибос ёдимга тушади. Мавлоно айтадилар: “Дейлик, сен қулсан, хожанг ҳолва олгани сени бозорга жўнатди. Сен шунда хожанг айтган нарсани олмай, бозордаги ҳамма нарсани кўтариб келсанг ҳам, хожангни мамнун қила олмайсан. Чунки у айтган нарсани олмадинг”. Ва яна дейдиларки: “Вой бўлсин бу замоннинг олимларигаки, осмондаги олис юлдузларнинг сонини билурлар, саҳродаги кум зарраларининг сонини билурлар, самодаги саноксиз ашёларнинг жойлашган ўрнини билурлар, лекин ўзлари учун энг кераклиси, ўзларига ҳаммадан ҳам яқин бўлган ўзларини билмаслар”.

Ҳазрат Румийнинг бу хитоблари назаримда бугунги кунга ҳам дахлдордир. Боиси, ҳамма нарса кашф қилинмоқда. Баргдаги хужайраларнинг сонидан ва таркибидан тортиб, энг мураккаб схемада ишлайдиган нанотехнологиялар кашф этилмоқда, ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Аммо инсон деган жумбоқ ҳамон ечилмади. Шунча эҳтиёжлари қондирилса-да, миллиардлаб ахборотлар ва қулайликлар ичида турса ҳам инсон ҳамон руҳан ғариб, фикран носоғ. Боиси: ҳамон ўша эски гап – биз ўзимиз учун энг яқин хилқат – Ўзимизни билмаймиз. Хўш, нима бу ўзимизни билиш? Мен бу билан “Мен ўзимни биламан”, деб даъво қилмоқчи эмасман. Шунчаки, мен ўзим кетаётган манзилга истасангиз сизни ҳам ҳамроҳ қилмоқчиман. Бу ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонларидаги кушларнинг Семург(Моҳият)ни излаб йўлга чиққан ҳолатларини ёдингизга солмаяптими? Бу “Ишқ даштидир, саргузашти жон офатларидандир”, дейилади. Аммо ўзингнинг қанчалар буюк асрорларингни англамай, ҳис қилмай яшашдан кўра – ўз моҳиятингга талпиниб, шу талпиниш асносида покланиб яшашга нима етсин? Румийнинг “Аё, сиз ҳар лаҳза жон чекиб изларсиз илоҳийни, Ани излашга ҳожат йўқ, Илоҳийсиз, илоҳийсиз”, деган хитоблари сизни ҳам бир тurtмадими? Ахир, дунёда бундан гўзал сафар борми? Одам ўз Яратгувчиси томон йўлга чиқиши, ўзини ахтариб, ўзгаларга

Санобар МЕҲМОН – 1981 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини ҳамда ЎзМУ қошидаги Олий адабиёт курсини тугаллаган. Унинг “Хайёмона хўрсиниқлар”, “Фано сарҳадлари” шеърый тўпламлари чоп этилган.

урилиши ва ҳар бир урилган лаҳзада ўз файзини олиб, файзланиши... хуллас, бу манзил ҳаммага ҳар хил мақом билан берилади. Манзил турфа, мақом турфа, ҳол турфа, аммо МОҲИЯТ битта! Худди “Барча йўллар Римга” элтганидек. Мавлоно Румийга оталари Баҳоуддин Валад айтадилар: “Йўл кўрсатилади, лекин ҳар бир йўловчи уни ўзи босиб ўтиши шарт”. Чунки, бу йўлда ҳар бир йўлчига аталган алоҳида ҳикматлар, алоҳида файзлар ва алоҳида пандлар бор. Буни умумлаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу йўл хосларнинг йўли дейилган.

Машҳур “Офокнома”да: “Тупроқ жавҳари ўсимликдир, ўсимлик жавҳари ҳайвондир, ҳайвон жавҳари инсондир, инсоннинг жавҳари бу комил инсондир”, дейилади. Комил инсон эса инсон яралганидан буён ягона мурод. Инсонни яратишдан муроддир, аслида.

Бу йўл минг машаққатли бўлмасин, осон қилса, Ўзига осон. Бу йўлни ишқнинг шавқлари аро босиб ўтмоқ ундан-да осон. Шу боис Хожа Аҳмад Яссавий: “Ҳар на қилсанг ошиқ қилгин, Парвардигор”, дея жўшиб-жўшиб сўрайдилар. Шайх Иброҳим Ҳаққий: “Мавло кўрайлик найлар, найларса гўзал айлар”, дея ошиқона хитоб қиладилар. Агар улуғлардан энг улуғ дуо талабида бўлсангиз ҳам “Муҳаббатига ошно қилсин”, деб дуо қилганлар. Шу ишқ билан асримизнинг мутафаккир шоири, форс шеъриятининг забардаст вакили Сухроб Сипехрий: “Парвардигор шу яқингинада, мана бу шаббўйлар бўйидаю, ҳу қарағай ёнида”, дейди мутаассир бўлиб. Аслан, Аллоҳнинг ишқи билан яратилган мавжудот ишқ ичра шунчалик Аллоҳга яқин бўлгусидир. Фақат ошиқ бўлганларгина “Ҳу қарағай ёнида ҳам, шаббўйлар бўйидаю”, сувларнинг сукунатида Аллоҳни эшитади, кўради ва гаплашади. Ҳамиша бу дунё ишққа муҳтож, ошиқларнинг сирли талпинишларидан пайдо бўладиган оташин шавқларга ишқибоздир.

*Ишқ ичра нишон ўзим менинг, тийр ўзим,
Мажнун бу ўзим, жунунга тадбийр ўзим.*

Паҳлавон Маҳмуд

Бу дoston ўз Яратувчиси томон талпинаётган ошиқ руҳнинг етмоқчи бўлган манзиллари ва шу манзилда қалбига етган файзу – асрорлар ҳақидадир.

Кириш

Эй:
Ноласи ичида бўлган Одамзод,
Оласи ичида бўлган Одамзод,
Боласи ичида бўлган Одамзод,
Воласи ичида бўлган Одамзод,
Ишқдан ўзга ҳайбатинг йўқдур,
Ишқдан ўзга салтанатинг йўқ.

Дебоча

Қалбимда бир нозик Ҳузн бор,
Худди титраб турган шамга ўхшайди.
Руҳимда бир теран тугун бор,
Парвардигор берган ғамга ўхшайди.
Дунёда нима бор хаёлдай учқур,

Дунёда нима бор ҳаётдай тотлиғ,
 Бир туйғу келмоқда соғинчдай чуқур,
 Бир соғинч келмоқда ишқдай ҳайбатлиғ.
 Жоним, қўлларингни Худойимга чўз,
 Бир дийдор сўрагин Боқий дийдордан.
 Дунёда нима бор ҳаётдай ширин,
 Нима бор ортиқроқ Худодай Ёрдан.
 Нима У?!! Ишқ эди аслида билсанг,
 Коинотни нурга тўлдириб турган.
 Худодан мардона туйғулар сўраб,
 Номард ҳисларингни ўлдириб турган.
 Нима у кўнглингнинг туб-тубларида,
 Ичкин ҳисларингни кўзғатган ногоҳ?
 Ахир у ишқ эди уйғотган сени,
 Ахир у нур эди, ки НУРи Аллоҳ!
 Эй, одам жудаям ғарибсан билсанг,
 Шу қадар ожизсан, нотавон, ҳақир,
 Қудратга тўласан гар ишққа тўлсанг.
 Чақир Худойингни “ИШҚ!”, дея чақир.
 Гар ишқ вужудингга нур индирмаса,
 Ўзинг ўз ҳолингдай хор ва сарсонсан,
 Яратган руҳингга ишқ тўлдирмаса,
 Бир жирканч афтода сув билан қонсан!
 Эй, одам, бўзлагил, чақир Худони,
 Нола қил фалакка етгунча бўзинг!
 Сени ким топади? Ким билар ахир,
 Ахтариб топмасанг ўзингни ўзинг?
 Ўзингни ахтаргин аслингни излаб,
 Азизлар пойига тўша жонингни,
 Ўзингнинг гул очар фаслингни излаб,
 Қиблага айлантир тўрт томонингни.

* * *

Ишқ нима деб мендан сўрама,
 Набийларнинг хилвати ишқдир,
 Валийларнинг суҳбати ишқдир,
 Ёху деган қаландарларнинг
 Дил қонининг шарбати ишқдир.
 Ишқ нима деб сўрама мендан,
 Ҳофиз севган Мусалло ишқдир,
 Бедил қилган тавалло ишқдир,
 Гар Румийдир мубталойи ишқ,
 Навоийдан муддао ишқдир.
 Қўйгин уни мендан сўрама,
 Малакларнинг розлари ишқдир,
 Ғунчаларнинг нозлари ишқдир.
 Дарёларда сувланади ишқ,
 Ошиқларнинг ўзлари ишқдир.

Ишқ нима деб мандан сўраманг,
Ким бўлибман мен билиб айтсам,
Гарчи:
Ишқ, ишқ, дея юраман,
Тафсирина гар қилиб айтсам:
Ошиқларга илтифотдир ишқ,
Оқилларга мушкулотдир ишқ,
Орифларга қўшқанотдир ишқ,
Шоирларга эътиқоддир ишқ!
Карбалонинг шамоли ишқдан,
Гулларнинг гулжамоли ишқдан,
Ишқ нима деб мандан сўраманг.

1. Талаб водийси

Йўл юрдим-о, йўл юрдим,
Бу йўллардан мўл юрдим,
Билмадингиз ёронлар,
Қанча ою-йил юрдим.
Юрдим ўру қирлардан,
Ҳеч ким ўтмас ерлардан,
Ўтмоққа имкон топдим,
Бир ўтлиғ дoston топдим.
Тоғларнинг тоши ишқдир,
Булутнинг ёши ишқдир.
Қушларнинг шивири – ишқ
Худойимнинг сири – ишқ.
Дарахт туккан мева – ишқ,
Қумда чўккан тева – ишқ,
Иброҳимнинг миллати,
Роз сўйлаган шева – ишқ,
Машраб етган дордир – ишқ,
Насимийда хордир – ишқ,
Йўқ, демангиз йўқ, асло,
Бордир ишқ-о, бордир ишқ.
Майсаларнинг тоати,
Гулларнинг ибодати,
Ҳаммаси Худойимнинг
Ишқига ишорати.
Мен уни қайдан билай?
Келдим билиб билмасдан,
Қандоқ шарҳини қилай
Дил ишққа эврилмасдан.

2. Ҳайрат водийси

Гоҳ хуш келдим, гоҳ нохуш келдим,
Дил рангида фаромуш келдим,

Ўзим билиб, билмасдан келдим,
Билганимни қилмасдан келдим.
Гоҳ худ келдим, гоҳ беҳуд келдим,
Гоҳ бут келдим, гоҳ нобут келдим.
Тут бешикдан сирғалиб тушиб –
Шахдам юриб тол тобут келдим.
Қайт, дедилар, бу йўл хатарли,
Ўжар эдим, қайтмасдан келдим.
Кўп сирларни билдирса-да Ҳақ,
Билганимни айтмасдан келдим.
Осмон эдим, осмондан келдим,
Мавло турган томондан келдим.
Рост ростини билдирса-да У,
Ношуд кулман, гумондан келдим.
Малакларнинг розидан келдим,
Ризвонларнинг нозидан келдим.
Эй, ғайб сиррин излаган сирдон,
Мен шу сирнинг ўзидан келдим.
Тупроқ эдим, лойланиб келдим,
Оби-гилга айланиб келдим,
Кўрганларнинг қалби жўшсин деб,
Шаробланиб, майланиб келдим.
Шундан гаштли анжуман бўлдим,
Кўнгил деган нозик фан бўлдим,
Ишқ аҳлининг иқрори бўлдим,
Дард аҳлининг мозори бўлдим.
Осмонларга юксалди руҳим,
Ўзим лойга баробар бўлдим.
Мажнун эдим севмасдан аввал,
Севиб кейин Санобар бўлдим.
Исмим халал берди бу йўлда,
Номсиз дарднинг дардида куйдим.
Ишқим дoston бўлди ҳар дилда,
Ошиқликнинг шартида куйдим.
Ҳақ жамолин кўзингдан топдим,
Ҳаққа етган сўзингдан топдим,
Нима топсам, эй кўнглим, санинг
Шу хуморли изингдан топдим.
Раббим, Сенинг севгинг эди у,
То Сенгача йўлни йўқотдим,
Ҳар бандангга дил беравериб,
Ўзинг берган дилни йўқотдим.
Излайвердим ҳар ердан уни,
Тоғда эди, даштли эди у.
Бутун ҳаётимнинг мазмуни,
Оҳ, нақадар гаштли эди у.

3. Истиғно водийси

Мен сени шунчалик жон чекиб севдим,
Жоним оғрияпти, қарагин.
Севгинг ўтиб кетди қонларимгача,
Қоним оғрияпти, қарагин.
Руҳимнинг руҳидан ўтиб кетди у,
Бошимнинг бошига етиб кетди у.
Сўнгра Худойимнинг Аршига етди.
Ҳақ Аршига етган бу севги
Қаршига етмади, Қаршига,
Мен дедим, додлама, дод саси галди
Қаршининг чўлидан ёр саси галди¹.
Бу ишқдан ўлимнинг нафаси келди,
Хатто Яратганнинг “ҳаваси” келди.
Ҳали кўзларимни очмасдан туриб,
Руҳимга руҳингнинг шарпаси келди.
Бола эдим, ҳали ғўр эди ишқим,
Кўзи очилмаган кўр эди ишқим.
Титроғи ёқарди банд-бандларимни,
Ўзим билар эдим, зўр эди ишқим.
Бир фарёдлар чекдим тонг ойнасида,
Инжиган сабонинг далдаси келди.
Тонгги муножотнинг дилгир сасида:
Додлама, додлама, дод саси келди,
Қаршининг чўлидан ёр саси келди.

4. Фано водийси

Улғайдим ғамдан-да ғамгинроқ бўлиб,
Ғам солди чехрамга маҳзун чизгилар.
Томир-томиримга мунг кетди тўлиб,
Бор шодликлар мендан умид уздилар.
Ғамгин кайфиятлар ичинда ногоҳ,
Ишқнинг таъмин тотиб ҳайрона бўлдим.
Соғ эдим, соғ эдим, ўлай агар соғ,
Ўшал кундан бошлаб девона бўлдим.
Ўшал кундан дилда уйғонди журъат,
Ўшал кундан шиддат ёр бўлди менга.
Ўшал кундан жонда бир буюк кадар,
Бир маъсум изтироб жўр бўлди менга.
У деди: “Қўрқоқлик қилма ҳеч ғамнинг қошида,
Эгма нотагондек ҳайбатига бош”.
Уятдан шодликка айланиб кетсин,
Кўролмай кўзингда бирор томчи ёш.
Сен қандай яшасанг, тақдир ўшадир,
Сен қандай шарҳласанг, тафсир ўшадир,

¹ Садриддин Айний “Қуллар” романидан.

Ҳарне мушкулотга қалбингдир ечим,
 Ва яна чораю тадбир ўшадир.
 Кеча қамиш эдинг найланинг бугун,
 Кўнгилнинг қонидан майланинг бугун.
 Майнинг хуморидан мастона бўлиб,
 Майхона тарафга шайланинг бугун.
 Ҳаво бўлма ҳавойи бир дил бўласан,
 Сув бўлмаки, нукул дарддан ҳўл бўласан,
 Олов бўлма ёниб-ёниб кул бўласан,
 Кел, тупроқ бўл, ҳаммасига эл бўласан.
 Руҳим нола қилар найга борай деб,
 Кўзим жола қилар майга борай деб,
 Тунлар ухлатмайди ўксиган кўнгил,
 Ҳеч ким чорламаса қайга борай деб.
 Ишқ аҳли фанодан бақога кўчган,
 Бенаво узлатдан навога кўчган,
 Ер узра бормикан бирор тирик жон?
 Жамийки тириклар самога кўчган.

5. Ишқ водийси

Йўқ, ишқ нима деб мендан сўраманг,
 Азизларнинг тарбиёти – ишқ,
 Фузулийнинг куллиёти – ишқ,
 Ва Юнуснинг балиқ қорнида,
 Ҳаққа етган муножоти – ишқ,
 Иброҳимнинг миллати ишқдир,
 Худойимнинг раҳмати ишқдир.
 Шоирларнинг тилида гирён –
 Париларнинг суҳбати ишқдир.
 Фурқатларнинг фурқатида ишқ,
 Хилватийнинг хилвати ишқдир.
 Амирийнинг амирлиги-ю,
 Нодиранинг қисмати ишқдир.
 Мавлононинг самоси ишқдир,
 Пайғамбарнинг дуоси ишқдир.
 Мансур Ҳаллож бўғзида қотиб,
 Машраб бўлган видоси ишқдир.

* * *

Қалбим тўла изҳору
 Ҳаётим тўла иқрор,
 Ақлим тўла инқору –
 Руҳим ишқ бирла бемор.
 Ох, дардимга даво йўқ,
 Бу яшашдан маъно йўқ.
 Кетсанг бошингни олиб...
 Пала-партиш кетмасанг,

Берух хомуш кетмасанг,
Кетсанг ишқ қадар теран,
Кетсанг васлдай тотлиғ,
Кучоғин очиб турса,
Бир пок дунё хайратлиғ.
Қайда, ундай дунё йўқ?!
Чорлаб-чорлаб борарман,
Куйиб, зорлаб борарман,
Дилимнинг оловида
Ёниб, порлаб борарман.
Бандалик ҳаддим билан
Шоирлигим чиқишмай,
Шундай азиз руҳимни ман
Хорлаб-хорлаб борарман.
Гоҳ шеър, гоҳ Қуръонни,
Гоҳ рости, гоҳ ёлғонни
Жим такрорлаб борарман.
Садо бергин Худойим,
Очилсин дилнинг қулфи,
Кетсин руҳнинг ғашлиги.
Нахот кетмас бу ҳузн –
Ўтиб кетди ёшлигим,
Ахир, кетди ёшлигим?
Ишқ нима, деб менадан сўраманг,

МАЪНАВИЙ ТУҲФА

Бугунги кунда тасаввуфона руҳдаги шеърлари билан танилаётган шоирлардан бири Санобар Меҳмондир. Унинг навбатдаги бир туркум шеърларини ўқиб, шоиранинг ижодида тасаввуфий руҳ ва илоҳий ишқнинг чизгиларини ҳис қилдим...

Маълумки, тасаввуфнинг назарий томонлари, бу таълимотнинг ўзига хос ривожланиш тарихи бўлганидек, унинг амалий томони ҳам бор. Санобар Меҳмоннинг ютуқларидан бири шуки, у бир неча йиллар давомида бир тариқат устозидан вазифа олиб, зикрларини бажариб келган. Бу жиҳат шоиранинг тасаввуфни янада яқиндан билиши ва амалий татбиқ этишида қўл келган.

Шу боис, Санобар шеърларида тасаввуфнинг ишқ, жазба, зикр, қалб поклиги, нафс ислоҳи ва гўзал ахлоқ каби масалалари нисбатан жонли ва қалбга яқин.

Аҳмад Яссавий “Ҳар на қилсанг, ошиқ қилгин, Парвардигор”, деб ёзганидек, шоира шеърларининг бош ғояси ишқ ва ошиқлик мавзусига қаратилган. Зотан, минг йиллардан бери тараннум этиб келинаётган илоҳий ишқ ҳар бир кишининг қалбида ўзига хос тажалли этади ва шоиру шоиралар қаламидан ҳар сафар янгича услуб ва оҳангларда жило топиб бораверади... Бу йўлда ҳар ким ўз савияси, эътиқоди ва дунёқараши асосида ишқнинг гўзаллигини кашф этади ва бошқаларга ҳам имкон қадар улашишига ҳаракат қилади... Айниқса, шоиранинг Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарига назира сифатида ёзган ўтли сатрлари, ошиқ қалбининг хайрат, фано ва ишқ каби водийларда изтироб ва армонлар, шўру ғалаёнлар

Худойимнинг раҳмати ишқдир,
Иброҳимнинг миллати ишқдир,
Биз ҳаммамиз ишққа кетяпмиз,
Муҳаммаднинг уммати ишқдир!
Одамзоднинг қиймати ишқдир!

Яссавийона

Шунча кўзёшим кўриб ҳарчандки нолон бўлмадинг,
Шунча зоримни единг, лек зору гирён бўлмадинг,
Кавкаби олам аро, ҳеч кавкабистон бўлмадинг,
Ҳар лаҳза жонимни олиб, бир лаҳза жонон бўлмадинг –
Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг!²
На ҳидоят топмадинг, на топмадинг фақру фано,
Қилган ишинг бўлди журм, топдинг хузур нафсинг аро,
Бўғзингдадур макруҳ нафас, орзунгдадур айшу зино,
Ҳар лаҳза жонимни олиб, бир лаҳза жонон бўлмадинг,
Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг?!?
Ки тариқат жаҳрида айтдинг мудом ботил калом,
Неча толиб аҳлини йўлдан оздирдинг мудом,
Неча қатъ ҳолинг кўриб, ман дедимки: “Қатли ом”.
Ҳайрат!
Бақо пайконида бир

² Ҳазрат Аҳмад Яссавийдан олинган.

ичида Маъшуқини ахтариб, висолни қўмсаб, мақсад сари талпинишлари жуда таъсирчан ва самимий ифодаланган. Ишқ нима деган саволнинг жавобида ҳайрат ва ҳаққоният уфуриб турибди:

*Ишқ нима деб мenden сўрама,
Набийларнинг хилвати ишқдир,
Валийларнинг суҳбати ишқдир,
Ёху деган қаландарларнинг
Дил қонининг шарбати ишқдир.
Ишқ нима деб сўрама мenden,
Ҳофиз севган Мусалло ишқдир,
Бедил қилган тавалло ишқдир,
Гар Румийдир мубталойи ишқ,
Навоийдан муддао ишқдир...*

Мен шоира Санобар Меҳмоннинг бундан кейинги ижодий ишларига муваффақиятлар тилаган ҳолда, тасаввуфий шеърятга, ирфоний маъно ва зояларга ўз нафаси ва ширин дардлари билан янги-янги маънавий тўхфалар этишини тилаб қоламан. Бу йўлда Аллоҳнинг ўзи илҳом берсин.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
филология фанлари номзоди,
адабиётшунос ва тасаввуфишунос олим

тийра нишон бўлмадинг,
Сўфинақш ўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.
Хонақоҳ роҳидасан, топмадинг Ҳақдин асар,
Суф дедим, ваҳ шунча умринг ўтди, дариго бесамар,
Кулли азму, кулли жаҳд, кулли риёю, кулли шарр
Қозиё! Айтгил ҳукм, бир лаҳза мезон бўлмадинг,
Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг!
Бу қаҳр пайконида отган ўқинг кетмиш хато,
Қисматнинг дастурхонида ютдинг мудом қонли ғизо,
ЭЙ ҲАМДАМЕ НОМЕҲРИБОН, ЭЙ ДЎСТИ НООШИНО –
Ҳар лаҳзада жоним олиб бир лаҳза жонон бўлмадинг,
Сўфинақш бўлдинг, вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг!
Бу бало найрангида топган устозингга ҳайф,
Бенаво бу мулк аро, қатли овозингга ҳайф,
Бас қил энди бу қиссани, қилма оғозингга ҳайф,
Шунча ғавго бошга солдинг, осойиши жон бўлмадинг,
Сўфинақш бўлдинг вале, зинҳор мусулмон бўлмадинг!

Хулоса

Мен қаён кетай эй дил,
Ишора қилмаганда.
Хоки-туроб, обу гил –
Шарора қилмаганда.
Хор бўлармидим, шунча,
Зор бўлармидим шунча,
Агар манга бир боқиб —
Дилпора қилмаганда?!
Боқмас эдим-ку асло,
Йўқ эрди мундоғ бало.
Балокаш ёрга Иссиқ –
Ситора қилмаганда.
Не келарди қўлимдан,
Ишқ эргашар йўлимдан.
Ўртамизга ўлимдан –
Канора қилмаганда.
Нарзингни бер, қотил ишқ,
Эй басир ишқ, ботил ишқ.
Ёрни ёр қил, буткул ишқ –
Наззора қилмаганда.
Ман бир Санавбар эдим,
Ўт эдим, аҳгар эдим.
Кел, мени қутқар дедим –
Ишқ чора қилмаганда.
Бир висол бўлса дердим,
Дил ишққа тўлса дердим.
ШОИР БЎЛАРМИ ЭРДИМ –
Оввора қилмаганда!..

Серқирра ижодкор, моҳир таржимон



**Адҳамбек
АЛИМБЕКОВ**

Таникли суҳандон Муслимбек Йўлдошев ўз касбини улуғлаган ва шу касби орқали элга танилган ижодкорлардан. Ўзбек телевидениеси ривожига ўз ўрнига эга бўлиш учун изланиш, тинимсиз меҳнат қилишдан қочмаган Муслимбек устозлар тажрибасини ўрганиш баробарида ҳаётни кузатди, бу кузатганларини қоғозга битди, ижод оламига шўнғиди. Шеърлар ёзди.

Муслимбек Йўлдошев шеърият оламига тасодифан келиб қолгани йўқ. Ёшлигидан, яъни 1970 йилдан Ўзбекистон халқ шоири Ғайратийнинг машҳур адабий тўғарагига қатнаб, машқларини пишита борган. Кейинчалик унинг шоир ва таржимон бўлишида бу мактабнинг аҳамияти катта бўлди. Унинг “Сиз мени танийсиз” (1992 й.), “Ёр кўчаси” (1996 й.), “Сўз сеҳри” (2000 й.), “Кўнглим қошонаси” (2003 й.), “Ёр ҳам янгилик эмас” (2007 й.), “Силсила” (2013 й.), “Мўминга бегона баҳор” (2016 й.), “Суҳандонлар” (2017 й.), “Саҳна нутқи” (2022 й.) каби шеърий, илмий тўпламлари чоп этилди, кўплаб шеърлари ҳофизларимиз томонидан қўшиқ қилинди.

Муслимбекнинг дўсти Абдумўмин Ўтбосаров хотирасига бағишланган “Мўминга бегона баҳор” китоби эса унинг насрда ҳам яхши асар ёза олиш салоҳиятини кўрсата олди. Ушбу асардаги “У томонда ваҳимали сукунат қад ростлади” таъсирли тасвирининг ўзидаёқ ҳам ёзувчи, ҳам қаҳрамон ҳолатни қай даражада ёрқин бера олиш маҳорати кўринади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таникли суҳандон Насиба Иброҳимова “Кўзлари гапирарди” мақоласида Муслимбекнинг ҳам, Абдумўминнинг ҳам инсоний ва касбий жиҳатларини шундай таърифлайди: “Шу жиҳатидан уни (Абдумўминни – А.А.) Муслимбек Йўлдошев билан ўхшаш қиррали кўп эди. Суҳбатда энг асосий қаҳрамон бу – меҳмон! Бошловчи ўзини эмас, суҳбатдошини кўз-кўз қила олиши керак. Кўзлар ҳақида гапирганда, мен бу икки суҳандонни бирга кўрганимда кузатганман: уларнинг кўзлари гапириб тураркан. Улар ўзаро кўзлари орқали гаплашиб, сўзсиз бир-бирларини аниқ тушунишларини пайқадим. Агар кимдир уларни тушунмоқчи

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди, профессор. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърият”, “Билиб айтилган сўз” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII–XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асири бўлган жон” рисоласи нашр этилган.

бўлса, кўзларига қараш керак экан, деган нуқтаи назарга келдим. Фикр муштарак бўлса, қарашлар ва қизиқишлар муштарак бўлса, одатда, кўп сўзга ҳожат қолмайди...

Муслимбек Йўлдошев шеърлари, ҳикоялари, адабиётга оид мақолалари, хотиралари, публицистик чиқишларида ёритаётган мавзусига кўра имкони қадар салмоқли фикр айтишга интилади. Алишер Навоий ҳақидаги “Тухари шариф” ёки Абдулла Ориповнинг “Ўйларим” шеъри таҳлил қилинган “Соғинч фалсафаси” мақолаларида адабиёт ҳақидаги ўзига хос қарашлари билан диққатни тортади. “Соғинч фалсафасида” ёзади: “Шеърят фақат ишқий оҳ-нолалару мақтов қасидалари эмас. Унда буюк дард – халқ дарди, давр муаммолари акс этиб туриши керак. Дардки асрий, муаммоларки оламшумул. Мана шу улкан ўлчамларни шеърнинг кичик вазнларига сиғдира олган шоир чинакам даҳо шоирдир. Абдулла Ориповнинг даҳоси ҳам мана шу маҳоратидадир” (М. Йўлдошев. “Силсила”. “Адиб” нашриёти, Тошкент. 2013. 102-бет).

Муслимбек таржималарга ҳам ички бир эҳтиёж билан қўл урди. Александр Пушкин, Расул Ҳамзатов, Андрей Дементьев каби таниқли ижодкорлар асарларидан таржима қилишга журъат қилди. Бу уринишлар беиз кетмади ва Муслимбекнинг қаламини чархлади.

Бу таржималарнинг ичида бурят ёзувчиси Исай Калашниковнинг “Шафқатсиз аср” асарини алоҳида таъкидлаш керак. Ўрта асрларда дунёни титратган Чингизхон, унинг юришлари, не-не мамлакатларни ғорат қилгани, қаттоллиги, шафқатсизлиги ҳақида қанча-қанча китоблар битилган. Муслимбек эса айнан шу асарни таржима қилишга қўл урди. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: “Мен касалхонада ётганимда, даволовчи шифокорим хонага (палатага) доимо қўлида бир китоб билан кирарди. Сал ўзимга келгач шу китобни сўраб олдим. Бу бурят ёзувчиси Исай Калашниковнинг “Жестокий век” романи эди. Роман Чингизхон ҳақида бўлиб, мени шу вақтга қадар бу жаҳонгир ҳақида ўқиганларимдан тарихий материалларга бойлиги, бадиий-тасвирий услуби рангинлиги билан фарқ қиларди. Айниқса, Хоразмшоҳнинг тутумлари, онаси Туркон хотун билан келишмаслиги, Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари, умуман, ўша давр воқеалари асарда тўлақонли берилиши жуда маъқул келди. Ва мен уни севиб қолдим. Уч-тўрт, кетма-кет ўқиб чикдим. Деярли ҳамма қариндошларим ўша русчасини ўқиб чиқишди. Шунда мен бу асарни ўзбек китобхонларига етказишга жазм қилдим. Нимага шу китобни ўзбегим ўқиши керак эмас? Нимага мен шу ёшимгача шундай чиройли китобнинг борлигидан ҳам беҳабар бўлганман деган ўйлар тинчлик бермади. Тўрт йилда таржима қилдим, ўн йил нашр бўлишини кутдим”.

Дарҳақиқат Муслимбек “Шафқатсиз аср” романи таржимасига қўл уриб тўғри иш қилган. Чунки яхши таржимон асар танлай билиши керак. У таржима қилган асар ўша халққа нимадир бериши, янги маълумотлар билан таништириши, билмаганини билдириши лозим. Шу нуқтаи назардан “Шафқатсиз аср” романи Чингизхоннинг ёвузлигини, халқимиз бошига солган кулфатларини яна бир бор кўрсатади. Шу билан бир қаторда, бирлашганда ҳикмат кўплиги, бир ёқадан бош чиқариб иш кўришнинг куч-қудрати енгилмаслигини кўрсатиб берди. Буни муаллиф хоразмшоҳ давлатида ҳам, рус князликлари мисолида ҳам аниқ-тиниқ тасвирлаб берган.

“Шафқатсиз аср” икки китобдан иборат, ҳажман жуда катта – 1213 саҳифали асар. Бундай улкан романни таржима қилишнинг ўзи бўлмайди. Боз устига тарихий

мавзуда. Тарихий мавзудаги асарни таржима қилишда архаизм ва историзмларни сақлаб қолиш, ёки уларга мос сўзлар эквивалентини топиш, тарихий муҳит тасвири, энг муҳими, таржимон асар оҳангини яхши илғаб олиши керак. Таржимоннинг ўз мақсади ҳам бўлиши зарур. Бу асар ўзбек китобхонига нима бериши мумкин? Муслимбек Чингизхоннинг шахс сифатида шафқатсизлигию, Хоразмдаги ички низолар, даврнинг мудҳиш ҳолатларини ўзбек китобхонига кўрсатиш орқали мўғул босқини халқимиз бошига солган жафоларни янада теран кўрсатишни, сездиришни ўйлаган бўлса керак. Чунки мазкур роман ёзувчининг мамлакатимиз тарихига оид фикрлари, мўғулларга қарши кураш тасвирлари билан ўзбек китобхонини таништириши билан ҳам аҳамиятли. Бошқа миллат ёзувчисининг бизнинг тарихимиз, Жалолиддиндек мард ўғлонларимиз ҳақида меҳр билан ёзгани ёқимлидир, албатта. Китобхонни тарихий жиҳатдан маълумотини тўлдирадиган ва ўқишли бўлган бу романнинг таржима қилингани эса янада яхши иш бўлган. Назаримда, таржимон Муслимбек Йўлдошевнинг ҳам аниқ фактлар, тарихий шахсларга бошқа бир ракурсдан қараб, таржима жараёнида ана ўша нодир жиҳатларни сақлаб қолишга астойдил ҳаракат қилгани кўриниб туради.

Роман бошланмасидаги тасвири кийслаш таржимон ишга жиддий киришганини, қўли таржимага келиб қолганини кўрсатади.

“Крытый возок, запряженный двумя волами, медленно двигался по степи. За возком шагала подседланная лошадь. Над выжженной зноем степью высело горячее солнце. Разморенные жарой, волы шли, понуро опустив головы, над их мокрыми спинами кружилась мошка, под колесами сухо шелестели стебли ковыля – дерисуна. (Исай Калашников. Жестокий век. Алма-ата “Мектеп”, 1985. 6 ст.). Таржимаси: “Икки ҳўкиз қўшилган усти ёпиқ арава саҳрода секингина ўрмалаб борарди. Унинг ортида эса эгарланган от эргашиб келарди. Саратон жазирасида ёниб ётган саҳро узра қайноқ қуёш осилиб қолгандай. Ҳароратнинг иссиқлигидан ҳўкизлар бошларини ерга эгиб борар, уларнинг тер кўпчиган елкаларида чивинлар ғужғон ўйнар, арава ғилдираклари остида куриб қакшаган дерисун – чаловнинг шитирлаши эшитиларди” (5-бет).

Ёзувчи “ковыль”нинг иккинчи номи “дерисун”ни бермаслиги ҳам мумкин эди. Аммо бу бегона ўт атамасининг мўғулчасини ҳам келтирилиши асар руҳига мос бўлишини ўйлаган бўлса керакки, таржимада бу сақланган. Асар бошламасининг ўзидаги мазкур парча таржимоннинг ишга қунт билан киришганини кўрсатади. Мазкур гиёҳ номи “чалов” эканлигини ўзи топиб ишлатгани бунга мисол. Матнда ёзувчининг тасвир маҳорати ҳам сақлаб қолинган.

Лекин шу билан бирга таржимада “бурунлари қамашиб кетди” (7-б), “Хон виносини ичиб бўлиб” (348-б, 1-том), “Тофқоч-хотун ётоқлари иссиқдан лақилларди” (426-б, 2-том), “Ариқларда бўтана сувлар шарақлаб ётарди” (496-б) ёки бир одамга нисбатан “сартовул” сўзини ишлатгани каби маромига етмаган, таҳрир талаб жумлалар ҳам бор. Айрим сўзларга изоҳ бериб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар қандай таржимада бу каби ноқислик бўлиши табиий, шу боис улар таржимоннинг умумий муваффақиятига соя сололмаган. Шунга қарамай, умид қиламизки, кейинги нашрларида бу камчиликлар ҳам сўзсиз бартараф этилади. Муҳими, асар равон ва тез, завқ билан ўқилади. Таржимоннинг ютуғи ҳам шунда.



Имони ҳуррият бўлган шоир

**Бобохон
МУҲАММАД ШАРИФ**

Кимнинг кимлиги ватанга, миллатга муносабатида яққол намоён бўлади. Тоҳир Қаҳҳорнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиб, унинг ватанпарвар ва миллатсевар киши эканини сезишингиз мумкин. Тоҳирбек билан ўтган асрнинг 90-йилларидан бери дўстмиз. Ўша вақтлари мен Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори бўлиб ишлардим. Нашриёт адабиёт ва санъатга оид китоблар, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, қрим-татарча “Йилдиз” журналларини ҳам нашр қиларди. Тоҳир “Шарқ юлдузи” журналида бўлим мудирини эди. Кўп ўтмай уни нашриётга Бош муҳаррир муовини сифатида ишга олдим. Тоҳирбек бу вазифада сидқидилдан меҳнат қилди, Ватан ва миллат учун муҳим китоблар чоп этилишига ҳисса қўшди. Тушунчаларимиз, дунёқарашимиздаги яқинлик туфайли дўст бўлдик. У ўтган давр мобайнида ўлкамизда ва хорижда журналист, шоир, таржимон, олим сифатида танилди. Тоҳирбек 1953 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида таваллуд топган. У 1975 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаб, Ўзбекистон радиосида меҳнат фаолиятини бошлади, “Шарқ юлдузи” журналида муҳаррир, бўлим мудирини, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Бош муҳаррир ўринбосари, сўнгги йилларда Жаҳон тиллари университетида доцент, “Жаҳон адабиёти” журналида бўлим мудирини бўлиб ишлади. Айни пайтда ҳам дорилфунунда талабаларга дарс бермокда. Унинг ўн беш ёшда ёзган илк шеърлари, мақолалари туман газетасида босилди. Биринчи шеърини тўплами “Оқ ўрик” 1980 йилда, сўнггра “Оқаётган дарё” (1982), “Осмон кимники” (1984), “Эшик тақиллаётир” (1984), “Кун кўзи” (1987), “Юлдузлар менинг боғим” (1988), “Тоғнинг парвози” (1990), “Око дня” (Москва, 1990) каби шеърини китоблари нашр этилди. “Икки ошиқ бир бўлса” драмаси Гулистон театрида 1990 йилда сахналаштирилди. Жаҳон адабиётига мансуб ижодкорларнинг юзларча шеърини, насрини ва тарихий асарларини рус (Пушкин, Бунин, Фет, Тютчев), турк (Юнус Эмро, Зиё Кўкалп), форс (Жомий, Ҳофиз), озарбайжон (Низомий, Халил Ризо)

Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ – профессор. 1949 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини тамомлаган. Унинг “Ҳақдан халққа”, “Эзгуликни эъзозлаган адабиёт”, “Мен кетарман ишқнинг йўлига”, “Турон арслони Жалолиддин Мангуберди” каби йигирмадан ортиқ китоб ва рисолалари чоп этилган. Турк, озарбайжон, туркман ва рус тилларидан қирқдан ортиқ асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

тилларида ўзбекчага ўғирди. Айниқса, Нобель мукофоти лауреати Габриэль Гарсиа Маркесни ўзбекларга илк бор танитган “Ошкора қотиллик қиссаси” романи чорак асрдир такрор-такрор (мактаб дарсликларида ҳам) нашр этилди. Унинг асарлари рус, турк, украин, молдаван, озарбайжон, инглиз тилларига таржима қилинди. Айниқса, қайта қуриш даври матбуотимизда босилган замонавий ва тарихий мавзулардаги илмий-публицистик мақолалари уни кенг оммага танитди. Бу хизматлари учун у “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони (1991), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти билан тақдирланди. Шоирнинг 1990 йилларгача бўлган ижодий фаолиятига баҳо берарканмиз, профессор Собир Мирвалиев қаламига мансуб “Ўзбек адиблари” китобининг илк нашридаги куйидаги фикрларни эслаш ўринлидир: “Тоҳир Қаҳҳор ажойиб топилма шоиргина эмас, у айни чоғда етук публицист, моҳир таржимон ҳамдир. Унинг миллий тарихимиз, маданиятимиз, миллатимиз тақдири ҳақидаги, адабиётимиз ва меросимиз ҳақидаги чуқур илмий тафаккур билан ёзилган ўнлаб мақолалари нафакат публицистика жанрининг, балки адабиётимизнинг ҳам ютуғи деса бўлади. ...Шоир бундан қарийб ўн йиллар олдин, ҳали республикамиз, мустақил бўлмаганида ёзган эди: “Мустамлака юрт улкан Зиндоннинг худди ўзи, Ўз қуллигин кўрмайди Унда тириклар кўзи”. Ҳа, у дардли шоир, чуқур тафаккур эгаси” (“Фан” нашриёти, Тошкент 1993й. 233 б.).

Тоҳир Қаҳҳор шеърлари ва таржималари республика матбуотида, “Гулистон”, “Шарқ юлдузи” журналларида, адабий альманахларда 1975 йилдан кўрина бошлаган. Тоҳир 80-йиллардан кейин, ҳақиқат ва адолат чашмасидан сув ичган янги тўлқин билан адабиётга кириб келди. У миллатпарвар ва ватанпарвар тенгдошларидан жасурлиги билан ажралиб турарди. 60-йиллар шоирларининг ҳур тафаккури янги авлод миллий шоирларининг етишиб чиқиши учун пойдевор бўлди. Бу авлоднинг ўқувчига айтар сўзи бор эди. Ҳақиқатни очик сўзлаш, халқни мустақиллик учун бош кўтаришга очик-ойдин ва аниқ тарзда даъват қилмоқ бу давр шоирларига хос хусусият бўлди. Тенгқурлари орасида Тоҳирбек фақат санъати билангина эмас, жасорати билан ҳам ўзлигини айрича намоён қилди. Шоирнинг шеърлари Ватан, миллат, гўзаллик севгисига йўғрилгандир. Зотан, ишқсиз шоир бўлмагани каби, севмаган киши ҳам шоир бўлолмайди. Тоҳир Қаҳҳорнинг кўпгина шеърларида ёр, Ватан, эл севгиси яққол кўринади. Шўро бўйинтуруғи остида эзилаётган ватандошларининг аччиқ қисмати шоирни исён руҳи билан суғорилган шеърлар ёзишга йўллади. Фикрларимни 1994 йилда босилган “Эшик тақиллаётир” тўпламига кирган айрим шеърлар мисолида асосламоқчиман. Чунончи, унинг “Битиктошдаги ёзув” шеъри гоят мардларча ёзилгандир.

*Баҳор кечар, келажакка
Гуллар қолар бу оламда.
Ўти ўчган ўчоқлардан
Куллар қолар бу оламда.*

*Гулдай яшинаб, отдай кишинаб,
Яшаб ўтар баъзи зотлар,
Баъзилардан фақат мерос –
Пуллар қолар бу оламда!..*

*Зулм, эрксизлик чин эрларни
Зулматларга олиб кетар –*

*Бир тўп етим этагида,
Туллар қолар бу оламда!..*

*Ҳаммасига чидаш мумкин.
Энг ёмони – баъзи юртнинг
Элбошиси қулдир, ундан
Қуллар қолар бу оламда!..*

Гарчи ошкоралик, қайта куриш даври бўлишига қарамай, 1984 йилда бунақа йўсинда шеър ёзиш ўзини таҳлика остига қўймоқ демак эди. Зотан, “Зулм, эрксизлик чин эрларни Зулматларга олиб кетар. Бир тўп етим этагида, Туллар қолар бу оламда!..” “Энг ёмони – баъзи юртнинг Элбошиси қулдир, ундан Қуллар қолар бу оламда!..” деб ёзишга отнинг калласидай юрак керак эди. Тоҳирбек айни йили ёзган “Тоғнинг истаги” шеърида Лоланинг тилидан: “Булутлардан рутубат сочилгунча бу бошга, Кўтарайлик ердан қад, кўкка парвоз этайлик. Бу совук, хилват жойлардан узоқларга кетайлик”, Тоғнинг тилидан: “Лола, ҳей, лолажон, Баҳор бўлди очилдинг. Юрагимдан томган қон каби ерга сочилдинг. Сен – лаҳзасан, мен – абад. Чарх ургилу парвоз эт. Айтолмаган сўзларимни айт – узоққа олиб кет!..” дея ёзади. Лирик қаҳрамоннинг юрагидан сизган қоннинг ерга сочилиши, унинг изтироб ичида қолиши, “Бу совук, хилват жойлардан узоқларга” кетиш истаги ўқувчини лоқайд қолдирмайди. Хуррият йўли чангалзор орасидан кечади. Шўро замонида бу йўлга кирганларнинг азият тортиши, юрагидан қон сизиши ғоят табиийдир. Шоирнинг миллат хурилиги йўлида азият тортишга, жафоларга тайёр экани аниқ-тиниқ кўриниб турибди.

Табиийки, қизил империя замонида шоирлар эрк туйғуларини очиқ айтиши мумкин эмасди. Аммо уста шоирлар бунинг йўлини топган, фикрни сатрлари қаърига сингдириб юбора олган. Масалан, Тоҳир Қаҳҳорнинг Чанкайшидан зулм кўрган Вьетнам раҳбари Хо Ши Мин номидан ёзган “Зиндоннома” шеърида лирик қаҳрамоннинг истиқлол истаги қуйидагича ифодаланган.

*Найлайин, найман забонсиз, кўзларим нола чекар!
Титратар чархни фигоним, сўзларим нола чекар!
Менга зиндон зулмати ҳам кимсасизлик, ғам яқин,
Лек Умид ҳар лаҳза сўзлар: “Ҳурлик, озод дам яқин!..”*

Шоир “Мустамлака” шеърида мустамлака бўлган юрт зиндонга ўхшаши, у ерда тирикларнинг кўзи ўз қулигини кўрмаслигини, қурбонлар қотилларга раҳмат айтиш билан бандлигини афсус-надомат билан қайд этганидан кейин нажот йўли фақат хурриятда эканини баралла айтади:

*Ҳей, ҳур фикр, Хуррият, гофил элларни уйғот,
Мустамлака занжири бизнинг Ер юзидан от!*

Тоҳир Қаҳҳорнинг узоқ ўтмишда мўғул истибдодига қарши халқни оёқлантирган сарбадорлар ҳақидаги шеърига эътибор берайлик:

*Додимиз зулматлар ичра порлади машъал бўлиб,
Чорлади ўч-интиқомга бу ёниқ фарёдимиз.
Биз қурашга кирмасак гар, англадик, биздан кейин
Биздайин қул, биздайин хор, зор бўлар зурёдимиз.*

Фаросатли ўқувчи “Битиктошдаги ёзув” ва “Сарбадорлар” шеърларида шоир ким ва нимани кўзда тутаётганини дарҳол англаб етади. Шоирнинг “Биз беш йил”, “Остлавҳали шеърлар”, “Бу дунёда”, “Пушаймон” сингари бадиий бакуват шеърлари ҳам миллатга ўзлигини танитишга хизмат қилди. “Биз беш йил”да ёлгоннинг фожиавий оқибатлари кўрсатилган, “Остлавҳали шеърлар”да шоир ўз тилини унутган миллат бора-бора йўқ бўлишини, “Қайда бор экан ноҳақлик – у жойда маддоҳлик қилмоқ – ЖИНОЯТ” эканини таъкидлайди, “Тошлокқа айланиб қолса ҳар чаман, Фикрим ҳам тўхтайди, мен ҳам ўламан” дейди. “Пушаймон”да бўлса, “Бўғзимда ғазабли унларим қолмиш, Бўғилиб, учолмай кунларим қолмиш. Неча бор нодонлар билан баҳс этиб, Кундузларим кетиб, тунларим қолмиш”, дея надомат чекади. “Бу дунёда” шеърида “Бу дунёда асл саодат – ўз ўзини англамоқ фақат, Ўзини англаган халқлар Икболи ҳам қуёшдай балқар”, дейди.

Тоҳир Қаҳҳор устозлар анъанасини янгича давом эттириш билан бирга шеъриятга янги оҳанглари, янги йўллари ҳам олиб кирди. Муайян бир ҳарфдан бошланувчи мисралари, шеърлари ёзиш санъати адабиётимизда бор. Чунончи, Чўлпоннинг “Сочилган сочингдай сочилса сиринг” мисраси ва Эркин Воҳидовнинг “Қ” ҳарфидан бошланадиган тўртлиги бор. Муайян бир ҳарф асосида шеър ёзиш бир қарашда шаклбозликдай кўринади, лекин ҳақиқий шоир шаклга ижтимоий маъно юклай олади. Чўлпоннинг 1925 йилда ёзилган бу шеърида ёр жамоли тасвирланганга ўхшайди. Лекин диққат билан разм солинса, шоир ёр тавсифи баҳонасида “анор юзли” ёрнинг, яъни “қизил империя”нинг ёлгончилиги фош бўлишини назарда тутгани ойдинлашади. “Анор юзларингни кимга тутасан?.. “Севдим” деганларинг ёлгондир сенинг!..” сўзлари ўқувчини ўйга солади, фикрлашга ундайди.

Тоҳир Қаҳҳорнинг “Қирғияк (1918; кўконлик кўрбошининг кўшиғи)” шеърида устозлар анъанаси ривожлантирилган. “Қ” ҳарфидан бошланувчи 150дан кўпроқ сўзни ўз ичига олган, 28 мисрадан иборат бу шеърда шаклга ижтимоий маъно юкланган. “Қояларда қанот қоққан кўтир қумай (ўлаксахўр қуш)”, “қоқ қишлоқларда қўйилмишдир қопқонларинг”, “қашшоқликда қашшатдилар қашқирларинг, қобонларинг”, “қавм-қардошим қирганларни кутурай-да қирай-қирай!..” мисраларида кўтир қумай, қашқирларнинг эл-юртимизни не аҳволга солгани, бундан ғазабланган эрк қурашчисининг қатъий азму иродаси ўз аксини топган. Шоирнинг новаторлигига келсак, айтиш керакки, у 1987–2022 йиллари ораллиғида “Бирлик”, яъни бир мисрадан иборат шеър турини яратди. Тўғри, бир қаторли шеърлари ёзиш анъанаси жаҳон адабиётида минг йиллардирки, мавжуд, лекин улар қофиясиз. Тоҳирнинг бу йўсиндаги шеърлари улардан тубдан фарқ қилади. Унинг шеърида сатр бошида келган сўз сатр охирида қофия бўлиб келади ва бошқача маъно касб қилади. Чунончи:

ЭРКСЕВАР

Турма бўлсанг, дунё, турма!

ДАЛА БОЛАСИ

Тин кам олдим; экдим, тердим, қуриди тинкам.

ЁШ ЎЗБЕК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Туғ илар, байроқ кўтарар – янги миллий шон туғилар.

ЙЎҚСИЛ

Йўқ, сил эмасди у; сиқилиб ўлди йўқсил.

ТУТ

Тут-тутма, ҳеч не қолмас; қолар ғариб мазор, тут.

СТАЛИНЧА ТУШУНЧА

Бу тамоқ, емак етмас – керак халқни бутамоқ!

САРОЙ КАЛАМУШИ

Бу юргандан ўлган яхши, деру, кўрқар буюргандан.

БАРЧАНИНГ КЎЗ ЎНГИДА

Бандит, ўғри ким, биларлар; ялоқ ялаш билан банд ит.

ОФАТЛАРНИНГ ЁМОНИ

Шар офат шу – фириб-ла шарафсиз топса шарофат.

ҒОВЛАР

Ғовлар кўп, ғовғачи кўп, бир бошим шундан ғовлар.

Ўзбек ва жаҳон адабиётида янгилик бўлган бу тур ҳақида шоирнинг ўзи бундай дейди: “Ўзбек тили имкониятларини, бойлигини кўрсата оладиган шеър тури яралаётганидан ҳаяжоним ичимга сиғмасди. Ўттиз тўрт йил китоб битишини кутиб ёздим, аммо битмади: чунки тилимизда бирлик яратишга мос сўзлар – чексиз. Аввал беш юзта бўлса, китоб қилиб чиқараман, деб ўйлагандим. Кейин мингта, бир ярим мингта, икки мингта бўлишини кутдим, ўйлаганимдан ҳам ошиб кетди...”

Шоир бу тур мисралар қатига маънолар сингдира олгани билан муваффақият қозонди. Бундан ташқари, ҳар иккала йўлда ҳам у ўзбек тилининг бойлигини кўрсатишга эришди.

Тоҳир Қаҳҳор мустақиллик даврида асосан илмий тадқиқотлар ва таржима ишлари билан шуғулланди. Ўттиз минг ададда босилган “Хур Туркистон учун” (1994) номли илмий-публицистик асари хориждаги туркистонликларнинг истиқлол йўлидаги ҳаракатларига бағишланган. 1920 йилларда хорижга чиқиб кетган Мустафо Чўқайнинг “Ёш Туркистон” (Париж-Берлин), Усмон Хўжаўғлининг “Янги Туркистон” (Истанбул) журналларида, Зиёвуддин Бобоқурбон ва бошқаларнинг “Хур Туркистон учун” газетасида, Тоҳир Чигатойнинг “Ёш Туркистон” (Истанбул-Анкара) нашриётида юритган фаолиятлари, ватандошларимизнинг бу нашрлар воситасида мустамлакачиларга қарши қандай курашганлари мақолалар, шеърлар мисолида кўрсатиб берилган.

Мустақилликнинг илк ўн йилида дўстимиз ўзбек адабиётини Туркияда тарғиб этиш борасидаги илк ишларни бошлаб берди. У нашрга тайёрлаган, йигирмадан ортиқ ижодкоримизни Туркияда танитган “Замондош ўзбек шоирлари” китоби Анкарада “Энг катта қафасдаги қуш” номли сўзбошиси билан 1995 йилда, ўзбек ва турк тилларида босилди. Турк ўчоқлари маориф ва маданият вақфи раҳбари, журналист ва адиб Навзот Кўсўғли бошчилигида тайёрланган, 32 жилдлик “Туркия ташқарисидаги турк адабиётлари антологияси”нинг, ноширнинг таклифи ва шартномага кўра, 3 жилдлик “Ўзбек адабиёти”ни саккиз йил давомида Тоҳир Қаҳҳор тайёрлади (қўлёзма ҳолида ҳар бири минг саҳифадан ортиқ, 14, 15, 16-жилдда сўнгги минг йиллик адабиётимизга мансуб икки юз олтимишдан ортиқ ижодкор ўрин олган). Ўзбек ва турк тилларида босилган бу манбадан бутун Туркия университетлари талабалари, профессор ўқитувчилари фойдаланиш билан бирга, илмий тадқиқотлар ҳам яратилди. Ўзбек адабиётининг, ўзбек тилининг хорижда ўрганилиши ва тарғиб этилишида Тоҳир Қаҳҳорнинг ҳам ўзига хос улуши бор дейишга ҳақлимиз. Зотан, унга “Турк дунёсига хизмати учун” мукофоти ана шу ишлари натижасида берилган.

Тоҳир Қаҳҳор ўзбек адабиётини Туркияда танитиш фаолияти билан бирга турк адабиёти, тарихи, маданияти ва санъатини ҳам юртимизда тарғиб этиб келмоқда. 90-йилларда унинг сўзбошиси билан Юнус Эмро, Жалолиддин Румийнинг китоблари

илк марта нашриётимизда чоп этилганди. Шундан кейин унинг таржимасида турк тарихчиси Исмоил Аканинг “Буюк Темур давлати” (1996), Юрдакулнинг “Эй турк, уйғон” шеърлар тўплами (1997), Отсизнинг “Кўкбўриларнинг ўлими” романи (2000) ўқувчиларимиз кўлига тегди. Туркия республикасининг тузилиши, Отатурк ва турк халқининг Оврупо мустамлакачиларига қарши кураши кўрсатилган олти қисмли “Хуррият” фильми Ўзбекистонда намоиш қилинди.

Олим “20–30-йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши” мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади (2004). Бу тадқиқот айна йўналишдаги илк илмий иш экани, ўша даврдаги араб ва лотин ёзувида босилган ўзбек ва турк тилларидаги газета-журналлардан, китоблардан унумли фойдаланилгани, хусусан, мавзунинг киёсий ўрганилгани, ҳаққоний баҳолангани, жадид даври адабиётининг Туркистон истиқлоли йўлидаги буюк хизмати очиқ берилгани, шунингдек, шўро даврида “душман” деб талқин қилинган Мустафо Чўқай, Закий Валидий, Усмонхўжа, Тоҳир Чигатой, Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит, Аҳад Андижон каби ўнларча муаллифларнинг ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилишига қўшган хизматлари асослаб берилгани билан ҳам қимматлидир.

Тоҳир Қаххорнинг фақат шеърлари эмас, илмий мақолалари, халқаро конференциялардаги маърузалари ҳам миллат дарди, орзу-умидлари билан йўғрилгандир. Олим қиркдан ортиқ халқаро конференцияга қатнашиб, мазмундор маърузалар ўқиди. Бу дегани ўша мамлакатларда, ўша анжуманларда ўзбекнинг овози янгради, Ўзбекистон байроғи ҳилпиради демакдир. Айрим мисоллар келтирамиз: “Аҳмад Яссавий” (Қозоғистон, Ясси, 1990), “Ўзбек матбуотида Туркиядаги туркистонликлар мавзусининг ёритилиши” (Истанбул, 1990), “Туркистонда гиламчилик санъати; нақшларнинг маънолари” (Туркия, Қайсари, 1996), “Ўзбекистонда Қибрис турк адабиётининг танитилиши” (Қибрис, 1998), “Турк дунёси ва ўзбек матбуоти” (Туркия, Самсун, 2000), “Қибрис фольклорининг ўзбек матбуотида ёритилиши” (Қибрис, 2000), “Қибрис турк классик шеъри ўзбекчада” (Қибрис, 2005), “Ўзбек журналистикасида саёҳатнома: А.Авлонийнинг “Афғон саёҳати”даги ўзига хос хусусиятлар” (Туркия, Навшаҳар, 2006), “Туркистон матбуотида Отатурк ва турк озодлик урушининг ёритилиши” (Анқара, 2007), “Насриддин афанди латифаларининг ижтимоий аҳамияти” (Туркия, Оқшаҳар, 2008), “Ўзбекистонда Юнус Эмронинг танитилиши ва таржима масалалари” (Оқшаҳар, 2008), “XI–XX аср ўзбек шеъриятида ҳазрат Муҳаммад сиймоси талқинлари” (Туркия, Сақаря, 2009), “Туркчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан туркчага таржиманинг муҳим масалалари” (Туркия, Қирққалъа, 2009), “Туркистон матбуотида Истанбул мавзуси: 1900 – 1924” (Анқара, 2009), “Бухоро амирлиги ва Туркистон матбуотида Болқон урушининг акс этиши” (Измир, 2011), “Сўнгги йилларда туркий тиллардан ўзбекчага ўтирилган асарлар” (Туркия, Ялова, 2011), “Самарқанд” газетасида Туркия ва Болқонлар мавзуси: 1912 – 1913” (Македония, 2011), “Ўзбек адабиётида “Асҳоби қаф” мавзуси” (Туркия, Қаҳрамон Мараш, 2012), “Туркий адабиётлар ва ўзбек адабиёти” (Қозоғистон, Остона, 2012), “Кўрўғлининг юрти; ўзбек Гўрўғли дostonларида Чамбил” (Туркия, Бўлу, 2013), “Туркистон вилоятининг газети”да фатҳ мавзуси: 1880 – 1918” (Анқара, 2014), “Ўзбек адабий журналларида туркий адабиётларнинг ёритилиши” (Татаристон, Қозон, 2014), “Биринчи жаҳон уруши; Усмонлилар, Мажористон-Австрия мавзусининг Туркистон матбуотида ёритилиши” (Венгрия, Будапешт, 2014), “1915 – 1916 йиллар: “Туркистон вилоятининг газети”да турк-армани мавзуси” (Туркия, Битлис, 2016), “Насимий асарлари ўзбек тилида” (Озарбайжон, Боку, 2018), “Насимий ғазалларининг ўзига хосликлари” (Қирғизистон, Ўш, 2018).

Шу ўринда дўстимиз ўзбекчага ўгирган икки роман ҳақида қисқача тўхталмоқчиман. Аждодларимизнинг Ватан мустақиллиги йўлидаги қаҳрамонликларини содда ва нафис тил билан англатган “Кўкбўриларнинг ўлими”, “Кўкбўриларнинг тирилиши” романлари Туркияда энг машҳур, миллатсеварлар севиб ўқийдиган китоблардир. Атоқли турк ёзувчиси Хусайн Ниҳол Отсизнинг бу асарлари бежиз танланмаган. Улар саккизинчи асргача, яъни ўлкамизнинг араблар Туркистонга келгунгача бўлган тарихига оид тушунча бўшлиғини миллий фикр ва руҳ билан тўлдиришга хизмат қилади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бу романлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларда адолат, ватанга садоқат, қаҳрамонлик, жасорат, севги, вафо тараннум этилган. Бадиий таржима воситасида бир халқ бошқа халқнинг миллий хусусиятларини янада чуқурроқ тушуниб етади, ўша халқнинг ҳалоллик, эзгулик ва адолат борасидаги идеаллари бошқа халқнинг қалбидан жой олади ва натижада бу ғоялар ижтимоий ҳаётни, инсониятни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Муайян бир муҳитда майдонга келган муаммолар ва хусусиятларни акс эттирган миллий адабий асар мана шу жиҳати билан байналминал, умуминсоний аҳамиятга эга бўлади. Тоҳир Қаҳҳор бу романларни ўзбекчага ўгираркан, аслият руҳини, ёзувчининг дунёқарашини, туйғу ва тушунчаларини теран англаган, асар қаҳрамонларининг диалоглари, портрети ва воқеалар кечаётган жой манзараси ва бошқа деталларни, хусусан, романда тасвирланган давр, яъни қадимий тарихимизда Турк хоқонлиги ва Кўктурк давлати сифатида номланган замонда сўзлашилган тил таржимасига алоҳида эътибор берган. Бир масалани айтиб ўтай: ҳали араблар ва араб тили Туронга кириб келмагани учун персонажлар тилида арабча ё форсча сўз қўллаш тарихийликка зид эди. Таржимада уларнинг ўзбекча муқобилини топиш мушкул ишдир. Роман таржимасини ўқир эканмиз, мутаржим бу ишни маҳорат билан уддалаганига шохид бўламиз. Қадим туркий тилимизда “хотун” сўзи бугунги ўзбекчада “умр йўлдоши”, “хотин”, “рафиқа”, “завжа” сингари туркий, форсий, арабий сўзлар билан ифода этилмоқда. Таржимада бу сўзни “эвдоши” калимаси билан бериш маъқул топилган ва бу ўша даврга кўра, ўз ўрнини топган. Мутаржим асар қаҳрамонлари сўзлашувини ифодалашда имкон қадар арабий ва форсий калималардан эмас, эски туркчадан, сўнгги минг йилликда яратилган луғатлардан фойдаланади. Персонажлар шарқни кунчиқар, чикув, туғув; ғарбни кунботар, боту, ботув; шимолни кузғай, тунёк; жанубни кунгай дейди. Шеърни “дейиш, турку”, халқни – “будун”, қонун-қонидани “тўра”, зобитни “субай”, аравани “қанг”, анъанани “кўранак”, мактубни “битик”, мевани “емиш”, ҳамённи “ёнчик”, мусобақани “ёришма”, судьяни “ёрғич”, руҳоний раҳбарни “қам”, табибни “ўтачи”, қавмни “бўй, эл, будун”, пайғамбарни “ялавоч”, маданият ва фазилатни “эрдам”, ғояни “улки, улги”; жорияни “қирноқ”, вазият ва ҳолатни “турум”, зални “солин”, олимни “билгин, билга” ва ҳоказо. Юздан ортиқ ана шундай сўзлар тилимиз бойлигини орттириши шубҳасиз.

Тоҳир Қаҳҳор қаҳрамонлар тилидаги нафосатни ҳам маҳорат билан таржима қилган. Чунончи, аслиятда қуйидагича:

“– Ben Ötügen’in buğrası, katı demir bilekli, kara arslan yürekli, sırtına yer değmiyen, kimseye baş eğmiyen İnal Tarkan’ım!

– Ben barış olsa erdemli, yoksul görse yardımli, vursa buğa deviren, göğe ağaç savuran TinesiOğlu’yum!”

Таржимаси:

“– Мен Ўтуканнинг буғраси, кучли, темир билакли, қора арслон юракли, сирти ерга тегмаган, кимсага бош эгмаган Инол Тарканман!

– Мен, тинчликда эрдамли, йўксул кўрса, ёрдамли, йўлбарс каби югурган, ердан оғоч суғурган Тинаси ўғлиман!”

Аввало, бу сатрларни Ниҳол Отсизнинг ўзи шеър каби гўзал ёзган, таржимон ҳам ёзувчи билан мусобақага киришиб, уларни шеър сингари ўгирган. Ўқувчи Отсиз бу асарни ўзбекча ёзганмикан, деган хаёлга ҳам бориши мумкин.

Мен Тоҳир Қаҳҳор таржималарини фақат мақташ тарафдори эмасман. Табиийки, унинг таржималарида айрим камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, “улоқ” сўзи бир жойда “чопар”, бошқа жойда “жарчи” сифатида таржима қилинган. Тўғри, “улоқ”нинг чопар маъноси ҳам бор, аммо асарнинг бу ўрнида у “жарчи” маъносидадир. Аслиятда “қўрқинч бир гўзаллик” сўзи таржимада айнан берилган. Лекин ўзбекчада бир гўзал қизни таъриф қиларкан, бундай дейилмайди. Таржимон унинг муқобилини топиши мумкин эди. Бу сингари жузъий камчиликлар таржиманинг аҳамиятини пасайтирмайди. Умуман, бу романлар ўгирмаси аср бошидаги энг яхши таржималардан биридир. 2022 йил Самарқандда йиғилган Туркий давлатлар кенгашига Шимолий Қибрис турк республикаси ҳам кузатувчи сифатида қатнашгани қувончли ҳодисадир. Мақолалари ва таржималари билан Қибрисни, унинг адабиётини, фольклорини юртимизда илк танитган дўстимиз Тоҳир Қаҳҳордир. 1998 йилдан бери у ўқувчиларимизни ўттиздан ортиқ қибрислик ижодкор билан таништирди. Шунингдек, ҚИБАТЕК (Қибрис-Овроосиё турк адабиётчилари жамияти) илк ўзбек аъзоси Т.Қаҳҳор бу жамиятнинг тадбирларида қатнашиш жараёнида Европада, хусусан, Македония, Косова, Болгария ва бошқа давлатлардаги туркий ижодкорлар билан танишаркан, эллиқдан ортиқ ижодкорлар асарларини ўзбекчага ўгириб, халқимизни тилдошларимиз ижоди билан яқиндан ошно қилди. Масалан, биргина “Жаҳон адабиёти” журналида ўн беш қибрислик шоир шеърлари (2002), ўн уч македониялик турк шоири асарлари (2010) унинг таржимасида босилди.

Сўнгги ўн йилда ҳам Тоҳирбек самарали меҳнат қилди. Унинг таржимасида Али Оқбошнинг “Кўзимдаги сўзлар” шеърлар тўплами (2014), Ҳусайн Ниҳол Отсизнинг икки жилдлик “Кўкбўриларнинг ўлими”, “Кўкбўриларнинг тирилиши” романлари (2015), Дундар Алпнинг “Шарқнинг энг буюк ҳоқони Темур” романи (2018), Аҳад Андижоннинг Оврупода ва Туркияда босилган минг бетли “Туркистон учун кураш” китобининг 1-жилди (2018), Ҳусайн Жовиднинг “Пайғамбар” (2019), Насимийнинг “Жононни севарман” (2019), Фарид Ҳусайннинг “Самарқанд девони” (2019), Саид Азим Ширвонийнинг “Ғазаллар”и (Боку 2020) китоблари босилди. Охирги тўрт китоб Тошкентдаги Озарбайжон Маданият маркази ташаббуси билан нашр қилинди. Шунингдек, ТУРКСОЙ томонидан 2020 йилда Анқарада беш тилда (қозоқ, қирғиз, турк, рус, ўзбек) чоп этилган Муқағали Мақатаевнинг “Кўчаётган сўнгги турналар”, Қўжагелди Қултегиннинг “Ҳовучдаги дунё” китобларининг ўзбекчаси Тоҳир Қаҳҳор қаламига мансуб.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан чоп этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари”, ҳеч шубҳасиз, фақат ватанимиздагина эмас, бутун туркий дунёда катта маданий ҳодиса бўлди. Тоҳирбек дурдоналарнинг турк ва озарбайжон адабиёти намуналарини, хусусан, етти жилдни нашрга тайёрлаб, фидокорона хизмат қилди.

Тоҳир Қаҳҳорнинг бутун ижодидан инсон хурлиги, Ватан, миллат ҳуррияти “қизил ип” бўлиб ўтади. Зотан, шоирнинг ўзи бир шеърда имони ҳуррият эканини ёзган. Тоҳир Қаҳҳорга ўқувчилар қалбини хурлик туйғулари билан ёритишда янги муваффақиятлар тилайман.



**Ортиқбой
АБДУЛЛАЕВ**

Ижоднинг машаққатли йўли

Ёши саксондан ошганда ҳам йигитлик ғайрати билан ижод қилаётган камтарин, заҳматкаш ёзувчи Муҳаммад Салом билан кўп йиллардан буён қўшнимиз. Юнусобод мавзесидаги Ёзувчилар уйининг иккинчи қаватида яшаймиз. Хўжакентдаги дала ҳовлимиз ҳам шундай: фақат ораликда кўча бор, уйларимиз бир-бирига қарама-қарши жойлашган. Шу туфайли тез-тез учрашиб, ҳол-аҳвол сўраб турамиз. У кишининг кўп одатлари, юриш-туриши, қўни-қўшнилар билан муомаласи, бориш-келиши ипидан-игнасиғача таниш: намозни канда қилмайди, маҳалламиздаги катта-кичик тўю тадбирларда барча ишларга бош-қош, маслаҳатчи... Айниқса, мен унинг қатъий қоида билан ишлаши ва дам олиш вақтларини беҳуда ўтказмаслигини ёқтираман. У ҳар куни ўн минг қадам юришим шарт деган қонидани ҳалиғача канда қилган эмас. “Қимирлаган қир ошар” деганларидек, шу туфайли барча ишлари саранжом-сариршта, вақтида ишлайди, вақтида дам олади, вақтида сайр – бадантарбия, боғ ишлари... Бунга ҳаммамиз қойил қоламиз... Ана шу қатъий интизом туфайли у майда-чўйда касалликларни яқинига йўлатмайди, ижодий ишлари самарали, китоблари бирин-кетин чиқиб турибди.

Мен Муҳаммаджон акани бундан кўп йиллар илгари – “Ёш гвардия” нашриётида бўлим мудир бўлиб ишлаётган пайтидан бери биламан. Дастлабки ҳикояларини “Тулдаста” альманахида ўқиган эдим. Аммо бу пайтларда кўпроқ шеърятга қизиққанам ва буюк шоиримиз Мақсуд Шайхзода ижоди бўйича материал тополмай қийналиб, (Шайх ака бегуноҳ қамалган пайтларда нуфузли кутубхоналардан барча асарлари олиб қўйилган, газета-журналларда чиққан ноёб мақолалари эса қирқиб ташланган экан) номзодлик илмий ишини ёзаётганим учун ёзувчимизнинг дастлабки ҳикоя ва қиссаларини ўз вақтида ўқий олмаганман. Тўғрироғи, унинг дастлабки жажжи китобчалари қўлимга тушмаган эди. Мана, бугун биламанки, “Ёш гвардия” нашириётида 1969 – 1984 йилларда “Тошлоқдаги хазина”, “Иқрор”, “Севги тори”, “Довул”, “Мувозанат” номли китобларидан жой олган ҳикоялари ва бир неча қиссалари босилиб чиққан экан. Тўғри, уларнинг ҳаммаси бир хил савияда эмас. Буни қалбан ҳис қилган ёзувчининг ўзи ҳам дастлабки асарлари – ҳикоя ва қиссаларини

***Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди. 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Унинг “Шеърятнинг тиниқ осмони”, “Қалба очилган йўл”, “Туркистоннинг ўтган кунлари”, “Хивани истило қилиниши”, “Она Ватан фидойилари” каби китоблари нашр этилган.*

қайта-қайта ишлашдан – таҳрир қилиш, янги боблар киритиш, қаҳрамонларининг ички кечинмалари, руҳий ҳолатларини янада кенгроқ тасвирлаш, асар сюжети ва конфликтларини чуқурлаштириш, ҳаётийлигини ошириш учун янги деталлар, ёрқин бўёқлар излаб топишдан, асар тилини янада пишитишдан асло эринмаганини кўрамиз. Ана шундай оғир меҳнат – қайта-қайта ишлаш, сайқал бериш туфайли “Довул”, “Мувозанат” киссалари пишиқ-пухта, ўқувчини ўйга толдирадиган, образлари янада ёрқинлашиб, сюжет, конфликтлар янада кучайиб, ҳаётий заминга асосланган янги асарга айланди. Китобхон уларни зерикмасдан, шавқ билан ўқийди.

Таъкидлаш зарурки, ёзувчи талабалик йилларидаёқ ўзига таъсир қилган ҳаётий конфликтлар, ҳаётда рўй бераётган янгиликлар, қувонч ва ташвишларни журналистика тили билан тасвирлашга мойил эди. Самарқанд давлат университетиди ўқиб юрган кезларида вилоят газетасида турли лавҳалар, долзарб, ҳаётий мақолалар ёзиб, матбуотда фаол қатнашиб, қаламини чархлаб олган эди. Шу йилларда бўлажак номдор шоир Барот Бойқобилов охириги курсда ўқир, истеъдодли талабаларни ҳар доим адабий ижодга рағбатлантириб турар эди. Дорилфунундаги яхши ижодий муҳит, Воҳид Абдуллаев, Саъдулла Мирзаев, Нуриддин Шукуров сингари фидойи устозлар истеъдодли ёшларни ҳар доим мустақил ишга, адабий ижодга рағбатлантириб, ижод сирларини кунт билан эгаллашга илҳомлантириб, турар эди. Устозларнинг ишончи ва меҳрини қозонган истеъдодли Муҳаммад Салом дорилфунунни битириши билан вилоят газетасига ишга таклиф этилади. Бу ердаги қайноқ ижодий фаолият ёш ижодкорнинг қалами чархланишига катта ёрдам бергани аниқ. Орадан кўп ўтмай танилиб қолган шоир Барот Бойқобилов, долзарб ҳаётий мақолалар муаллифи Муҳаммад Салом ва тиниб-тинчимас, серғайрат жўшқин шоир Эркин Неъматлар олдинма-кейин Тошкентга ишга келадилар.

Тошкентдаги қайноқ адабий-ижодий муҳит серғайрат ёзувчи Муҳаммаджон аканинг ижод сирларини пухта эгаллашига баракали таъсир кўрсатди. Тинимсиз ўқиб-ўрганиш изланишдан эринмаган рус ва жаҳон адабиётидаги янгиликлардан доимо хабардор бўлган Она диёр тақдири ҳақидаги ўткир мунозараларни ўқиб чиникқан қалби қайноқ ижодкор бирин-кетин “Кечирим”, “Тошлоқдаги хазина”, “Севги тори”, “Иқро”, “Довул”, “Мувозанат”, “Амал ҳавоси”, “Катта хонадон” (тўрт қисм, икки китобдан иборат) романи, икки марта нашр этилди, “Зиндондан нидо” очерк-бадиалар (икки марта нашр этилди) – китобларини эълон қилди. Бу асарларнинг ҳаммаси бугунги кунда севиб ўқилмоқда. Ана шу ҳалол меҳнатлари учун Муҳаммад Салом Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Бу адабий жамоатчиликнинг ўзига хос эътирофи – ёзувчи истеъдодининг тан олинishi эди.

Яқинда ёзувчи асарларини қайта варақлаб ўтирар эканман, диққатимни энг аввало ҳам юмшоқ, ҳам қаттиқ муқовада босилган “Зиндондан нидо” китоби тортди. Унда Муҳаммаджон аканинг адабий-бадиий мақолалари, очерклари ва лавҳалари мушоҳада-мулоҳазалари, бугунги ҳаёт ҳақидаги беором ўйлари жамланган эди. Китобни ўқир эканман, Муҳаммад Салом кўз ўнгимда юраги ниҳоятда дардларга, армонларга тўла куюнчак инсон сифатида – бутунлай янги қиёфада намоён бўлди.

Мен бундан анча йиллар илгари Муҳаммаджон аканинг “Ёшлик” журналида – икки сонда босилган “Бухоро сувлари” очерк-кузатувларини ўқиган ва ёзувчининг тиниқ тасвири, аччиқ мулоҳазалари, дадиллиги, ҳаётий муаммоларни ечишдаги теран ва дадил мушоҳадаларига қойил қолган эдим. Мана, орадан ўттиз йил вақт ўтди, мустақилликка эришдик, юртимизда буюк ўзгаришлар юз бермоқда. Олам, одамлар ўзгарди.

Мустабид Шўро йилларида ўзбек диёрига – дала меҳнаткашларига катта мусибатлар келтирган пахта якка ҳокимлигининг оғир оқибатлари ҳақида рўй-

рост гапириш, очиқчасига ёзиш мумкин эмас эди. Ҳатто Республика раҳбарлари ҳамюртларимиз бошига бало бўлиб ёғилаётган қабоҳатлар ҳақида бирон-бир анжуманда гапириш ёки матбуотда бирон сатр ёзиши мумкин эмас эди. Абдулла Қаҳҳор дадиллик билан ёзган ўзбек деҳқонлари, айниқса, хотин-қизларнинг пахта далаларида чидаб бўлмайдиган даражадаги оғир меҳнати қуюнчаклик билан очиб берилган “Хуснбузар” мақоласи ёки кейинчилик тузумининг инқирозига айланган порахўрлик иллоти фош этилган.

“Тобутдан товуш” драмаси устидаги машмашалар катта авлод ижодкорларига яхши маълум. Касалманд адибнинг ноҳақ танқидлар туфайли кўп изтироблар чеккани ва қанд касаллиги ниҳоятда кучайиб, бевақт вафот этганини ҳамма билади.

Ўша йилларда Москванинг талаби билан тинимсиз кўпайтириб борилаётган пахта яккаҳокимчилиги, айниқса, Орол денгизига сув етказиб берадиган Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Зарафшон дарёларининг табиий ўзани пахта яккаҳокимлиги оқибатида якка-ю ягона денгизимиз сувга зор, ташна бўлиб, даҳшатли ҳалоқатга юз тутди.

Шу йилнинг апрель ойида “Аргументы и факты” газетасида 2022 йил 7-сонида таниқли журналист Георгий Зотовнинг “Куда уходит море? Исчезнет ли Черное, как пропало Аральское?” деб номланган катта мақоласи босилди. У ўта қуюнчаклик билан ёзилган эди. Мақолани ўқиган ҳар қандай одам бир вақтлар мавжланиб турган мовий денгиз бўлган, улкан кемалар қатнайдиган, балиқчилик саноати ривожланган, бутун эса қум босган Орол денгизи – Оролқумнинг тақдирига ачинмай иложи йўқ. Уни ким бу аҳволга солди! Бунга Совет бюрократик раҳбарлари ва уларнинг Ўзбекистондаги тил-забонсиз муте ижрочилари айбдор эмасми? Ана шу фикрлар юрагимни эзиб турганда мана шу мақоладаги яна бир мисол мени ўртаб юборди. Муаллифнинг ёзишича, қуриётган денгиз сувларини яна бутунлай бошқа ёқларга олиб кетиш учун қазилган улкан канал излари бугун аниқ-тиниқ кўзга ташланиб турар экан. Қум тепалари орасида ғойиб бўлиб кетадиган бу ғалати иншоот Орол сувларини яна қаёққа олиб борган? Балки биз билмайдиган хуфиёна йўллар билан сув космодромга олиб борилгандир! Ўлганнинг устига тепган деганлари шу эмасми? Хуллас, у бўлди, бу бўлди – биз Оролдан ажралдик.

Асосий мавзудан анча чалғиб кетдик. Муҳаммад Саломнинг қуюнчаклик ва дард билан ёзилган “Бухоро сувлари” очерки баҳонасида сув муаммолари ҳақида тилимизнинг учиди турган анча-мунча гаплар билан ўртоқлашдик ҳам. Адиб 1988 йил апрель ойида ёзилган ана шу дард ва ҳаётбахш ўйларга, орзу-умидларга тўла асарини анча маънос ўйлар билан тугатган эди. “Ярим шод, ярим маънос, аммо қандайдир илинж билан йўлга тушдик. Бироқ бирпасда баҳор ҳам ўтиб кетди. Зарафшонни яна йўқотдик. Аму ҳамон кишанда, табиат хануз мажруҳ. У одамларнинг ўзидан нажот кутяпти. Бутун қурраимиз мададга муҳтож...”

Ёзувчи ичимлик сувларининг айнан бугунги аҳволи ҳақида ҳам аламли ўйларга берилади. Бу борада аҳвол кун сайин ёмонлашиб кетаётгани ҳақида кўпдан-кўп мисоллар келтириб, безовта ўйларини очиқчасига айтади ва ўқувчи билан юракдан дардлашади, уни мушоҳадага, фаолиятга чорлайди.

Умуман, “Зулматдан нидо” китобида тилга олинган масалаларнинг барчаси долзарб. Улар ҳаммамизнинг дилимизни безовта қилаётган, тилимизнинг учиди турган аччиқ дардлар тугунига бориб боғланади. Биз қуюнчак ёзувчининг беором ўйларига дарддош бўлиб қолганимизни, у тилга олган муаммолар кўпдан бери бизни ҳам безовта қилиб, кўнглимизнинг бир чеккасида тугун бўлиб ётганини дил-дилдан ҳис қила бошлаймиз. Бу тугунларни осонлик билан ечиб бўлмаслигини чуқур ҳис этиб аччиқ хўрсинамиз. Мана шу ҳолатнинг ўзи ёзувчимизнинг публицист сифатида ҳам муаммоларни чуқур ҳис этадиган маҳорат босқичига кўтарила олганидан далолат беради. Бунини “Зиндондан нидо” тўпламига кирган бадий очерк ва ҳаётий лавҳаларда кўриб завкланамиз.

Тўплам бешта қисмдан (“Оғрик”, “Вақтинг кетди – бахтинг кетди” ва ҳақозолардан иборат). Уларнинг ҳаммаси ўқувчини оғир ўйга толдирадиган, ҳаётдаги турли-туман ўзгаришлар, янгилашниш палласидаги қийинчиликлар, руҳий тебранишлар ҳақида ҳикоя қилади. Бу хилма-хил туйғулар ёзувчининг синчков кузатувлари, қиёсий мулоҳазалари орқали жонланади ва ўқувчи – китобхоннинг қалбига, шуурига кириб боради. Ўқувчини гоҳ қувончли ҳам оғир ўйлар, оғир ҳаёлларга толдиради. Биз китобхонлар ёзувчининг синчков нигоҳи, мушоҳадаларга бой ҳаётини кузатувларидан ҳам завқланамиз, ҳам оғир ўйларга толиб, куюнчак ёзувчи билан бирга беором ҳаёллар гирдобига ботиб кетамиз. Бундай тасвир маҳоратига эришиш учун муаллиф жуда катта ва оғир ижод машаққатларини енгиб ўтганини дилдан ҳис қилиб, унинг меҳнаткашлигига қойил қоламиз. Умуман, Муҳаммад Саломнинг бадиаларида ёзувчи-муаллиф образи анча кенг кўламда намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапиришга ҳозир имконимиз йўқ. Умуман, у ўз бадиаларида халқнинг тили учидан турган муаммолар, йиллар давомида ечимини топа олмаётган оғир жумбоқлар ҳақида куюнчаклик билан гапиради. Масалан, буни ёзувчи ўйлари тарзида ёзилган, аламли дардлар, аччиқ ўйларга тўла “Агар сен ёнмасанг” бадиасида аниқ-равшан кўрамиз.

Муҳаммад Салом бу эсседа ўтган давр ҳақида дард, алам билан гапиради. Унда ёзувчи халқни безовта қилаётган муаммоларни машҳур депутат билан бўлиб ўтган бир суҳбат баҳонасида тилга олади: “У кишига вазиятни тушунтирсангиз... Ёки сўзга чиққанингизда халқ вакилларига ҳамма гапни айтсангиз... Халқнинг улуғ вакили чуқур хўрсинди, ҳаёлимда бу хўрсиниқ нафасига гугурт чақса, ёнадигандай. Қалтис фикр айтганимдан ноқулай ҳолга тушдим. Шундай эса-да, энди чекинолмас эдим:

– Обрўйингиз жуда баланд: вакиллар ҳам, халқ ҳам сизга эргашади...

– Буни ҳеч иложи йўқ, Муҳаммаджон, – деди у паст овозда.

– Нимага? Сиздай одам...

– Бунақа гапни ҳеч ким айта олмайди. Фақат бир киши ҳаммага айтади... Биз мажлисда айтадиган гаплар ҳам ўзимизга ёзиб берилади. Уни ўқиб берамиз, холос. Ундан ортиғига ўтолмаймиз.

– “Келажакимиз порлоқ экан”, – деб шивирладим ўзимча”.

Мана, ўша йиллардаги фожианинг илдизлари қаерда экан!

Энди замон ўзгарди. Ёзувчи бу ҳақда ҳам ҳаяжон билан гапиради: “Диёримизда “сара уруғлар” тўхтовсиз сепиляпти. Дастлабки уруғлар униб чиқяпти, гуркираяпти, ҳосил беряпти. Ҳали уйғонмаганлари ҳам жуда кўп. “Туриллаб ўсаяпти” деб ҳисоботга тиркалгани ҳам, балки йўқ эмасдир. Ҳаммасини тезроқ, ростокамига ундириш, ҳосилга индириш зарур! Бунинг учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, Улуғ деҳқонга камарбаста, ҳамқору ҳамнафас, юртга фидойи бўлсақкина олий мақсадга эришамиз. Йўқ эса сара улуғлар беҳуда кетади, тақирликда қовжирайди. Бунга бефарқ бўлиш мумкин эмас! Ахир:

*Сен ёнмасанг,
Мен ёнмасам,
Унда ким ёритар
Бу қаро тунни?!*

Муҳаммад Саломнинг деярли ҳамма бадиалари мана шундай юракдан чиққан. Самимий. Улар қалбларни поклаш учун камарбаста бўлиб хизмат қилади. Муҳаммаджон ака “Мавжли дарё” бадиасида фидокор инсон, ҳалол раҳбар, халқпарвар, Иванов ва Гдлян бошлиқ муртадлар қўлида ноҳақ, айбсиз айбдор бўлиб кўп азият чеккан, ниҳоят адолат тантана қилиб, биринчилар қаторида оқланиб чиққан Назир Ражабов ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади.

Мен бу бадида ёзилган Хўжакентдаги дала ҳовлилар ва унинг собиқ раисига боғлиқ бир маълумотни ўқиб хайратда қолдим. У Назир ака дала ҳовлига хайрия сифатида берган 300 сўм (у пайтларда бу катта маблағ эди) пулни ҳам ўз жиғилдонига жойлаб, сувдан қуруқ чиқиб кетган экан. Мен мазкур ширкатнинг фаол аъзоси бўлсам-да, бу қаллоблик ҳақида эшитмаган эканман. Одамзод ҳам сут эмган банда-да, бўлмаса, келиб-келиб хайрия учун берилган омонат пулга кўз олайтирадими бу нонкўр?

Муҳаммаджон ака минг бир истиҳола билан қаламга олган бу ҳодиса, барибир, мени каттиқ ранжитди.

“Зиндондан нидо” бадиаси тўпламдаги энг таъсирли йирик салмоқли асар. Унда ўзбек диёрига – Ўзбекистонимизга жуда катта жароҳат етказган уюшган тўданинг қонхўр кирдикорлари таъсирли лавҳаларда (муаллиф уларни “ўлим камерасидаги суҳбатлар ва ўйлар” деб атайди) катта жасорат билан фош этилади. Москва томонидан пухта ўйлаб режалаштирилган бу катта қаллобликнинг илдизлари ҳақида ёзувчи дадиллик билан тўғри мулоҳаза юритади.

Куюнчак ёзувчининг “Капралактам” бадиаси ҳам катта дард ва эҳтирос билан ёзилган. У Чирчиқ шаҳридаги битта йирик саноат корхонаси – капралактамнинг Қибрай, Бўстонлик туманлари, Тошкент атрофидаги боғларга ҳатто анча узокликдаги Хўжакент, Хумсон қишлоқларига катта зарар етказаётгани ҳақида ҳам куюнчақлик билан ёзилган.

Бундай қараганимизда ҳамма нарса жойида, айрим иллатлар, камчиликлар тузатишмоқда, анча-мунча порахўрлар муносиб жазосини олди ва олмоқда. Ҳалоллик, ишчанлик муҳити ҳаётимизни поклантираётганидан ҳаммамиз хурсандмиз. Шунга қарамай, Чирчиқдаги зарарли заводнинг чиқиндилари ҳавони, атроф-муҳитни булғатиб, шу кунгача ширин-шакар меваларни етказиб келган боғларга зарар етказаётган экан, кўра-била туриб, бу иллатни кўпчилик бўлиб йўқотиш ўрнига, индамай дамимизни ичимизга ютиб юраверишимиз ҳам катта масъулиятсизлик эмасми?

Агар кўпчилик масалани кўндаланг қўйиб катта масъулиятли ташкилотларнинг раҳбарларига ҳаво ва атроф-муҳитга зарар етказаётган мазкур заводнинг зарарли ишларини айта олсак, унга ўз ташвишларимиз, безовталигимизни етказа олсак, нахотки улар бу эзгу ишга лоқайдлик билан қараса? Фикри ожизимча, мутасадди раҳбарлар масалага муносиб баҳо бериб, фойдали, адолатли ҳукм чиқаришига мен қаттиқ ишонаман. Муҳаммад Саломнинг қуйидаги мулоҳазаларига эса тўла кўшиламан:

“Балки, Чирчиқ капралактамчилари ҳам боғлар, одамлар тақдирига лоқайдликдан, қайсарликдан воз кечиб неқбинлик йўлидан, мурсояю мадора сўқмоқларидан юрсалар, ёмон бўлмасмиди?” Мен ҳам шундай бўлишига қаттиқ ишонаман.

Ёзувчи “Амал ҳавоси”да ҳаётий тўқнашув, драматик ҳолатларга бой, қизиқарли сюжетлар ярата олгани учун асар завқ, мароқ билан ўқилади.

Янги асари ўқувчиларга маъқул бўлганидан илҳомланган Муҳаммаджон ака яна бир улкан чўққини забт этишга киришди.

Муҳаммаджон ака янги асарининг туғилиши ҳақида шундай хотирлайди: “Етмишинчи йилларнинг охирида бир мавзу тинчимни йўқотди: туман етакчиси, шаклланиш; камол топиш ва таназзул. Ҳалокатнинг илдизлари...”

Бу вақтларда палон жойдаги палон раис, палон райком секретари бунча бойлик йиғибди, халқ мулкани талон-тарож қилибди, одамларга зуғум ўтказибди, бунча муддатга қамалибди, деган гаплар қулоққа чалиниб қоларди. Бундан ташқари, босар-тусарини билмай, хурмача қилиқлар қилиб юрган баъзи амалдорларни ҳам кўриб турардим.

Кўп мушоҳадалардан кейин, ниҳоят, “Таназзул” деб номланган романни ёзишга киришдим. Бошда иш юришди: бир неча бобни эшитганим воқеалар асосида “қотириб”

ташладим. Бирок, навбатдаги бобда тақа-тақ тўхтаб қолдим. Негаки, бош қаҳрамон ҳаракатланадиган майдонни райкомнинг ички ҳаётини, “ваҳимали” мажлисларини, ходимларнинг ўзаро муносабатларини деярли билмас эканман”. Шундан кейин ёзувчи ўзига аввалдан таниш бўлган райкомнинг янги раҳбари Салим Раҳимов билан учрашади. Унинг рухсати билан райкомдаги иш жараёни, бюро мажлислари, турли-туман тақдирлар, чўл зоналарини ўзлаштириб пахта етиштириш ва уни териб олишдаги қийинчиликларни, шўр сувларни ювишдаги оддий меҳнаткашларнинг заҳматли меҳнат жараёнларини, “фавкулудда дадиллик, фавкулудда жасорат”ларни кўради. Бу “жасорат”лар қаторида асарда мактаб ўқувчиларини сув текинга (пахтанинг бир килосига 3,5 тийинга) мажбур қилиб ишлатишдек зўравонликни ҳам қўшсак ёзувчи нақадар оғир ҳаёллар гирдобиди қийналганини тасаввур қилишимиз мумкин.

Хуллас, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш орқали ёзувчи романда ўзбек деҳқони нақадар оғир ҳаёт кечириши ва янада оғир меҳнат қилиб, роҳатини ўзи кўрмай яшашга мажбур этилганини юракдан ҳис қилиб, дил-дилдан куюниб ёзганига гувоҳ бўламиз. Келгинди текинхўрлар бунга ҳам қаноатланмай “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” сингари уйдирмаларни ўйлаб топиб, халқимизнинг энг тоза, беғубор одамлари бошига мислсиз кулфатлар ёғдиргани, азоб-уқубатларга гирифтор этгани ҳақидаги аччиқ ҳақиқатлар ёзувчининг бадиаларида (“Сабр-бардош тимсоли”, “Зиндондан нидо”) шафқатсиз ҳаққонийлик билан фош этилганига гувоҳ бўламиз.

Хуллас, Муҳаммад Саломнинг ўта жонкуярлик билан ёзилган, бадиалари – куюнчак диломалари ҳар қандай ўқувчи қалбини ларзага солади. Уларда ҳаёт ҳақиқатлари ростгўйлик билан умумлаштирилган.

Ёзувчи 2014 йилда икки катта қисмдан иборат “Катта хонадон” романини эълон қилди. Кўп фарзандли ўзбек хонадонининг турмуш тарзи, қувонч ва ташвишларга тўла одатий ҳаёти меҳр билан тасвирланган бу роман-дилогияни ўқувчилар жуда яхши кутиб олдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган роман тақдиротида таниқли шоир ва ёзувчилар: Жамол Камол, Нурали Қобул, Сирожиддин Рауф, Шарифа Салимова, Дилбар Саидова ва бошқалар, Умарали Норматов, Қозокбой Йўлдошев, Сайди Умиров, Сувон Мели каби таниқли олимлар “Катта хонадон” роман-дилогиясига юқори баҳо бердилар. Асар шу йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик” танлови ғолиби сифатида тақдирланди. Ўқувчилар меҳрига сазовор бўлган асар 2020 йилда қайта нашр этилди. Бир сўз билан айтсак, роман адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Янги нашрда Қозокбой Йўлдошев, Маҳкам Маҳмудов, Адҳамбек Алимбековлар мазмундор мақолаларида мазкур романни чуқур таҳлил қилиб бердилар. Биз бу асарда меҳр билан тасвирланган катта хонадон аъзолари – ҳали каттиқ турмуш машаққатларини татиб кўрмаган ёшгина ниҳол Ҳилоланинг серғалва ҳаёт йўли билан танишамиз. Унинг меҳрибон ота-онаси, акалари, опалари, келинйилари – хуллас, ранг-баранг бўёқларда чизилган, бири иккинчисини тақрорламайдиган ҳаётини қисматлари, тақдирлари билан танишамиз. Катта ака, заҳматкаш, ҳалол олим Нуриддин, кекса ота-она, ака-укаларнинг гоҳ ширин, гоҳ аччиқ қисматлари кўз ўнгимизда бирма-бир жонланади. “Катта хонадон”даги бири-бирини тақрорламайдиган турли-туман, гоҳ ширин, гоҳ аччиқ турмуш тарзи билан танишамиз.

Мазкур катта романдаги ранг-баранг образлар, асарда қаҳрамонлар нутқидаги Бухоро шеvasига хос ёрқин хусусиятлар, фазилатлар, ўзига хос товланишлар тасвири катта танқидчи-адабиётшунослар Қозокбой Йўлдошев, Маҳкам Маҳмудов, Адҳамбек Алимбековлар томондан яхши ёритилганини ҳам алоҳида таъкидлаймиз. Улар романдаги образларга хос фазилатларни яхши очиб берганлар.



Махмуд РАЖАБ

Сарагул

Ҳикоя



Қишлоқнинг эркаси, одамларнинг эрмаги бўлиб қолган Мўммитой мактабга борганида бу йил 5-синфда ўқиб юрган бўларди. Тенгқурлари орасида хийла гавдали бўлганидан уни кўрган одам олтинчи ё еттинчи синф ўқувчиси деб ўйлаши шубҳасиз. Лекин ҳамма уни беш-олти яшар бола ўрнида кўрарди. Мўммитой ҳаммага бир хилда, маъносиз қараб турар, чамаси ҳаммадан бир хил яхши гап кутарди. Одамлар унинг энг яқин кишиси каби чиройли, ёқимли ва юмшоқ сўзлар айтиб, кўнглини янада хушлар, аслида ҳеч кимнинг у билан дўстлашгиси, ўртоқлашгиси келмасди. Шундай катта қишлоқдан унинг ёнида ўйнайдиган биронта бола топилмади. Балки Мўммитойнинг ўзи болаларга қўшила олмагандир.

Отаси Нурмамат ака ўғлининг аҳволига кўникиб, тақдирга тан берган бўлса-да, ундаги ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатар, одамларнинг уни эркалатишлари ва унга у-бу нарсга ҳадя қилишларидан оғринар, лекин соппа-соғ жигарбандини биронта табиб ёки дўхтирга кўрсатишни ҳам ўзига эп кўрмасди.

Мўммитой ишчан эди. Ҳар куни эрталаб каттакон қозонда молларга ем пиширар, молхонани тозалаб, нишхўрдларни кичик-кичик қилиб боғлаб бостирма-чертақ устига тахлаб қўярди. Сўйлаган гаплари ёш болаларникига, қилган ишлари эса катталарникига ўхшарди. Бузоқнинг тумшуги ва бўйнига мослаб нўқта солиши ёки супургини ихчам, чиройли қилиб боғлаши одамнинг ақлини лол қолдирарди. Қайси молнинг қандай хашакни хуш кўриши-ю, кучукнинг нималарга иштаҳаси баландлигини яхши биларди.

Мўммитой ёшлигидан келин тўйларни кўришга ишқибоз эди. Пуфаклар ва турли рангдаги ленталар билан безатилган машинани узокдан таниб, шодлиги ичига сиғмай “Ана келин мошин” деб қичқирар, уйига югуриб кириб, ҳаммани кўчага чиқишга ундаб, келин мошинни кўролмай қолганларга ачинарди.

Тўй бўлаётган хонадонга эрталабдан бориб олар, ҳамма ишларга аралашгиси келар, лекин ҳеч ким унга иш буюрмас, ҳар ким ҳар хил яхши гаплар айтиб, уни тўйхонанинг арзандасига айлантитарди. Ўзи гапирса ҳам, биров гапирса ҳам,

Махмуд РАЖАБ – 1963 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини (ҳозирги БДУПИ) тамомлаган. Унинг “Дард мавсуми”, “Кўзлардаги кўзгу”, “Ойкокил”, рус тилида “Застенчивый месяц” шеърый китоблари, “Шанги” рисоласи, “Сарагул” ҳикоялар тўплами нашр этилган.

жиддий гапми, ҳазилми, унга фарқи йўк, у кулишдан бошқасини билмасди. Унинг юрагида тўлиб турган қувонч ҳар қандай гапдан тўлқин ҳосил қилиб лабларидан тўкиларди. У ичидан қайнаб отилаётган кулгини жиловлашга ҳаракат ҳам қилмасди. У ҳеч қачон тўйларда ўйнаш учун ўртага чиқиб қўлини кўтармаган эса-да, даврани тўлдириб ўйнаётганларга қараб завқланар, ҳаракатлари мусиқа оҳангларига мос тушмаса-да ўзича яйраб-яшнаб товланаётганлардан кўзларини узолмас, оғзи қулоғидан бери келмасди. Каттароқ ёшдаги шўх-шаддод кизлар уни қўлидан тортиб ўйнашга мажбур қилар, у ҳам ўйнашни истар, лекин ичидаги аллақандай куч бунга йўл бермас, фақат берилиб қарсак чалишдан нарига ўтолмасди.

Тўйларда келин қаерда бўлса Мўммитой шу ерда ҳозир у нозир эди. Машинадан тушганидан бошлаб, то ётоғига кириб кетгунича келиннинг изидан эргашиб юрадиган бир тўда болалар орасидан ҳамманинг кўзи негадир фақат Мўммитойни кўрарди. “Мўммитой, сенга ҳам худди шундай келин олиб берайликми?” “Эндиги тўй Муммитойники”, дея тегажоглик қиларди ҳазилкаш аёллар.

Келин-куёвларни ётоғигача кузатиб қўйиб, қайтиб чиқаётган келиннинг дугоналари кўзларини сузган ҳолда:

– Мўммитой, мени оласанми?

– Нар и тур-е, унга мен тегмоқчиман!

– Икковинг ҳам йўқол. Мўммитой менга уйланади, – дейишарди бир-бирларини итаришиб кайфиятлари меъёридан ошиб кетганида.

Бундай гаплар Мўммитойга ҳам хуш ёқарди. Қизиқиши ортиб бир неча марта келиннинг этагини босиб ҳам олди. Ҳазилкаш кизларнинг ичида Сарагул исмли бир киз бор эди. Уни ҳазилкаш деб ҳам бўлмасди. У фақат Мўммитой билан ҳазиллашар, ҳазилларини жиддий киёфада изҳор этарди. Сарагулнинг ҳазили билан чинини фарқлаш қийин эди.

Синфдош дугоналарининг барчаси турмушга чиқиб кетганидан кейин ёлғизлигини тобора кўпроқ сеза бошлаган Сарагул кўнгилчан ва одамови бўлиб қолди. Навбатдаги тўйда у Мўммитойни бир стакан семичка билан сийлади. Одатда ҳамма тўйларда Мўммитойнинг чўнтаклари совға-саломларга тўлиб кетар, қулоқларига қуйилаётган мақтовлар оғзига солиб чайнаётган ширинликдан тотлироқ бўларди. Аммо Сарагулнинг бир оғиз сўз айтмасдан алоҳида бир меҳр билан чўнтагига қўйиб кетган ҳадяси ҳаммасини босиб кетди. Мўммитойга ҳали ҳеч ким индамасдан совға берган эмасди. Чўнтагидаги семичканинг қобиғи ичига яширинган жимлик Сарагулнинг жимлигига ҳамоҳанг эди. Сарагул берган совғада аллақандай сеҳр ва очилмас сир бордай туюлди. Семичка қобиғини тезроқ очиб, мағзини егиси келди. Чўнтагига кирган заҳоти қўлида титроқ пайдо бўлди. Ҳозиргина Сарагулнинг қўли худди шу чўнтакка кириб чиққанини ва унинг қўллари нақадар ёқимли ва мулоим эканидан чўнтаги ичида ҳузурбахш бир илиқлик пайдо қилиб кетганини ҳис қилди. Чўнтагига солар экан, Мўммитойнинг қўли ҳам шу илиқликдан баҳраманд бўлди ва ушбу илиқлик аста-секин юқорига ўрлаб бир зумда бутун вужудини қамраб олди. Тасодифан қўлига илинган семичка донасини оғзига солиб, тили билан айлантириб тишлари орасига қўйди-да “қирс” эткизиб чақди ва тезда туфлаб ташлади. Мағзи пуч экан... Йўк, аслида мағзи тўқ бўлгану қурт еб, ичига чирик тушган экан. Шунақанги аччиқ экан-ки, кўнгли беҳузур бўлиб қайта ва қайта туфлади.

Мўммитой Сарагулга семичка сотган хотинни ёмон кўриб қолди. Оёғида елим кавуш, белига алдикча боғлаб олган қорапаранг ориқ хотин Мўммитойда ёмон таассурот қолдирган одамларнинг биринчиси бўлди.

Ёзининг иссиғи авжига чиққан кунларнинг бирида Нурмамат аканинг хонадонида киз фарзанд йўқлигидан йўлга сув сепаетган Мўммитой, сариқ рангли ҳарир кўйлақда ял-ял ёниб келаетган Сарагулга кўзи тушиб, сув тўла челақни ушлаганча турган ерида котиб қолди. Челақнинг тешигидан сизиб оққан сув болақайнинг оёқларига тушиб, кавушининг тагидаги тупроқни лойга айлантирди.

– Укагинам, нима қилиб турибсан? Қани челақни менга бер. Йўлга сув сепишни ким кўйибди сенга, – деди-да суви яримлаб қолган челақни Мўммитойнинг қўлидан олиб олиб, эпчиллик билан бир пасдаёқ йўлни буткул шалаббо қилиб ташлади. Ишни тугатиб йўл четидаги ариқдан қўл-оёқларини юваётган Сарагулга эшиқдан бошини чиқариб қараган Мўммитойнинг онаси Жамила хола кулимсираб деди:

– Уйимизга сенга ўхшаган биттаси керак бўлиб турганди. Ўз оёғинг билан келибсан. Қани уйга кир. Сенга чой дамлаб бераман. Ё чойни ўзинг менга дамлаб берасанми? Уй ишлари билан ҳозирдан танишиб олсанг, тўйдан сўнг қийналиб юрмасдинг. Мўммитойнинг акаси ҳарбийдан келган куниёқ тўйни бошлаб юборамиз.

– Ўғлингиз ҳарбийдан келаман деганча отам мени аллакимларга узатиб юборади. Ундан кўра манави Мўммитойнингизга олиб қўя қолинг. Йўқса мендай киздан қуруқ қоласиз.

Сарагул таклиф қилинаётган йигитдан чамаси тўрт-беш ёшлар катта бўлиб, аёлнинг сўзлари унга қаттиқ ботгани сабаб, унинг жавобидаги кесатикни Нурмамат аканинг фаросатсиз хотини тушуниб етмади.

Бир оёғини чала ювиб, иккинчисини ювишга ҳали улгурмаган Сарагул кавушини қўлига олган кўйи тез-тез юриб, ушбу ёқимсиз аёлнинг уйидан узоклашиб кетди.

Мўммитой ишонувчан эди. Шу воқеадан кейин унинг ўй-хаёли буткул Сарагулда бўлиб қолди. У Сарагулни ҳаммадан қизғанар, одамлар у ҳақда бирон нолойиқ гап айтса асабийлашар, энг ёмони, Сарагулларникига совчиликка боришни ҳар кун отасидан илтимос қилиб, уни бошқа биров келин қилиб олиб кетиши хавфи борлигини отасига қайта ва қайта уқтирарди. Нурмамат ака кўнгли ярим ўғлига нима дейишини билолмай ичдан эзилиб, “Хўп ўғлим, хўп” дейишдан бошқа гап тополмасди.

Мўммитой ўқишни билмаса-да тўй давраси тўрига осилган гиламдаги ғаройиб ёзув келин-куёвларнинг исмлари эканлигини яхши англади. Сарагул билан ўзининг исми гиламда осилиб туришини жуда-жуда хоҳларди. У кейинги пайтларда бошқача бўлиб қолганди. Авваллари доим кулиб юрар, ҳеч кимдан хафа ёки норози эмасди. Энди бўлса салгинага жаҳли чиқар, баъзан ўзи билан ўзи гаплашар ва уни тез-тез ўй босарди. У ким кўринса ўзининг тўйига ўзи айтадиган одат чиқарган эди.

“Нурмамат аканинг уйига Сарагулнинг ўзи борганмиш. Аввал Мўммитойнинг акаси билан гаплашиб юрган эканмишу, у ҳарбийга кетгач, укасига қолганмиш”, қабилидаги миш-мишлар ҳаммаёққа тарқалди. Миш-мишлар зарпечакка ўхшаб, илдизи бўлмаса ҳам қишлоқдаги барча одамларнинг фикр дарахтига чирмашиб олди.

...Миш-мишларнинг уяси Жамила холанинг бузуқ оғзи эди. Унинг Сарагул тўғрисида ўйламай-нетмай айтиб юрган барча гапларига қўшни хотинлар яхшилаб ишлов бериб, бир-бирларига тезроқ етказиш учун оёқларини қўлларига олиб югурдилар.

Сарагул энди кўчага чиқа олмасди. Бир ҳафтадан бери уйига қамалиб олган бечора киз уч кундан бери туз тотмас, кечадан буён иссиғи тушмай, қишлоқ шифокори

берган дорилар унга сира кор қилмаётганди. Уни “Тез ёрдам” машинасида шаҳар касалхонасига олиб кетишди ва у ерда тезда оёққа турган Сарагул эртасигаёқ уйига қайтишга шошилди. Унинг касалхонада узоқ қолиб кетиши миш-мишларни янада авж олдириши мумкин эди. Сирдош дугонасининг айтган гаплари кулоқларидан асло кетмасди: “Бўй етган қизларнинг касалланишга ҳақлари йўқ. Улар ҳамманинг кўз остида турадилар. Сени кўролмайдиганлар пашша чақса, туя тишлабди, деб гап тарқатишади. Касаллансанг ҳам яширинча даволанишга мажбурсан. Акс ҳолда совчилар эшигингга яқин йўламайди. Ҳозир ҳамма биринчи навбатди бўлғуси келиннинг соғлиги билан қизиқади”.

Уйига келиб олган ва анча ўзига келиб қолган Сарагул ниҳоят остона ҳатлаб кўчага чиқди.

Бу орада Мўммитойнинг ҳаётида ҳам шундай воқеалар бўлиб ўтди:

...Сумкаларини елкаларига осганча кўчани тўлдириб мактабдан қайтаётган болалар Мўммитойнинг жиғига тегишди:

– Мўммитой, манави Шемми сенинг Сарангни оламан деб юрибди.

– Сара дема, Сарагул де, бўлмаса ҳозир сени... – хезланди Мўммитой.

– Мўммитой, ҳали хабаринг йўқми, Сарагулнинг тўйи бўлди. Уни кап-катта семиз киши қора “Нексия”сига миндириб олиб кетди...

Болалар ҳар куни шу зайлда чуғурлашиб, катталар ўйлаб тополмайдиган бўлмағур гапларни айтиб қочар, ғазабланган Мўммитой эса уларни қувлар, кесак ахтариб атрофга аланглар, қўлига илинган нарсани уларга қараб отарди.

Мўммитой йил ва ойларнинг ҳисобини билмаса-да фаслларни ва ҳафтада бир марта бозор келишини билар эди. Одамлар ундан, “Тўй қачон?” деб сўрасалар, отасидан эшитгани “Бозордан сўнг” деган жавобни айтарди.

Эрталаб ҳамма бозорга ошиқаётган кунларда Мўммитой отасини қистовга оларди. Отаси унга:

– Бугун кичкина бозор, сенинг тўйинг эса катта бозор келгандан сўнг бўлади, – деб таскин берарди. Мўммитой чоршанба бозори билан якшанба бозорининг фарқини билмасди.

Бозор куни эди. Нурмадат аканинг уйи олдида қора “Нексия” келиб тўхтади ва ундан семиз бир киши тушиб, қўшниларикига кириб кетди. Буни кўриб турган Мўммитой ўзи дасталаган болтани олиб чиқиб “Нексия” томон йўналди. У ариқдан ҳатлаган заҳоти қандайдир кучли қўллар уни тутиб қолди ва болтани ундан тортиб олди. Бу Нурмадат ака эди.

Семиз одам қайтиб келиб машинага ўтирди. “Нексия” бир силкинди-ю, шитоб билан олдинга интилди.

– Нима гап? – деб сўради Нурмадат ака ҳалиги семиз кишини кузатиб қолган қўшнисидан.

– Сарагулни сўраб келибди. Уни танийман. Ўзи фермер. Бир ой бурун хотини ўлган эди.

...Сарагулнинг уйига одам сиғмайди. Эртага унинг тўйи. Узатилаётган қизнинг “дугоналар давраси”ни тўйдан бир кун олдин тантанали қилиб кўчада ўтказиш аллақачон қишлоқнинг бузилмас қонунига айланиб улгурган эди.

Анчадан буён Сарагулнинг соғлиги жойида эмасди. Тўй куни яқинлашган сайин аҳволи оғирлашаётганди. Кечаси билан алаҳлаб чиқиб, бугун эрталаб ўрнидан тура олмай қолди. Тўйни бошқа кунга қолдиришни отасидан илтимос қилиб кўрди, лекин марҳум онасини тушида кўргангани айта олмади. Отаси тўйнинг ҳаммага эълон

килинганини, энди уни тўхтатишнинг иложи йўқлигини айтиб, қизини бардошли бўлишга чақирди. Даврага чиқиш олдидан қишлоқ шифокори Сарагулнинг томирига осма укол қўйди. Сарагул бор кучини тўплаб, ҳеч кимга суянмасдан, оломоннинг гала-ғовури орасидан қизлар давраси томон аста юриб чиқди.

Одамлар Сарагулнинг тўйини тўйга ўхшатишга қанча уринмасин, уларнинг ҳар бир гапи тўйни азага айлантириб қўяверди. Қўшиқларнинг ҳаммаси бахтсиз ёки беҳаё қиз ҳақида эканлигига шу пайтгача ҳеч ким эътибор бермаган экан. Ижро қилинаётган қўшиқларнинг сўзлари айнан Сарагул учун ёзилганга ўхшар, ундаги маъносиз сўзлар ҳам тескари маъно касб этиб ҳамманинг юрагини доғлади. Ҳамма тўйларда олқишланиб келинаётган баъзи қўшиқларнинг уятли маъноси негадир бугун аён бўлгандай эди. Бундай қўшиқларга ракс тушмадилар. Сарагул ҳақдаги миш-мишлардан беҳабар ашулачи шоввозлар микрофоннинг овозини баланд қўйиб, оғзига келган беҳаё сўзларни қўшиқ қилиб, Сарагулнинг юрак-бағрини тилка-пора қилиб юборишди. Кечагина Сарагул ҳақдаги миш-мишларни бол томизиб сўйлаган бурро тиллар, бугун унинг шаънига айтиш учун чиройли сўзлар тополмай дудукландилар. Уларнинг ўз айбларини ёпиш илинжида айтган ҳар бир сўзи эски ярани тирнаб юбораверди. “Сарагул қишлоғимизнинг фахри. Бундай ажойиб покиза қиз ҳеч қаерда йўқ”, деб уни кўкларга қўтармоқчи бўлиб айтилган гаплардан Сарагул ерга кириб кетгудек бўлди. Сўзга чиққанларнинг ҳеч бири равон гапира олмади. Ҳатто биттаси ҳовлиқиб: “Сарагул билан Мўммитойга бахт тилайман”, деб беҳосдан айтиб юборди. Бундай тилакларнинг барчаси мангуликнинг элчиси бўлган видеотасмага муҳрланди.

Сарагул кўзларидан сизиб чиқаётган ёшни бир зум ҳам тўхтата олмай, рўмолчаси билан тез-тез артар, унинг қайноқ ёши юз-кўзларидаги бўёқларни ивитиби, чаплаштириб юборганди.

...Бу ёқда бундан ҳам аянчли воқеалар юз бермоқда эди. Мўммитойнинг кўзлари йиғидан шишиб кетган, қизариб-қизариб адо бўлган юзлари жигарранг-қорамтир тусга кирган, еру заминни титратиб ўкираверганидан томоқлари хириллаб қолганди. Шунда ҳам Сарагулнинг уйи томон талпинишни бас қилмас, билакларини қўйиб юбормаётган бақувват қўлларни аямай тишлар, атрофини ўраб олиб ерга маҳкам тиралиб турган оёқларни туфлисининг учи билан қаттиқ тепарди. Эркаклар шу ёш гавдага бунча куч қаердан келаётганини билолмай гаранг, аёллар эса ҳайратдан тинмай ёқаларини ушлаб қўярдилар.

Сарагулникига бориш ниятида дастурхонларини тайёрлаб йўлга отланган қўшни аёллар Нурмамат аканинг уйи олдида тўпланишиб турар, ёр-ёр садоси келаётган қизлар давраси томон боришларини ҳам, бормасликларини ҳам билмасдилар. Қўчадаги ўғил болаларнинг биронтаси ҳам тўй бўлаётган ёққа қараб юришни хаёлига келтирмасди. Уларнинг пушаймонлари ичларига сиғмай, бир кундаёқ Мўммитойнинг энг яқин дўстларига айланиб қолишганди...

Тўйнинг гала-ғовури босилиб, қишлоқ тинчиб қолди. Қишлоқда ҳаёт яна аввалгидай давом этарди. Ҳар ким ўз тирикчилиги билан оввора бўлиб кетди. Бир куни қишлоқ болалари қора “Нексия”ни икки марта кесаклар билан “сийлагани” ҳақида гап тарқалди. Бу гапда жон борга ўхшарди. Негаки, шу гапдан кейин қора “Нексия” қишлоқда қорасини кўрсатмай қўйди. Қора “Нексия” Сарагулни ўз бағрига олиб қаёққа ғойиб бўлгани қишлоқдагиларга қоронғи эди. Сарагул эри билан чет элга кетгани ва у ерда хонимча бўлиб яшаётгани тўғрисида кимдандир эшитганларини Нурмамат аканинг қўшнисини анча вақтгача оғиз қўпиртириб айтиб юрди.

Кейинги йиллар шамолдан ҳам тез ўтди. Бу орада кишлоқда қанча одам туғилиб, қанчаси кишлоқни ва қанчаси дунёни тарк этди. Неча “Нексия”лар неча қизларни турли томонларга келин қилиб олиб кетдилар.

...Онасидан эрта ажралган Сарагулнинг иккита синглиси бўлиб, биттасини ўзидан олдин турмушга узатганди. Сарагулнинг тўйдан сўнг кенжа қизини ҳам оилалик қилиб хотиржам бўлган отаси битта аёлга уйланиб, уйини сотди-да, хотинчасининг юртига қўчиб кетди.

...Тақдир ҳукмига кўра эридан ажралиб, ўн бир яшар ўғли билан кишлоққа кириб келган Сарагулни бир кўришдаёқ ҳамма таниди. Сарагул буни кутмаганди. Аммо уйда яшаётган бегона кишиларни кўриб сира ҳайрон бўлмади. У отаси ва сингиллари тақдиридан хабардор эди. Фақат ўзи яшаган уйни бир кўриш ниятида соғиниб келганди. Эртага синглисиникига жўнаб кетмоқчи ва у билан қаерда яшашни маслаҳатлашиб олмақчи эди.

Унга кишлоқда кўп ўзгаришлар содир бўлганини айтиб беришди. Ўлим деганлари одамнинг ёшига қараб ўтирмас экан. Дунёдан ўтганларни бир-бир санаб ўтдилар. Улар орасида Мўммитой ҳам бор эди. Унинг қандай ўлим топгани тўғрисида гап очишга на Сарагул ботина олди, на кишлоқдошлари сўзлай олдилар. Чунки, бу ердагиларнинг ҳеч бири осмоннинг узилиб ерга тушишини истамас эди.

Сарагул ўғилчасини етаклаб, эски ва қадрдон қўшнилари билан Нурмамат аканинг уйига кириб борганида, аввал содир бўлган қизил қиёмат яна бир марта қойим бўлди...

Қий-чувлар пасайиб, аста-секин йиғи саслари ҳам тинчиб, Сарагул ушбу хонадоннинг ички аҳволи билан яқиндан танишгандан сўнг, шу уйда қолишини айтганида ҳамма бирдан қалқиб тушди.

Юзларида кексалик аломатлари муддатидан олдинроқ пайдо бўлиб, ғам адо қилган Нурмамат ака билан Жамила хола Сарагулнинг ўғлини галма-галдан бағрига босар, “Ўзимнинг Мўммитойим, қайтиб келган Мўммитойим”, дея йиғлар эдилар. Сарагулнинг ўғли Мўммитойга унчалик ўхшамаса-да, нимаси биландир Мўммитойни эслатарди.

...Ўғлининг ўлиmidан сўнг Жамила холанинг дилозорлигидан асар ҳам қолмаганди. Фаросатсизлиги ўша-ўша эди-ю, бироқ энди у руҳи синиқ, ҳокисор бир аёл эди.

Ўғли билан бирга қайтиб келган Сарагул хувуллаб қолган хонадонни қувончга тўлдириб юборди.

“Нурмамат аканинг уйига Сарагулнинг ўзи келибди”, деган гап ҳаммаёққа тарқалди.

Кишлоққа янги келган болани ҳамма Мўммитой деб чақирар, унинг асл исми, ким эканлиги мутлақо аҳамиятсиз эди.

...Мўммитой ҳар куни эрта туриб катта қозонда молларга ем пиширар, молхонани тозалар, нишхўрларни кичик-кичик қилиб боғлаб, бостирма-чертакка тахлаб кўярди...

Эрталабдан тешиқ пақирда йўлларга сув сепган Сарагул оёғининг лойини ариқдан ювиб ўтирганида, Жамила хола эшиқдан бошини чиқариб:

– Уйга кир қизим, чой дамламоқчиман, – деди.

– Қўяверинг оyi, чойни сизга ўзим дамлаб бераман, – дея Сарагул иккала оёғини ҳам яхшилаб ювиб, узоқ юртларни кезиб келган кавушини кийди-да тез-тез юриб уйига кириб кетди.



**Машхура
ШЕРАЛИЕВА**

Бугунги шеърятнинг лирик қаҳрамони ким?

Ўтган 8 йил давомида нуфузли адабий нашрлар – “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида уч юзга яқин шоирнинг шеърлари чоп этилган. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб, шу асосда бугунги ўзбек шеърятининг лирик қаҳрамони ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Қутлибеканинг “Шарқ юлдузи” журнаси 1-сонида берилган шеърларида бир умумий хусусият бор – уларда юрагига, ўз ичига чекина-чекина охири чекинадиган жойи қолмаган одамнинг кайфияти акс этган. Шоира ёзади:

*Бирдан тикка турсам (ўйлаш ҳам ҳузур),
Толе манглайимни юборса силаб.
Қўринмай, билинмай ётибман ҳозир,
Дилимда денгиздай тугёнлар билан.*

Шоиранинг “Ўзимга” шеърида лирик субъектдан ташқари яна бир “мен” бор, яъни “ўзим”. “Салом сенга, кадрдон ўзим” дея мурожаат қилади лирик “мен” “ўзим”га.

*Шундай, ҳар кеч сен билан, ўзим,
То тонггача яшаб оламиз.
Шундан кундуз кетмаймиз тўзиб,
Нураб тушмас юрак қалъамиз.*

Шеър – Қутлибека учун ўзининг бутунлигини тиклаб олиш, шахсиятининг яхлитлигини сақлаб қолиш йўли, деб хулоса чиқариш мумкинки, бу сўз санъатини ҳаёти мазмунига айланттирилган ижодкорларга хос.

Одил Икромнинг “Тилини ёлғиз мен тушунган йиғи” номи остида берилган шеърлари орасидаги “Қуш тили” шеърида шундай мисралар бор: “Бўғзимда қалтираб турибди бир сўз, Ғилофида қолиб занглаган тигдай”. Бу сўзлар бир қарашда ижтимоий муҳит таъсирида айтар сўзини айта олмаган одамнинг ҳолини эслатади. Шеърнинг давоми эса бошқа нарсани айтади:

Машхура ШЕРАЛИЕВА – 1976 йилда тугилган. Андижон давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Унинг “Адабиётшунослик лугати”, “Бобурнинг андишаси” номли китоблари, “Ҳозирги ўзбек насрида киноя” номли монографияси нашр қилинган.

*“Сўзингдан иқтибос келтиролмайман,
Сенга келтираман юракдан сужуд”.
“Кимдан қўрқишимни англадим, аммо,
Қачон қўрққанимни эслай олмайман”.*

Назаримизда, бу ерда одамнинг ичидаги ўқ илдиз ҳақида гап кетяпти, яъни нима яхшию нима ёмонлигини, ҳалолу ҳаромни ажратиб берадиган ички механизм – қўрқув ҳақида гап бормоқда. Шунинг учун ҳам бу қўрқув метафизик характерда – у бор, лекин юрагимизда қачон ва қандай пайдо бўлганини билмаймиз. Ва бу мангу мавзулардан бири, бундай мавзуларга эътибор кучайгани шеърятимизнинг етуклигидан далолат.

Муҳаммад Сиддиқ (“Сени бахтга элтаман, гулим”, “Шарқ юлдузи”, №1) шундай ёзади:

*Салом, фаришталар, оқлар, ассалом!
Сизга нуқсим юқмас, олманг хавотир!
Бу дунё оппоқдир, мен эса ҳамон
қоп-қора шоирман, қоп-қора шоир.*

Ўткинчи дунёда яшаб оппоқ бўлиб қолишнинг имкони йўқ. Дунёни қора дейиш имкони ҳам йўқ, шунинг учун лирик қаҳрамон ўзининг қоралигини эътироф этмоқда.

Эркин Ҳожимуҳаммаднинг шеърлари рост туйғулари, самимияти билан ўзига жалб қилади (“Шарқ юлдузи”, №4, “Ёшлик”, №8). Бироқ ритмга мослаш учун айрим жумла ғализликларига йўл қўяди. Масалан: “Излайман ҳар лаҳза кўзу қирингни”. Одатда “кўз кири” деб айтар эдик, бу ерда эса “кўз ва қир” бўлиб қолган.

Насиба Бошмонова шеърларида қофиядош сўзларнинг кетма-кет қўлланиши шеърнинг оҳангдорлигини янада кучайтирган (“Шарқ юлдузи”, №4). Унинг айрим шеърларида мантиқан тушуниш қийин мисралар бордек кўринади. Бироқ улар лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ёрқин ифодалайди: “Хаёлимни эркинликлардан қутқаринглар, туткунман-туткун”. Бунда хаёл эркинлигидан юраги ҳаприкиб кетаётган одам ҳоли ҳис қилинади. Яна бу кўникилмаган ҳолат, буни “хаёлни эркинликлардан қутқариш”га чақириқ ифода этади. Лекин баъзан юқоридаги каби алогизмлар фикрни хиралаштирганга ўхшайди. Масалан, “Ҳатто хато қилмасликка етмас кучим” деганда “Ҳатто” сўзини қўллаш услубий хато бўлибгина қолган, бунда атайинлик, ифодага хизмат қилдиришлик йўққа ўхшайди.

“Шарқ юлдузи”нинг 5-сонига Баҳром Рўзимуҳаммаднинг “...Эслаб қололмадим гулнинг ҳидини” сарлавҳаси остида бир туркум шеърлари берилган. “Тинчлик” номли шеър композициясининг пишиқ-пухталиги образларнинг бандлар, сатрлар бўйича жойлаштирилишида ҳам кўринади.

*Дубулгани
гултувак деб ўйлади
ниш отаётган уруғ.*

*Оппоқ орзулари ила
кўмилган жангчининг
қирмизи қонин эмиб кўкарди гуллар.*

Ҳар бир сатрга тушаётган мотив-образ шеърхонни айна мисраларни шоир истаган ритмда, яъни мазмунга мос оҳангдорлик билан ўқиш томон йўналтиради.

Азиз Саид шеърларида (“Шарқ юлдузи”, №5) кутилмаган ёндашув туфайли мантиқ ўзгаради ва биз ўзимиз одатланган нарсалардаги мантиқсизликни англаб қоламиз, бу эса кутилмаганлик эффектини юзага келтиради, ўзига хос завқ беради. “Эй...” шеърида қушни қафасга солган кишига мурожаат қилинади, лекин бу шеър Фуркатнинг “Сайдинг кўябер, сайёд”идан фарқли тарзда шундай якунланади:

*Сўнг таишишдан бўласан озод
дон-сув демай хотиржам
қафасингни олиб қол майли
топилади ўзингга ўхшаши
чийиллаган каламушлар ҳам
Барибир қуш сайрамас сенга*

Азиз Саид шеърларида тиниш белгилари кам ёки баъзан умуман қўйилмаган. Шундай бўлса-да ҳаёлан тиниш белгиларини қўйиб ўқиётганимизни сезмай қоламиз. “Эй, яшашдан чарчаган оғриқ” шеърида ўлим ҳақ эканини теран англаган кишининг кечинмалари акс этган.

*Эй, орзулардан ҳориган хаёл,
Сафар қаридими, ичай сўнгги бор –
Саробга лиқ тўла лаҳзаларингни.*

Шундай одамлар бўлади, бир оғиз гап айтади, бу гапнинг мазмунини тушуниш учун бир неча кун ўйланиб юришга тўғри келади. Азиз Саид шеърлари ҳам шундай: ўқилганидан сўнг узоқ вақт давомида шеър таъсирида туғилган ўй-кечинмалар билан юришга тўғри келади. Чунки ушбу шеърларнинг ўзи ҳам шоир кўнглида узоқ вақт яшаган кечинмаларнинг ифодаси экани сезилиб туради.

Шукур Қурбоннинг “Кечикмаган ишқ садолари” номли туркум сонетларида бир ишқ тарихи акс этган. Ушбу туркум қайсидир жиҳатлари билан Миртемирнинг “Сурат” достонини ёдга солади. Кўзга яққол ташланадиган фарқи шундаки, “Сурат”да муҳаббатига хиёнат қилган аёл билан боғлиқ кечинмалар акс этган бўлса, Шукур Қурбон сонетларида муҳаббатнинг ўзи гуноҳ эканини англаб, тушуниб турган лирик қаҳрамоннинг зиддиятли кечинмалари ифода этилган.

Журналнинг 6-сонида Санобар Меҳмоннинг “Ишқ дея аталган энг сирли фанман” деб номланган туркум шеърлари берилган. Шоиранинг “Иқрор” шеърида шундай мисраларни ўқиймиз:

*Тариқатлар чарчатди мени,
Маърифатлар чарчатди мени,
Ҳақмас, “ҳақиқат”лар чарчатди мени,
Билдим, шу манзилда бошланар йўлим –
Қабул эт!
Мен сенга келяпман, кўнглим!*

Фақат бу шеъридагина эмас, умуман, шоиранинг барча шеърларида кўнгли одамни кўрамиз, унинг лирик қаҳрамони – фақат кўнглидагина тўлақонли яшай олиши мумкин бўлган одам. Санобар Меҳмон шеърларида кечинма, сўз ва оҳанг, ритм уйғунлигини ҳис қиламиз. Бу шеърларни ўқиётганимизда ўз қалбингни кимдир таржима қилиб бераётгандек туюлади. Шунинг учун ҳам Санобар Меҳмон шеърларини шарҳлаш таржиманинг таржимасига ўхшаб қолади.

Салим Ашур – сўз қўллашда, ҳолат, кайфиятни ифода этишда анча тажрибали

Бугунги шеъриятнинг лирик қаҳрамони ким?

шоир. “Доскага қаранг..”, “Китобларнинг қатида” номли шеърларида ўспирин йигитчанинг илк муҳаббат кечинмалари самимий ифода этилган. Бироқ “Қишлоқдаги сингилларим” шеърини ўқигач бир мулоҳаза туғилди. Одатда ҳаёт адолатсизлик қилган кишиларга муносабатда уларга ачиниш билан мақтов аралашиб кетади. Гўё шу мақомни бошқаларга ибрат, ўрнак қилиб кўрсатилади. “Қишлоқдаги сингилларим” шеърда ҳам шунга ўхшаш ҳолатга дуч келамиз.

*Сизга мадад бўлгаймикан йиғлоқ шеърим...
Оёқларни илитарми калишингиз.*

*...Шон-шарафга белагайсиз элингизни,
Меҳнат – мерос, буколмайди белингизни,*

*... Бургутлардан олганмисиз шахдингизни,
Матонатда сиздан метин енгилади,
Сизни бутун Ўзбекистоним билади!*

Мен бу шеърда тасвирланган ҳолатни ўқувчилик, талабалик пайтимда бошдан кечирганман. Ўша пайтга қайтишни, мана бу шеърда тасвирланган аёлларнинг ўрнида бўлиб қолишни умуман хоҳламасдим. Шеърдаги патетика билан ҳолат мос келмаган ёки мен шеърни тушунолмадим.

“Тафаккур” журналининг 4-сонида Салим Ашурнинг “Кўҳна баҳор эпкинлари” номи остида туркум шеърлари чоп этилган. Мазкур туркум учликлардан иборат. Журналнинг қарийб саккиз саҳифасини эгаллаган учликларда шоир халқимизнинг туркий хоқонликлар давридан бугунгача бўлган кечмишини рамзу ишоралар орқали акс эттиради. Тўғрироғи, халқ тарихи лирик қаҳрамоннинг кечмиши сифатида табиат ҳодисаларига уйғун ҳолда ифода этилган. Туркумга ёзилган сўзбошида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари тилга олинган: “Асарнинг (“Девону луғотит турк”нинг – М.Ш.) бепоён кенгликларида миллатлар, эл-элатлар, юртлар сочилиб ётибди. Тарихлар, орзулар, хаёллар сочилиб ётибди”. Салим Ашурнинг “Кўҳна баҳор эпкинлари” туркум шеърлари ана шу сочилиб ётган орзулар, хаёлларни бир ипга, мантикий бир занжирга тизади гўё. Аслини олганда, бу шеърларни туркум дейиш ҳам шартли, уларда яхлит асарга хос бутунлик томон силжиш кузатилади.

Муҳтарама Улуғованинг “Аллоҳдан ўзгага дилингни берма” номли туркум шеърларининг аксариятида онасини соғинган, вақтида кадрига етмагани учун сўнгсиз ўкинч-изтиробдаги лирик қаҳрамоннинг кечинмалари акс этган. Шоиранинг “Ўзимга савол” шеърда ўқиймиз:

*Қочиб, қўрқиб юрганинг йўқми
Кеча айтган ҳукминг, сўзингдан?*

*...Севаман деб айтмоқлик осон,
Осон ҳатто оддий нафасдан.*

Оғиздан чиққан сўз, айниқса, ёзилган сўз ўзини ҳимоя қила олмайди, деган гап бор. Шунинг учун ҳам шоира “Тик бокмоққа бўларми ҳақкинг Ҳукми қаттиқ эртанги кунга?..” дея ўзини сўроққа тутди.

Зариф Ҳикматзода ўз шеърларида туйғулари ифодасига мос сўз кидирмайди, тўғрироғи, туйғуларини сўз қолипига жойламайди, аксинча, сўзларни ўз туйғуларига мослаштиради, ўзгартиради, кечинма ифодасига ҳалақит бермайдиган ҳолга келтиради. Унинг шеърларида анъанавий шеърий тафаккур билан замонавийлик

ажиб тарзда уйғунлашиб кетган. “Ишқ ҳақида уч қасида” шеърининг “Фирок” деган қисми уч мисрадан иборат. Бунда уч образ – уч мотив учта мисрага жойлаштирилган:

*сочинг савдосидин
тун рўзгоримни
қачон йориткайдир узоринг Меҳри.*

Бу шеърда анъанавий мотивлар ноанъанавий шаклда қайтадан тирилган гўё. Зариф Ҳикматзода шеърларидаги товушлар шоир онгида қандай жаранглаган бўлса, шундай қоғозга тушганини ҳам қайд этиш керак.

Мадина Норчаевада борлиқни образли тарзда қабул қилиш ва уни бетакрор бир шаклда ифода этиш қобилияти бор экан (“Шарқ юлдузи”, №7).

*Беҳадик ютасан намчил ҳавони,
Қалбингни тутасан мусаввир ғамга...
Дарахтдек ўсар-у кўксингни ёриб
Бир кун...
Гуллаб кетар куз босган тамга.*

Мадина Норчаевада бир пайтнинг ўзида рассомнинг нигоҳи ва шоирнинг қалби мужассам. Унинг шеърларидаги лирик “мен” кимгадир ниманидир исботлашга уринмайди, унда ғалати бир киборона (кибрли эмас) хотиржамлик бор. Бир шеърда бунинг сирини очади: “Ибтидода олган омонатим – дил, Уни сендан асраб қолсам бас, ҳаёт”. Ўз қалбининг дахлсизлигини сақлаб қола олган одамгина дунё ва замоннинг ғавғоларига шу тарзда оғир-вазминлик билан қарай олади.

Бошқа бир шеърда Мадина Норчаевани шоир қилган дард – “зил турмушдан елкалари яғир бўлган падарга ҳамдардлик” экани ойдинлашади. Шоиранинг шеърларини ўқиб бир хулосага келдим. Назаримда, “Излам” туркуми ордидан кўтарилган баҳслар Мадина Норчаева каби шоирларни адолатсиз равишда сояда қолдиргандек. Туркумдаги ҳар бир ижодкорнинг шеърларига алоҳида баҳо бериш керак.

Йўлдош Эшбекнинг “Сенга сиғинмаслик буюк ситамдир” (“Шарқ юлдузи”, №8) умумий сарлавҳаси остида берилган шеърлари орасида “Товуш” номли шеъри ҳам бор. Бу шеър ватан ҳақида самимий ёзилган шеърлардан бири бўлибди. Шоирнинг “Иним Абдуллога” шеъри ижтимоий мазмуни билан ўйлантиради:

*Ғаним ким дея мен чорлаган эдим,
Мансаб, деб юртини сотган дўст келди.
Эл – бахтим дедигу тахтни ўйладик,
Шул сабаб иқболми жуда суст келди.*

Шеърни ўқиш давомида ижтимоийлик ва шахсийлик ўртасидаги чегаралар ғоят нисбийлигини ҳис қиламиз. Бу, айниқса, шоир кўзи билан дунёга қаралганида яққол сезилади.

Гулноз Мўминова шеърларида (“Шарқ юлдузи”, №8) турланмайдиган, тусланмайдиган лирик қаҳрамоннинг қатъияти, чуқур эътиқоди акс этган. Шоира бир шеърда шундай ёзади:

*Бугун хўп сахийман
Одамларга имкон бергум
Мендан кетишлари учун*

*Қўлидаги улкан боғламдан
Битта шарни
Кўкка йўллаган қизалоқдай
Қулиб қузатгум уларни*

Кадр-қимматини бошқаларга боғлаб қўймаган, ўз-ўзича қимматини тасдиқлай оладиган одамгина шундай йўл тутиши мумкин.

Ёш ижодкорлардан Собир Муҳаммаднинг сўзга муносабатдаги масъулияти унинг келажагига умид уйғотади (“Шарқ юлдузи”, №8). Шеърлари самимийлиги, зўракилик ёки чучмалликдан холи экани шундай дейишимизга асос беради.

Башорат Отажонова фикрнинг ифодасида бошқаларни такрорламасликка интилади (“Шарқ юлдузи”, №9). Бошқалар айтишга, ўзини фаш этишга чўчидиган ҳолат акс этган мисраларга дуч келамиз унинг шеърларида:

*Менинг иссиқ кунларим рангин,
Ишга отланаман оловдай ёниб.
Ёзаман, мен – сўнгги русумдаги фолбин,
Боплаб алдайман дунёни, Худони (!)*

“Ўзини, дунёни ва ўзича Худони ҳам алдаб яшаётган одам” – буни замонамиздаги айрим қаҳрамонларнинг ўзига хос тавсифи дейиш мумкин.

Шаҳриёр Шавкатнинг шеърларидаги (“Шарқ юлдузи”, №9) лирик қаҳрамон бир вақтнинг ўзida тарихда ва бугунги кунда яшайпти. У қадим боболар ва момолар кўксидаги исённи, жасоратни тирилтиришни истайди, бунинг имконсизлиги шоир сўзини тобора кескинлаштириб бормоқда.

*Қайтгунча султоннинг қўшини
тахт қўриб ўтирган момолар,
Хивичда битмаган ишини
қиличда битирган момолар,
"Ўғлимни қайтар" деб ёвларга
ялиниб юрибсиз, водарие!*

Воҳид Луқмоннинг (“Шарқ юлдузи”, №10) лирик қаҳрамони – ўзини тафтиш қилаётган одам: “Ёлғон гапирмоқлик, хушомад – касбим, Кўксимда кўпчийди юрагим кири”. Шеърнинг давомида “Тиллар тугилгандек одимлашар жим. Кексайиб қолгандек гўёки ёшлар” деган сатрлар бор. Бу сатрлар менга университетда ўқишни битириб эндигина мактабда иш бошлаган пайтларимни ёдга солди. Шаҳар халқ таълими бўлимидан келган услубчи аёлнинг гапи эсимда: “Ишлаётганингизга эндигина бир йил бўлибди, аммо худди ўттиз йил ишлаб чарчаган одамнинг кайфияти бор сизда”. Кейинчалик бу гапни кўп ўйлаганман. Ўша йиллардаги мактабнинг аҳволи шу даражада эдики, бир йилдаёқ одамни ўттиз йилга қаритиб юборар эди. Воҳид Луқмоннинг лирик қаҳрамони тилидан айтилган юқоридаги мисралар биз яшаган ҳаётнинг яққол ифодаси, дейиш мумкин.

Негадир кўплаб шоирларнинг шеърларида ичкари, яъни инсон қалби ҳамда ташқари – у яшаётган муҳит орасидаги масофага, фарққа эътибор қаратилган. Жумагул Сувонованинг (“Шарқ юлдузи”, №10) бир шеърида шундай мисраларни ўқиймиз:

*Ичкарида сўнгсиз уруш,
Жангу жадал авжсида.
Ҳақиқат ва ёлгон турар,*

*Дўсту душман тарзида.
Ташқарида омон-омон,
Ҳақ ва ноҳақ баробар.
Ёмонликлар бўй чўзади,
Ердан самога қадар.*

Муҳиддин Абдусамаднинг (“Шарқ юлдузи”, №10) “Она, юриб-юриб оёғим толди” деб бошланадиган шеърини ҳам Воҳид Лукмон ва Жумагул Сувонова шеърлари билан ёнма-ён қўйиб, улар билан бир контекстда тушуниладиган бўлса, инсонни минг бир бўлакка бўлиб ташлаётган воқелик қиёфаси ойдинлашади. Муҳиддин Абдусамад ана шу шеърида ёзади:

*“Борса келмас” йўлда кетди ёшлигим,
“Борса гумон” йўлда юрагим тентир.
“Борса келар” йўлда юрган шодлигим,
Онажон, гар билсанг, у фақат сендир.*

Инсонни бўлиниб яшашга мажбур қилаётган сабаблар кўп. Шеър эса шоирнинг бутунлигини тиклаб олиш, бутунлигини сақлаб қолиш йўлидек туюляпти менга. Муҳиддин Абдусамад бир тўртлигида шундай ёзади:

*Эҳтимол бир куни ёзарман, ҳозир
ёзганим кўнглимни ҳеч тўлдирмайди.
Мени тўғри тушун, мадҳ этмаганим –
сени севмаслигимни билдирмайди.*

Худди шу жойда шахсиятни, бутунликни сақлаб қолишнинг яна бир йўли айтилган: жим турмоқлик – мадҳ этмаслик. Сўз кадрили йўқотган жойда сўзни кадрлайдиганлар сукут сақлашади. Юқоридаги тўртликни ҳам шахсий контекстда – аёлга муҳаббат изҳор этиш маъносида, ҳам ижтимоий контекстда – Ватанни мадҳ этиш маъносида тушуниш мумкин.

“Шарқ юлдузи” журналининг 4–5-сонларида Тоҳир Қаҳҳорнинг “Бирлик” асаридан парча берилган. “Бирлик” бир мисрадан иборат шеърый шакли, жанрми, мазмунига қарайдиган бўлсак, афоризмми – бу ҳақда ҳозир хулоса айтиш қийин. Ҳар ҳолда шеър бўлиши учун шеърга хос ритм бўлиши керак, у камида икки мисра орқали воқеланади. Албатта, бирликни жанр деймизми ёки йўқ, бундан қатъи назар, Тоҳир Қаҳҳорнинг “Бирлик” деган умумий ном остида берилган асарида бир сатрга жойланган ҳикматли, афоризмга ўхшаш мазмундаги, баъзан эса сўз ўйини тарзида воқеликдаги у ёки бу ҳолатлар тавсифи берилган, ҳар бир бирликка сарлавҳа ҳам қўйилганки, баъзи бирликларни сарлавҳасиз тушуниш қийин бўлган бўларди.

БЕЛКУРАК

Белингни тик тутмоқ-чун тинмай ишлат белингни.

ГОВЛАР

Говлар кўп, говғачи кўп, бир бошим шундан говлар.

Ҳар бир бирликнинг бошида ва охирида шаклдош сўзлардан фойдаланиб сўз ўйини ҳосил қилинган.

Хуршид Абдурашиднинг “Ёшлик” журналида (5-сон) чоп этилган “Ташбеҳсиз севги” шеърида шундай мисралар бор:

*Муҳаббат юракка ютқизиқ,
Ночор чораларсиз севаман.
Шеър нима? Тугайди. Севги... йўқ,
Сени метафораларсиз севаман.*

Албатта, “муҳаббат юракнинг ютқизиғи” экани – шоирнинг топилиши. Шунингдек, лирик қаҳрамон оддийгина қилиб “Сени метафораларсиз севаман” дейди. Ҳозирда юзлаб, балки минглаб ўқилган шеърлар, китоблар, қўрилган фильм ва сериаллар севги нималигини ўргатиши мумкиндир, лекин ҳар кимнинг ўз севгиси бетакрор бўлади, уни ўзгаларнинг шеърларидаги ташбеҳлар, метафоралар билан ифодалаб, изҳор қилиб бўлмайди. Агар бошқалардан қарз олинган метафоралар билан севгисини таърифламоқчи бўлса, худди унга сохталик аралашгандек, бировнинг муҳаббатини такрорлаётгандек бўлади одам.

“Ёшлик” журналида Энахон Сиддиқова, Нуриллоҳ Остон, Нодира Офок, Нодир Жонузоқ каби таниқли шоирларнинг, ёш ижодкорлардан Хумоюн Қувондиқов, Ирода Раҳмоналиева, Нодиржон Неъматов, Шаҳризод Шодиев, Мунира Муҳиддин, Шукрулло Шералиев, Шодия Умрзода, Гулмира Абдираимова, Муҳаммад Иброҳим, Нуриддин Расулов, Шоҳсанам Нишоновна, Мансур Назаров, Шоҳжаҳон Шодмонов, Аслиддин Абдураззоқов, Зоҳиджон Олов, Азизбек Ҳақимов, Дадахон Муҳаммадий, Элёр Мурод, Садоқат Ҳамраева, Ситора Шамсиддин, Зарнигорхон Абдуолимова, Мохларойим Йўлдошхўжаева, Дилноза Камолнинг шеърлари чоп этилган. Ёшлар ижоди асосан муҳаббат мавзусида, аксарияти изланиш босқичида, ҳар бири ўз овозини топиш йўлида изланмоқда.

Нодира Офокнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (1-сон) ва “Ёшлик”даги (3-сон) шеърларида ўйчан ва дилгир инсоннинг кечинмалари акс этган. “О яшаш! Бунча ҳам севгаймиз уни – Маъниси ўлимча эмас-ку маълум?” мисралари одамни ўйга толдиради, қалби ҳаёт ишқи билан, ақли эса ҳаёт ва ўлимнинг маъноси ҳақидаги мушоҳадалар билан банд лирик қаҳрамон ҳолатини ҳис қиламиз.

Ойдиннисонинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида (36-сон) чоп этилган шеърлари шоиранинг аввалги шеърларидан фарқланади, лирик қаҳрамондаги руҳми, кайфияти – нимадир ўзгарган. Шоиранинг сўз танлашда, фикр, кечинма ифодасида маҳорати ортган, лекин лирик “мен”нинг кайфияти тушқунликка мойилдек кўринади. Албатта, буни камчилик деб қарамаслик керак. Бир шеърда “Ўрганмоғинг учун бахтли бўлишни Сен бахтли қилишни ўрганмоғинг шарт!” деб ёзади. Эҳтимол, аксинча бўлиши керакдир, яъни одам бошқаларни бахтли қилиши учун аввало унинг ўзи бахтли бўлишни ўрганиши керакдир...

Шухрат Ориф – анча машҳур ва қалами чархланган шоир. Лекин бир шеърда (“ЎзАС”, №49) шундай мисралар бор:

*Йиғладинг худди Момо Ҳаво каби,
Хўрсиндим хўрсингандек Одам Ато.*

Одатда образни кўз олдимизда ёрқин гавдалантириш учун ўхшатиладиган нарса ўқувчига таниш бўлиши керак. Мен Момо Ҳавонинг йиғлаганини, Одам Атонинг хўрсинганини кўрмаганман, қандай қилиб шеърдаги ҳолатни тасаввур қилишим мумкин? Эҳтимол, мисрани контекстдан юлиб олмаслик керак, деган эътироз бўлар. Мана, кейинги мисралар:

*Пичирлаб нимадир демоқчи лабинг...
Бизга раҳми келди гуноҳнинг ҳатто!*

Гуноҳнинг раҳми келиши деганда нима назарда тутилганини тушуниш қийин. Шу ерда Шухрат Орифнинг ўтган йили эмас, аввалроқ чиққан бошқа бир шеърдаги мисра ҳақида ҳам мулоҳазани айтиб ўтамиз.

Мен асли одаммас, ёр эдим...

Одам аввало одам бўлади, ундан кейин – ёр. Ёр тушунчасини одамликдан ажратиб бўлмайди. Бу ерда кутилмаганлик эффекти учун мантиқ қурбон қилинган. Навоийга солиштириб кўринг, Ширин айтади:

*Менга не ёру не ошиқ ҳавасдир,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.*

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 24-сонида Эшқобил Шукурнинг “Бахтиёр бўлишни истаган одам” туркумида кичик ҳажмли шеърлари берилган, уларнинг айримларини сочма ҳам дейиш мумкин. Уларнинг асосини парадокслар ташкил қилади. Масалан:

*Бахтиёр бўлишни истаган одам
мунчалар маъюссан.*

Мазкур туркумдаги шеърлар шоирнинг кўп йиллик кузатишлари, ҳаётий тажрибаси маҳсули ўлароқ дунёга келган, ўқигач узоқ вақт ўйлаб, ҳазм қилишга тўғри келади.

2022 йилда “Тафаккур” журнали бир қатор ёш шоирларнинг – Жонтемир, Тилланисо, Шаҳриёр Шавкат, Мадина Норчаева, Раҳмат Бобожон, Маҳфуза Имомова, Кумуш Абдусаломованинг шеърларини чоп этибди. Ёшлар ижодига, умуман, ҳар қандай ижодкор асарларига муносабат билдириш учун уларнинг матбуотда чоп этилган асарларининг ўзигина етарли эмас. Ҳозирда, ёзилмаган қоидага кўра, ижодкорларнинг асарлари тоифаланган ҳолда эълон қилинмоқда: бир қисми расмий матбуотда чоп этилади, телевидениеда ўқилади, иккинчи қисми китоб бўлиб чиқади, унга ҳам сиғмагани интернетда айланади.

Жонтемирнинг “Тафаккур” журналидаги, “Излам” туркумида чоп этилган китобидаги шеърлари асосида унинг лирик қаҳрамони ҳақида айрим мулоҳазаларни айтиш мумкин. “Тафаккур”да чоп этилган “Тавалло” шеъри туйғуларнинг шиддатли оқими билан ўқувчи руҳиятини тўлқинлантириб юборади. “Тавалло”да зулмининг, адолатсизликнинг барча кўринишларига биратўла нафратини, ғазабини изҳор қилаётган лирик “мен”ни кўрамыз. Бироқ шоирнинг китобини мутолаа қилиш давомида лирик қаҳрамондаги норозилик, исён ва инкор кўп ўринларда меъёридан, ошиб кетгандек туюлади. Бунинг боиси нима бўлиши мумкин?

Жонтемирнинг лирик қаҳрамони унда норозилик уйғотган жамиятни ислоҳ қилиш учун ўзи ҳеч нарса қилмоқчи эмас, айти пайтда унда ҳеч нарса қилмаётган кўрқоклар, лаганбардорлар, ношудларга қарши нафрат, ғазаб, инкор тобора кучайиб бормоқда. Ўзи ҳеч нарса қилмаётгани учун ўзидан норозилигини ўз-ўзидан яшириш, буни кўрмаслик учун ҳам исённи, нафрат ва ғазабини ташқарига, бошқаларга қаратаётган одамдек таассурот қолдиради.

Жамиятда нимадир ўзгариш қилишга бошқа одамлар масъул, ҳар ҳолда, Жонтемирнинг лирик қаҳрамони эмас. Шоирнинг ҳаётий позициясидаги заиф томон шу тарзда ўзини фош қилиб қўймоқда. Жонтемирнинг лирик қаҳрамони каби ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиши ва инкор этиш учун жамиятни ислоҳ қилиш ишига ҳеч бўлмаганда Расул Кушербоев даражасида қайта-қайта уриниб кўрган одам бўлиш

керак. Парадокс шундаки, ижтимоий ҳаётда фаол бўлган Расул Кушербоев шеър ёзмайди, Жонтемирнинг лирик қаҳрамони эса бошқалардан кутаётгани ижтимоий фаолликни ўз зиммасига олишни истамайди.

Тилланисонинг шеърлари сабаб кўтарилган баҳсдан кўпчиликнинг хабари бор. Унинг шеърларидаги эътирозга сабаб бўлган куйидагиларни айтиш мумкин:

Биринчиси – “Мен бир фалонийман” деган мисраси.

Иккинчиси – Яратган ҳақидаги қалтис гаплар айtilган шеъри. Бу ерда “борликка”, “йўқликка” қофиялари ишлатилган шеърини назарда тутяпмиз.

Тилланисо мухлислари орасида ҳақиқатгўй, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам аямай тафтиш ва фош эта оладиган ижодкор сифатида танилган. Унинг учун энг муҳим қадрият – инсон эрки, инсон эркининг дахлсизлиги, назаримда. Бу борада, албатта, унга эътироз йўқ. Аммо унинг ўзи қадрлаган нарса учун қилаётган исёни менга бир ривоятни эслатади.

Бир одам кўчада кетаётса, бошқа бир киши симёғочдаги чироқ остида ниманидир қидираётганмиш. Биринчи киши: “Биродар, нимани қидирыпсан?” деб сўрабди. Нариги киши: “Уйда игнамни йўқотиб қўйдим, шуни қидирыпман”, деб жавоб қилибди. Сўраган одам ҳайрон бўлибди: “Игнани уйда йўқотган бўлсанг, уни кўчадан қидирасанми?” Униси жавоб берибдики, “Уйим қоронғи бўлгач, кўчадан қидираман-да”.

Тилланисо ҳам игнасини йўқотган жойидан эмас, ўзига қулай бўлган бошқа жойдан қидираётгандек. Унинг эркини чеклаган бандалардан норозилигини бошқа томонга қаратади ва ҳаяжоннинг таъсирида тишга тегадиган гапларни айтиб юборади.

Шоира барча қолипларни бузиш, парчалаш истаги таъсирида жамоат жойида, мулоқотда қўллаш ножоиз бўлган сўзларни қўллаган, гўёки бу билан у қолипларни парчалайди. Аслида унинг эркини чеклаётган нарсалар бошқа, лекин шоира диққатини ўша нарсаларга эмас, мулоқотнинг элементар қондасини бузиш томон қаратади. Ҳар ҳолда, мулоқотнинг бу оддий қондаси билан қўйилувчи таққ туфайли одам эрксизликдан қийналиб кетмайди. Шунга кўра, унинг шеърларидаги исён исён эмас – исён иллюзияси, холос.

Тилланисонинг бу тарздаги исёни менга ўн йиллар илгари Россияда бўлган бир воқеани эслатади. Феминистик панк-рок гуруҳи аъзолари ғалати кийимда черков меҳробига чиқиб сиёсий қўшиқ айтишади. Яъни ўзлари қадрлаган қадриятлар учун ижтимоий адолатсизликка қарши исён қилишади. Бироқ айна пайтда ўзгалар қадриятларини поймол қилади. Мақсад йўлида воситани танлаб ўтирмайдиган, бемалол ҳукм мақомидаги қондаларни бузадиган, қолипларга риоя қилмайдиган архетип мавжуд – бу трикстер. Трикстер турланувчан, қиёфасини ўзгартириши мумкин бўлган тип. Тилланисонинг “Мен бир фалонийман” деган мисрасини ҳам турланувчан қиёфанинг эътирофи ўлароқ тушуниш керак бўлади.

Тилланисо ва бошқа яна бир неча шоирлар шеърлари ҳақида ниҳоятда қарама-қарши фикрлар айтиляпти, томонларни умуман мурасага келтиришнинг иложи йўқ. Чунки томонларнинг ҳаммаси ҳақ. Ақром Малик кўрган ва кўрсатган қиёфани Тилланисо ва Жонтемирга хайрихоҳ кишилар ё кўрмайди, ёки кўрса ҳам кўз юмишади, кечирса бўладиган нарса деб қарашади. Айна пайтда бир ижодкордаги кечирилган қиёфани бошқа бир нотаниш ижодкорда кўриб ҳазм қилолмаслик ҳолатлари кишини ўйлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам Абдулатиф Абдуллаев “Мени сизнинг торлигингиз ва кенлигингиз ҳайрон қолдирыпти” деб изоҳ ёзди бир постга. Нафақат ижодкорларнинг ўзида, уларга баҳо берувчиларда ҳам баҳолаш мезонлари силжиб кетяпти, аниқроғи, қўшалок мезон билан ёндашиляпти. Истасак-истамасак, шеърни қабул қилувчисида ҳам турланишга мойиллик борлиги аён бўлиб қоляпти.

Кузатишларимиз асосида, ҳозирги ўзбек шеъриятида учта асосий оқим бор, деган хулосага келиш мумкин.

Биринчи тоифа шеъриятнинг лирик қаҳрамонини “ўз ичига чекинган, ўзини тафтиш қилаётган одам” деб таърифлаш мумкин. Бу шеъриятда турланишга мажбур қиладиган ижтимоий воқеликда парчаланиб кетаётган, ўзлигини шеър орқали бутунлаб олишга интилаётган лирик субъект бор. Шоир шахсияти турланмаяпти, парчаланиб кетаяпти ва шоир шеърда ўзини яна бутунликка келтириб оляпти.

Иккинчи тоифа шеъриятни эса оддийгина қилиб “маддоҳ шеърият” деб атаймиз. Бу тоифанинг айрим вакиллари вақти-вақти билан кўнглини бўшатиб олиш учун нимадир яхши шеърлар ҳам ёзиб туришади, шунинг учун бу тоифа шеъриятда турланувчан тип – трикстер ўринлашган. Ўз вақтида февраль инқилоби ғояларига ишониб ҳафсаласи пир бўлган Чўлпон “Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку” деб ўкинади ва бошқа йўл излайди, табиийки, бугун ҳеч ким Чўлпонни турланувчанликда айблай олмайди. Ҳозирги замон “маддоҳлик шеърияти”нинг лирик қаҳрамони эса у кутбдан бу кутбга чексиз равишда сакрашга мойил. Бу тоифа шоир учун шеър бир томондан манфаатга эришиш воситаси бўлса, иккинчи томондан шеър унинг учун ўзини оқлаб олиш майдони ҳамдир. Шу боис бу шеъриятнинг лирик қаҳрамонини турланувчан тип деб ҳисоблаймиз.

Учинчи тоифа эса ўзини “маддоҳ шеърият”га қарши қўяётган, “ҳақиқатчи” шеърият. Бунда бир пайтнинг ўзида ғазаб, нафрат, шиддат, исён, норозилик кайфиятлари кўрилади. Бу шеъриятнинг яхши намуналари ҳам, саёз кўринишлари ҳам мавжуд. Битта жиҳати борки, унинг бир қанотида азалий ва ўзгармас қадриятларга ҳам беписандлик билан қараш сезилмоқда. Юқорида айтганимиздек, бу унда бир неча қиёфали лирик субъект, яъни трикстер архетипи кўринишидаги образ мавжуд, деган хулосага олиб келади бизни.

Парадокс шундаки, асосий лирик субъекти турланувчан тип – трикстер бўлган “маддоҳ шеърият”га ўзини қарши қўяётган “ҳақиқатчи” шеъриятнинг бир қанотида ҳам ўз мақсади йўлида восита танлаб ўтирмайдиган персонаж (трикстер) пайдо бўлган. Бунинг боиси шундаки, одам ўзи қарши курашаётган кутбнинг хусусиятларини ўзлаштириб олишга мойил бўлади.

Иккинчи тоифадаги, яъни “маддоҳ шеърият” расмий матбуот ва телевидениени эгаллашга интиляпти ва, табиийки, бу йўлдаги уринишлари самарали. “Ҳақиқатчи” шеърият эса, асосан, ижтимоий тармоқларда айланапти. Шунинг учун, юқорида айтганимиздек, ҳозирги ўзбек шеъриятига матбуотда чоп этилган шеърларга қарабгина муносабат билдириш чала хулосага олиб келади. “Ҳақиқатчи” шеъриятнинг бир қанотидаги лирик қаҳрамоннинг турланувчанликка мойиллиги бу шеърият намуналарининг қарда қайси қисми эълон қилинишида ҳам кўринади: расмий матбуотда унинг бир қиёфаси, китобларда бошқа бир қиёфаси, ижтимоий тармоқларда, айниқса, фейсбукда тагин бир қиёфаси намоён бўлмоқда.

Юқоридаги таснифдан ташқари яна бир хулоса шуки, ўз халқидан нолиш садомазоҳизм кўринишига ўтиб кетган ҳозирги кунда биз – “фейсбук бандалари” шеърни ўқувчи сифатида эмас, истеъмолчи сифатида ҳазм қиляпмиз. “Ҳақиқатчи” шеъриятдаги лирик қаҳрамоннинг нафақат халқ, балки ўзининг ҳам бирор нарсага қодир эканлигига ишончи, умиди йўқ. Ўз-ўзига ишонч йўқлиги ёки қиладиган кичкина сифатли ишларининг аҳамиятига паст баҳо бериш бутун халқнинг ҳолидан қониқмаслик шаклида бўй кўрсатмоқда. Ҳар ҳолда, бир шоир айтганидек, “Мендан бошланар ВАТАН” – ХАЛҚ шоирнинг “мен”идан бошланади.

Эҳтимол, кимдир: “Охириги ўттиз йил ичида туғилиб-ўсган, тарбияланган авлоддан бундан ортиғини кутмаслик керак, кутишга ҳақимиз йўқ” дея эътироз билдириши ҳам мумкин. Лекин ҳозирги ёш бўғин шоирлар ҳимоясига айтиладиган бундай гаплар айни пайтда уларга берилган баҳо ва ҳукм ҳам бўлади.

Сирларингни сукунатга соч



**Зарнигор
АБДУОЛИМОВА**

Сен мени энг баланд нотада севдинг
Солланиб боради бунда оҳанглар
Ва қўйдинг оламнинг кўксига илкис
Исмимни муфассал рангда муҳрлаб

Ҳали одамдайин яшамай туриб
Одамдай севилдим, эй аҳди боқий
Онт ичдинг мангуга тиландим дея
Ишқинг сотиб қўйган парилар ҳаққи

Бир ҳовуч ой янглиғ кафтингда балққан
Некқадам ҳисларинг толеи расо
Қарасанг, кўзларинг бу дунёга ёт,
Кўзларим кўзингга оид, қарасам

Сени чорлаётир қахрабо мисол
Киприклар остида оғу қалқадир
Англа минг: дунёнинг тўрт бурчи ёлғон
Фақат бир йўл қолган манзили қадим
Бошида мен борман, сўнггида Худо

Шундай юксак севдинг, оҳанглар ўктам
(Фақат оғир ботар севгисизлигим)
Наҳот тушунмайсан азизим ахир
Сўнггида барча қуй топгач ниҳоя
Мангу қолажакмиз Сен, мен ва севгим

Зарнигор АБДУОЛИМОВА – 2000 йилда тугилган. Гулистон давлат университети талабаси. “Хайр дема” номли китоби нашр этилган. “Зомин” адабий семинари иштирокчиси.

Мен сени
сукунат
куйида
севдим.

1

Сени қоим тундан изладим,
Тонглардан изладим – нур отган.
Куйлардан изладим ушшоқий
Манглайин саволлар нураган.
Изладим, куддусий сирларнинг
Тугуни ечилди, ё сирим!
Лек сенинг дарагинг бедарак,
Қайларда юрибсан яширин.
Тоғларнинг баҳридан ўтиб ҳам
Топганим тоғдайин хавотир.
Сенгача билолмам, эй кимим,
Ё қафас тўсқинлик қилодир,
Ё нафас тўсқинлик қилодир...
Насимлар рақс этса, ёдингни
Хазиндек таратар мутрибо,
Хазондек тарқатар мутрибо.
Бир осор атадим бор бўлсанг,
Анқонинг кўзидан ўқиб ол!

2

Денгизнинг парвойи самогир,
Сан, о, кел! Чекимда – тўкилиш.
Бир тутам умримга бер сабр
Ва ё хушхабар бер, аё Ишқ?!
Дунёнинг қай бурчи висолранг
Қай бурчи шабнам оҳ ўзимдек...
Тушунгин...
Мумкинди йўлларим боғласам
Худонинг ёнига етмоқлик.
Сўнг надир эҳтиёж, аё ишқ?!
Эй минг йил интизор кутганим,
Кел, сен-ла топайин Худони
Кел, сенда топайин Худони
Кеч бўлмай хабар бер, қайдасан,
Қаён ишқ?
Аё Ишқ!

Ислам

Алвон кўзларингдан қуйилар шафақ,
Не фарқки, руҳингга бўйсунмаса тан.
Сен асли заминнинг либосин кийган

Самонинг қизисан, (эрк сенга Ватан.)
Елкангда бир қанот мудраб борадир,
Уйғот, семурғларинг чигалини ёз.
Энди сенга дохил мана бу осмон
Ва ҳар тун тушларинг тўлғотган парвоз.
Аммо сўз демокқа шошма, анисим,
Беранг калом тутса руҳсиз оломон.
Барча сирларингни сукутингга соч
То излар экансан – бир сўз жоладор.
Чекин, у манзиллар туғилган есир,
Худонинг ёнига элтмас ҳеч бири.
Қаршингда дуодек бир йўл турибди:
Сен фақат Ўқи!
Ўқи, (асли шудир сен кутган қисмат)
Ўқи, ўнглариңдан қувилсин шомлар.
Худога бошлаган манзиллар асло
Алдамайдилар.
Бунда ахтарсанг ҳам товонларингга
Тиканлар ўрнига шабнам ботадир.
Сен учун оҳори тўкилмаган сўз –
Чиғаноқ кўксида сақлаб ётадир...
Фақат топсанг, бас!

Юраверсанг тугамас йўл



**Нигора
МУҲАММАД**

* * *

Ойнинг нигоҳида мудрайди уйку,
Тун ерга бағрини бериб ётади.
Ёруғ манзилларга дарак эрур бу,
Эртага бир гўзал тонглар отади.

Нигора МУҲАММАД – 1996 йилда туғилган. Наманган давлат университети талабаси. Унинг “Хилол”, “Йўқлик бор менда” номли шеърий китоблари чоп этилган.

Кечанинг кечмиши чекиниб йироқ,
Сахарлар кўз очар, нигоҳлари ок,
Бугундан ёркинрок, бугундан порлок,
Эртага бир гўзал тонглар отади.

Дилни эшик қоққан хув бонгларга бер,
Берсанг, юрагингни шу тонгларга бер,
Чучук тилларида шивирлабон шеър
Эртага бир гўзал тонглар отади.

Қайси сояларга нур тушмай қолган,
Гул туккан қай мева ғарқ пишмай қолган,
Қаерда қайси тун ёришмай қолган,
Эртага бир гўзал тонглар отади.

Кетдим десанг, кетолсанг ғолиб,
Чорлаб турса, тиланиб, толиб,
Қулоч ёзсанг ва нафас олиб,
Ёмғирларнинг остида қолиб,
Усти-бошинг бўлиб кетса ҳўл,
Юраверсанг, тугамаса йўл,

Бир ишқ бўлса ва ботин бўлса,
Унга аён, Унга чин бўлса,
Сокин бўлса ҳам ҳазин бўлса,
Сени кутган бир манзил бўлса
Ва узоқдан чўзиб турса қўл,
Юраверсанг, тугамаса йўл...

Ой гоҳ ботиб яна гоҳ чиқса,
Йиқилсанг, йўлингдан чоҳ чиқса,
Куйиб кўнглидан бир оҳ чиқса,
Ҳар не кунда ҳам ҳамроҳ чиқса,
Севолсаки ва ҳаддидан мўл.
Юраверсанг, тугамаса йўл.

Оқшом қўйни қаҳратон бу кез,
Қўриқлайди қуюқ тусини,
Кўнгилга юр.
Жим ўлтирамиз.
Исиниииб....

Кел, кўлингни кўлимга узат,
Оқ тонглари кўрдим тушимда.
Не кўйларга тушаман, кузат,
Қаршингда...

Йиғиламан қайтадан ярим,
Ҳар томонга кетиб сочилиб.
Иқроқ бўлмоқ истар ҳисларим,
Очилиб...

Нафас олсам, намиққан, оғир,
Димоғимни ачитди ҳаво
Қараб боқдинг ва ёнди бағир,
Ажабо...

Туби олис, қирғоқлари кенг,
Нигоҳингда исиндим беҳол,
Ва пойингга тўкилдим, Ўзинг –
Териб ол...

Суймадингиз мени...

Қувончлар ёғдирсам, ғамни суйдингиз,
Кемтикни оғдирсам, камни суйдингиз,
Билмайман, ўзи сиз кимни суйдингиз,
Менга бир илиқлик туймадингизда,
Суймадингиз мени, суймадингизда.

Билсангиз, тошдилда унган кўнглим бор,
Тирилиб сўнг такрор синган кўнглим бор,
Сиз учун ҳар нега кўнган кўнглим бор,
Тиғ олиб кўксимни ўймадингизда,
Суймадингиз мени, суймадингизда.

Тунлари кўзингиз кўкларга тикиб,
Бир япроқ тўкилса, минг фиғон чекиб,
Саҳарда сабога ҳатто бош эгиб,
Мен учун ҳеч ёниб-қуймадингизда,
Суймадингиз мени, суймадингизда.

Оҳ... сизни манзилсиз йўлдаин суйдим,
Саҳрода эзилган гулдаин суйдим,
Пайғамбарга ошиқ қулдаин суйдим,
Нечун сиз ҳеч ёниб қуймадингизда,
Суймадингиз мени, суймадингизда,
Менга ҳеч илиқлик туймадингизда...



**Нилуфар
ЭРГАШЕВА**

Бойчечаклар териб келай

Сокин кеча. Тун сурати сўйлаётир
Хаёлимнинг мавжларига авжлар қўшиб.
Меҳр ўсган нафасимда бахт чақириб
Юлдузларга айланганча айтсам қўшиқ.

Бу қўшиғим йикитгайдир тошдарахтни,
Тошдунёни кулатмокка жўр танбурим.
Гар қуласа осмон байрам қилиб берар:
Гумбур-гумбур,
Гумбур-гумбур,
Гумбур-гумбур!

Мен-чи бугун ёмғир бўлиб ёғиб берсам
Ювиларми кўнгилларнинг бутун гарди.
"Шўр эмас!" деб пешонамга болаликда
Ёмғирлардан ўзиб-ўзиб бахт ёғарди.

Чак-чак,
Чак-чак – бахт куйининг ноталари
Сўнгги манзил қадар мени қилган асир.
Юрагимга ўчмас қилиб умрбодга
Буюк Ишқнинг суратини, чиз, Мусаввир!

Бу суратда осмон байрам қилиб берсин
Гумбур-гумбур,
Гумбур-гумбур,
Гумбур-гумбур...

***Нилуфар ЭРГАШЕВА** – 2005 йилда туғилган. Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби II-синф ўқувчиси. Унинг “Яшил сўз” номли шеърий китоби чоп этилган.*

Қадам

Санчилади товонимга қўштиканлар,
Ахир ўзим тикан босган йўлдан юрдим.
Ғам кўрмаган бахт исмли шаҳарчадан,
Бахтчечаклар териб келай сенга, юртим.

Мени кечир, офтоб еган бу елкангдан,
Кетмонингни олмоққа ҳеч етмас кучим.
Розимисан, эзгуликнинг байроғини
Елкадамас, кўкда тутсам сенинг учун.

Шоир бўлгум сени алқаш учун эмас,
Хушомадгўй мисралардан сиқувдаман.
Ватан, сени баландпарвоз гап-сўзлардан
Касал бўлиб қолишингдан кўрқувдаман.

Сен чорлагин боғларингга кетаётиб,
Дарёларни элтиб берай суғоргани.
Бугун шахдам қадам ташлаб борар қизинг,
Товонингдан тиканларни суғургани!

* * *

(Ўзимга)

Чўлпон уйғоқ эди сенинг ёшингда
Томирида қондек оқарди исён.
Ёндирганга ёниқ зарбалар керак –
Оловлар ичида эди Туркистон!

Бугун сен жимгина кузатяпсан, дод!
Ҳақкингни инига тошаётгани.
Наҳотки, заррача қизиқтирмайди
Янги бир асрда яшаётганинг?!

Кечикиб-кечикиб қайтади уканг
Уйга шошиб келар, юраги эзгин.
Қодирий. Айблов. “Йиғинди гаплар” –
Бўғзингга нимадир тикилди.
Сездим...

Ўхшашлик сезасан тарихинг билан
Шунда ҳам, парвосиз ғафлатда ётсанг.
Эски оғриқларга, оғир дардларга
Кўзларингни юмсанг, қандай авлодсан?!

Мўрилар ўзига сиғмай ҳайқирар,
Шамол айлантирар совуқ ҳавони.
Иссиқ жонинг учун кўмир қалаган
Онангни босади муздек хавотир.

Ўзинг ҳам сезмайсан, дунё сезмайди –
Печканинг ёнида куяр этигинг.
Бошингга мотамли кунлар келмасдан
Миллатим, илоҳо уйғониб кетгин!

Кучи етмас “кучли” табибларингни
Малҳами хатодир, ёлғонга йўйманг.
Буюк Туркистонни айни қиш чоғи
Худойим, ғафлатда элтиб қўйма!

Чўлпон уйғоқ эди менинг ёшимда...



Рўмол

Ҳикоя



Маъмура ТЎРАЕВА

Тунги соат иккилар атрофида, барча ғафлат уйкусида. Атроф зим-зиё, қоп-қора рангга чўмиб кетгандек гўё...

Майин эсаётган шамол чигиртканинг чириллаши, моторнинг бир маромда ғувуллашига қўшилиб ажойиб куйга айланмоқда. Ҳайдовчи газни тезроқ босиб олдинга интилар, уйку элитаётган кўзларини ҳар замонда уқалаб қўярди. Орқа ўриндикда келаётган Тошпўлат атрофни кузатар, тезроқ она қишлоғига боришга шошиларди. Олдинда келаётган машиналардан таралган хира ёруғлик умид учкунидек ёркинлашади ва ҳаёт каби бир зумда ўтиб кетади. Автомобиль эса доимгидек яна тим қора зулматда ҳаракатланиб кетаверади.

“Инсон ҳам шундай бўлса эди... Ёруғлик унинг ёнидан ўтиб кетгандан сўнг ҳам ёлғиз ўзи олдинга мана шу техникадек ҳаракатланса эди. Ана шунда жамият тубдан ўзгарарди...” – Тошпўлат ана шулар ҳақида ўйлаб ўйига етолмас, унга бир неча йиллардан буён шу каби фалсафий саволлар ва қарашлар тинчлик бермасди. У ўзида шу қарашлар мавжуд бўлганлиги учун ҳам фалсафа бўйича ўқишга топширди. Қишлоқдан келган тўпори йигит ўзининг дунёқараши билан домлаларни, қолаверса, бутун факультетнинг эътиборига тушди. Энди у шунчаки Тошпўлат эмас, бир йил ичида Тошпўлат Ҳамроевга айланди...

Ҳа, Тошпўлат бундан бир йил олдин ёлғиз онасининг, маҳалладошларининг, қолаверса, раис буванинг қистови билан қишлоқдаги онаси, қадрдон кетмони,

Маъмура ТЎРАЕВА – 2001 йилда туғилган. Унинг “Битирув кечаси” номли китоби нашрдан чиққан. “Зомин” семинари иштирокчиси.

унинг дўстига айланган Олапар кучуги, хуллас, барча-барчасини ташлаб ўқишга отланди. Уни очик чехра билан кутиб олиб, бошини силаган шаҳар шу бугун рухсат бергани учун она қишлоғига бир йил деганда қайтаётганди...

Ниҳоят, тонгги соат бешларда машина таниш дарвоза ёнида тўхтади. Мунғайиб қолган ҳовлидан онаси, қўшнилари, раис бува ва яна аллакимлар Тошпўлатни қарши олди. Тошпўлат аввал раис бува билан, сўнг қўшнилари билан, охирида эса йиғидан тўла кўзлари жавдираб турган онаси билан кўришди. Онасининг бағрида ёшлигидаги таниш ифори туйди. У бир йилдан бери катта шаҳардан ҳамма нарсасига эришди, аммо мана шу ифори излаб тополмаётганди...

Ҳовлига кирган Тошпўлатнинг кўзи Олапарга тушди. Ит ҳам эгасини танигандек ғингшиб эркаланиб қўйди. Молхона томонга кўз ташлаганда бўш турган қозикни кўриб қотиб қолди. Бирдан унинг изидан борган пуллар кўз олдига келди. Юрагининг бир чеккасига нимадир қаттиқ санчилгандек бўлди...

Барча яқинлар уй-уйига тарқалгач, супада аввалгидек ёлғиз қолган онасидан:

– Ойи, сигирни нега сотдингиз?! – деб сўради.

– Кутилмаган саволдан она хайрон бўлиб қолди. Кўзларини яширганча, ерга қараб охиста жавоб берди.

– Ўғлим, мол-дунё топилади. Сиқилма, – она охириги сўзларини базўр чиқарди. Унинг дастурхон попугини ўйнаётган қўллари титрарди...

Дарахт соясида мудраб қолган Тошпўлат уйғонгач, ҳовлида куймаланиб юрган онасига назар ташлади. Она бир неча йилдан олдин ҳам кийиб юрадиган эски кўйлақда эди. Демак, боя қарши олганда янги кийимда чиққан экан-да – ҳаёлидан ўтказди. Сўнг онасининг оқариб кетган сочларини яшириб турган рўмолга эътибор берди. Тошпўлат эсини танибдики, онасининг бошида шу рўмолни кўради. Рўмол эскиргандан униқиб қолганди. Онасининг шу рўмол билан боғлиқ хотиралари бисёр эди. Эскириб қолган уст-бошда онаси унинг кўзига янада толиққандек, сўлиб қолгандек кўринди. Тошпўлат онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай ўрнидан шахд билан туриб кетди. Бозорга борди. Бундан бир неча йиллар олдин шу бозорда сут-қатик сотиб юрган дамларини эслади. Яқинда олган стипендиясига бозордан умрида илк бора онасига бир кийимлик атлас ва янги рўмол харид қилди...

Тошпўлат уйига етиб келганда кун исиб кетган, вақт ҳам тушга яқинлашиб қолганди. Бозорлик қилган тўрвасини супага қўйиб онасини излай бошлади. Ҳовлидан иштаҳани қитиқловчи хушбўй ҳид ўрлади. Она тушликка овқат пишираётганди. Ичкарида идиш-товоқнинг тақир-туқури эшитилар, эшик тутқичида ўша рўмол ўчакишгандек турарди. Тошпўлат янги атлас ва рўмолини олиб ошхонага яқинлашди. Жаҳл билан бориб эшикдаги рўмолни ўчоқда гуриллаб ёнаётган оловга улоқтирди. Сўнг:

– Ойи, сизга совға олиб келдим!!!

– А, келдингми, болам, – дея ҳовлиқиб ҳовлига отилди онаси.

Ўчоқда ёнаётган рўмолга кўзи тушиб.

– Вой, рўмолим ёниб кетбди. Қара, дадангдан ёлғиз ёдгорлик ёнябди, болам. Ахир уни отанг совға қилганди-я!..

Она тиззалари қалтираб ҳиқиллаб йиғларди. Онасининг сўзларидан титраб кетган Тошпўлат оловда ёниб тугаётган рўмолга термилиб қолди. Қулоғи остида:

– “Қара, дадангдан ёлғиз ёдгорлик ёняпти”, деган сўзлар жарангларди.

Она эзилиб, эзилиб йиғлар... Онанинг йиғиси эрталаб фарзанди билан кўришгандаги йиғидан фарқ қиларди. Она қалбида ва ўчоқда олов гуриллаб ёнарди...



**Абилжон
АБДУРАҲМОНОВ**

“Биз ёруғлик излаймиз ҳамон”

Нур инсон учун моддий ва маънавий дунёни англашдаги бирламчи омилдир. У моддий оламда нарсаларни кўра олиш ва уларнинг шакли ҳақида маълумот олишга имкон берса, маънавий оламда илоҳий тафти сифатида қалбга тароват бағишлайди. Шу жиҳатларидан ҳам нур қадим давлардан то бугунга қадар турли фан соҳаларининг кизиқиш доирасидаги тадқиқот объектининг масаласи бўлиб келмоқда. Чунки нур инсонга оламда ўзлигини англашдаги тушунчани ёритиши билан тафаккури ўлчовида тўғри билган ҳақиқатни намоён қилиб беради.

Бу ҳодиса адабиётнинг бош мавзуларидан бири сифатида ўзига хос талқинланиб, тафаккур маёғи сифатида шаклланиб келган.

Санъатшуносликда ҳам нурга бадий ижоднинг муҳим ҳаракатлантирувчиси сифатида қаралади. “Инсонлар ҳаёти учун ўзининг табиий характеристикаси ва аҳамияти туфайли нур (ёруғлик) табиий ва ҳақли равишда чуқур рамзий маъно ифодаловчи бўлиб қолмоқда”¹. “Рассом учун нур эстетик аҳамиятдаги образ яратиш воситасидир”².

Инсон мияси баъзан кўзнинг тўр пардасида пайдо бўлган тасвирни сезиларли даражада ўзгартиради: мия субъектив бўшлиқни ҳосил қилиб, ретинал тасвирга таяниб, пайдо бўлган тасвирни ўзгартиради: ниманидир кучайтиради, ниманидир қамайтиради, объектларни “яқин-узоқ” асосида тақсимлайди³.

Бу табиий ҳодиса илк одамларнинг дунёқарашида акс этиб, инсониятнинг ахлокий-руҳий тараккиёти зинопояларидан мифологик образга қадар етишиб, охир-оқибат ўзининг диний-руҳий аҳамиятини оширди. Нур метафораси руҳ ва илоҳийликнинг ўзи учун ички маърифатни, космик кучнинг намоён бўлишини, чексиз яхшилик ва ҳақиқатни англатади. Нур, шунингдек, боқийлик, мангулик, жаннат, поклик, ваҳий,

¹ Қаралсин: Мостепаненко Е.И. Свет в природе как источник художественного творчества // Художественное творчество. Вопросы комплексного изучения. Человек – Природа – Искусство. – Л.: Наука, 1986. – С. 74–88.

² Большой энциклопедический словарь. Искусство. Серия БЭС. – М.: Внешсигма, 2001.

³ Қаранг: Раушенбах Б.В. Геометрия картины и зрительное восприятие. – М.: Интерпракс, 2001. – С. 97.

Абилжон АБДУРАҲМОНОВ – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). 1970 йилда туғилган. Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг қирққа яқин илмий ишлари республика ва хориж журналларида нашр этилган. “Ранг ва унинг бадий-услубий хусусиятлари” ҳамда “Нур ва сурур (Замонавий ўзбек шеърляти)” номли монографиялари чоп этилган.

ҳикмат, ақл-заковат, буюклик, шодлик, ҳаётнинг ўзи ҳам тимсолдир. Аксарият фалсафий таълимотлар ёруғлик ва зулматни қарама-қаршиликларнинг бирлиги деб ҳисоблайди, Яқин Шарқнинг энг муҳим динлари (монийчилик ва зардуштийлик каби) улар ахлокий жиҳатдан қарама-қарши кучлар, эзгулик ва ёвузлик салтанатининг моҳияти, деб таъкидлайдилар. “Нур” – “яхши” ва “Худо” сўзларининг синонимига айланди. Шундай қилиб, Исо Масих дунёнинг Нуридир, Гаутама Будда Осиёнинг Нуридир; Кришна – ёруғлик Раббийси; Аллоҳ осмон ва ернинг нуридир⁴.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг асоси айнан нур ва зулмат кураши ҳақида бўлиши ҳам дастлабки мифик мотивларнинг ибтидоси айнан нур бўлганлигини кўрсатиб турибди. “Забур”да ҳам нурга алоҳида эътибор қаратилган⁵. Насронийликда эзгулик – нур; тартибсизлик, ёвузлик – зулмат. Бунга ўхшашликлар бошқа маданиятларда ҳам кузатилади⁶.

“Монийнинг таълимотида Нур ва Зулмат ўртасидаги азалий кураш асосий ўринни эгаллайди. Унинг мазмун – моҳияти эса, Нурнинг Зулмат устидан ғалаба қозонишига ишонишдир. Монийлик маҳаллий динлар – зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Уларнинг эътиқодича, биринчи оламда Нур (Худо), иккинчисида – Зулмат (Шайтон) ҳукмронлик қилади. Инсон икки унсурдан – Нур фарзанди бўлган руҳ ва Зулмат фарзанди ҳисобланмиш жисмдан иборат мавжудотдир. Шунинг учун инсон Зулмат кучларига қарши курашда Нур кучларига ёрдам бериши лозим деб қаралади”⁷.

“Инжил”да ҳам нур ҳақида айтиб ўтилади ва нур орқали Яратгувчининг мўъжизалари мадҳ этилади. Яратишнинг тўртинчи кунда Нурнинг яралганига доир сўзлар келтирилади⁸.

Қуръони карим “Нур” сураси 35-оятда “нур” сўзи яратгувчининг ифода ва рамзи сифатида келтирилади: *قُلْ اَرُونِ وَاَمْسَلْ اِتَاوَالْ اَرْضُ* “Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир”⁹. “Нур”нинг луғавий маъноси ёруғлик бўлиб, қоронғиликнинг зиддидир. Қоронғида ҳеч нарса кўринмагани ва киши билиб ҳаракат қилолмагани, аммо ёруғда нима бор-йўғлиги маълум бўлиб, киши хавфсиз тўғри ҳаракат қилолгани учун “нур” сўзи ҳидоят ва унинг воситаларига, масалан, ақл ва иймонга нисбатан ҳам қўлланилади. Қуръони карим “Нур” сурасининг ўттиз бешинчи оятида дейилган: “Бунда Аллоҳнинг еру кўкни яратиб, ундаги барча мавжудотни бор қилиб туриши тушунилади...” Суранинг “Нур” деб номланишининг сабаби биринчидан ундан Оллоҳ еру осмоннинг нури – асл ижодкори эканлиги хусусидаги гўзал ояти карималар ўрин олган бўлса, иккинчидан бу сурада инсонлар бахтли, саодатли ҳаёт кечиришлари учун нур каби зарур бўлган илоҳий аҳкомлар мавжуддир”¹⁰.

Маълум бўладики, нур фалсафа ва тасвирий санъатда категория сифатида мавжуд бўла олади. Сўз санъати – адабиётда эса у категория эмас, бадиий ғояни ифодалашдаги воситадир. Чунки нур бадиий адабиётда дунёдаги ўзгаришлар,

⁴ Трессидер Дж. Словарь символов. / Пер. с англ. С.Палько. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 1999. – С. 324.

⁵ Цви Фриман Свет и тьма внутри нас. <http://www.jewish.ru/tradition/classics/philosophy/2008/03>.

⁶ Интернет маълумоти: Warrax Black Fire Pandemonium <http://warrax.net>.

⁷ Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент Ислон университети, 2013. – Б. 65.

⁸ Ветхий завет. Четвертый день творения. Бытие 1:14–19. / – М.: Библия на Востоке, 1991.

⁹ Қуръони карим. (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. – Б.254.

¹⁰ Мухаммадий Н.. Нурнома ва уларнинг янгича талкини – Т.: Ўз.Р. ФА, Фан., 2003. – Б.29.

ривожланиш, боғлиқликларнинг умумий жиҳатлари инкишоф этилишининг бадиий талқинланишида асосий жиҳат, бирламчи муносабат масалаларига ечим топиб беролмайди. Шунинг учун у жараёнларни ифодалашда муҳим тушунча даражасида мотив, образ, тимсол кўринишларида бадиий ғояни очиб берувчи вазифасида келади.

Бадиий матнга кирган нурнинг англанадиган андозавий хусусиятлари ижодкор ички дунёси билан уйғунлашувида юз беради. Натижада уни қабул қилувчи (ўқувчи)га етиб боргунга қадар икки бор трансформацияга учрайди:

1) ижодкор томонидан бадиий асарга хомашё ёхуд ингредиент сифатида унинг ўзлиги билан уйғунлашиш жараёнида;

2) ижодий маҳсулот сифатида қабул қилувчининг эҳтиёжларига асосланган компенсаторлик ҳолатдаги ҳиссий билим уйғунлашуви жараёнида.

Нурнинг бадиийлашиш жараёни 3 босқични босиб ўтади:

1. Моддий ҳодисадан маънавий ҳодисага айланиши.

2. Ижодий ниятга мос ҳолат (шакл)га кириши.

3. Ижодий концепцияни ифодалашда вазифа юклатилиши.

Демак, биринчи босқичда нур моддий – табиий ҳодисадан идрокдаги маънавий ҳодисага айланиши юз бериб, унинг бадиий-эстетик аҳамияти ошади.

Иккинчи босқичда ижодкор томонидан нурнинг ижодий ниятга мос самовий (қуёш, ой, юлдуз), теллурик (чақмоқ, ёғду, ёнғин) ёки яратма (чироқ, шам, фонус) шакли танлаб олинади.

Учинчи босқичда танлаб олинган нур манба ижодий концептни ифодалашда бадиий воситалардан бирининг вазифасини бажаради.

Энг муҳим босқич эса бу бадиий матннинг ўқувчи томонидан қабул қилинишидир. Бу эса унинг ҳиссий ҳамда маънавий маълумотларни нечоғлиқ тасаввурида шакллантира олиши билан боғлиқ кечади, яъни “тафаккурдаги нур” билан боғлиқ индивидуал ҳодисадир. Ижодкор томонидан нурнинг бадиий ижодда қўлланиши учун ўзлаштирилиши қуйидагича кечади: моддий нур ==> идрок ==> маънавий нур ==> тушунча ==> бадиий восита ==> ижодий муносабат.

Лирик асар таркибида келган нур ижодкорнинг ғоявий талабидан келиб чиқиб юқоридаги кўринишлари образ, тимсол ва мотив шаклларида ифодаланади. Бунда у маълум бир кўринишга асосланган яхлит образ ёки тимсол бўлиб келиш баробарида барча жиҳатлари аралаш, уйғунлашиб келиши ҳам кузатилади. Бу масалада айнан қайсидир бир кўринишни ёки шаклни бадиий матндан ажратиб олиб тадқиқ қилиш орқали шоир ижодий концептини тўғри баҳолаб бўлмайди. Шу сабабдан ушбу тадқиқотимизда тавсифлаш орқали эмас, умумийликдан келиб чиқиб илмий қарашларимизни юзага чиқаришни мақсад қилиб олдик.

Замонавий ўзбек шеъриятида нур коинотдаги манбалари қуёш, ой, юлдузлардан, Илохий (руҳий) манбалари Аллоҳ, Пайғамбардан, сунъий манбалари машъал, шам, чироқ, лампалардан, теллурик манбалари: ердаги нурланиш, чакнаш ходисаларидан ҳосила сифатида ўз бадиий талқинига эга.

Нурнинг ҳолис намоён бўлиши ҳолатлари ҳам мавжуд: у шакл-шамойилсиз образ, неон масса, оҳанрабо гўзаллик, ожиз ёки қудратли ҳамда нажоткор оқим бўлиб келиши кузатилади.

Маълумки, нурга интилиш жонзотнинг инстинктив физиологик эҳтиёжи бўлгани каби шоир ҳам нурга интилиш фалсафаси йўғрилган реал ҳаётни бадиий талқинлайди ва шу аснода ўз бадиий оламини яратади. “Ҳар бир шоир бу оламга ўз қарашлари, ўзининг фикрлари, дунёни бадиий кўриши, идрок этиши ва туйғулари ифодасига эга бўлган муҳим шахсдир. Ҳар бир катта шоирнинг ижоди ўзига хос, оригинал, бетакрор”¹¹.

¹¹ Мостепаненко Е.И. Свет в природе как источник художественного творчества //

Шеърятда нурнинг соя билан қарама-қаршилиги маънавий оламдаги уларни ифодаловчи образлар тизимини ҳаракатлантиради.

*Ёхуд кўрмас ростликни асло,
Ёхуд кўрмас диёнат, ғурур.
Балки шундан мангу қололмас,
Балки шундан қайтиб юрар нур*¹².

(Ш.Раҳмон. “Нур”).

Бу ерда шоир томонидан нурга шундай чуқур рамзий метафорик вазифа юклатилганки, натижада маънавий тубанлик “нур” воситасида ёритиб берилади. Оламда барча нарсани ёритиб, кўрсатиб бериш фақатгина нургагина хос бўлиб туриб, унинг ўзи ҳам “кўришга” қодир бўлмаслигининг келтирилиши бадийий маконнинг қанчалар зулматга чўкиб кетганлигидан далолат беради.

Демак, нур маънавий оламнинг ўлчови, кўрсаткичи вазифасини бажариб келган. Рухий нур – маънавий олам ёриткичи бўлиб, замонавий ўзбек шеъриятида чуқур ижтимоий-маънавий масаланинг ечими сифатида қўлланади.

*Сўқир кўзларимни нур-ла безатдим,
Меҳрибоним, қоним. Сизни топдим мен*¹³.
(Рауф Парфи. “Қора девор”).

“Одамнинг инсонга айланишида”¹⁴ унинг аҳамияти кўринади.

*Инсонлик фитрати уйғонгунча то
Ич, ҳақнинг қонини юҳо жомида.
Чорасиз ҳақиқат, ул, илоҳий нур.
Абад қолиб кетмас ваҳшат домида!*¹⁵

Нурнинг бадийий мақсадни ёритиш жараёнидаги трансформацияси юз беради. У илоҳий нур манбасининг ўзлигида намоён бўлади:

*Кўзимга тўлди ёлғиз
Аллоҳ жамоли.
Белги берди фалак
Номаълум бир из*¹⁶.
(Рауф Парфи. “Қора девор”).

Нурнинг лексикага хос бўлмаган ноодатий шакли ҳам учрайдики, бу билан ижодкор поэтик гоё ифодасини янада урғулашга интилади:

Художественное творчество. Вопросы комплексного изучения. Человек – Природа – Искусство. – Л.: Наука, 1986. – С.74.

¹² Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 163.

¹³ Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр. 2006. – Б.87.

¹⁴ Улуғбек Ҳамдам. Улуғ Танграм, сени аччиқ соғиндим. Сўзбоши.// Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр. 2006. –Б.10.

¹⁵ Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр. 2006. – Б.104

¹⁶ Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр. 2006. – Б.89.

Мен буни уқаман

Ҳар бир нарсадан.

*Ёзилган чоғида баҳайбат бир нур*¹⁷.

(Ш.Раҳмон. “Ўшни кезган ўйларим”.)

“Кучли”, “хароратли” даражалари ўрнига “баҳайбат” сўзининг қўлланиши лирик қаҳрамон муносабатининг психологик хусусиятларини ошкор қилишга хизмат қилади.

Нур даражасининг ранг воситасида ифодаланиши сифатланмиш орқали лирик маконда унга юкланган ғоявий-эстетик вазифани аниқлаштиради:

Танизорим игна учинда

Кўзларимда порлар қора нур.

Менга кеча ёмғир ичинда

Машъум хаёл каби кўринур.

Натижада нур лирик қаҳрамоннинг “ўзлигини” кўришига сабаблиги далилланади.

Рухсорини ювган кечада

*Мен билмаган ялангоч шуур*¹⁸.

(Рауф Парфи. “Ёмғир эмас, марварид ёғар”.)

Коинот нури маънавий нурга эврилиши табиий қоронғилик фонида иккинчи параллеллик – жаҳолатга алмашади:

Ўйчан кеча тун ичра танҳо

Рауф дўстим, қолдик икковлон...

Биз меҳрга тўймадик асло,

*Биз ёруғлик излаймиз ҳамон*¹⁹.

Кўринадики, лирик воқеликда ижодий ғоянинг параллел бадий макондаги биридан иккинчисига ўтиши ва эврилиш жараёни содир бўлади. Гарчи тун табиий ходиса бўлса-да маънавий ҳолат экани ва “меҳр” маънавий нурнинг эквиваленти сифатида намоён бўлгани маълум бўлади. Лирик қаҳрамон “излаётган” ёруғликдаги нур табиий (коинот) нуридан руҳий нурга трансформацияга (эврилиши) учрайди.

Демак, ўзбек мумтоз шеъриятида тасаввуфий қарашлар асосида илоҳийликни ифодалаган нур замонавий ўзбек шеъриятида ижтимоий-сиёсий ҳаёт фонида шоирнинг маънавий-эстетик идеалини мужассама сифатида намоён бўла бошлади. Реал ҳаётга инъикос тарзда тасвирланаётган бадий маконга бадий талқиннинг мослашишида нурнинг моддий ва маънавий шаклдаги кўринишлари реал ҳаётни чуқур фалсафий-рамзий намоён қилиб беришдаги аҳамияти янада ошди. Замонавий ўзбек шеъриятида нур яратувчининг сифатларинигина эмас, реал воқелик қуршовидаги лирик қаҳрамоннинг интилишлари ёритиб беришда мотив, образ, тимсол сифатидаги кўринишлари конкретлашди, зоҳирий ва ботиний олам ўртасида воситачилик роли яққоллашди.

¹⁷ Шавкат Раҳмон. Сайланма. –Т.: Шарқ, 1996. – Б.189.

¹⁸ Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Миллий кутубхона нашр. 2006. – Б.27.

¹⁹ Ўша китоб. – Б.40.

Тил йўқолса йўқолмасми эл?



Фозил ЖАББОРОВ

Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак: Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология Хизмати Марказининг Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ўтказилган матбуот анжуманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Елена Бабенко ва Kun.uz сайти мухбири Илёс Сафаров ўртасида юзага келган баҳс давлат тилига оид муаммоларни яна юзага қалқитганди.

Мазкур матбуот анжуманида Елена Бабенко Ўзбекистонда 2030 йилгача кутилаётган иқлим ўзгаришига доир ишланган стратегия бўйича маърузасини рус тилида тақдимот қилганда Kun.uz сайти мухбири Илёс Сафаров унга: “Нима учун давлат тадбирига ўзбекча тақдимот ё таржимон билан келмадингиз?” деган савол билан юзланади.

Аҳоли сони 36 000 000дан ошган Ўзбекистон халқи томонидан сайланган бу депутат Ўзбекистонда туғилган, шу юртнинг нон-тузини еб, улғайиб, ўқиб, яшаб, шу мартабагача “кўтарил”ганига қарамай давлат тилида маъруза ё тақдимот қиладиган, ҳеч бўлмаса, эркин сўзлашадиган даражада бўлолмаслиги ғалати эмасми? Қолаверса, “Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида”ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланиши белгилаб қўйилган.

Яна бошқа бир ачинарли ҳолат эса 2021 йилнинг 27 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” Демократик партияси фракцияси “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили

Фозил ЖАББОРОВ – 1985 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Мактуб”, “Кўклам куйи” номли насрий китоблари чоп этилган.

ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 12-моддасига берган таклифига 123 нафар депутатдан 48таси қарши чиққани, 5таси бетараф бўлиб, 12таси овоз бермагани билан боғлиқ бўлди. Қонунчиликка киритилиши лозим бўлган мазкур ўзгартириш ва қўшимчага кўра: “Давлат идораларига мурожаатлар давлат тилида бўлсин, бошқа тилда бўлса давлат тилига таржимаси илова қилинсин, жавоблар давлат тилида бўлсин” [2] дейилганди.

Афсуски, 58 нафар тарафдор депутатнинг овози камлик қилгани сабаб бу таклиф ҳам қабул қилинмаганди.

Мазкур лойиҳада “Ўзбекистонда яшаётган бошқа тилли юртдошлар давлат идораларига давлат тилида мурожаат қилсин, жавобни давлат тилида олсин”, дейиляпти, холос. Шундай экан, нега депутатликка номзодини кўяётганлардан биринчи ўринда давлат тилини билиш талаб этилмаслиги керак?

Яна ўша Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология Хизмати Марказининг Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманига қайтадиган бўлсак, бу тортишувга қўшилган “Ўзгидромет” бош директори Шерзодхўжа Ҳабибуллаев: “Бизнинг соҳадагиларнинг 85 фоизи русийзабонлар. Мен соҳада илмни ушлаб қолиш тарафдориман. Мен илк бор бу соҳага келганимда олдимизда рус тилида ишлаш ва давлат тилини қўллаш масаласи турди. Елена Бабенко ҳам иклим ўзгариши бўйича стратегияни ишлаб чиқишда профессионал даражада ишлади. Муаммо мутахассис йўқлигида, биз шундан қийналдик. Бизнинг соҳадагиларнинг 74 фоизи ўрта маълумотлилар. Яъни илм томондан ҳам қийналганмиз. Катта олимлар бор, лекин ёшларда узилиш бўлган” [3] дейиш билангина чегараланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида: “2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланади ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилади”, дейилган эди. [4]

Энди саволлар туғилади: Фурсат етди, аммо бу тизим ишга тушдими? Мазкур ҳужжат ижросини қайси давлат идора ва ташкилотлари бажаряпти? Бу Фармонда ўзбек тилини билмайдиган давлат ишчиларига давлат тилини ўргатиш курслари ташкил этиш бўйича топшириқлар ижроси нима бўляпти? Афсуски, бу саволларга жавоб йўқ.

Табиийки, Елена Бабенко ва журналист Илёс Сафаров ўртасидаги қисқа тортишув ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокамага сабаб бўлди. Кимлардир шунақа талабалар кучаяверса зўр гидрометеоролог соҳадан кетиб юбориши мумкинлигини ҳам писанда қилиб чикди. “Гидрометеорология бўйича ноёб мутахассис” эса “Ўзгидромет” раҳбари айтганидай, гидрометеоролог ҳам, эколог ҳам эмас, балки Андижон давлат педагогика институтини битирган рус тили ва адабиёти ўқитувчиси эканлиги, аввал Андижондаги рус маданияти маркази раҳбари, энди эса, ўзининг айтишича, 85 фоиз овоз билан Андижоннинг

эски шаҳаридан депутатликка сайланганини назарда тутсак, бу “мутахассис” ҳақиқатдан ҳам “ноёб”лигини кўриш мумкин.

Тўғри, Ўзбекистонда давлат тилининг бу каби камситилишига, аввало, ўзимиз, ўз тилимизни ҳурмат қилмаслигимиз ҳам бош сабабдир. Мамлакатимизда хорижий тилга ихтисослашган боғчалару мактаблар сероб. Олий ўқув юртларида таълим рус тилидаги йўналишлар ҳам талабга нисбатан кўп. Хуллас, юртда биринчи ўринда рус тилида ишлаш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Шунга кўра ўзбек тилини билмайдиган амалдорлар зўр мутахассис бўлса бўлди, давлат тилини билиши муҳим эмас, деб ҳисобланади. Катта-ю кичик анжуманларда мабодо русча савол берилса, ҳар қандай амалдор билса-билмаса, русча жавоб қайтаради, “Саволингизни ўзбек тилида беринг!” дейиш тугул, давлат тилида жавоб қайтариш маданиятига ҳам эга эмас. Шу билан бир пайтнинг ўзида русийзабонлар давлат идораларига бемалол русча мурожаат қилиб, русча жавоб олади. Россиянинг икки юзга яқин кабель телеканаллари Ўзбекистонда ўз мафкурасини бас деганча ўзбекистонликларга сингдириб ётибди. Ўзбекистонда туғилиб, яшаб, шу мамлакат фуқароси сифатида масъулиятли иш ёки лавозимда фаолият юритаётган аскарият ўзга тил вакилларининг “Нима учун ўзбекчани ўрганишим керак?” дейиши одатий ҳолга айланиб бўлгани ачинарли эмасми?

Бунга давлат тилини ҳурмат қилмаганларни бошимизга кўтарган ўзимиз сабабчи. Ўзимиз ҳам уларга қўшилиб миллий тилимизни оёқости қилдик. Ер юзида ўз тилини ўз юртида хор қилган биздай миллат бошқа бўлмаса керак. Кўпчилик миллатдошларимизнинг болаларини рус боғчаси, рус мактаб, университетларнинг рус тилли йўналишларига ўқишга бераётганидан билиш мумкинки, Ўзбекистонда рус тилини билган одам ўзбек тилини билгандан кўра кўпроқ кадрланади, катта-катта лавозимларга осонгина қўйилади. Лекин бу ҳолат яна қанча давом этиши мумкин? UNESCO ташкилоти маълумотларига кўра бугунги кунда сайёрамизда мавжуд 6 мингта тилнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида [5] турганини била туриб ҳам миллий давлат тилимизга нисбатан шу қадар эътиборсиз бўлиб қолаверамизми?

Халқимизда шундай оғрикли мақол бор:

Тил йўқолса, эл йўқолади,

Эл йўқолса, ер йўқолади.

Чиндан, тил йўқолиши миллат йўқолишидир, ватан йўқолишидир, адабиёт йўқолишидир, тарих йўқолишидир. Шунинг учун бу муаммони ҳар бир ўзбек ватандошимиз чуқур ўйлаб кўриши лозим бўлади.



**Менгнор
ОЛЛОМУРОД**

Нур нурга интилади

ёхуд

Олим Тошбоевга очиқ хат

Қўлимда бир китоб. Олим Тошбоев ёзган. Ўйлаяпман... Олимжон Тошбоев... талабалик йиллари эди шекилли, Сурхондарё телевидениесида учратганман. Есенин ёзганидай “Жиккаккина ёш бола эдим, тенгдошларим ичра қаҳрамон”. Ўшанда уни кўрдим: ёш, шиддатли, билимли, фикри теран. Баъзилар аста-секинлик билан униб-ўсиб, улғайиб, йиллар ўтган сари танилиб, кўзга ташланиб боради. Дарахтнинг йўлини кузатиш мумкинми... қийинми... ўзи унинг йўли қандай, билмайман... Бироқ нурнинг йўлини, юлдузнинг йўлини билиб олсангиз... кузатишми... англашми... иложи бордай.

Худди шу каби баъзи адиблар ғойибдан келгандай, бирдан... ҳа, бирдан ҳайратингиз рўпарасида пайдо бўлишади! Бу не синоатки, унинг асарини ўқийсизу, ўзингиз ҳам кутмаган жойда ҳайратда ҳаяжонланасиз.

Қўлимдаги “Абадий замондош” китобини кўнглимнинг бир четида, “нари-бери бир китобдир-да... Муаллифи сурхондарёлик... ҳа, ўқимасам бўлмайди... бу ёғи Шукур Холмирзаев ҳақида экан... бир кўздан кечирай-чи”, деган бепарворок қараш билан мутолаа қила бошлагандим.

Олимжон, дўстим, хафа бўлмайсиз, ўқияпману... зерикавердим. Нега? Ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Қийналаяпман. Ўқишни тўхтатмадим. Сабабини ўзим ҳам айтиб бера олмайман. Зерикарли китоблар қўлимга тушиб туради. Сабримни синаётгандай. Узоққа боролмайман. Баъзиларини тушунолмайман. Ахир “Китоб кизикарли бўлиши, завқ билан ўқилиши керак”-да! (Абдулла Қаҳҳор). Дунёқарашим тормикин ё, деб иккиланиб ҳам қоламан. Сурхондарёнинг чангу хаслари ичида юрган одамман, халқнинг дostonлари, термалари, ўланларини бахшилардан эшитиб. Бизда бахши кўп. Бири-биридан яхши, хўп. Бахшилар Алпомишга от чоптирган дўмбирасини айтишадики, бу бир чўп – ёғочдан ясалган чўп. Шу “чўп гоҳо Асқар тоғнинг чўққисини жулиб” ўтиб кетади. Оқдарёнинг сувини тоширади. Қалмоқдан Барчинни олиб келади. Шу “чўп” Қоражоннинг

Менгнор ОЛЛОМУРОД – 1955 йилда туғилган. Унинг “Юрагимда йиглаб турган қиз”, “Севги дарахтининг гули”, “Арзимни ўғлимга еткар”, “Наврўз ёки сиз истаган келин келди” сингари китоблари чоп этилган.

белини қасирлатади... Сурхондарёликлигимга бордимми, дейман, бахшиларга қўшилиб кетдим.

Гап бошқа ёқда эди-ку?! “Абадий замондош” китобининг 50-бетларига бориб бир тўхтадим. Китобни ёпиб, ўйладим... Нега бу китобнинг ичига кириб кетолмаяпман?! Менми айбдор, Олим дўстимми?! Шундай пайтда нима бўлди? Ҳаёт жумбоқ. Инсон – фалсафа. Тушунаман, десангиз, соч оқаради... йўқ, қаерда... соч тўкилиб, тугайди. Инсонни ким мукамал тушунган?! Телбалар тўла тушунади-ёв?! Озгина эс-хуши борлар эса ўйлайверади... ўйлайверади...

Бир хол рўй берди. Рўпарамда устоз Янгибой Шоймардонов... Хаёлимда-да! Ҳаётдан ўтганларига, эҳ-ҳе неча йиллар бўлди... Дарров ёдимга тушди...

Бир сафар устозга дардимни айтдим. Бўлмаса кимга айтаман? “Шундай катта китоб... Ўқигансиз... Негадир зерикаяпман... Ўқияпману, рост... ҳаммаси мавҳум... Ўқимасаммикин?!” Устоз: “Бу нима гап? У ёзувчини, дунё... э, биласизми... дунё ўқийди! У ноёб китоб. Уят! Ҳозирги гапингиздан мен уялдим”, деганди куюниб. Янгибой ака... устоз... шундай... кўз ўнгимда: “Уят!” деди. Ўқийман! 100-бетгача бораё, қани... Кучим етади.

Ҳозир ўзимни ўзим саволга тутаяпман. “Абадий замондош”ни қандай қилиб ўқишда давом этдим? Янгибой Шоймардонов ўғитими, Шукур Холмирзаевга чексиз... ҳа, муболағасиз айтаяпман, чексиз ҳурматим сабабми? Шукур акани ўқимаганлар бунга тушунмайди... Шукур акани ким ўқимабди, бу дунёга келмабди. Э-э, ўйласам... Шукур ака ҳақида қандай қилиб бўлса ҳам, кўпроқ билгим келади. Шукур ака... ў-ў, мўъжиза-да... Адабиётнинг ўзи!

Хуллас, “Абадий замондош”нинг 100-бетидан ўтдим. Тонг қотдим, тўхтадим. Китобнинг муқовасига қарадим... Нима бўлди? Наҳотки! Олим Тошбоев? Қандай ёзди экан? Эшитардим... “Олим Тошбоев телевидениедаги зўрлардан бири... Катта олим... Расмий даврада... ҳа, расмий журналистикада таниқли... миш...” Эшитганларимни айтаяпман, рост. Ё мен не бир сабаб билан газеталардами, журналлар, китоблардами ёзганларини ўқимай, дунё беҳабар қолдимми? Нега адабиётнинг у ёқ-бу ёғида “шер”ланиб юрган дўстларим айтишмади? Лол турибман. Китобни ўқияпману... ҳайратланаман... мана Олим Тошбоев!

Сўзларим ҳавойи гаплар эмас. Куруқ мақтовдан қўрқаман, мақтовда хушомад борда. Лекин китобни ўқиб англадимки, Олим Тошбоев менинг мақтовимга ҳам, ҳамду санойимга ҳам муҳтож эмас. Теран фикрли одам ўзининг кимлигини билади. Ўзини билган Худони ҳам билади. Тоғлар... айниқса, ўсаётган тоғлар ортиқча “шовқин” га жилмайиб қўяди. Аммо, ҳайратланганимни айтсам, нимаси ёмон?! Қанча китоблар чоп этилмади дейсиз... одамдан китоб кўпайиб кетди... Юрак билан ўқиладиганини излайман. Тополмайман. Йўқ эмас. Кам! Битта олтин китобга дуч келсам, қўлдан қўйгим келмайди. Тезроқ тугаб қолмасин, дейман. Олтин китоб – азиз дўст. Сўхбатлашиб тўймайман. “Абадий замондош”нинг номланишида “замондош” сўзи кўп ишлатилган, маъноси сусайган, оҳори хиралашгандай туюлади, лекин гап бунда ҳам эмас. Биринчи ҳайрат шундаки, “Абадий” сўзи “замондош”га янги фалсафа, янги рух берган, энг муҳими, “Абадий замондош” ибораси Шукур Холмирзаев руҳияти, фалсафаси даражасига етиб борган. Ҳатто, ўйладим, Шукур Холмирзаев “Абадий замондош” деган ёмби номни бирон жойда ишлатганмикинлар, деб... “Абадий замондош” бу – кучли топилма. Мана, китобга нима учун қойил қолаяпман. Лекин ҳали шошманг. Сўзимни тугатмадим.

Китобни ўқиётиб, ўзимнинг ожиз нуқталаримни, тор тушунган жойларимни, фикрим етмаган, тўла тушунмаган ҳикояларни... англадим. Шукур акани ўқиш ҳам, ўқиш ҳам керак экан! Ҳикояларнинг бўйи-басти, юзи-кўзига тикилар эканмиз, уларнинг кўнглида нималар, зимнида не ўйлар... Тушунар эканмиз, мукамал эмас...

Тарихда “Метафизика” китоби ҳақида воқеа келтирилган. Шу китобни буюк Ибн Сино қирқ марта ўқиган... ҳа-ҳа... рост! Тушунмасам бўлмайди, деганлар-да. Ёки юраги сезган. Бошқача китоб... Барибир тушунмаган. Нима қилиш керак? Воз кечсинми? Бахтли тасодиф! Қўлига Форобийнинг “Метафизикага шарҳлар” китоби тушади. Ҳар не тасодифда сабабият бўлади. Саҳрода қирқ кун ётиб, қатра сувга зор тафаккур, тоза, зилол, ширин булоққа рўбарў! Ҳаяжонланиб, булоққа энкайиб, бутун вужуди билан чашмадан сув симиради.

Ибн Сино бобони айтмаяпман. Ўзимнинг ночор ҳолимни тушунтираман, деб, ётибман. Сиз, Олимжон Тошбоев, Фаробий бобосиз. “Абадий замондош” синоатлару сирлар дунёсига шарҳлардир!

Ўқиётиб... бир жойда, бир ўй ҳаёлимдан ўтди. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети бор. Китобингизда баҳсли муаммоларни келтиргансиз. Ҳайрон қолганим, Шукур акалар даврида гоҳо “Тулистон” журналида, гоҳо газета, гоҳо Ёзувчилар уюшмасида, гоҳ университетлар, гоҳ давраларда, гоҳ майдонда, гоҳ китобларда... кўнглини оловлантирадиган, фикрларни оташлантирадиган баҳслар, тортишувлар, тафаккур чархланишлари рўй бериб турган экан. Бу қандай яхши! Адабиёт жимликда, ёлғизликда, ўй-у ҳаёл қошонасида ёзиладиган Олов. Қоғозда – олов. Нега ёниб кетмайди бу қоғози тушмагур. “Қўлғизмалар ёнмайди”. Ёнмайин абадий ёнади.

Ҳозир-чи? Балки мен худудда беҳабардирман. Йўқ. Ундай эмас. Битта воқеа, ёки битта БАҲС бир лаҳзада етти иқлимни кезади. Не ҳолки, баҳснинг ўзи йўқ. Адабиёт университетида Баҳс бўлса. Қўшнилардан олимлар, шоирлар, адиблар келса... Хур фикр гурилласа. Дейлик, “Туркий адабиёт ва модернизм” мавзуси бўлсин. Тушунмаганимизни тушунсак, нимаси ғалати?

Ахир баҳсда олов яшайди. Оловда Қақнус бор. Олов Зардуштий боболаримиздан қолган муқаддас рух. Совиб, музлаб тош бўлиб ётгандан нима фойда? Ҳақиқат қаерда туғилади?! Баҳсда, муқаддас оловда. Қақнус ҳам қуш, ҳам ҳақиқат. Президентимиз очиклик сиёсатини айтаяпти... Тушунмайман, нега Сўз, адабиёт майдонидаги БАҲСдан кўрқамиз?!

“Абадий замондош”нинг 326-бетида “Бугунги адабий жараёнда – юз бераётган мавлоно Муқимий лутфидаги “бўлди ажиб ҳангомаларни кузатиб киши беихтиёр тилини тишлаб қолиши тайин...” дейсиз. Сиз тилингизни тишласангиз, мен тилимни тишласам, улар тилини тишласа... ҳамма тилини тишлаб ўтираверса... юз йилми, минг йилми... тилсиз юраверсак... адабиёт нима бўлади? Миллат нима дейди? Шукур ака китоблар саҳифасидан чиқиб келиб, сўрасалар: “Адабиёт ўладими?” Кўп ўйладим... Нега “ҳангома”ларни очмагансиз? Калаванинг учини топгансиз. Ва калавани мавҳумликка отгансиз. Нима фикрга бордингиз? Ёки бу китобнинг мавзуси эмасми? Ва ё Шукур ака бу “Ҳангома”ларни айтиб, кўрсатиб, аён этиб, кетганларми?

“Адиб хотираларидан: “У кунлар ўтиб кетди, десам бўлади. Чунки олғир, иззатталаб, адабиёт учун хизмат қилишдан кўра ШУХРАТ орттиришни афзал биладиган адибларнинг даври ўтди.” (“Абадий замондош”, 328-бет.)

Бу Шукур Холмирзаевнинг ўша даврдаги фикри. Балки, 30 йил, балки 50 йил олдинги “даври ўтди”. Ўйладим: ўтгани ростми? Эҳтимол, ўтмагандир. Атрофга қарайман. Туйғуларим алдаяптими? Аксинча, ўшаларнинг “даври келган” бўлса-чи? Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдай буюк шоир... улуг адиб Шукур Холмирзаевдай... Ҳалима Худойбердиевадай... аллома... ижодкорлар... уларни... топиш осонми Ҳозир?! Чўққидан кейин яна баланд чўққи келмайдими? Валиуоллоҳлар сўзи ёдга тушади: “шуҳратда офат бор”. “Шуҳрат орттириш” касаллиги АДАБИЁТдан устун келса... “Офат” қараб турадими? Офат офатланади. Лекин зимдан, кўзга кўринмай. Пинҳона-ю ниҳона. Шукур аканинг ҳар бир сўзига... тафаккур билан назар ташланг: “олғир, иззатталаб...” Улкан адиб юрагини ғижимламаса, қобирғасини қисирлатмаса, кўнглини майиштирмаса, “олғир”ни ишлатармиди? Олғирлар ошиб кетаверган. Иззатталаблар кўпаяверган. Адабиёт боғида КИБР ғўддайиб юрган. Иззатталаб ғавғо чиқариб турган.

Булар кимни ўйлантирмайди?

Абдулла Қодирийда кибр бормиди? Ойбекдачи? Одил Ёкубовда-чи? Йўқ эди. Бирон одам уларни манман деб ёзмади. Айтмади. Шукур ака билган. Шунинг учун ўйлаган. Куйинган. Ичда ўртанган. Атрофидаги кибрларни кўрган. Олимжон Тошбоев, бу сўзларни китобга киритмай кетсангиз бўлармиди... Йўқ. Бўлмасди! Чунки адиб кўнгли билан кўнглингиз дарддош... Дард ёзганда, барибир кўринади...

Шу йўсинда таклифим бор: Шукур Холмирзаев асарлари-ю китобларини кутубхоналар, газета-журналлардан ким излаб топиб, ўқиса ўқир... Лекин Шукур аканинг “Ёзувчи ким?” мақоласини ҳеч бўлмаса, урғу бериб айтгим келаяпти, ҳеч бўлмаса ҳар йил битта адабиёт газетаси ёки журнали, “Ўзбекистон Адабиёти ва санъати”ми, “Китоб дунёси” ёки “Шарқ юлдузи” бериб бориши керак. Сиз бу мақолани бир ўқиб кўринг-да! Ғофилликдан уйғотади. Виждонни жонлантиради. Қалам тутган одам бунда-а-ай ўйлаб қолади...

Аслида, “Абадий замондош” ҳақида ўқимасдан бурун эшитгандим. Ўқишга иккиландим ҳам. Биринчи сабаб... Шукур ака асарлари... ана... оловдай ловуллайти. Оловнинг ўзи турганда олов ҳақида ўқисам? Ғалати эмасми?! Иккинчи сабаб... фикрладимки, адабиётшунос олимлар (узр айримлари) услубида, тилида сийқаси чиққан (“Шукур Холмирзаев асарлари реализм методида ёзилган”) иборалари билан таҳлил қилинган, деб юрдим. Хато... хато ўйлаган эканман.

“Абадий замондош”да мўъжизалар анча. 3-4та китоб ўқиган, озгина бўлса-да, адабиётни юрагига яқин олган одам бир жойда бўлмаса, бир жойда Шукур аканинг минг дардидан бир дардини ногоҳ тушунади. Зил дардини, Дил дардини... Таржимон билан бўлган воқеани. Бу ҳақда ҳеч қачон ёзилмаган. Лекин айтилган... Қаерда денг?! Бурчак-бурчакларда. Пинҳона гурунглarda. У ёқ – бу ёққа қараб... Қўрқа-писа. Ановилар эшитиб қолмасин, дея. Овоз чиқариб айтсангиз ғавғо кўпайган-да...

Хуллас, Шукур Холмирзаев асарини рус тилига таржима қилиниши учун Москвадан Шевелёв келган. Шу одам Шукур акага қоғозда рўйхат узатади... Ёнғок, майиз, pista, яна қанча нарсалар... Шуларни бозордан олиб бериш... Шевелёв тўлиб-тошиб қайтса Москвага – Шукур Холмирзаев таржима қилинади. “Мен қилмайман буни, бор, кетавер, дедим”.

Кўргилик бу... Адабиёт бошига тушган кўргилик. Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Нима дейиш мумкин?! “Ҳамма... шунақа... қилади...” Адабиётдаги порахўрликми, коррупциями, хушомадгўйликми, фирибгарликми, найрангбозликми... асаринг ёмон бўлса бўлаверсин, “совға-саломинг яхши бўлсин”... Гап “берадиган тухфанг”да. Адабиёт қаерда қолди?! Санъатнинг... сўз санъатининг ҳоли нима кечди? Ўйлайсиз-да, баъзими, кўпми... ёзувчилар таржимонни тўла-тўла, қиммат-қиммат, мўл-кўл илтифотлар билан Москвага кузатишган. Ҳақиқий адабиёт... қолиб кетаверган.

Ҳар нечук “жаҳон адабиёти андозалари” миқёсидаги Шукур ака... Қийин эди. Тегирмондан тирик чиқиш... осонми? Яна буюклашиб-а?? Шукур ака титан! Китобингизни ўқиб, бунга яна бир бор иймон келтирдим. Яна, айтгим келяпти-да... Шукур акадай давр тегирмонидан тирик ва бутун ҳолда, буюк ҳолда чиқиш – мўъжиза. Ибрат... Ноёб ибрат.

Ёки бошқа мисол. Бойсунда Шукур ака ижодкор Хидир Чоршанбиев (Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси) билан жуда кўп бор суҳбатлашган. Шукур ака ёзувчи дўсти Хидир Чоршанбиевга ёзган мактубида: “Хидиржон, тўғри йўл топибсан, лавозиминг вақтинча, кўпроқ ёзавер, аммо партияни қўшма. Партия вақтинча, ўтиб кетади, ишонма”, дейди. Қаранг-да, Адабиёт ва Мафкура бир-бирини рад этиб, бир-бирига интилиб келган. Бу ҳақда, Хидир ака, гурунглашиб қолсак, ҳозир ҳам ҳайратланиб айтади. Ўша... Партия дунёни титратиб турган СССР пайтида... Партия “ўтиб кетади” дея олган. Бу башоратмиди? Келажакни кўришмиди? Ё ҳаётни, тарихни нихоятда чуқур англаганларми?!

Шукур ака кўркмаганларми? Ҳаётини ўйламаганларми? Ўйлаганлар... лекин ҳар нечук йўлини, ростини топиб айтганлар. Хидир акадай ишончли дўстига... пинҳона... пинҳона гурунгда... ё бир ёзган мактубидами... Қойил қолмай илож йўқ. Шукур ака советларнинг “урра-урра” мафкурасига ишонмаган. Унинг Партияси ҳам, мафкураси ҳам, ўзи ҳам вақтинча эканлигини тушунган. Ва соф Адабиёт яратган. Олти томонини ўраб олган “урра-урра”лар адиб тафаккурини, юрагини эгаллаб ололмаган. “Абадий замондош”ни ўқиб, шуни ҳаёлимдан ўтказдим.

Хўп, “бунинг ҳаммаси Совет даврида бўлган”... Бугун-чи? Бозор иқтисоди. “Бугун бундай машмашалар йўқ бўлса керак” дейсиз, Олимжон. Ишонмайман. Баъзи... қишлоғи тан олмаган ёзувчиларнинг ҳикоялари Ҳиндистонда, Лондонда, Туркияда китоб бўлиб чиқаяпти. Яхшиликка бўлсин-да, яхшиликка... ёки мен тушунмаяпману, уни дунё ўқияптимикин?!

Шукур ака яна бир жиҳатга эътибор қилганларки, университет талабалари баҳсларида, ижодий тўғаракларида Абдулла Қаҳҳор қатнашган. Ҳайрон қолдим. Талабалар билан ижодий учрашувда эмас, тўғаракда... Қизик... жуда қизик. Қандай қилиб вақт топганлар? Улуғ адиб... тўғаракка борса? Қандай тушуниш мумкин? Ё давр бошқамиди?

Ҳозир университетга, талабаларнинг адабий тўғарагига шоир, ёзувчи борадими? Ўзларини камситилган сезишади. Ундан ташқари, мени кечирасиз, ҳозир “Даҳо” ижодкорлар ҳам жуда кўпайди. Қайси томонга қараманг – “даҳо”! Яқинлашиб бўлмайди. Писанд қилмайди. Ёш ижодкорни югурдак бола деб билади. Ё мен нотўғри ўйлаяпманми? Нотўғри фикрлаётган бўлсам қанийди... Пул ўлгур бозор иқтисодини олиб келди... дарёлар қандайдир лойқаланди. Балки, бу, ҳақиқий даҳолар йўқлигиданмикин?

“Абадий замондош” менинг фикримча, момақалдиروقдай гумбурлади... Юрагимдагини айтаяпман. Нега менга шундай туюлади? Бир ўй мени безовта қилади. Шукур ака ўзбек адабиётида ҳикоячиликни, керак бўлса, ПРОЗАни янги... чўкки босқичига олиб чиқди. Лекин тўрт томонга қарайман, Шукур Холмирзаев кўзимга... узокда кўринаётир. Қандайдир жимлик...

Бир пайт. Ёдимда. Таклиф беринг, дейишди. “Шукур Холмирзаев номидаги ИЖОД мактаби Термиз шаҳрида улкан Адабиёт кошонаси тарзида қурилса... ёшлар Адабиётни ўрганса... Шукур Холмирзаев ижодий мактаби Ижод мактаби билан уйғунлашса”. Таклифимиз йўлда қолдими? Жимлик. Кейин яна айтдик: “Бойсунда Шукур Холмирзаев ўқиган мактабга Адиб номи берилса...” Йўл узокми, дейман? Етиб бормади, шекилли. Тўғриси, яна бир гап: Адиблар хиёбонига борганимда... “Ассалому алайкум, Шукур ака...” дегим келади. Бир мен эмас, Сурхондарёда, Фарғонада, Бухорода қанча кўнгилларда шу – ният. Президентимизга етиб бормаяпти-да! Етиб борса эди... Ҳал бўларди.

Ҳурматли Олимжон! “Абадий замондош” юрак билан ёзилибди. Йиллар... неча йиллар заҳмат чеккансиз. Бундай Нурли ва Дардли ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки китоб ўқиш учун олов китоб излайман. Ойлаб тополмайман. Шунда аввалгиларга қараб кетаман. “Ўткан кунлар”ни, “Диёнат”ни қайта ўқийман. “Иқрорнома”ни қўлга оламан. Абдулла Ориповни ўқийман. Эркин Воҳидовнинг ижодини юрагим устига қўяман... Энди “Абадий замондош” ҳам бор... Фақат “Хотима ўрнида” боби ҳақида бир гапни айтишга иккиландим. Негаки, бу боб кўзимга хотима бўлиб кўринмади. Ё у керак эмас. Ёки бошқача ёзилса, шахсий фикрим бу. Балки, минг-минг кишига маъкулу... битта менга шундай туюлгандир. Жўн хулоса чиқарган бўлсам, узр.

Ўзимча ўйлайман. Китоб адибона ёзилдими, адибона нукта қўйилиши лозим. Китобхонни юлдузлар сайрига, юксак ва гўзал фикрлар, фалсафалар, бадииятлар дунёсига олиб чиқдингиз. Ногаҳон куёш осмонидан... бирдан... бирдан рақамлар-у фактлар тўқайзорига отсангиз, асарингизни ўқиб тугатган киши “Нега бундай бўпти? Нега?” деб эмас, ўқиб бўлса ҳам китобингиз дунёсидан чиқолмасин. Кетолмасин. Керак бўлса, ойлаб... Шукур ака ҳақида, сиз ҳақингизда ўйлаб юрсин. Қалашган далиллар-рақамлар китобхон ҳафсаласини пир қилади. Буюк шоирнинг гапи бор. “Яхши бошладингиз, яхши тугатинг”. “Абадий замондош”дай китоб ҳар куни дунёга келмайди.

Китобни ўқиб бораётиб... ҳайратимга ҳайрат қўшилгани сари, бир ўй кўнглимни тарк этмади. Румий ҳазратлари айтганларки, оҳанрабо матоҳни ўзига тортмайди. Аслида оҳаграбо ўзига оҳанрабонигина тортади, юрак юракни топгани каби, нур нурга интилгани каби, “буюкликдан буюклик туғилгани каби” (Абдулла Орипов ибораси)... Шукур Холмирзаев буюк оҳаграбо, сиз ҳам улуғ адибга муносиб оҳаграбосиз. Шукур Холмирзаевни миллионлаб инсонлар ўқийди. Сиз ҳам ўқибсиз, ҳам уқибсиз, ҳам юрагингиздан ўтказибсиз. “Абадий замондош” Юракка ўхшаган китоб бўлибди.



Абдулла ТҰҚАЙ

Эчки билан Қўй

Бурун замон бир эр билан хотин бўлган,
Турмушлари анчагина фақир бўлган.

Асраганлар бир Эчки ва биргина Қўй,
Устихони афтодаҳол, суяк ва бўй.

Эр айтибди: “Гапга қулоқ солгин хотин!
Ўзинг яхши биласан-ку, пичан хақин.

Эчки билан Қўйни хайда, бўшат қозик,
Нафи тегмай еб ётишар, исроф озик.

“Майли, – дебди, хотини ҳам кўниб гапга,
Иккисини хайдаб солинг, хўп узоққа.

Эчки билан Қўйдан нима фойда кўрдик,
Кетаверсин қиргами ё ўрмон ёкка.

Мискингина бош эгдилар Қўй ва Эчки,
Иккисига каттагина қопчиқ тегди,

Эгасига бўлмас асло қарши бориб,
Йўл солдилар қирга томон ҳориб, толиб.

Улар кетди. Тополмайин ўзга чора,
Узаярди Тангри ёзган йўл тобора,

Абдулла ТҰҚАЙ – (1886–1913). Татар шоири, публицист. Уральск шаҳридаги мадрасани тамомлаган. Унинг “Тувгон тил”, “Туркий гулистон”, “Озодлик ҳақида”, “Текинхўрларга”, “Дунё бу”, “Кетмаймиз”, “Товуш”, “Турмуш” каби шеърлари, “Маҳораба ва давлат думаси” номли мақолалари нашр этилган.

Иштаҳа йўқ, кўп юрдилар қирлар ошиб,
Йўлиқдилар йўл устида – бўри боши!

Қўзгатолмас, жонсиз бошни Эчки – кўрқоқ,
Қўрқоқликка хўп азалдан Қўй ҳам ўртоқ.

Даҳшат ичра қалтирашар, ажиб бир ҳол,
Турткилашар бир-бирини “Сен ол, мен ол!”

“Эй, отахон, сен кучлироқ”, дейди Эчки,
Қўй айтади: – “Ғайратлисан, ўзинг ол-чи”.

Бўри бошин олмоққа ҳеч топмай журъат,
Даҳшат ичра ўтди бунда анча фурсат.

Чамалашиб ҳам у ёғу, бу ёғидан
Бўри бошин тутиб, икки қулоғидан,

Жаҳд этишиб, истадилар бўлмоқ ғолиб,
Йўналдилар йўллариға, қопга солиб.

Адоғи йўқ йўл юрдилар, анча узок,
Ўрмон ичра йилтиради ўтми, чироқ?

Қўй дедики: “Бошқа менинг мажолим йўқ,
Эчки оға, кел бўлайлик шунда қўноқ.

Ўт ёнига бўрилар ҳам келолмаслар,
Бизнинг бунда қўнганимиз билолмаслар”.

Қўйнинг гапи ёкиб тушди Эчкига ҳам:
“Майли, ўртоқ шунда қолиб, олайлик дам”.

Қўй ва Эчки ўт ёнига яқин борса,
Бечоралар кўз олдида – зўр томоша:

Уч-тўрт бўри ўтирибди қараб ўтга,
Қозон осиб, пиширмоқда тотли бўтқа.

Эчки ва Қўй хайрон кўриб, бунда борин
Қалтирашди, танда қолмай куч-мадори,

“Хайрли кеч, омонмисиз, афандилар?” –
Қўрққанини сездирмасдан, сўз қотдилар.

Кувонч чақнаб кетди бўри кўзларида,
Ўзи келган ўлжа тайин – қўлларида!

“Еймиз, энди. Бу икковин тутамиз-да,
Лаҳм гўшти топдик, – дерлар, – бўтқамизга!”

Эчки деди: “Қайғурманглар, бизда гўшт кўп,
Бу гўшт билан ҳар биримиз бўлурмиз тўк!

Шалвирама, Қўй амаки, бўлма хайрон,
Қопчиқдаги бўри бошин келтир чаққон”.

Қўй тезгина қопчиқдаги бошни олди,
Бўз бўрилар кўрққанидан, шошиб қолди.

Улар қотиб, мум тишлашиб турган чоғи,
Ўткирлашар шум Эчкининг дуд, димоғи.

Жаҳли чикқан бўлиб, бир бақирди – “Ме-е!
Каттароғи бор эди-ку, шуни опкел,

Эсинг борми, эй нодон Қўй, бунисимас,
Меҳмондўстлик шарафига бу писандмас!”

Қўй ҳам тезда англади-ку, бу қувликни,
Роса боплаб дўндирди-ку, у қувликни.

Уч-тўрт бўри энди ростдан кўрқишдилар,
Бир-бирига маънодор кўз йиришдилар.

Хип бўғилди томоқлари, ўтмас овқат,
Жуфтакни тез ростламоққа айни фурсат.

Лекин, қандай эплашади бунинг йўлин?
Хаёл чалғиб, хўп ўйлашди, эгиб бўйин.

Сўз бошлади бу орада улкан бўри,
Қартайган ҳам кўп тажриба кўрган бўри:

“Бирпас тўхтанг, – мен тезгина сув келтирай,
Сув йўқликдан, бўтқа куйиб, бўлмасин хайф”.

Шундай қилиб, катта бўри сувга кетди,
Лек, қайтмади, орадан кўп фурсат ўтди.

Мажлис аҳли кўп кутдилар, ҳеч дарак йўк,
Шерикларин ўзи ҳам йўк, изи ҳам йўк.

Бўриларни яна тагин кўркув босди,
Англадилар, бошлиқлари алдаб қочди.

“Қараб келай, дўстимизнинг ҳоли нетди?”
Баҳоналаб, яна бири излаб кетди.

Аён энди, бу бўри-да қочиб қолар,
Жонин асраб қолмоқ учун ҳийла қилар.

Сас-садо йўк, ўтирганлар ҳамон кутар,
Йўл қарашиб, бўриларда тоқат битар.

Секин-аста эплаб қочди учинчиси,
Ундан кейин ғойиб бўлди тўртинчиси.

Қувонишиб, сакрадилар Қўй ва Эчки,
Қутлдилар, тўкилмасдан битта туки.

Ўтирарлар оёқ букиб, қараб ўтга,
Хузувланиб, ейишарди ширин бўтқа.

Исиққина гулхан олди, босди мудроқ,
Эчки ва Қўй бунда қолди, бўлиб қўноқ.

Тонг ҳам отди, йўлга чикди икки ғолиб,
Қопчиғига бўри бошин тагин солиб.

Улар яна ўрмон бўйлаб сафар этди,
Омон бўлинг! Ҳикоям ҳам шунда битди.

Татар тилидан
Сайёра ЖАББОРЗОДА таржимаси



Сайёра ЖАББОРЗОДА – 1972 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Олий адабиёт курсини тамомлаган. “Қорачигим тубидаги нур”, “Бир ҳовуч нур” номли шеърий, “Гавҳарафшон” ҳикоялар тўплами чоп этилган. “Қисмат тоши” романи муаллифи.



Naima ANVAROVA

Men hech kimni quvmayman

Solijonning to‘tisi

So‘zlash uchun tinglash kerak,
To‘ti so‘ylar holini:
– Har bir gapin diqqat bilan,
Eshitaman Solini.

Kecha “ahmoq” degan edi,
Ukasiga qilib g‘ash.
Yodlab oldim bu gapini,
Tuni bilan qilib mashq.

Bugun unga maqtanay deb
“Ahmoq” desam nogahon.
“Mukofot”ga och qoldirdi,
Kuni bo‘yi bermay don.

Kengru

Xaltasida bolasi,
Ko‘zining oq-qorasi.
Erkalatar erta-kech,
Uning amma, xolasi.
Qor yog‘adi bo‘ralab,

Naima ANVAROVA – 1998 yilda tug‘ilgan. O‘zbekiston Milliy universitetining jurnalistika fakulteti talabasi. Shoiraning “Makka va hakka” nomli to‘plami chop etilgan.

Xaltasidan mo‘ralab.
Der, manzilga yetdikmi,
Yo olislab ketdikmi?

Farhodning shokoladi

Farhod yo‘lda ketayotib,
Ko‘rib qolib Alini.
So‘rab ko‘rdi: – Hech qayerda,
Ko‘rmadingmi Valini?

– Valijonmi, ko‘rinmadi,
Zarur ishing bormidi?
Yoki biron hodisaga
Aynan sababkormidi?

– Qo‘limdagi shokoladni
Oldi, ochib beray, deb.
Aldab ketdi qog‘ozini,
Chetga tashlab kelay, deb.

Ko‘zgu bilan taroq

Bir kun taroq maqtanar:
– Kamina, ko‘pni ko‘rdim.
Hatto sartaroshlarning
Chin do‘sti bo‘lib yurdim.

Qadrimni qarang, menga,
Tushar hammaning ishi.
Shu dam ko‘zgu kuladi:
– Ko‘p, do‘stimning tashvishi.

Men hech kimni quvmayman,
Yolg‘onmas, ko‘zgu so‘zi.
Biroq, meni ko‘rgani,
Kelar ularning o‘zi.

Адабий ҳаёт

* * *

6 июль. Филология фанлари номзоди, доцент Сайёра Холмирзаеванинг янги “Мен – отамнинг қизиман” деб номланган китоби нашрдан чиқди. Китобда Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодига оид ҳамда унга яқин бўлган инсонлар ҳақида ёзган мақолалари, эссе ва суҳбатлари жамланган.

* * *

Истеъдодли шоира Зумрад Машарипованинг “Яшил туйғулар” номли шеърӣй тўплами нашрдан чиқди.

* * *

7 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида Аҳмаджон Мелибоевнинг “Эркин Воҳидовнинг имзоси” номли янги китоби чоп этилди. Унда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири билан боғлиқ ижодий воқеалар, жонли суҳбатлар, мақолалар, эсселар асл ҳолича берилган.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қозоғистоннинг “Tan-Sholpan” (“Тонг юлдузи”) журнали масъул котиби Дийдар Кулкенов билан учрашув бўлиб ўтди. “Tan-Sholpan” журнали адабий-бадиӣй нашр бўлиб, икки ойда бир марта ўн минг нусхада Олмати шаҳрида босилади. 2023 йил журналда “Ўзбек адабиёти йили” деб белгиланган. Режага кўра, 2023 йил охиригача қатор ўзбек ижодкорларининг шеър ва ҳикоялари қозоқ тилига таржима қилиниб, журнал саҳифаларида чоп этилади.

* * *

6-8 июль. Туркиянинг Истамбул шаҳрида 8-халқаро Истамбул ноширлик касбий учрашувлари тадбири ва конференция бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимиздан шоиру адиблар ҳамда йигирмадан ортиқ нашриёт ва босмаҳона мутахассислари иштирок этди.

* * *

12 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Буюк жаҳид бобомиз Абдулла Авлоний таваллудининг 145 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

* * *

13 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шухрат” медали соҳиби Ҳабиб Сиддиқнинг қирғиз тилида “Нымкесе” (“Нимкоса”) номли китоби чоп этилди. Ушбу китобда адибнинг фалсафий мушоҳада ва ҳазил-мутуйибага йўғрилган кўнгилдаги гаплари, илиқ фикрлари, кўндаланг саволлари ва ён дафтардаги қайдлари жамланган.

* * *

14 июль. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллиги нишонланаётган жорий йилда “Бобурнома” асари итальян тилида юқори матбаа сифатида кўп нусхада нашр этилди. “Бобурнома”ни таржимон Федерика Пасторе итальян тилига ўгирган.

* * *

15 июль. Ёзувчи Абдурауф Бахмалийнинг “Супер коррупция” ва “Каъбаи муаззама зиёрати” номли китоблари тақдироти бўлиб ўтди.

* * *

17 июль. Таниқли драматург, адиб Алп Жамол таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча ҳамда “Меҳрибонлар” китоби тақдироти бўлиб ўтди.

* * *

“Улуғбек” жамғармаси раиси Оқил Салимовнинг “Янги Ўзбекистон давлати” номли китоби нашрдан чиқди. Китоб бутунлай янги тарихий шароитларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган, учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори қўйилаётган жараёнларга бағишланган.

* * *

18 июль. Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги сўлим Ўрикисой дам олиш масканида Республика ёш ижодкорларининг аънавий Зомин семинари бошланди. Семинарнинг ҳудудий босқичларидан ўтган ёш ижодкорлар уч кун давомида шеърят, наср, драматургия, бадиий таржима, адабий танқид каби йўналишларда устоз адиблар маҳорат дарсларини ўтдилар. Улар тенгдошлари ижодидан баҳраманд бўлиб, тажриба ва маҳорат оширдилар.

МУНДАРИЖА	
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Азим СУЮН. Мен сени тоғларга олиб кетаман.	4
НАЗМ	
Носиржон ЖЎРАЕВ. Кўксим ичра бир муҳаббат хотири.	30
Гўзал БЕГИМ. Денгиз музейи бор ичимда.	52
Санобар МЕҲМОН. Ишқ дашти. <i>Достон</i>	101
НАСР	
Мухаммад САЛОМ. Ҳар устознинг ўз йўриғи бор.	
<i>Эсседан парча</i>	10
Содиқжон ИНОЯТОВ. Сўнги ўқ. <i>Ҳикоя</i>	35
Шарифжон АҲМАД. Сарсон изларди ўзини-ўзи. <i>Ҳикоя</i>	43
Рустам МУСУРМОН. Мажористоннинг буюк бойлиги.	
<i>Эссе</i>	63
Дилором АБДУРАҲМОН қизи. Кўҳак – кўҳликкина дарём .	
<i>Новелла-эссе</i>	91
Махмуд РАЖАБ. Сарагул. <i>Ҳикоя</i>	128
АДАБИЁТ ВА ШАХС	
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Серкирра ижодкор,	
моҳир таржимон.	111
Бобоҳон МУҲАММАД ШАРИФ. Имони хурият	
бўлган шоир.	114
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. Ижоднинг машаққатли йўли.	122
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Машҳура ШЕРАЛИЕВА. Бугунги шеърятнинг	
лирик қаҳрамони ким?	134
ЁШЛАР ИЖОДИ	
Жалолиддин САИД. Рухим бир ёввойи оҳанг истайди.	57
ЗУЛФИЯ ИЗДОШЛАРИ	
Зарнигор АБДУОЛИМОВА. Сирларингни сукунатга соч.	145
Нигора МУҲАММАД. Юраверсанг тугамас йўл.	147
Нилуфар ЭРГАШЕВА. Бойчечаклар териб келай.	150
Маъмура ТЎРАЕВА. Рўмол. <i>Ҳикоя</i>	152
ТАДҚИҚОТ	
Абилжон АБДУРАҲМОҶОВ. “Биз ёруғлик	
излаймиз ҳамон”.	154
МУНОСАБАТ	
Фозил ЖАББОРОВ. Тил йўқолса йўқолмасми эл?	159
МАКТУБЛАРДА БОРДЕК ҲАҚИҚАТ	
Менгнор ОЛЛОМУРОД. Нур нурга интилади.	
<i>ёхуд Олим Тошбоевга очиқ хат</i>	162
ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ	
Абдулла ТЎҚАЙ. Эчки билан Қўй.	168
BOLALAR DUNYOSI	
Naïma ANVAROVA. Men hech kimni quvmayman.	172
Адабий ҳаёт.	174

Шарқ юлдузи

2023

7-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

04.08.2023

Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табағи 11,0.
Шартли босма табағи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табағи 17,2.
Адади 7450 нуска.
Буюртма №8

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. “PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси 35-уй
Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мухаррир:

Дилфуза Маҳмудова

Мусаҳҳих:

Моҳира Ҳусанова

Веб-сайт муҳаррири:

Дилноза Камол

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”